

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**8.2021**

**научно-теоритический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2021**

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	<b>TAHRIR HAY’ATI:</b>
<p><b>JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</b></p> <p><b>JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</b></p> <p><b>2021 8 (170)</b></p>	<p><b>ABDULLAYEV Bahrom</b>, fizika-matematika fanlari doktori,  <b>ABDULLAYEV Ikrom</b>, biologiya fanlari doktori, professor,  <b>ABDULLAYEV Ilyos</b>, iqtisod fanlari doktori,  <b>ABDULLAYEV Ravshanbek</b>, tibbiyot fanlari doktori, professor,  <b>ABDULLAYEV O‘tkir</b>, tarix fanlari doktori,  <b>ANNAMURATOVA Svetlana</b>, pedagogika fanlari doktori, professor,  <b>BERDIMUROTOVA Alima</b>, falsafa fanlari doktori, professor,  <b>DAVLETOV Sanjarbek</b>, tarix fanlari doktori,  <b>DO‘SCHONOV Tangribergan</b>, iqtisod fanlari doktori, professor,  <b>ERMETOVA Jamila</b>, filologiya fanlari nomzodi, dotsent,  <b>HAJIYEVA Maqsuda</b>, falsafa fanlari doktori,  <b>IBRAGIMOV Zafar</b>, fizika-matematika fanlari nomzodi,  <b>IMOMQULOV Sevdiyor</b>, fizika-matematika fanlari doktori,  <b>JO‘RAYEV Mamatqul</b>, filologiya fanlari doktori, professor,  <b>JUMANIYAZOV Maqsud</b>, texnika fanlari doktori, professor,  <b>JUMANIYOZOV Otaboy</b>, filologiya fanlari nomzodi, professor,  <b>KALANDAROV Aybek</b>, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori  (mas‘ul kotib),  <b>NAVRUZOV Qurolboy</b>, fizika-matematika fanlari doktori, professor,  <b>OLLAMOV Yarash</b>, yuridik fanlari nomzodi, dotsent,  <b>OTAMURODOV Sa‘dulla</b>, falsafa fanlari doktori, professor,  <b>PRIMOV Azamat</b>, filologiya fanlari nomzodi, dotsent,  <b>QUTLIYEV Uchqun</b>, fizika-matematika fanlari doktori, professor,  <b>RO‘ZIMBOYEV Safarboy</b>, filologiya fanlari doktori, professor,  <b>RO‘ZIYEV Erkinboy</b>, pedagogika fanlari doktori, professor,  <b>SADULLAYEV Azimboy</b>, fizika-matematika fanlari doktori, akademik,  <b>SADULLAYEVA Nilufar Azimovna</b>, filologiya fanlari doktori,  <b>SAGDULLAYEV Anatoliy</b>, tarix fanlari doktori, professor,  <b>SALAYEV San‘atbek</b>, iqtisod fanlari doktori, professor,  <b>SALAYEVA Muxabbat Soburovna</b>, pedagogika fanlari doktori,  <b>SATIPOV G‘oipnazar</b>, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor,  <b>XODJANIYOZOV Sardor</b>, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh  muharrir o‘rinbosari),  <b>YOQUBOV Jamoliddin</b>, filologiya fanlari doktori, professor,  <b>O‘ROZBOYEV Abdulla</b>, filologiya fanlari doktori,  <b>O‘ROZBOYEV G‘ayrat</b>, fizika-matematika fanlari doktori,  <b>G‘AYIPOV Dilshod</b>, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.</p>

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

### **Бахром АБДУЛЛАЕВ, Урганч Давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори ЭГАЛЛАГАН БАРЧА МАРРАЛАРИМИЗ ЭНГ УЛУҒ ҚАДРИЯТИМИЗ – ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ**

Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун бекиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаёти-ни таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда.

Ўтган 30 йил мобайнида мамлакатимиз ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан катта марраларга эришди. Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши таълим йўналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижаси ўларок, бугун Республикаимизнинг турли жабҳаларида ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилиб, йилдан-йилга ёшларга кўрсатиладиган эътибор ортиб бормоқда.

Ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларнинг ҳимоя қилиниши, сифатли таълим, тиббий хизматни таъминлаш, иқтидор ва ташаббусларнинг қўллаб-қувватланиши булар ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидир. 2016 йилда қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ўтган даврда республикаимизда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтарди. Бу борада олий таълим соҳасида, хусусан, Урганч Давлат университетида ҳам эътирофга арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, 2016 йилда университетда бакалаврият ҳамда магистратура босқичида жами 7221 нафар талаба таҳсил олган бўлса, 2020–2021 ўқув йилига келиб бу кўрсаткич жами 23414 нафарга етди. 2016 йилда қабул квотаси 1790 та бўлганини ҳисобга олсак, 2021–2022 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 2,8 баробарга (5033 та) оширилди.

Урганч Давлат университетида 2021–2022 ўқув йилида 65 та кундузги таълим йўналишига, 23 та сиртқи таълим йўналишига ҳамда 31 та магистратура мутахассислигига қабул квоталари тасдиқланди.

2021–2022 ўқув йили учун вилоятимиздаги кадрларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олиниб, 4 та янги бакалаврият таълим йўналиши ва 6 та янги магистратура мутахассислиги очилди.

Кафедралар сони эса 39 тага етди. Уларда жами 925 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатади. 2021 йилга келиб, 27 нафар фан докторлари, профессорлар, 210 нафар фан номзоди, PhD, доцентлар, 134 нафар катта ўқитувчи ва 469 нафар ассистент ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда ва илмий салоҳият 27% ни ташкил қилади.

Талабаларимиз ҳар йили мунтазам равишда фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, ғолиб бўлиб келмоқда, қатор нуфузли номдор стипендиялар соҳиблари бўлмоқда.

Дунёнинг ривожланган давлатлари, хусусан, Россия, Германия, Белоруссия, АҚШ, Австрия, Швейцария, Италия, Корея, Польша каби давлатларнинг университетлари билан халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, ўқув жараёнларига тажрибали мутахассислар жалб қилинмоқда, қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрланмоқда, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинувлари, хорижий сафарлар амалга оширилмоқда.

2020 йилда талабаларнинг турар жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида университет худудида замонавий типдаги 500 ўринли талабалар турар жойи биноси қурилди. Ушбу талабалар турар жойида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида бинонинг ертўласида қисмида замонавий жиҳозланган Коворкинг марказ, IT парк, кутубхона, Заковат хонаси, тил марказлари, қизларимиз учун тикувчилик хоналари ташкил қилинган.

Шунингдек, янги 2021–2022 ўқув йилида 2000 ўринга мўлжалланган 7 қаватли ўқув биноси қуриб битказилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда университетимиз республикадаги энг илғор олий ўқув юртлари қаторида эътироф этилмоқда. Албатта, бундай ривожланишларнинг асосий бўғинида УрДУда фаолият юритаётган захматкаш устоз ва мураббийлар, ходимлар, ўзининг юксак ақл-заковати билан таҳсил олаётган талабаларнинг ҳам ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон халқи ўтган аждодларимизнинг азалий орзуси бўлган Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрамини юракларида юксак ғурур ва ифтихор билан кенг нишонламоқда. Айниқса, жорий йил ушбу шодиёнанинг “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” эзгу ғояси остида ўтказилаётганлиги барчамизга чексиз қувонч бағишлайди. Шу фурсатдан фойдаланиб, энг улуғ ва энг азиз айёмни катта хурсандчилик ҳамда зафарлар билан қарши олаётган бутун университетимиз жамоасини, Ўзбекистон халқини – Истиклолимизнинг қутлуғ 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бетакрор Ватанимиз равнақи йўлида садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик, чарчамайлик! Барчамизга, жонажон юртимизнинг камолини, фарзандларимиз ва набираларимизнинг бахту икболини кўриш насиб этсин! Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Хурматли ҳамкасблар, кадрли талабалар! Яна бир бор Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами билан сиз, азизларни ва сиз орқали оила аъзоларингизни чин қалбимдан табриклайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Барчамизга мана шу энг улуғ, энг муқаддас байрам муборак бўлсин!

**Yakubova Umida Shuhratovna (Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti),  
Parpiyeva Nodira Tulkunovna (Belorus – O‘zbekiston qo‘shma tarmoqlararo  
amaliy texnik kvalifikatsiyalar instituti),**

**Eshtemirova Shaxnoza Haqqul qizi (Toshkent davlat pedagogika universiteti)**

**CHIZIQLI PROGRAMMALASHTIRISH MASALALARI HAQIDA BA’ZI TUSHUNCHALAR**

***Annotatsiya.** Maqolada chiziqli programmalashtirishning muhim qismi bo‘lgan transport masalalari ko‘rilgan. Ba’zi sodda iqtisodiy masalalarning chiziqli modellarini tuzishga oid namunalar keltirilib, ularni yechish usullari ko‘rsatilgan. Berilgan masalaning matematik modelini tuzish bosqichlari ko‘rsatilgan. Korxonada mahsulotlarni sotishdan oladigan daromadi eng ko‘p bo‘lishi uchun qaysi turdagi mahsulotdan qancha ishlab chiqarishi kerakligini aniqlash uchun masalaning matematik modeli tuzilgan.*

***Аннотация.** В статье рассмотрена транспортная задача, как важная часть линейного программирования. Приведены образцы составления линейных моделей для некоторых простых экономических задач и продемонстрированы методы их решения. Показаны этапы составления математической модели заданной задачи. Составлена математическая модель задачи для определения количества и видов производимой продукции для максимизации прибыли предприятия.*

***Annotation.** The article discusses transportation issues, which are an important part of linear programming. Examples of linear models of some simple economic problems are given and ways to solve them are suggested. The steps involved in creating a mathematical model of a given problem are shown. A mathematical model of the problem has been developed to determine how much of a product a company needs to produce in order to maximize its sales revenue.*

***Kalit so‘zlar:** transport masalasi, matematik model, funksiya eng kichik va eng katta qiymati.*

***Ключевые слова:** транспортная задача, математическая модель, наименьшее и наибольшее значение функции.*

***Key words:** transportation issues, mathematical model, function minimum and maximum value.*

Hozirgi kunda ma’lum bir fanni o‘rganish uchun unda ko‘rilayotgan nazariy tushunchalarni amaliyotda qo‘llay olish, shu o‘rinda turli iqtisodiy masalalarni yechishda ularni matematik modelini tuzib olishni bilish muhim ahamiyat kasb etmoqda.<sup>1</sup> Bunda chiziqli programmalashtirish usullaridan foydalanish mumkin.

Chiziqli programmalashtirish matematik programmalashtirishning bo‘limlaridan biri bo‘lib, unda noma’lumlarga chiziqli tenglama yoki tengsizlik shaklidagi chegaralovchi shartlar qo‘yilgan chiziqli funksiyaning eng kichik yoki eng katta qiymatini topish masalasi yechiladi. Chiziqli programmalashtirish usullarini qo‘llab, amaliyot masalalarini yechishda, avvalo, masalaning matematik modelini tuzish kerak. Berilgan masalaning matematik modelini tuzish quyidagi bosqichlarni o‘z ichiga oladi:

- 1) masalaning ma’nosi bilan tanishib, undagi noma’lumlarni belgilash;
- 2) masalaning chegaraviy shartlarini chiziqli tenglamalar yoki tengsizliklar shaklida ifodalash;
- 3) masalaning maqsadini chiziqli funksiya orqali ifodalash;

Quyida ba’zi sodda iqtisodiy masalalarning chiziqli modellarini tuzishga oid namunalar keltiramiz [2].

**1-masala.** Korxonada *A*, *B* va *C* mahsulotlarni tayyorlash uchun tokarlik, frezerlik, payvandlash va silliqlash uskunalaridan foydalaniladi. Har bir mahsulotning bir birligini tayyorlash uchun sarf qilinadigan vaqt, har bir uskunaning umumiy ish vaqti fondi hamda har bir turdagi birlik mahsulotni sotishdan olinadigan daromad ham 1-jadvalda keltirilgan.

*1-jadval*

Uskunalar	Har bir turdagi mahsulot birligini ishlab chiqarish uchun sarflanadigan vaqt (stanok-soat)			Uskunaning umumiy ish vaqti fondi (soat)
	A	B	C	
Tokarlik	1	8	6	280
Frezerlik	2	4	5	120

<sup>1</sup>Якубова У.Ш., Парпиева Н.Т., Мирходжаева Н.Ш. Некоторые применения теории матриц в экономике. Бюллетень науки и практики. 2021, Т. 7, №2, с. 245–253. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/63/24>.

Payvandlash	7	4	5	240
Silliqlovchi	4	6	7	360
Daromad (shartli birlik)	10	14	12	

Korxonada mahsulotlarni sotishdan oladigan daromadi eng ko'p bo'lishi uchun qaysi turdagi mahsulotdan qancha ishlab chiqarishi kerakligini aniqlash talab qilinadi. Masalaning matematik modelini tuzing.

**Yechilishi.** Aytaylik, korxonada  $x_1$  dona **A**,  $x_2$  dona **B** va  $x_3$  dona **C** mahsulot tayyorlashni rejalashtirgan bo'lsin, u holda shuncha miqdordagi mahsulotni tayyorlash uchun  $1 \cdot x_1 + 8x_2 + 6x_3$  stanok-soat tokarlik uskunasi vaqti sarflanadi.

Tokarlik uskunasi foydalanish vaqti jami 280 soatdan oshmasligi kerak, ya'ni

$$x_1 + 8x_2 + 6x_3 \leq 280,$$

tengsizlik bajarilishi lozim.

Xuddi shunga o'xshash mulohazalar bilan frezerlik, payvandlash va silliqlovchi uskunalaridan foydalanish vaqtiga nisbatan quyidagi tengsizliklar hosil bo'ladi.

$$2x_1 + 4x_2 + 5x_3 \leq 120,$$

$$7x_1 + 4x_2 + 5x_3 \leq 240,$$

$$4x_1 + 6x_2 + 7x_3 \leq 360,$$

Tayyorlanadigan mahsulotlar soni manfiy bo'la olmaydi, shu sababli

$$x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0.$$

Shuningdek, agar  $x_1$  birlik **A**,  $x_2$  birlik **B** va  $x_3$  birlik **C** mahsulot tayyorlansa, ularni sotishdan korxonada oladigan jami daromad  $F = 10x_1 + 14x_2 + 12x_3$  shartli birlikni tashkil etadi.

Shunday qilib, quyidagi matematik masalaga kelamiz:

$$\begin{cases} x_1 + 8x_2 + 6x_3 \leq 280, \\ 2x_1 + 4x_2 + 5x_3 \leq 120, \\ 7x_1 + 4x_2 + 5x_3 \leq 240, \\ 4x_1 + 6x_2 + 7x_3 \leq 360, \end{cases} \quad (1)$$

sistemani qanoatlantiruvchi shunday

$$x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0, \quad (2)$$

noma'lumlar kerakki, ular

$$F = 10x_1 + 14x_2 + 12x_3, \quad (3)$$

funksiyaga maksimal qiymat bersin.

Yuqorida keltirilgan (1), (2) va (3) munosabatlar berilgan masalaning matematik modelini ifodalaydi.

**2-masala.** Chorvani to'yimli oziqlantirish uchun har chorva bir kunda **A** ozuqa moddasidan kamida 60 birlik, **B** oziqadan kamida 50 birlik va **C** oziqa moddasidan kamida 12 birlik qabul qilishi kerak. Ko'rsatilgan ozuqa moddalar 3 xil turdagi yem mahsulotlari tarkibida mavjud. Har 1 kg yem mahsuloti tarkibidagi oziq moddalarning miqdori quyidagi jadvalda keltirilgan:

2-jadval

Oziq moddalar	1 kg yem mahsuloti tarkibidagi oziq moddalar miqdori		
	I	II	III
A	1	3	4
B	2	4	2
C	1	4	3

Agar 1 kg **I**, **II** va **III** turdagi yem mahsulotlarining bahosi, mos ravishda, 9, 12 va 10 shartli birlikdan iborat bo'lsa, bahosi eng arzon bo'lgan hamda zarur to'yimlilikka ega bo'lgan kunlik rasion qanday bo'ladi? Masalaning matematik modelini tuzing.

**Yechilishi.** Kunlik rasion tarkividagi *I* xil yem miqdori  $x_1$ , *II* xilini  $x_2$  va *III* xil yem miqdori  $x_3$  bo'lsin. U holda rasionning zarur to'yimlilikka ega bo'lishi talabi quyidagi tengsizliklar sistemasi orqali ifodalanadi:

$$\begin{cases} x_1 + 3x_2 + 4x_3 \geq 60 & , \\ 2x_1 + 4x_2 + 2x_3 \geq 50 & , \\ x_1 + 4x_2 + 3x_3 \geq 12 & , \end{cases}$$

O'z ma'nosiga ko'ra  $x_1, x_2, x_3$ , noma'lumlar manfiy bo'la olmaydi, ya'ni:

$$x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0.$$

Kunlik rasionning umumiy bahosi esa

$$F = 9x_1 + 12x_2 + 10x_3$$

funksiya bilan ifodalanadi.

Shunday qilib, qaralayotgan masalaning matematik modeli quyidagi munosabatlardan iboratdir:

$$\begin{cases} x_1 + 3x_2 + 4x_3 \geq 60 & , \\ 2x_1 + 4x_2 + 2x_3 \geq 50 & , \\ x_1 + 4x_2 + 3x_3 \geq 12 & , \end{cases} \quad (4)$$

$$x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0, \quad (5)$$

$$F = 9x_1 + 12x_2 + 10x_3 \rightarrow \min. \quad (6)$$

**3-masala.** O'lchami  $6 \times 13 \text{ m}^2$  bo'lgan tunuka materiallarini shunday qirqish kerakki, unda ikki xildagi qirqimlar, ya'ni har biri  $4 \times 5 \text{ m}^2$  o'lchamli **400** ta, har biri  $2 \times 3 \text{ m}^2$  o'lchamli **800** ta qirqimlar hosil bo'lsin. Har bir tunukani qirqish usullari va bunda olinadigan turli o'lchamdagi qirqimlar soni quyidagi jadvalda berilgan:

3-jadval

Qirqimlar o'lchami ( $\text{m}^2$ )	Tunukani qirqish usullari			
	I	II	III	IV
4x5	3	2	1	0
2x3	1	6	9	13

Umumiy soni ko'rsatilgan miqdordan kam bo'lmagan va eng kam chiqindiga ega bo'lgan qirqimlar tayyorlash rejasini toping. Masalani matematik modelini tuzing.

**Yechilishi.** Masalaning noma'lumlarini belgilaymiz:

$x_1$  - *I* usulda,  $x_2$  - *II* usulda,  $x_3$  - *III* usulda va  $x_4$  - *IV* usulda qirqiladigan tunukalar soni bo'lsin.

Unda,

$$x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0, x_4 \geq 0$$

bo'lishi kerakligi ravshandir.

Agar bitta tunuka donasi *I* usulda qirqilsa, undan  $6 \times 13 \text{ m}^2 - (3(4 \times 5) + 2 \times 3) \text{ m}^2 = 78 \text{ m}^2 - 66 \text{ m}^2 = 12 \text{ m}^2$  chiqindi hosil bo'ladi. Shunga o'xshash, *II* usulda qirqilsa,  $78 \text{ m}^2 - (2(4 \times 5) + 6(2 \times 3)) \text{ m}^2 = 78 \text{ m}^2 - 76 \text{ m}^2 = 2 \text{ m}^2$  chiqindi, *III* usulda  $78 \text{ m}^2 - 74 \text{ m}^2 = 4 \text{ m}^2$  va *IV* usulda chiqindi hosil bo'lmaydi. Tunukalarni qirqishda hosil bo'ladigan jami chiqindilar miqdori  $F = 12x_1 + 2x_2 + 4x_3 + 0x_4$  yig'indidan iborat bo'lib, maqsadimiz uni minimallashtirishdir. Masalaning matematik modeli quyidagicha:

$$\begin{cases} 3x_1 + 2x_2 + x_3 \geq 800 & , \\ x_1 + 6x_2 + 9x_3 + 13x_4 \geq 400 & , \end{cases} \quad (7)$$

$$x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0, x_4 \geq 0, \quad (8)$$

$$F = 12x_1 + 2x_2 + 4x_3 \rightarrow \min. \quad (9)$$

Yuqorida ko'rsatilgan masalalarning matematik modellarida (1), (2), (4), (5), (7), (8) shartlar chegaraviy shartlar va (3), (6), (9) funksiyalar esa maqsad funksiyasi deb ataladi.

**4-masala.** Deylik,  $A_1, A_2, A_3$  xo'jaliklar  $B_1, B_2, B_3, B_4$  punktlarni har kuni mos ravishda **40, 50, 30** sentner sut bilan ta'minlashi kerak bo'lsin. Iste'molchi punktlarining mahsulotga bo'lgan bir kunlik talabi va 1 sentner sutni iste'molchilarga yetkazib berish uchun sarflanadigan transport xarajatlari quyidagi jad-valda berilgan.

*4-jadval*

Xo'jaliklar	1 s. sutni tashish xarajatlari				Tashish uchun mo'ljallangan sut hajmi (s)
	$B_1$	$B_2$	$B_3$	$B_4$	
$A_1$	3	2,5	3,5	4	40
$A_2$	2	4,5	5	1	50
$A_3$	6	3,8	4,2	2,8	30
Iste'molchilar talabi (s)	20	40	30	30	120

Xo'jaliklardan iste'molchilarga sut tashishning shunday rejasini topingki, bunda xo'jaliklardan barcha sut tashib ketilsin, iste'molchilarning talabi to'la qondirilsin hamda jami tashish xarajatlari eng kam bo'lsin. Masalaning matematik modelini tuzing.

**Yechilishi.** Bu masalada  $x_{ij}$  –orqali  $I$ -xo'jalikdan  $j$ - iste'molchi punktga tashish rejalashtirilgan sut miqdorini belgilaymiz. Xo'jaliklardagi jami sut hajmi va iste'molchilarga zarur bo'lgan jami sut miqdori bir-biriga teng bo'lib, **120** sentnerni tashkil etadi.

Demak, xo'jaliklardagi jami sut miqdori butunlay tashib ketilishi va iste'molchilarning talablari to'lagigicha qondirilishi kerak bo'ladi (10.1 va 10.2-munosabatlar).

Ma'nosiga ko'ra,  $x_{ij}$  noma'lumlar manfiy bo'lmasligi kerak, ya'ni

$$x_{ij} \geq 0 \quad (i=1,2,3; \quad j=1,2,3,4).$$

Sutni tashishdagi jami transport harajatlari

$$3x_{11} + 2,5x_{12} + 3,5x_{13} + 4x_{14} + 2x_{21} + 4,5x_{22} + 5x_{23} + x_{24} + 6x_{31} + 3,8x_{32} + 4,2x_{33} + 2,8x_{34}$$

yig'indi bilan ifodalanadi. Shunday qilib, ushbu masalaning matematik modeli quyidagi munosabatlardan iboratdir:

$$\begin{cases} x_{11} + x_{12} + x_{13} + x_{14} = 40, \\ x_{21} + x_{22} + x_{23} + x_{24} = 50, \\ x_{31} + x_{32} + x_{33} + x_{34} = 30, \end{cases} \quad (10.1)$$

$$\begin{cases} x_{11} + x_{21} + x_{31} = 20, \\ x_{12} + x_{22} + x_{32} = 40, \\ x_{13} + x_{23} + x_{33} = 30, \\ x_{14} + x_{24} + x_{34} = 30, \end{cases} \quad (10.2)$$

$$x_{11} \geq 0, x_{12} \geq 0, \dots, x_{34} \geq 0, \quad (11)$$

$$F = 3x_{11} + 2,5x_{12} + 3,5x_{13} + 4x_{14} + 2x_{21} + 4,5x_{22} + 5x_{23} + x_{24} + 6x_{31} + 3,8x_{32} + 4,2x_{33} + 2,8x_{34} \rightarrow \min. \quad (12)$$

Bu modeldagi (10.1) munosabat xo'jaliklardagi jami sut miqdori butunlay tashib ketilishni va (10.2) munosabat esa iste'molchilarning talablari to'la qondirilishini ifodalaydi.

Biz ba'zi sodda iqtisodiy masalalar matematik modellarining namunalari sifatida keltirgan yuqoridagi masalalarda chegaraviy shartlar chiziqli tengsizlik yoki tenglamalar sistemasidan hamda maqsad funksiyalari ham chiziqli funksiyalar bo'lganligi uchun ular chiziqli programlashtirish masalalari deb ataladi.



Ходжабеков Мураджон Усарович (Самарқанд Давлат Архитектура-қурилиш институти докторанти,  
Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори; [uzedu@inbox.ru](mailto:uzedu@inbox.ru))

## ТЕБРАНИШЛАРДАН ҲИМОЯЛАНУВЧИ СТЕРЖЕННИНГ ЧАСТОТА ТЕНГЛАМАСИ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Ушбу иш кинематик қўзғалишлар таъсиридаги тебранишлардан ҳимояланувчи стерженларнинг хусусий кўндаланг тебранишларида частота тенгламасининг таҳлиliga бағишланган. Ҳимояловчи объект сифатида суюқлик бўғинли динамик сўндиргич олинган ва стержен материалнинг диссипативлик хоссалари гистерезис типидagi Писаренко-Богинич модели орқали ифодаланган.

**Аннотация.** Настоящая работа посвящена анализу частотного уравнения при удельных поперечных колебаниях стержней, защищенных от колебаний под действием кинематических возбуждений. В качестве защитного объекта был взят динамический гаситель с жидкостным звеном, а диссипативные свойства материала стержня были выражены моделью Писаренко-Богинича гистерезисного типа.

**Annotation.** This work is dedicated to the analysis of the frequency equation in the specific transverse vibrations of the rods protected from vibrations under the influence of kinematic excitations. A liquid section dynamic absorber was taken as a protective object and the dissipative properties of the rod material were expressed by the Pisarenko-Boginich model of the hysteresis type.

**Калим сўзлар:** стержен, частота, хусусий тебраниш формаси, суюқлик бўғинли динамик сўндиргич, гистерезис.

**Ключевые слова:** стержень, частота, форма колебаний, динамический гаситель с жидкостным звеном, гистерезис.

**Key words:** rod, frequency, mode shape, liquid section dynamic absorber, hysteresis.

**Кириш.** Кинематик қўзғалишларда тебранишлардан ҳимояланувчи стерженнинг гистерезис типидagi эластик диссипатив характеристикаларини эътиборга олган ҳолда частота тенгламаларини система параметрлари асосида аналитик ифодалаш ҳамда сонли таҳлил қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Қаралаётган системанинг ҳаракат дифференциал тенгламаларини граф боғланишлар усулидан фойдаланган ҳолда олинган ва қуйидагича ёзилган [1]:

$$A_*\ddot{Q} + B\dot{Q} + CQ = F, \quad (1)$$

бу ерда

$$\ddot{Q} = \begin{bmatrix} \ddot{q}_1 \\ \ddot{q}_3 \\ \ddot{q}_4 \end{bmatrix}; \dot{Q} = \begin{bmatrix} \dot{q}_1 \\ \dot{q}_3 \\ \dot{q}_4 \end{bmatrix}; Q = \begin{bmatrix} q_1 \\ q_3 \\ q_4 \end{bmatrix}; F = \begin{bmatrix} u_m(0)F_L + u_m(L)F_R \\ 0 \\ 0 \end{bmatrix};$$

$$A_* = \begin{bmatrix} m_i & 0 & 0 \\ (m_{13} + m_{2*})u_m(x_1) & (m_{13} + m_{2*}) & m_{2*} + m_v \\ (m_{2*} - m_v)u_m(x_1) & m_{2*} - m_v & m_{2*} + m_{4*} \end{bmatrix};$$

$$B = \begin{bmatrix} 0 & -u_m(x_1)b_F & 0 \\ 0 & b_F & 0 \\ 0 & 0 & b_S \end{bmatrix}; C = \begin{bmatrix} c_i & -u_m(x_1)c_{1*} & 0 \\ 0 & c_{1*} & 0 \\ 0 & 0 & 2c_{2*} \end{bmatrix};$$

$m_{1*}$  ва  $q_3$  – мос равишда, динамик сўндиргичнинг суюқликни ўраб турган ташқи корпусининг массаси ва кўчиши;  $m_{2*}$  ва  $q_4$  – мос равишда, динамик сўндиргич қаттиқ жисмнинг массаси ва кўчиши;  $m_{3*}$  – суюқликнинг массаси;  $m_{4*} - m_{2*}$  массали 2-жисмга ёпишган суюқликнинг массаси;  $b_F$  – демпфирнинг қаршилик коэффициенти;  $c_{1*}$  ва  $c_{2*}$  – бикрлик коэффициентлари;  $F_L(t)$  ва  $F_R(t)$  – ташқи кучлар;  $m_i$  ва  $q_i$  – стержен  $i$  – тўпланишларнинг модал массаси ва кўчиши;  $m_{13} = m_1 + m_3$ ;  $m_v$ –2-жисм томонидан сиқиб чиқарилган суюқликнинг массаси;  $u_m(0)$ ,  $u_m(L)$  ва  $u_m(x_1)$  – мос равишда, стержен хусусий тебраниш формасининг стержен учларидаги  $x = 0$ ,  $x = L$  нуқталардаги ва  $x = x_1$  динамик сўндиргич ўрнатилган нуқтасидаги қийматлари;  $b_S$ –суюқликнинг қовушқоқлик коэффициенти;  $c_i = c_{1i} + jc_{2i}$ ;

$$c_{1i} = \left[ \int_0^L \rho A (1 - C_0 \eta_1) u_m^2 dx - \frac{3EI}{\omega_m^2} \eta_1 \times \right.$$

$$\sum_{i^*=1}^n C_{i^*} q_{ma}^{i^*} \frac{h^{i^*}}{2^{i^*(i^*+3)}} \int_0^L u_m \frac{\partial^2}{\partial x^2} \left( \frac{\partial^2 u_m}{\partial x^2} \left| \frac{\partial^2 u_m}{\partial x^2} \right|^{i^*} \right) dx \omega_{*m}^2;$$

$$c_{2i} = \left[ \int_0^L \rho A C_0 \eta_2 u_m^2 dx + \frac{3EI}{\omega_{*m}^2} \eta_2 \times \right.$$

$$\left. \sum_{i^*=1}^n C_{i^*} q_{ma}^{i^*} \frac{h^{i^*}}{2^{i^*(i^*+3)}} \int_0^L u_m \frac{\partial^2}{\partial x^2} \left( \frac{\partial^2 u_m}{\partial x^2} \left| \frac{\partial^2 u_m}{\partial x^2} \right|^{i^*} \right) dx \right] \omega_{*m}^2;$$

$q_{ma}$  – стержен тебранишларининг амплитудавий қиймати;  $\eta_1, \eta_2 = \text{sign}(\omega) \eta_{22}$  лар стержен материалининг диссипатив хоссаларига боғлиқ бўлган доимий коэффициентлар бўлиб, гистерезис сиртмоғидан аниқланади;  $\omega$  – частота;  $j^2 = -1$ ;  $C_0, C_1, \dots, C_n$  – гистерезис тугунининг тажрибадан аниқланадиган коэффициентлари бўлиб, стержен материалининг демпфирловчи хоссасига боғлиқ [2];  $E$  – эластиклик модули;  $I$  – инерция моменти;  $A$  – стерженнинг кўндаланг кесим юз,  $L$  – узунлиги,  $\rho$  – зичлиги ва  $\omega_{*m}$  – хусусий частотаси;  $x$  – стержен ўқи бўйлаб йўналган ўқ.

(1) дифференциал тенгламалар системаси ечимлари олинган ва учлари қистириб маҳкамланган стержен учун частота тенгласи куйидагича аниқланган [3]:

$$H \left( 1 - \cosh\left(\frac{k_m L}{2}\right) \cos\left(\frac{k_m L}{2}\right) + \cosh\left(\frac{k_m L}{2}\right) \sin\left(\frac{k_m L}{2}\right) + \right. \\ \left. + \cos\left(\frac{k_m L}{2}\right) \sinh\left(\frac{k_m L}{2}\right) \right) = 0. \quad (2)$$

$$\text{бу ерда } K_{10^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right) = K_{1^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right) - H K_{4^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right);$$

$$K_{20^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right) = K_{2^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right) - H K_{1^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right);$$

$$K_{40^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right) = K_{4^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right) - H K_{3^*} \left(\frac{k_m L}{2}\right);$$

$$K_{1^*}(k_m x) = \frac{1}{2} (\cosh(k_m x) + \cos(k_m x));$$

$$K_{2^*}(k_m x) = \frac{1}{2} (\sinh(k_m x) + \sin(k_m x));$$

$$K_{3^*}(k_m x) = \frac{1}{2} (\cosh(k_m x) - \cos(k_m x));$$

$$K_{4^*}(k_m x) = \frac{1}{2} (\sinh(k_m x) - \sin(k_m x));$$

$$H = \pm \sqrt{\frac{((2c_{2^*} M_1 - \omega^2 \Delta)^2 + (M_1 b_S \omega^2)(c_{1^*}^2 + (b_F \omega^2)^2) \omega^4}{(h_1^2 + h_2^2)(2EI k_m^3)^2}};$$

$$h_1 = (c_{1^*} - M_1 \omega^2)(2c_{2^*} - M_4 \omega^2) - (b_S b_F + M_2 M_3 \omega^2) \omega^2;$$

$$h_2 = (b_S (c_{1^*} - M_1 \omega^2) + b_F (2c_{2^*} - M_4 \omega^2)) \omega; \Delta = M_1 M_4 - M_2 M_3; M_1 = m_{13} + m_{2^*}; M_2 =$$

$$m_{2^*} + m_v; M_3 = m_{2^*} - m_v; M_4 = m_{2^*} + m_{4^*}; m_{13} = m_{1^*} + m_3; k_m = \sqrt[4]{\frac{\rho A}{EI} \omega_{*m}^2}.$$

Қаралаётган тебранишлардан ҳимояланувчи стерженнинг кўндаланг тебранишларини учун частота тенгласини (2) кўринишда олиш мазкур система динамикасини ва ҳаракати устуворлигини тадқиқ этишда унинг хусусий частоталарини аниқлаш имконини беради.

**Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Частота тенгласини таҳлил қиламиз. Бунда стержен ва динамик сўндиргич параметрлари ҳамда ўзгарувчиларини куйидагича оламиз:

стерженнинг баландлигини  $h = 5 \cdot 10^{-4}$  м, узунлигини  $L = 120 \cdot 10^{-2}$  м ва кўндаланг кесими юзини  $A = 12 \cdot 10^{-6}$  м<sup>2</sup> қийматларда оламиз. У ҳолда  $I = \frac{Ah^2}{12} = 25 \cdot 10^{-14}$  м<sup>4</sup>.


[4] ишда суюқлик бўғинли динамик сўндиргичнинг параметрларини танлаш бўйича кўрсатмалар мавжуд шунга кўра:

$$b_S = 102.9 \cdot 10^3 \frac{\text{Н} \cdot \text{с}}{\text{м}}; m_{4^*} = 4.1 \cdot 10^{-3} \text{ кг}; m_v = 4.1 \cdot 10^{-6} \text{ кг}; m_{2^*} = 4.5 \cdot 10^{-6} \text{ кг}; m_3 = 2.7 \cdot 10^{-3} \text{ кг}.$$

Қолган параметрларни куйидагича танлаймиз:


$$m_1 = 1.3 \cdot 10^{-3} \text{ кг}; c_{1^*} = c_{2^*} = 10^5 \frac{\text{Н}}{\text{м}}; b_F = 10^5 \frac{\text{Н} \cdot \text{с}}{\text{м}}.$$

Бу ўзгарувчилар ва параметрларнинг келтирилган қийматлари асосида частота тенгласининг графигини чизамиз ва ундан хусусий частоталарни аниқлаймиз.



1-расм. Частота тенгламасининг графиги.

Бу графигдан хусусий частоталарнинг нолдан фарқли дастлабки учта қийматларини аниқлаш имконини берувчи  $k_1$ ,  $k_2$  ва  $k_3$  ларнинг қийматларини топиш мумкин. Бунинг учун уларнинг 1-расмдаги графигда келтирилган қийматлари атрофида масштабини катталаштириб чизамиз.



2-расм. Частота тенгламасининг ноллари: а)  $k_1$ ; б)  $k_2$ ; с)  $k_3$ .

2-расмдаги графигдан  $k_1$ ,  $k_2$  ва  $k_3$  ларнинг қийматларини ёзамиз.

$$k_1 = 4.2347452, k_2 = 9.817385, k_3 = 15.602495.$$

Аниқланган бу қийматлар асосида хусусий тебраниш частоталарини топамиз.

$$\omega_{*1} = k_1^2 \sqrt{\frac{EI}{\rho A}} = 12.96 \text{ c}^{-1}; \omega_{*2} = k_2^2 \sqrt{\frac{EI}{\rho A}} = 69.63 \text{ c}^{-1}; \omega_{*3} = k_3^2 \sqrt{\frac{EI}{\rho A}} = 175.86 \text{ c}^{-1}.$$

Аниқланган частоталар, мос равишда, қаралаётган системанинг хусусий частоталари ҳисобланади.

**Хулоса.** Тебранишлардан ҳимояланувчи гистерезис типидagi эластик диссипатив характеристикали стерженнинг қўндаланг тебранишларида частоталар тенгламаси система параметрларига боғлиқ бўлади. Частоталар тенгламасидан резонанс частотаси стерженнинг механик хоссаларига боғлиқ бўлиш билан бирга суюқлик бўғинли динамик сўндиргичнинг иккита қаттиқ жисмларининг массаларига, ички қаттиқ жисми томонидан сиқиб чиқарилган ҳамда унга ёпишган суюқликларнинг массаларига, пружиналарнинг бикрликларига ва демпфирлаш коэффициентларига боғлиқлиги кўрсатилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Mirsaidov M.M., Dusmatov O.M., Khodjabekov M.U.. The problem of mathematical modeling of a vibration protected rod under kinematic excitations. Proceedings of VII International Scientific Conference Integration, Partnership and Innovation in Construction Science and Education, (2020), November 11–14, Tashkent, doi:10.1088/1757-899X/1030/1/012069.
2. Писаренко Г.С., Яковлев А.П., Матвеев В.В. Вибропоглощающие свойства конструкционных материалов. Справочник, Киев, “Наук. думка”, 1971–327 с.
3. Mirsaidov M.M., Dusmatov O.M., Khodjabekov M.U. Mode shapes of transverse vibrations of rod protected from vibrations in kinematic excitations. Proceedings of XXIV International Scientific Conference “Construction the formation of living environment”, (2021), April 22 – 24, Moscow.

4. Дусматов О.М. Динамическое гашение упругих систем с сосредоточенными и распределенными параметрами. Дисс. канд. физ.-мат. наук, Киевский политехн. инс., Киев, 1988.

**Bozorov Obidjon Norqobilovich (O'zbekiston Milliy universiteti Axborot xavfsizligi kafedrasida tayanch doktoranti; e-mail: bozorov.obid@gmail.com)**  
**CHASTOTALI TAHLIL USULIDAN FOYDALANGAN HOLDA OCHIQ MATNLARNING O'XSHASHLIGNI TAHLIL QILISH**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada harflar chastotalarini matnlar tahlilida qo'llanilishi tadqiq qilingan. Ba'zi bir shifrlash usullarida tabiiy tildagi matnning chastotaviy xususiyatlari shifrlangan matnga ko'chib o'tadi. Matndagi belgilarning takrorlanish chastotasidan shifrlangan matnga hujum uyushtirishda va matnlarning o'xshashligini aniqlashda foydalanish mumkin. Chastotali tahlil usuli yordamida o'zbek tilidagi matnlarni moslik indeksi aniqlangan. Shuningdek, ochiq matnlarning moslik indeksini aniqlashning algoritmi ishlab chiqilgan va dasturiy amalga oshirilgan.

**Аннотация.** В данной статье исследовано применение частотности букв в анализе текстов. В некоторых методах шифрования частотные характеристики текста на естественном языке перекодеваются в зашифрованный текст. Частота повторения символов в тексте может быть использована для атаки на зашифрованный текст и определения сходства текстов. С помощью метода частотного анализа был определен индекс соответствия текстов на узбекском языке. Также разработан и программно реализован алгоритм определения индекса совместимости открытых текстов.

**Annotation.** This article examines the use of letter frequency in text analysis. In some encryption methods, the frequency characteristics of the natural language text are transferred to the encrypted text. The frequency of repetition of characters in the text can be used to attack the encrypted text and determine the similarity of texts. Using the method of frequency analysis, the index of correspondence of texts in the Uzbek language was determined. An algorithm for determining the compatibility index of open texts has also been developed and implemented programmatically.

**Kalit so'zlar:** chastotali tahlil, harflar chastotasi, matematik model, moslik indeksi, o'zaro moslik, tabiiy til.

**Ключевые слова:** частотный анализ, частотность букв, математическая модель, индекс совместимости, взаимозаменяемость, естественный язык.

**Key words:** frequency analysis, letter frequency, mathematical model, compatibility index, interchangeability, natural language.

**Kirish.** Jahonda axborot himoyasi tizimlarini ishlab chiqishga va ularni takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Axborot-kommunikatsiya tizimlari rivojining hozirgi zamon bosqichida axborot xavfsizligi holatini baholashning asosiy mexanizmlaridan biri axborotning konfidentsialligi ta'minlanganligi hisoblanadi.<sup>1</sup> Tashkilotlarning axborot tizimlarida davlat sirlari yoki qonun bilan qo'riqlanadigan boshqa sirlarni tashkil etuvchi ma'lumotlar, shuningdek, shaxsga doir ma'lumotlar muhofaza qilinishi, ulardan ruxsatsiz foydalanishning oldini olinishini ta'minlash hamda konfidensial ma'lumotlarning noqonuniy chiqib ketmasligi yuzasidan O'zbekiston Respublikasi qonun va hujjatlarida zarur dasturiy va tashkiliy-texnik choralar ko'rilishi shart qilib belgilangan. Shularni hisobga olib, davlat tashkilotlarida konfidensial axborotlarni ruxsatsiz chiqib ketishini bashoratlash va bartaraf qilishni hozirgi kunning dolzarb muammolaridan biri sifatida e'tirof etish mumkin.<sup>2</sup>

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar Strategiyasi to'g'risida»ga farmonining 5.1 bandida «Axborot xavfsizligini ta'minlash va axborotni himoya qilish tizimini takomillashtirish, axborot

<sup>1</sup>Jo'rayev G.U., Bozorov O.N. «Elektron hukumat» sharoitida O'zbekiston Respublikasida konfidensial axborotlarni himoyalash muammolari va yechimlari. Toshkent, 2019, 12-aprel, 108 – 111-betlar.

<sup>2</sup>Milliy axborot-kommunikatsiya tizimlarining kompyuter xavfsizligini ta'minlash borasidagi qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. T., 2005, 5-sentabr, PQ-167-son; «Shaxsga doir ma'lumotlar to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasining qonuni. T., 2019, 2-iyul, O'RQ-547-son; Avtomatlashtirilgan bank tizimida axborotni muhofaza qilish to'g'risida. O'zbekiston Respublikasining qonuni. T., 2006, 4 aprel, O'RQ-30-son.

sohasidagi tahdidlarga o'z vaqtida va munosib qarshilik ko'rsatish" ustuvor yo'nalish sifatida belgilangan.<sup>1</sup>

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review).** Deloitte agentligining o'tkazgan tahlillar natijasida respondentlarning 49 foizida oxirgi 12 oy ichida konfidensial axborotlarni chiqib ketishi hodisalarni qayd etgan. Axborotni ruxsatsiz chiqib ketishining 31 foizi insayderlar korporativ tarmoq ichidan viruslarni kiritishi natijasida, 18 foizi xodimlarning qasddan qilingan harakatlari natijasida va 35 foizi xodimlarning ehtiyotsizligi oqibatida va 16 foizi boshqa sabablarga ko'ra sodir bo'lishi aniqlangan.<sup>2</sup> Cybint tahlil markazining ma'lumotlariga ko'ra, konfidensial axborotlarning ruxsatsiz chiqib ketishining 95% qasddan yoki inson xatosi tufayli yuzaga keladi.<sup>3</sup>

**Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Harflar chastotalarining matnlar tahlili-da qo'llanilishi.** Matndagi harflar va so'zlarning chastotasi matn muallifi va matnning tegishli sohasi bilan bir-biridan farqlanadi. Shuningdek, mualliflik ishlarini aniqlashda muallifning yozish usullari tahlili yordamida harf, bigram, trigram, so'z chastotalari, so'z uzunligi va gap uzunliklarini hisoblay olishlari mumkin va bu usul bilan matnlarning mualliflik huquqini himoyalash uchun ham ishlatishlari mumkin bo'ladi. O'rtacha harflar chastotasini ko'plab belgili matnlar tahlili orqali hisoblash mumkin. Zamonaviy hisoblash tizimlaridan foydalanish orqali katta hajmli matnlar to'plamlarini tahlil qilgan holda kerakli aniqlikdagi natijani olish qiyin hisoblanmaydi.

Faraz qilaylik,  $A = (a_1, a_2, \dots, a_m)$  alifbo belgilari  $Z_m$  halqadan olingan  $0, 1, 2, \dots, m-1$  raqamlar bilan raqamlangan bo'lsin. Shuningdek,  $N$  ta belgidan iborat  $\bar{X} = (y_1, y_2, \dots, y_n)$  matn berilgan bo'lsin.

**Ta'rif.**  $\bar{X}$  – alifbo belgilaridan tashkil topgan matn bo'lsin.  $\bar{X}$  – matnning moslik indeksi deb:

$$I(\bar{X}) = \sum_{i=1}^m \frac{f_i(f_i - 1)}{n(n - 1)} \quad (1)$$

tenglik bilan aniqlangan qiymatga aytiladi.<sup>4</sup>

Bunda,  $\bar{X}$  – tahlil qilingan ochiq matnlar to'plami,  $f_i$  – alifboning  $i$  – belgisining matndagi uch-rashlari soni,  $n$  – matndagi barcha belgilar soni,  $m$  – alifbodagi belgilar soni.

**Tahlil va natijalar (Analysis and results). O'zbek tilidagi ochiq matnlar tahlilini amalga oshirish.** Tahli uchun o'rganilayotgan matnning belgilari to'plami  $\bar{X} = (y_1, y_2, \dots, y_n)$  berilgan bo'lsin. Keying qadamda, o'zbek tilida kodlashtirilganda ikkita belgidan iborat bo'lgan qo'shma harflarni tahlil qilishda qulay bo'lishi uchun O'zbekiston Respublikasining "Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida"gi qonuniga o'zgartirishlar kiritish haqidagi taklifi asosida  $\bar{X}$  to'plamdagi qo'shma harflarni bitta belgiga almashtirib olindi:

- 1) "CH" → "Ç";
- 2) "SH" → "Ş";
- 3) "G'" → "Ġ";
- 4) "NG" → "Ń";
- 5) "O'" → "Ō".

Yaratilgan dastur yordamida o'zbek tilidagi turli sohalarga oid adabiyotlar, elektron jurnallardagi maqolalar va elektron gazetalarning turli ruknlaridagi yangiliklaridan tashkil topgan 60 millionga yaqin


<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar Strategiyasi to'g'risida»gi farmoni. 2017-yil 7-fevral, PF-4947-son.

<sup>2</sup> Deloitte hit by cyber-attack revealing clients' secret emails. <https://www2.deloitte.com/ru/en/pages/risk/solutions/data-leakage-prevention.html>, 2020.

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasining 1993-yil 2-sentabrda qabul qilingan "Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida"gi 931-XII sonli qonuni.

<sup>4</sup> Пилиди В.С. Криптография. Вводные главы. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, ЮФУ, 2009, 110 с.

harflardan iborat matnlar tahlil qilib chiqildi. Tahlil natijaariga ko'ra o'zbek tilida berilgan matnlarda harflarning ketma ketligi bo'yicha taqsimlanishi quyidagicha ko'rinish oldi (1-rasm).



1-rasm. O'zbek tilidagi harflarning harflar ketma-ketligi bo'yicha taqsimlanishi.

Tahlil natijalariga ko'ra, o'zbek tilidagi matnlarda eng ko'p A (15.9%–9155408) va I (14.14%–8141712) harflari eng ko'p uchrashi aniqlandi. Mos ravishda, matnlarda eng kam G' (0.27% – 158656) va X (0.32% – 181464) harflari uchrashi aniqlandi (1-jadval).

1-jadval

O'zbek tilidagi harflarni chastotalari bo'yicha taqsimlanishi

Harf	Matnlardagi uchrashlar soni	Chastotasi
A	9155408	15,90097823%
I	8141712	14,14040589%
N	3632880	6,309532659%
L	3563016	6,188193889%
R	3264808	5,670270612%
T	2977040	5,170479374%
O	2370744	4,11747338%
D	2274208	3,949811072%
K	2045784	3,553087622%
S	1935224	3,361068637%
U	1840456	3,196476966%
M	1833712	3,184764086%

B	1651336	2,868016126%
E	1641352	2,850676061%
Y	1603248	2,784497593%
G	1469664	2,552490863%
Q	1175896	2,042278912%
SH	1126656	1,956759603%
O'	903464	1,569123014%
CH	800712	1,390664848%
Z	798016	1,385982475%
V	784072	1,361764741%
NG	726504	1,261781483%
H	492272	0,854970784%
J	402992	0,69991059%
P	314384	0,546017517%
F	311960	0,541807549%
X	181464	0,315164012%
G'	158656	0,275551412%
<b>Jami:</b>	<b>57577640</b>	<b>100%</b>

Yaratilgan dastur yordamida o'zbek tilidagi matnlarning 70 millionga yaqin belgilari (1) hisoblash formulasi yordamida tahlil qilib chiqildi va quyidagi natijalar olindi. O'zbek tilining moslik indeksi  $I_{o'zbek} = 0,071698945$  qiymatiga teng bo'ldi. Ushbu natijani ochiq manbaalardagi boshqa tillarning moslik indeksi bilan taqqoslanganda quyidagicha ko'rinish oldi (2-jadval).

2-jadval

**Tabiiy tillarning moslik indeklari**

Til	Moslik indeksi
Hind tili	0.041837864
Rus tili	0.0553
Urdu	0.057535302
Ingliz tili	0.0644 0.0667
<b>O'zbek tili</b>	<b>0,071698945</b>
Italiyan tili	0.0738
Nemis tili	0.0762
Ispan tili	0.0775
Fransuz tili	0.0778

Hisoblash natijalaridan shuni aniqlash mumkinki o'rganilayotgan matni qaysi tilga oidligini avtomatik ravishda aniqlash uchun o'rganilayotgan matnning belgilari chastotalari aniqlash talab etiladi.

Berilgan matnning qaysi tilga yaqinligini aniqlash uchun quyidagi qiymat hisoblanadi:

$$X = \sum_{i=0}^m n_i k_i \quad (2)$$

bunda:  $n_i$  – tabiiy tilning  $i$  – harfining chastotasi,  $k_i$  – o'rganilayotgan matnning  $i$  – harfining chastotasi,  $m$  – alifbodagi belgilar soni.

Ushbu usul orqali matnning qaysi tildaligini aniqlash uchun yetarlicha katta miqdorda bo'lishi kerak. Agar o'rganilayotgan matn uzunligi qisqa bo'lsa matnning chastota xarakteristikalari tabiiy tilning xususiyatlaridan farq qilishi mumkin.

Amaliyotda konfidensial axborotlarni ruxsatsiz chiqib ketishini oldini olish tizimini aylanib o'tish uchun matndagi so'zlar va belgilarning o'rnini o'zgartirgan holda olib chiqishga urinishlar bo'ladi.

Faraz qilaylik, berilgan  $A = (a_1, a_2, \dots, a_m)$  alifbo belgilaridan tashkil topgan  $\bar{X} = (y_1, y_2, \dots, y_n)$  va  $\bar{Y} = (y'_1, y'_2, \dots, y'_n)$  matnlarning qaysi tilga yoki sohaga yaqinligini aniqlash uchun matnlarning moslik indeksi hisoblanadi:

$$MI(\bar{X}, \bar{Y}) = \frac{\sum_{i=1}^m f_i f'_i}{nn'} \quad (3)$$

bunda,  $\bar{X}, \bar{Y}$  – solishtirilayotgan matnlarning belgilari to'plamlari,  $f_i, f'_i$  – solishtirilayotgan matnlarning  $i$  – belgisining matnlardagi uchrashlari soni,  $n, n'$  – solishtirilayotgan matnlardagi barcha belgilar soni,  $m$  – alifbodagi belgilar soni.

**Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).** Chastotali tahlil usuli yordamida o'zbek tilidagi matnlarni moslik indeksi hisoblab chiqilishi axborot tizimlarida mavjud matnlarning o'zbek tiliga oidligini avtomatik aniqlashning imkonini beradi. Shuningdek, konfidensial axborotlarni kiberxujumchi tomonidan matndagi so'zlar yoki belgilarning o'rnini almashtirish orqali ruxsatsiz olib chiqib ketilishini oldini olishga xizmat qiladi. Shuningdek, ochiq matnlarning o'xshashligini aniqlashning algoritmi yordamida ishlab chiqilgan dasturiy ta'minot matnlarni solishtirish mumkin bo'ladi. Matnlarning o'zaro o'xshashligini aniqlash tizimini yaratilishi va uning amaliyotga joriy qilinishi milliy axborot resurslarini ishonchli himoyasini ta'minlaydi.

**Имомкулов Севдиёр Акрамович, Собиров Усмон Матякубович**

**(Институт математики имени В.И.Романовского Академии наук Республики Узбекистан)**

**ОБОБЩЕННАЯ ЛЕММА ХАРТОГСА ОБ АНАЛИТИЧЕСКОМ ПРОДОЛЖЕНИИ  
ФУНКЦИЙ ВДОЛЬ ФИКСИРОВАННОГО НАПРАВЛЕНИЯ**

**Annotatsiya.** *Golomorf funksiyalarni tayinlangan yo'nalish bo'yicha analitik davom ettirish haqidagi Hartogsning asosiy lemmasi ko'p o'zgaruvchili funksiyalarni analitik davom ettirish nazariyasidagi asosiy lemma hisoblanadi. Ushbu maqolada funksiyalarni tayinlangan yo'nalish bo'yicha analitik davom ettirish bo'yicha umumlashgan Hartogs lemmasi haqida so'z boradi.*

**Аннотация.** *Основная лемма Хартогса об аналитическом продолжении голоморфных функций вдоль фиксированного направления является основополагающей леммой теории аналитического продолжения функции многих комплексных переменных. В данной статье речь идет об обобщенной лемме Хартогса о голоморфном продолжении функций вдоль фиксированного направления.*

**Annotation.** *Hartogs' main lemma on the analytic extension of holomorphic functions along a fixed direction is the fundamental lemma in the theory of the analytic extension of a function of several complex variables. This article deals with the generalized Hartogs lemma on the analytic extension of functions along a fixed direction.*

**Kalit so'zlar:** *golomorf funksiya, analitik davom qildirish, Gilbert fazosi, Sobolev fazosi, Chebishev tengsizligi, Fur'e-Xartogs qatori.*

**Ключевые слова:** *голоморфная функция, аналитическое продолжение, пространство Гильберто, пространство Соболева, неравенство Чебышева, формальный ряд Фурье-Хартогса.*

**Key words:** *holomorphic function, analytic extension, Hilbert space, Sobolev space, Chebyshev inequality, formal Fourier-Hartogs series.*

Замечательная лемма Хартогса об аналитическом продолжении голоморфных функций вдоль фиксированного направления (см. 25) является основополагающей леммой теории аналитического продолжения функции многих комплексных переменных.

**Лемма Хартогса.** Пусть функция  $f(z, w)$  голоморфна в цилиндре

$$U \times V_r = \{z \in \mathbb{C}^n : |z| < 1\} \times \{w \in \mathbb{C} : |w| < r\}$$



и при каждом фиксированном  $z^0 \in U$  функция  $f(z^0, w)$  по переменному  $w$  голоморфно продолжается в большой круг  $V_R = \{w \in \mathbb{C} : |w| < R\}$ ,  $R > r$ . Тогда функция  $f(z, w)$  по совокупности переменных голоморфно продолжается в большой цилиндр  $U \times V_R$ .

Лемма Хартогса имеет многочисленные обобщения и приложения в разных областях науки: в теоретической физике, томографии и т.д. (см. например [1], [2], [3], [4], [5], [6], [7], [8], [9], [10], [11], [12], [13], [14], [15], [16], [17], [18], [19], [20], [23], [24], [25], [26], [28], [29], [30], [31], [32]). В работе [10] Е.М.Чиркой доказана следующей теорема: Пусть  $f$  – непрерывная функция в единичном круге  $U \subset \mathbb{C}$  со значениями в области  $G \in \mathbb{C}$  и  $S : w = f(z)$  – её график. Тогда всякая функция, голоморфная в связной окрестности множества  $(\partial U \times \bar{G}) \cup S$ , голоморфно продолжается в окрестность множества  $\bar{U} \times \bar{G}$ .

Мы докажем следующую теорему.

**Теорема 1.** Пусть функция  $f(z, w)$  голоморфна в цилиндре

$$U \times V_r = \{z \in \mathbb{C}^n : |z| < 1\} \times \{w \in \mathbb{C} : |w| < r\}, \quad r > 0,$$

и при каждом фиксированном  $z^0 \in U$  функция  $f(z^0, w)$  по переменному  $w$  голоморфно продолжается в область  $G \supset V_r$ , то  $f(z, w)$  по совокупности переменных  $(z, w)$  голоморфно продолжается в область  $U \times G$ .

**Доказательство.** Не нарушая общности, можно считать, что  $V_r \in G$ . Кроме того существует последовательность ограниченных областей  $G_j, j = 1, 2, \dots$ , такая, что  $G_j \in G_{j+1} \in G$ ,

$G = \bigcup_{j=1}^{\infty} G_j$  и  $V_r \in G_1$ . Рассматриваем последовательность множества

$$E_m = \{z \in \bar{U}_\rho : |f(z, w)| \leq m, w \in G_j\}, U_\rho = \{|z| < \rho < 1\},$$

$$E_m \subset E_{m+1}, \quad \bigcup_{m=1}^{\infty} E_m = U_\rho.$$

Для любого  $l \in \mathbb{N}$  также существует последовательность чисел  $N_j^{(l)}$  такая, что

$$\sum_{|\alpha| \leq l} \left( \int_{G_j} \left| \frac{\partial^{|\alpha|} f(z, w)}{\partial w^\alpha} \right|^2 dV \right)^{\frac{1}{2}} \leq N_m^{(l)} \quad \forall z \in E_m \quad (1)$$

Теперь при фиксированном  $j$  для пары множеств  $\bar{V}_r \in G_j$  рассмотрим Гильбертово пространство  $H_0 \subset H_1$ : В качестве  $H_0$  берём замыкание пространство

$$\mathcal{O}(G) \cap W_2^l(G_j), \quad l > 1.$$

(Здесь  $\mathcal{O}(G)$  – пространство голоморфных в  $G$  функций, и  $W_2^l(G_j)$  – пространство Соболева). В качестве  $H_1$  берём замыкание пространства  $\mathcal{O}(G) \cap L_2(\bar{B}, \sigma)$ , где

$$L_2(\bar{B}, \sigma) = \left\{ f : \left( \int_{\bar{V}_r} |f(w)|^2 d\sigma \right)^{\frac{1}{2}} \leq \infty \right\}$$

и  $d\sigma = \Delta \omega^*(w, \bar{V}_r, G_j)$  – гармоническая мера (см. [22], [23]). Пусть  $\{e_k(w)\}_{k=1}^\infty$  общий ортогональный базис для пространства  $H_0 \subset H_1$  такой, что  $e_{kH_0} = \mu_k$ ,  $e_{kH_1} = 1$ ,  $\frac{1}{M}k \leq \ln \mu_k \leq Mk$ ,  $M$  – константа,  $k=1, 2, \dots$  (см. [32,33]).

$$\left\{ \begin{aligned} \left( \tilde{\lambda}_s + 2\tilde{\mu}_s \right) r \sin \theta \frac{\partial \theta_1}{\partial r} - 2\tilde{\mu}_s \left( \frac{\partial \omega_\theta}{\partial \beta} - \frac{\partial}{\partial \beta} (\omega_\theta \sin \theta) \right) - \rho_s r \sin \theta \frac{\partial^2 S_r}{\partial t^2} &= 0, \\ \left( \tilde{\lambda}_s + 2\tilde{\mu}_s \right) r \sin \theta \frac{\partial \theta_1}{\partial \beta} - 2\tilde{\mu}_s \left( \frac{\partial \omega_r}{\partial \theta} - \frac{\partial}{\partial \theta} (r \omega_\beta) \right) - \rho_s r \sin \theta \frac{\partial^2 S_\theta}{\partial t^2} &= 0, \quad (4) \\ \left( \tilde{\lambda}_s + 2\tilde{\mu}_s \right) r \sin \theta \frac{\partial \theta_1}{\partial \theta} - 2\tilde{\mu}_s \left( \frac{\partial}{\partial r} (r \omega_\beta \sin \theta) - \frac{\partial \omega_r}{\partial \beta} \right) - \rho_s r \sin \theta \frac{\partial^2 S_\beta}{\partial t^2} &= 0, \end{aligned} \right.$$

$$\begin{aligned} \tilde{\lambda}_s f(t) &= \lambda_{s0} \left[ f(t) - \int_0^t R_{\lambda_s}(t - \tau) f(\tau) d\tau \right], \\ \tilde{\mu}_s f(t) &= \mu_{s0} \left[ f(t) - \int_0^t R_{\mu_s}(t - \tau) f(\tau) d\tau \right], \end{aligned} \quad (5)$$

Here

$$\begin{aligned}\theta_1 &= \frac{1}{r^2} \frac{\partial}{\partial r} \cdot (r^2 S_r) + \frac{1}{r \sin \theta} \left( \frac{\partial}{\partial r} (S_\beta \sin \theta) + \frac{\partial S_\theta}{\partial \beta} \right), \\ \omega_\beta &= \frac{1}{2r} \left[ \left( \frac{\partial S_r}{\partial \theta} - \frac{\partial}{\partial r} \cdot (r S_\beta) \right) \right], \\ \omega_r &= \frac{1}{2r \sin \beta} \left( \frac{\partial S_\beta}{\partial \beta} - \frac{\partial}{\partial \theta} \cdot (S_\theta \sin \theta) \right), \\ \omega_\theta &= \frac{1}{2r \sin \beta} \left( \frac{\partial}{\partial r} (S_\theta \sin \theta) + \frac{\partial S_\theta}{\partial \beta} \right).\end{aligned}$$

$R_{\lambda_s}(t-\tau)$ ,  $R_{\mu_s}(t-\tau)$  – the core of the relaxation;  $\lambda_{s0}$ ,  $\mu_{s0}$  – the instantaneous elastic moduli;  $S_r$ ,  $S_\theta$ ,  $S_\beta$  – components of the placeholder displacement vector;  $\bar{u}$ ;  $\rho_s$  – the density of the filler. The equations of motion of the shell (1) and the filler (3) are supplemented by contact and boundary conditions. At the junction of the filler and the shell ( $r=R$ ), the conditions for equality of the displacement components are set [16]:

$$S_1 = S_r = u, S_2 = S_\beta = g, S_3 = S_\theta = w \quad (6)$$

and equal pressures  $Z$

$$X_1 = -\sigma_1 - \rho_0 h \frac{\partial^2 u}{\partial t^2}, \quad Y_1 = -\sigma_2 - \rho_0 h \frac{\partial^2 g}{\partial t^2}, \quad Z_1 = -\sigma_3 - \rho_0 h \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} \quad (7)$$

where  $X_1$ ,  $Y_1$ ,  $Z_1$  – the pressure from the shell on the filler. The components of the stress vector (7) on a spherical surface  $r = R$ , according to [17], are determined as follows:

$$\begin{aligned}\sigma_1 = \sigma_{rr} &= \bar{\lambda}_s \operatorname{div} \bar{u} + 2\bar{\mu}_s \frac{\partial S_r}{\partial r}, \\ \sigma_2 = \sigma_{r\beta} &= \bar{\mu}_s \left[ \frac{1}{r} \frac{\partial S_r}{\partial \beta} + r \frac{\partial}{\partial r} \left( \frac{S_\beta}{r} \right) \right], \\ \sigma_3 = \sigma_{r\theta} &= \bar{\mu}_s \left[ \frac{1}{r \sin \beta} \frac{\partial S_r}{\partial \theta} + r \frac{\partial}{\partial r} \left( \frac{S_\theta}{r} \right) \right].\end{aligned}$$

On the inner spherical surface  $r = R_0$  the condition is set free from stress

$$\sigma_1(R_0, \beta, \theta) = \sigma_2(R_0, \beta, \theta) = \sigma_3(R_0, \beta, \theta) = 0. \quad (8)$$

In the case of a solid placeholder at  $r=0$ , the conditions of a limited force factor are set [17].

**3. Solution methods.** Then, applying the freezing procedure, we replace the relations (2) and (5) with approximate ones of the form [18]

$$\begin{aligned}\bar{E}_0 f(t) &= E_0 [1 - \Gamma_{E0}^C(\omega_R) - i\Gamma_{E0}^S(\omega_R)] f(t), \\ \bar{\lambda}_s f(t) &= \lambda_{s0} [1 - \Gamma_{\lambda_s}^C(\omega_R) - i\Gamma_{\lambda_s}^S(\omega_R)] f(t), \\ \bar{\mu}_s f(t) &= \mu_{s0} [1 - \Gamma_{\mu_s}^C(\omega_R) - i\Gamma_{\mu_s}^S(\omega_R)] f(t).\end{aligned}$$

Here

$$\begin{aligned}\Gamma_{E0}^C(\omega_R) &= \int_0^\infty \mathbf{R}_{E0}(\tau) \cos \omega_R \tau \, d\tau, \quad \Gamma_{\lambda_s}^C(\omega_R) = \int_0^\infty \mathbf{R}_{\lambda_s}(\tau) \cos \omega_R \tau \, d\tau, \quad \Gamma_{\mu_s}^C(\omega_R) = \int_0^\infty \mathbf{R}_{\mu_s}(\tau) \cos \omega_R \tau \, d\tau, \\ \Gamma_{E0}^S(\omega_R) &= \int_0^\infty \mathbf{R}_{E0}(\tau) \sin \omega_R \tau \, d\tau, \quad \Gamma_{\lambda_s}^S(\omega_R) = \int_0^\infty \mathbf{R}_{\lambda_s}(\tau) \sin \omega_R \tau \, d\tau, \quad \Gamma_{\mu_s}^S(\omega_R) = \int_0^\infty \mathbf{R}_{\mu_s}(\tau) \sin \omega_R \tau \, d\tau\end{aligned}$$

– the cosine and sine of the Fourier images of the relaxation kernel, respectively;  $\omega_R$  is the real value. As the core of a viscoelastic material, we take the three-parameter core of the Koltunov-Rzhanitsyn relaxation



$$R_j(t) = \frac{A_j e^{-\beta_j t}}{t^{1-\alpha_j}}, \quad (9)$$

where  $j = E0, \lambda s, \mu s$ .

Solutions of the equation of motion of an elastic medium in a spherical coordinate system take the form:

$$\begin{aligned} S_1 = S_r &= \frac{1}{\mu_e} \frac{\partial \varphi}{\partial r} + \frac{1}{\mu_t} \left( \mu_t^2 r \chi + \frac{\partial^2 (r \chi)}{\partial r^2} \right), \\ S_2 = S_\beta &= \frac{1}{\mu_e} \frac{\partial \varphi}{\partial \beta} + \frac{1}{\sin \beta} \frac{\partial \psi}{\partial \theta} + \frac{1}{\mu_t r} \frac{\partial^2 (r \chi)}{\partial r \partial \beta}, \\ S_2 = S_\theta &= \frac{1}{\mu_e r \sin \beta} \frac{\partial \varphi}{\partial \beta} \frac{\partial \psi}{\partial \theta} + \frac{1}{\mu_t r \sin \beta} \frac{\partial^2 (r \chi)}{\partial r \partial \theta}, \end{aligned} \quad (10)$$

where

$$\begin{aligned} \mu_t &= \frac{\omega}{a_t}; \mu_e = \frac{\omega}{a_e}; \\ a_t &= a_{tR} + i a_{tI}, \quad a_e = a_{eR} + i a_{eI}, \\ a_{tR} &= \text{Re al} \sqrt{\frac{\bar{E}_s}{2(1+\nu_s) \rho_s}}, \quad a_{tI} = \text{imag} \sqrt{\frac{\bar{E}_s}{2(1+\nu_s) \rho_s}}, \\ a_{eR} &= \text{Re al} \sqrt{\frac{\bar{E}_s (1-\nu_s)}{2(1-2\nu_s^2) \rho_s}}, \quad a_{eI} = \text{imag} \sqrt{\frac{\bar{E}_s (1-\nu_s)}{2(1-2\nu_s^2) \rho_s}}. \end{aligned}$$

where  $\varphi, \psi, \chi$  are the solutions of scalar wave equations:

$$\nabla^2 \phi - \frac{1}{a_e^2} \frac{\partial^2 \phi}{\partial t^2} = 0; \nabla^2 \psi - \frac{1}{a_t^2} \frac{\partial^2 \psi}{\partial t^2} = 0; \nabla^2 \chi - \frac{1}{a_t^2} \frac{\partial^2 \chi}{\partial t^2} = 0. \quad (11)$$

$\nabla^2$  – the Laplace operator in a spherical coordinate system. We present general solutions to the equations of motion of the medium and the spherical shell, which will be needed for further investigation of the problem of free damped oscillations of a spherical shell with a viscoelastic filler.

The solution of the scalar wave equation (11) with respect to the potential  $F$  is written as:

$$\phi = \Gamma(r) Y(\beta, \theta) e^{i\omega t}, \quad (12)$$

where  $\omega = \omega_R + i\omega_I$ , the real parts of the  $\omega_R \geq 0$  frequency mean the natural frequencies, and the imaginary parts of the damping coefficient  $\omega_I < 0$  [19]. Substituting (12) into the wave equations (11), written in spherical coordinates, gives:

$$\begin{aligned} \frac{\partial^2 \Gamma}{\partial r^2} + \frac{2}{r} \frac{\partial \Gamma}{\partial r} + \left( \mu_e^2 - \frac{\lambda_1}{r^2} \right) \Gamma &= 0, \\ \frac{1}{\sin \beta} \frac{\partial}{\partial \beta} \left( \sin \beta \frac{\partial Y}{\partial \beta} \right) + \frac{1}{\sin^2 \beta} \frac{\partial^2 Y}{\partial \theta^2} + \lambda_1 Y &= 0 \end{aligned} \quad (13)$$

where is the  $\lambda_1$  – separation constant. An unambiguous, finite and continuous solution of the second equation (14)  $\nabla^2 Y + \lambda Y = 0$  exists only under the condition  $\lambda_1 = n(n+1), (n=1,2,3,\dots)$  [19]. The partial solution is formed from functions of the type attached to a spherical function of the 1st kind:

$$Y_{kn}^c = P_n^k(x) \cos k\theta, Y_{kn}^s = P_n^k(x) \sin k\theta, \quad (14)$$

where

$$P_n^k(x) = (1-x^2)^{k/2} \frac{d^k}{dx^k} [P_n(x)], \quad x = \cos \beta,$$

$$P_n(x) = \frac{1}{2^n n!} \frac{d^n}{dx^n} (1-x^2)^n,$$

$K$  - is the number of nodal meridian planes, and  $P_n(x)$ - is the Legendre polynomials of the  $n$ th order [19]. Function,  $P_0(x)=1$  and therefore characterizes the movement only along the radius. Function  $P_1(x)=x = \cos \beta$  describes the motion of a sphere in which the plane  $\beta = \pi/2$  is a nodal plane. In general, the polynomial  $P_n(x)$  gives  $n$  nodal planes. The solution of the first equation (13) is as follows:  $\Gamma(r) = A_1 j_n(\mu_e r) + A_2 n_n(\mu_e r)$ , (15)

where  $j_n(z)$ -are the spherical Bessel functions of the complex argument related to the cylindrical functions by the formulas:  $j_n(z) = \sqrt{\frac{\pi}{2z}} j_{n+\frac{1}{2}}(z)$  As a result, for  $\phi, \psi, \chi$  [20]:

$$\begin{aligned} \phi &= [A_1 j_n(\mu_e r) + A_2 n_n(\mu_e r)] Y^c(\beta, \theta), \\ \psi &= [B_1 j_n(\mu_t r) + B_2 n_n(\mu_t r)] Y^c(\beta, \theta), \\ \chi &= [C_1 j_n(\mu_t r) + C_2 n_n(\mu_t r)] Y^c(\beta, \theta) \end{aligned} \quad (16)$$

Given (16) and (4), we obtain expressions for the displacement projections:

$$S_r = a_0 Y^c, S_\beta = a_1 \frac{\partial}{\partial \beta} Y^c - a_2 \frac{k}{\sin \beta} Y^s, S_\theta = a_2 \frac{\partial}{\partial \beta} Y^c - a_1 \frac{k}{\sin \beta} Y^s \quad (17)$$

The notation is accepted here:

$$\begin{aligned} a_0 &= \frac{1}{\mu_e} \left\{ A_1 \frac{\partial}{\partial r} [j_n(\mu_e r)] + A_2 \frac{\partial}{\partial r} [n_n(\mu_e r)] \right\} + \frac{\tilde{\lambda}_n}{\mu_t r} [C_1 j_n(\mu_t r) + C_2 n_n(\mu_t r)], \\ a_1 &= \frac{1}{\mu_e r} \left\{ A_1 [j_n(\mu_e r)] + A_2 [n_n(\mu_e r)] \right\} + \frac{1}{\mu_t r} \left( C_1 \frac{\partial}{\partial r} [r j_n(\mu_t r)] + C_2 \frac{\partial}{\partial r} [r n_n(\mu_t r)] \right) \\ a_2 &= B_1 j_n(\mu_t r) + B_2 n_n(\mu_t r), \\ Y^s &= \sin k\theta P_n^k(\cos \beta), \tilde{\lambda} = n(n+1). \end{aligned} \quad (18)$$

To find the Eigen frequency of the shell-filler system, we make a frequency equation. Finding the natural frequency of free vibrations of a spherical shell with a solid filler for all possible forms of shell vibrations is extremely difficult. Therefore, the solutions of the equations of motion of the shell that are in good agreement with the motion of the placeholder are chosen. The first three contact conditions for movements are automatically met. It remains to satisfy the other three contact conditions (7) for the voltages. Using formulas (17) for displacements from (10) for stresses, we find:

$$\begin{aligned} \sigma_1 = \sigma_{r\beta} &= b_1 \frac{\partial}{\partial \beta} Y^c - b_2 \frac{k}{\sin \beta} Y^s, \\ \sigma_2 = \sigma_{r\theta} &= -b_2 \frac{\partial}{\partial \beta} Y^c - b_1 \frac{k}{\sin \beta} Y^s, \\ \sigma_3 = \sigma_{rr} &= b_0 Y^c, \end{aligned} \quad (19)$$

where

$$b_1 = \bar{\mu}_s \left[ r \frac{\partial}{\partial r} \frac{a_1}{r} + \frac{a_0}{r} \right],$$

$$b_2 = \bar{\mu}_s r \frac{\partial}{\partial r} \left( \frac{a_2}{r} \right) b_2 = \bar{\mu}_s r \frac{\partial}{\partial r} \left( \frac{a_2}{r} \right),$$

$$b_0 = \bar{\lambda}_s \left[ \frac{1}{r^2} \frac{\partial}{\partial r} (a_0 r^2) - \tilde{\lambda}_n \frac{a_1}{r} \right] + 2\bar{\mu}_s \frac{\partial a_0}{\partial r}.$$

Substituting these expressions in (7) and taking into account X,Y,Z in the system of equations of motion of the shell (1), we obtain a system of algebraic homogeneous equations with respect to the constants  $\underline{A}_1, \underline{B}_1, \underline{C}_1$ . For the existence of a nontrivial solution, the main determinant of the named system must be equal to zero. Thus, the frequency equation of free oscillations of a sphere with a viscoelastic filler has the form [21]:

$$\begin{aligned} & [\lambda_m - R_s - R_s^2 - R_s M_t \alpha - (1 + R_s) M_e \beta - M_t M_e \alpha \beta] \lambda^2 + \\ & + [\lambda_n L_2 + R_s (L_3 + (2\lambda_n - 1) \chi E_s^h) - (-r_1 + \chi E_s^h) R_s M_t \alpha + (-L_2 + R_s (r_n - 2\chi E_s^h)) M_e \beta - L M_t \alpha \beta] \lambda + \\ & + \lambda_n L_1 - L_1 M_e \beta - L_1 M_e M_t \alpha \beta = 0. \end{aligned}$$

Here

$$\begin{aligned} M_t &= \mu_t R, \quad M_e = \mu_e R, \quad \lambda = k\omega^2, \\ \mu_t &= \frac{\omega}{a_t}; \quad \mu_e = \frac{\omega}{a_e}; \quad a_t = a_{1R} + ia_{1I}, \quad a_e = a_{eR} + ia_{eI}, \\ a_{1R} &= \text{Real} \sqrt{\frac{\bar{E}_s}{2(1+\nu_s)\rho_s}}, \quad a_{1I} = \text{imag} \sqrt{\frac{\bar{E}_s}{2(1+\nu_s)\rho_s}}, \\ a_{eR} &= \text{Real} \sqrt{\frac{\bar{E}_s(1-\nu_s)}{2(1-2\nu_s^2)\rho_s}}, \quad a_{eI} = \text{imag} \sqrt{\frac{\bar{E}_s(1-\nu_s)}{2(1-2\nu_s^2)\rho_s}}, \\ \alpha &= \frac{j'_n(M_t)}{j_n(M_t)}; \quad \beta = \frac{j'_n(M_e)}{j_n(M_e)}, \quad R_s = \frac{\rho_s}{\rho h_R}, \quad h_R = \frac{h}{R}, \quad E_s^h = \frac{E_s}{E h_R}, \quad k = (1-\nu_0)\rho_0 R^2 / E_0, \\ \lambda_n &= n(n+1), \quad \chi = \frac{1-\nu_0^2}{1+\nu_s^2}, \quad r_n = b^2(\lambda_n r_1 + 2(1+\nu)), \quad b^2 = \frac{h}{12R^2} \\ L_1 &= r_1 r_n - \lambda_n r_2 r_n + \chi E_s^h (-r_n - 2r_1 + \lambda_n r_3 + \lambda_n r_2) - \chi (E_s^h)^2 (2 + \lambda_n), \\ L_2 &= -r_n - r_1 + 3\chi (E_s^h)^2; \quad L_3 = -r_1 - \lambda_n r_2 - \lambda_n r_3; \quad r_1 = \lambda_n - 1 + \nu_0, \\ r_2 &= b^2(\lambda_n - 2) + 1 + \nu, \quad r_3 = b^2 r_1 + 1 + \nu_0, \end{aligned}$$

$\rho_0$  - shell density,  $\rho_s$  - filler density, h-shell thickness;  $E_0, \nu_0$  - Young's modulus and Poisson's ratio of the shell. If there are no aggregates ( $R_{E_0} = 0$ ), then the frequencies of free vibrations of the shell in vacuum (at which the radial displacement is different from zero) are determined from the biquadrate equation :

$$k^2(\lambda_n - R_s + R_s^2)\omega_0^4 + k(\lambda_n L_2^0 - \lambda_2^0)\omega_0^2 + \lambda_n L_n^0 = 0, \quad . \quad (20)$$

For  $n=0$ , this equation (20) has only one real positive root  $\Omega_0 = \sqrt{2(1+\nu_0)}$ . it corresponds to spherically symmetric free oscillations of the surface, in which only the radial component of the displacement vector differs from zero. The surface of the shell experiences tension – compression deformations without bending. For  $n=1$ , there are already two forms of free oscillations, the frequencies of which are equal

$$\Omega_{11} = 0, \quad \Omega_{12} = \sqrt{3(1+\nu_0)}.$$

The zero frequency corresponds to the vibrations of the sphere as an absolutely solid body. When  $n \geq 2$  there are two frequencies of free oscillations, for which the inequality holds  $0 < \Omega_{n1} < \Omega_{n0} < \Omega_{n2}, \Omega_{n0} = \sqrt{\lambda_n - 1 + \nu_0}$ .

Each natural frequency  $\Omega_{n_j}$  corresponds to  $2n+1$  forms of natural oscillations that differ only in the latitudinal (coordinate  $\varphi$ ) range. The frequencies  $\Omega_{n_2}$  of the second series can be determined by the non-moment theory from equation (20) at  $b^2 = 0$  Then

$$\Omega_{n_2} = 2n + 1 + 2(8\nu_0^2 + 12\nu_0 - 1)/(8n) + O(n^{-2}). \quad (21)$$

Accordingly, the first root is equal to

$$\Omega_{n_1} = \left[ (1 - \nu_0^2) \left[ 1 - (2\nu_0^2 + 3\nu_0 + 2)/\lambda_n \right] + b^2 \lambda_n^2 + O(b^2 \lambda_n, b^2, \lambda_n^{-2}) \right]^{1/2}. \quad (22)$$

corresponds to the non-moment theory ( $\omega_{Rmn}$ ) the second term becomes the determinant for quasi-alternating oscillations with high variability. The third term indicates the order of the discarded terms compared to the unit. Finding the frequencies of free oscillations of the system as a whole is associated with the solution of the transcendental equation. If the rheological properties of the materials are taken into account, then equation (20) is solved analytically, i.e., numerical Muller methods are used [22].

**4. Numerical results.** Here we analyze the results of determining the real part ( $\omega_{Rmn}$ ) of the complex natural frequencies ( $\omega_{mn} = \omega_{Rmn} + i\omega_{Imn}$ ) of vibrations of spherical shells with a viscoelastic

filler. As the relaxation kernel of a viscoelastic material  $R(t) = \frac{Ae^{-\beta t}}{t^{1-\alpha}}$  we take the three – parameter Rizhanitsen-Koltunov kernel [17], which has a weak singularity, where are the parameters of the materials [18].

Let's take the following parameters:  $A = 0,048$ ;  $\beta = 0,05$ ;  $\alpha = 0,1$ . The complex roots of the frequency equation are determined by the Muller method, and at each iteration of the Muller method, the Gauss method is applied with the main element selection [23]. If the shell is considered absolutely rigid ( $E_0 \rightarrow \infty$ ), then the Eigen frequencies of the placeholder, taking into account (6) and (8), are determined from the equation

$$\frac{j_n(\mu_e R)}{n_n(\mu_e R)} = \frac{(n-1)j_n(\mu_e R_0) - \mu_e R_0 j_{n+1}(\mu_e R_0)}{(n-1)n_n(\mu_e R_0) - \mu_e R_0 n_{n+1}(\mu_e R_0)}, \quad (23)$$

where  $n_n(z)$  are the spherical Neumann functions of the complex argument. In the case of a solid ball ( $R_0=0$ ), the surface of which is bonded to a rigid shell,  $j_n(\mu_i R) = 0$ . The first few roots of it are as follows:

$$\mu_i R = 1.4624 \pi - i5.4254 \pi 10^{-2}; 2.5621 \pi - i7.1825 \pi 10^{-2}; 3.4797 \pi - i8.4275 \pi 10^{-2}$$

for  $n=1$ . Also, when  $n=2$ , the roots take the following values:

$$\mu_i R = 1.8309 \pi - i6.5401 \pi 10^{-2}; 2.8991 \pi - i8.9343 \pi 10^{-2}; 3.9284 \pi - i9.8263 \pi 10^{-2}$$

Now consider the partial frequencies of the viscoelastic filler ( $k=n=0$ ). Then the transcendental equation (23) takes the form:


$$\frac{j_1(\mu_t R)}{n_1(\mu_t R)} = \frac{j_0(\mu_t R_0) - \xi j_2(\mu_t R_0)}{n_0(\mu_t R_0) - \xi n_2(\mu_t R_0)}, \quad \xi = 4\mu_{s_0}/(3\lambda_{s_0} + 2\mu_{s_0}). \quad (24)$$

For the numerical calculation, the tracking source data is used


$$E_s = 2 \times 10^{12} \text{ rPa}, E_0 = 20 \times 10^{12} \text{ Pa}, \rho_s = 7,8 \cdot 10^3 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}, \rho_0 = 3 \cdot 10^3 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}, \nu_0 = 0.25, \nu_s = 0.35.$$

Figure 1 shows the real part one frequency of joint oscillations of the shell and the filler as a function of  $R_0$  at different values of  $n$  at  $h = 0.04 \text{ cm}$ ;  $R = 5.80 \text{ cm}$ .

The results of the calculations correspond with differences of up to 5-6% to the results obtained in [23], for spherical bodies with elastic fillers.



**Figure.1.** The natural frequencies of a spherical system as a function of  $R_0$



**Figure 2.** Partial frequencies of a placeholder with a fixed outer surface.

Figure 2 shows a graph of the first four roots  $\omega_n = \omega_{R_n} / 2\pi$  of equation (24), which describe partial oscillations. Dashed lines (left scale) are drawn at  $a_{ts} = 45m/sec, \xi = 0.5$  and solid lines (right scale) are drawn at  $a_{ts} = 450m/sec, \xi = 0.25$ . It can be seen that with increases in the speed (with an increase of 10 times), the corresponding real and imaginary parts of the frequency increases to 20%.

Based on the results obtained, it can be concluded that the real and imaginary parts of the partial frequency are close to the corresponding real and imaginary natural frequencies (up to 20%).

**5. Conclusion.** 1. Calculation methods and an algorithm for calculating the complex Eigen frequencies of spherical shells with viscoelastic fillers are developed. A frequency equation with complex

input parameters is obtained on the basis of spherical Bessel and Neumann functions, which is further solved numerically by the Muller and Gauss method.

2. A comparative analysis of the real part of the complex frequencies of spherical shells with viscoelastic and elastic fillers is carried out.

The work was carried out with financial support no. F-4-01 Uzbekistan.

#### Literature:

1. Ilyina A.M., Korbut B.A. Vibrations of a cylindrical shell containing an elastic filler. *Izv. AN SSSR, Mechanics of a solid body*. 1968, № 4, p. 183 – 186.

2. Ilyina A.M. Vibrations of elastic shells containing liquid and gas. M., “Nauka”, 1969, 182 p.

3. Mohammad R. (2013). Propagation of elastic waves in nanocomposites with random distribution of spherical inclusions. *Latin American Journal of Solids and Structures*.

4. Kanaun S.K., Levin V.M., Sabina F.Y. (2004). Propagation of elastic waves in composites with a random set of spherical inclusions (the effective medium approach). 40, p. 69 – 88.

5. Layman C., Murthy N.S., Yang R.B., Wu J. (2006) Interaction of ultrasound with dispersed composites. *J. Acoust. Soc. Am.*, 119, p. 1449 – 1456.

6. Sarma J.N., Sarma N. 3-D precise vibration analysis of a generalized thermoelastic hollow sphere with the Frobenius matrix method. *World Journal of Mechanics*. 2012, Vol. 1 5, № 2, p. 98 – 112.

7. Hasheminejad S., Avazmohammadi R. (2009). Size-dependent effective dynamic properties of unidirectional nanocomposites with interface energy effects. *Science and technology of composites*. 69 (15–16), p. 2538 – 2546.

8. Srinivas R., Rajashekar M.N., Sambaya K. Radial oscillations in a micro-isotropic, micro-elastic hollow sphere. *Int. Y. Purely Appl. Candidate of Technical Sciences, Technol.* 2013, Vol. 15, № 2, p. 54–61.

9. Abd-Alla A.M. Free oscillations in a spherical inhomogeneous elastic region. *Comp. and Theor. Nano science*. 2013. Volume. 10. For No. 9. PP. 1914-1920.

10. Nagdi P.M., Kalnins A. On vibrations of elastic spherical shells. *Trans. ASME. J. Appl. Mechanics*. 1962. Tom E29, № 1, p. 65–72.

11. Kartashov G.D., Ciganova N. M. Construction management plans with the use of quantitative indicators with bilateral boundaries. *Journ. Mat. Sciences* 1987. Tom. 39, № 2, s. 2578–2588. 12. Hu, C., Fang, X., Huang W. (2008) Dynamic effective properties of matrix composite materials with.

15. Bozorov M.B., Safarov I. I., Shokin Y.I. Numerical simulation of oscillations of dissipatively homogeneous and inhomogeneous mechanical systems. Novosibirsk: Ed. SB RAS, 1996, 189 p.

16. Grigorenko M.M., Rozhok L.S. (2011). Analysis of the stress state of hollow layered cylinders with a cross-section of a complex shape. *International Journal of Applied Mechanics*. 47, 6, 48 – 57.

17. Hong S. f, V. Y. Lin, Huang-Fu JJ, Hero of the Soviet Union P.Y. (2009) dynamic reaction of cylindrical shell structures exposed to underwater explosion. *Engineering oceanography* .36(8). p. 564–577.

18. Boltaev Z.I., Safarov I.I., Razokov T. Eigenvalues Of Spherical Inhomogeneity In A Viscoelastic Medium. *International journal of scientific & technology research* volume 9, issue 01, January 2020, p. 3674–3680, [www.ijstr.org](http://www.ijstr.org)

19. Tshaev M.K., Safarov I.I., Kuldashov N.U., Ishmamatov M.R., Ruziev T.R. On the distribution of free waves on the surface of a viscoelastic cylindrical cavity. 2019.

20. Sharma J.N. Sharma, K.D., Dalival S.S. Free oscillation analysis of viscothermoelastic solid sphere. *Int. Solid state physics. Mathematics*. 2012. Volume 8, № 11, p. 45 – 68.

21. Gurtin M.E., Ian Murdoch A., A. (1975). Continuum theory of surfaces of elastic materials. *Diet. Meh. Anal.* 57, p. 291 – 323.

22. Tshaev M.Kh., Safarov I.I., Mirsaidov M. Vibrations of multilayer viscoelastic composite toroidal pipes. *Journal of the Serbian Society of Computational Mechanics*. Volume 13, № 2, 2019, p. 105 – 116.

23. (Safarov I. I., 2020). On the dynamic stress-strain state of isotropic rectangular plates on an elastic base under vibration loads. *Indian Journal of Engineering*, p. 127–133.

Мадрахимова Феруза (Тошкент Давлат Педагогика университети проректори,  
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори; fmr88@mail.ru)

### ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ЎРНИ

*Аннотация.* Бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг маънавий тарбияси ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари келтирилган.

*Аннотация.* В сегодняшнюю эпоху глобализации актуализируются вопросы информационной безопасности в духовном воспитании молодежи и предотвращения идеологических угроз, негативно влияющих на нее.

*Annotation.* In today's era of globalization, the issues of information security in the spiritual education of young people and the prevention of ideological threats that negatively affect them.

**Калим сўзлар:** ёшлар, маънавий тарбия, ахборот хавфсизлиги, мафкуравий таҳдидлар, глобаллашув.

**Ключевые слова:** молодежь, духовное образование, информационная безопасность, идеологические угрозы, глобализация.

**Keywords:** youth, spiritual education, information security, ideological threats, globalization.

Бугунги глобаллашган дунёда ахборот тобора ўзининг стратегик ресурс эканлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат, айниқса, халқаро муносабатлар, хавфсизлик соҳаларида яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, замонавий халқаро муносабатлар назариясини тушунтиришда янги ахборот технологияларининг роли жуда муҳим. Ахборотга жуда кўп таърифлар берилган бўлиб, уларнинг аксариятида ахборотнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ва яхлит тизим сифатида ҳимояланганлик ҳолатига урғу берилади.

Ахборотлашган технологик давр – янгидан-янги ахборотларнинг тезлик билан кириб келишига боғлиқ жараёнлардан иборат. Кириб келаётган ахборотлар ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар, техника воситалари, айниқса, интернет орқали кириб келаверади. Айнан, мазкур жараёнда кириб келувчи салбий жиҳатлар ёшлар маънавий онгига ва жамият миллий маданиятига ўзининг ёмон таъсирини кўрсатади, бу мафкуравий таҳдидларнинг асосини ташкил этади. Ахборотлашган даврда мамлакат тараққиёти учун салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлар кириб келишига оид хавфсизлик таъминланмаса, мафкуравий таҳдидларнинг кириб келиши осонлашади.

Ахборот технологияларининг асоси ҳисобланган оммавий ахборот воситаларидан биринчи бўлиб матбуот пайдо бўлган. Унинг яратилиши 1440 йилда И.Гуттенберг томонидан ишлаб чиқилган нашрларни чоп этувчи ускуна билан боғлиқ. 1609 йилда Германияда, 1622 йилда Англияда, 1631 йилда эса Францияда илк газеталар пайдо бўлди.<sup>1</sup> Европанинг илк газеталари реклама варақлари ёки эпизодик сиёсий тарқатма материаллар бўлган. Бошқача айтганда, матбуот ривожланиб бораётган бозор эҳтиёжлари ва сиёсий воқеаларга нисбатан техник вазифани бажарган. Бироқ вақт ўтиши билан, матбуот жамият ривожланишининг воқеа-ҳодисаларига таъсир ўткази оладиган восита сифатида намоён бўла бошлади. Турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўз шахсий манфаатларини машхур қилиш учун матбуотдан фойдалана бошладилар.

XIX асрнинг охирида Ғарбда иш соатлари миқдори камайиши натижасида, бўш вақт соҳасини енгиллаштиришга объектив зарурият туғилади. Дам олишга ажратилган вақт ортиб борар, уни тўлдирувчи фаолият турлари эса ўз-ўзидан бошқа кадриятлар тизимининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса анъанавий кадриятлар ва миллий маданиятларга таъсир ўтказмай қўймайди.

Ижтимоий боғлиқликлар натижасида инсонларда иш, сиёсий қизиқиш, дин ва хобби бўйича турли истеъмол предметлари пайдо бўла бошлади. Инсон учун жамиятдан узоқлашиш ва ундан йироқда бўлиш каби психологик ҳодиса пайдо бўлди, натижада инсон ўз шахсий фикрини йўқота бошлади. Атрофдагиларнинг унга берган баҳосига бўлган қизиқиш ўсиб борди. Инсон доимий равишда сергак бўлишга кўникди ва доимий равишда ижтимоий фикр динамикасини кузатиб борадиган бўлди. Бора-бора ўзи билмаган ҳолда, ҳозирги кунда муҳим бўлган нарса ва тизимлар борасида расмий маслаҳатларга эҳтиёжи ўсиб борди. Инсоннинг турли жойлардан келадиган маълу-

<sup>1</sup> Федотова Л.Н. Социология массовой коммуникации. СПб., 2003, с. 30.

мотлар оқимига бўлган талаби тобора ошиб борди, у эса билиб-билмай уни истеъмол қилинишини ҳаёт учун муҳим, деб ҳисоблади. Табиийки, бундай маълумотларни етказувчи субъект ушбу маълумотларни истеъмол қилувчинининг устидан ҳукмронлик қилади, бунинг асосида у ўз манфаатлари йўлида ижтимоий фикрнинг шаклланишига таъсир ўтказади.<sup>1</sup> Шундай қилиб, индивид жамият фикрига муҳтож бўлиб қолди, бу фикр эса оммавий ахборот ва медиавоситалари томонидан шаклланиб борарди. ОАВ шахсни мавқеини юксалтиришга ва унга путур етказишга қодир. Интеллектуал жиҳатдан юқори фикрлайдиган инсон буни тез англаши мумкин, аммо мазкур маълумотларни истеъмол воситаси сифатида тезда эргашиб кетадиган «омма» одами буни англамайди. Ушбу ўринда «омма» ва «интеллектуал» тушунчалари бир-бирига қарама-қарши келади. Уларни бир-биридан фарқлаш осон, яъни «оммадан келиб чиққан одам» ҳаётни англашининг асосий воситалари ҳиссиёт, ҳис қилиш, эмоциялардан иборат бўлади. Интеллектуал онгда эса рационал (ақлий) бошқариш устунлик қилади.

Бугунги кунда ОАВ орқали тарқалаётган ахборотлар инсонларнинг, айниқса, ёшлар қатламини яна-да «замонавий» бўлиш руҳияти билан тенгдошларига тақлид қилишга етақлади. Шунингдек, инсонларни урф бўлган мукамалликка ва стандарт ҳолатларга йўналтира бошлади. Бунинг оқибатида инсон турли ахборотларни оммавий истеъмол ғоясини бетанқид қабул қила бошладилар. Мазкур ғоя ОАВ томонидан оммавий маданиятга кўникиш йўли орқали сингдирилади. Яъни, мафкуравий таҳдидларнинг ташқи гўзал ва осон қабул қилинувчи ғоялари, замонавий урф-усулларининг тарғиб этилиши, жиддий фикрлашларни талаб қилмайдиган, ҳаёт ҳақиқатларидан узоқлаштирувчи енгил ҳаёлий рамзлар ёшларни ўзига жалб эта бошлади.

Ушбу ўринда ёшларнинг маданий ва ижтимоий мослашувига интернет тармоқлари таъсир эта бошлайди. Бунда улар ахборотга эга бўлиш, таълим олиш, мулоқот, ўз-ўзини ифода этиш, ижодий ривожланиш, иш топиш, ижтимоийлашув имкониятига эга бўладилар.

Лекин, шу билан бирга, депрессив ёшлар оқими, танишувлар сайти, алдов, ишончсизлик, порнография, секталар, экстремизм, ирқчилик, каби интернет орқали шакллантирилаётган ғоявий таъсир, ошқора мафкуравий тайзиқ олдида, ҳатто тажрибали мамлакатлар ҳам қийин аҳволга тушиб қолмоқда. Бунинг сабаби, ахборотлашган таъсирнинг анъанавий хавф-хатарлар (террорчилик, ядровий қуролларнинг ишлатилиши, экологик муаммо ва бошқалар)дан фарқ қилиб кўзга кўринмаслиги, тезкорлиги ва чегара билмаслигидир. Бугунги кунда ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ахборотлар таъсири туфайли турли давлатлар аҳолиси кайфияти, руҳияти, дунёқарashi ва хатти-ҳаракатларида салбий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Кўриниб турибдики, ахборотлаштириш глобаллашув жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечмоқда. «Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида, ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш улкан имкониятлар яратадиган жараёндир».<sup>2</sup> Лекин бундан дунёнинг айрим манфаатпараст кучлари миллатлар миллий маданиятини емирувчи ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ғояларни тарқатиш мақсадида фойдаланмоқда.

Ушбу жараёнда глобал ахборотлашув асосий роль ўйнайди. Унинг асл моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, жамиятнинг глобал ахборотлашуви илмий-техник, иқтисодий ва социал тараққиётнинг ўзагини ташкил этади. «Ахборот асри» деб ном олган ХХI асрда ахборот стратегик ресурс сифатида табиий бойликлар, энергия манбалари қаторидан жой олди. Бошқача айтганда, ахборот тараққиётнинг бош омилига айланган. Таассуфки, юқорида айтганимиздек, ахборотни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар ҳам йўқ эмас. Бундан келиб чиқадики, ахборотлаштириш жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, ахборот соҳасидаги ютуқлардан ёмон ниятда фойдаланиш хавфи ҳам кундан-кунга кўпаймоқда, яъни ахборотдан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қи-

<sup>1</sup> Котюрова М.П., Попова Н.Ю. Созидание/разрушение личности как следствие коммуникативных установок в современных газетных текстах. Средства массовой информации в современном мире. Тезисы научно-практической конференции. СПб., 1999, с. 15.

<sup>2</sup>Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000, 23-бет.



лиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, кучдан фойдаланмаслик, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмоқда.

Маънавият ва ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотларнинг кириб келиши жамият тараққиётига зарар келтиради. Ҳозирги кунда ушбу жараёнларнинг олдини олиш учун ахборот хавфсизлиги муҳим аҳамият касб этади. Ахборот хавфсизлиги яхлит хавфсизлик тизимининг таркибий қисмидир. Хавфсизлик тизимида ахборот ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан намоён бўлади. «Ахборот хавфсизлиги» тушунчаси тарихан мавжуд бўлса-да, оммавий ахборот воситалари ва бу борада янги технологияларнинг яратилиши, шунингдек, мавжуд манфаатлар ва уларга ахборот коммуникациялари орқали зарар етказиш мумкинлиги мазкур масала долзарблигини янада оширмоқда.

Айни пайтда, ахборот хавфсизлиги серқирра тушунча бўлиб, у турли соҳаларда турлича шакл ва моҳиятга эга. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ахборот хавфсизлиги, ОАВдаги ахборот хавфсизлиги, давлат ахборот хавфсизлиги сиёсати, компьютер хавфсизлиги, оддий ташкилотдан тортиб йирик трансмиллий корпорацияларнинг ахборот хавфсизлиги шулар жумласидан. Мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда эса, асосан, интернет орқали маънавий онгга салбий таъсир кўрсатувчи, ахлоқсизлик ғояларини тарқатувчи ахборотлар ва улардан ҳимояланиш назарда тутилади. Умумий маънода айтадиган бўлсак, “ахборот хавфсизлиги” тушунчаси остида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари сифатида ахборот омили биринчи ўринда туради. Шунингдек, ахборот ва ахборот инфратузилмасининг турли ички ва ташқи, мавжуд ва эҳтимолий, табиий ва сунъий, техник хавф-хатарлардан ҳамда ахборот муносабатлари субъектларидан ҳимояланганлиги тушунилади.

Дунёда содир бўлаётган сўнги воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий шароитда глобал ахборот муҳитининг шаклланиши, ахборот коммуникацион интернет технологияларининг жамият ва мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига кириб бораётган бир пайтда ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёт ғоялардан ёшларни ҳимоя қилиш муаммолари долзарб тус олмақда. Бугунги кунда вояга етмаган ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган интернетда мавжуд маълумотларга қуйидаги ресурсларни ўз ичига олган хавф-хатарлар киради:

– атроф-муҳитга нисбатан депрессия, худбинлик муносабатини ўз кучи ва имкониятларига ишонмаслик, шунингдек, муаммолардан кутулиш истагида ўз жонига қасд қилиш каби муносабатларни шакллантиради;

– ғайриижтимоий ҳисобланган ҳаракатларни бажариш, яъни спиртли ичимликлар, психотроп, наркотик воситаларни қабул қилиш ҳамда «юмшоқ» наркотикларнинг зарарсизлигини тарғиб этувчи яширин рекламалар ва улардаги наркотик воситаларни тайёрлаш ҳақидаги маслаҳатлар;

– зўравонликни, порнография, шафқатсизликни тарғиб этувчи маълумотлар;

– реал мулоқот кўникмаларнинг йўқолишига олиб келадиган ва инсонлараро муносабатлар ривожланишини сусайтиришга оид маълумотлар;

– Ўзбекистон халқининг маданий кадриятларига зарар етказишга олиб келадиган ахборотлар, танишувлар сайтлари, ижтимоий тармоқлар, блоклар ва чатлар;

– вояга етмаганларни ваҳима ва қўрқувга солишга йўл қўядиган, улар орасида инсон шаънини оёқ ости қиладиган, миш-мишларни, шахсий маълумотларни кенг тарқатишга оид, провакацион фотосуратларни чоп этиш;

– сектант, экстремистик ва фундаменталистик оқимлардаги иштирок ва улардаги ғояларни тарғиб этиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, интернетнинг хавфлилик жиҳати шундаки, унда муайян ғоявий-ахлоқий меъёрлар йўқолиб кетмоқда. Илгари бу тармоқдан хавфсираш нисбатан камроқ эди, эндиликда эса икки жиҳатдан хавф ортган. Биринчиси, ҳажм ва қамров (горизонтал) жиҳатдан. Интернет маҳсулотларидан фойдаланиш нафақат компьютерда, балки муайян чегирмалар билан мобил алоқа воситаларида ҳам кечмоқда.

Демак, ҳажм ва қамров жуда тезликда ўсмоқда. Иккинчиси, интернет тармоғида қизиқиш, мойилликни оширувчи воситалар ўйлаб топилишидир. Масалан, баъзи ўйинларнинг ютуғига пул қўйилган бўлиб, улар кўпроқ совринли мусобақани эмас, балки ҳақиқий маънода қиморни эслатади. XXI асрда инсон қўли билан яратилаётган кашфиётлар инсонларнинг жамиятда яшашини енгиллаштириб, уларнинг ҳаёт мазмунини таъминлаб бermoқда.

Бугунги кунда ёшларнинг интернет тармоқларидаги миллий ахлоқ нормаларига зид маълумотлардан узоқлашишлари ва ўзлари учун фойдали бўлган маълумотлардан фойдаланишларини тартибга солиш асосий вазифа ҳисобланади. Бу борада асосий мақсад давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар ва жамоат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган жамланма дастурлар тадбирлари, тадқиқот ва таълим лойиҳалари орқали Ўзбекистонда ёшлар интернетдан хатарсиз фойдаланишларини таъминлайдиган технологик воситалар ва методларни ишлаб чиқариш ҳамда кенгрок ташвиқ этишдан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаёт ва таълим тизимида интернет муҳитнинг хатарсиз ривожланиш усулларини тизимлаштириш, мафкуравий таҳдидлардан ёшларни ҳимоя қилиш техник методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

**Абдумаликов Абдулатиф Абиджанович (Фарғона Давлат университети доценти,  
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))  
ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИДА ИЖТИМОЙ ҚОНУНЛАРНИНГ  
ДИАЛЕКТИК ТАҲЛИЛИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада жамиятнинг барқарор тараққиётида ижтимоий қонунларнинг диалектик таҳлили келтирилган. Жамиятнинг ўзгариши ва ривожланишининг хусусиятлари очиб берилган.*

***Аннотация.** В статье представлен диалектический анализ социальных закономерностей устойчивого развития общества. Раскрыты особенности изменения и развития общества.*

***Annotation.** This article presents a dialectical analysis of social laws in the sustainable development of society. The characteristics of the change and development of society are revealed.*

***Калит сўзлар:** жамият, ривожланиш, ўзгариш, ҳодиса, тараққиёт, қонунлар қонуни, қонунлар руҳи.*

***Ключевые слова:** общество, развитие, изменение, событие, развитие, закон законов, дух законов.*

***Key words:** society, development, change, event, development, law of laws, spirit of laws.*

Бугунги кунда жамиятнинг барқарор ривожланиши ҳар бир мамлакат учун долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Умуман олганда, жамият ғоят мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, муттасил равишда ўзгариш ва ривожланиш хусусиятига эга. Инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ўзаро таъминлаш асосига қурилган бу ижтимоий тизим объектив қонуниятлар асосида ривожланиб боради.

Жамият қонунлари ҳам табиат қонунлари каби объективдир. Бу қонунлар кишиларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, маълум шароитда инсонлар бу қонунларни билишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин, лекин бу қонунларни улар бекор қилмайдилар ёки йўқ қила олмайдилар.

Қонун – муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг хусусияти ва йўналишини белгилайдиган, маълум қатъий натижани тақозо этадиган, объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларидир. Қонун муайян бир натижани туғдириб, воқеалар ривожланишининг хусусиятлари ва йўналишини белгилаб берар экан, бу нарса илмий ва амалий фаолиятда объектив қонунлар асосида ҳаракат қиладиган зарурий, умумий ва барқарор муносабатларни кўрсатибгина қолмай, балки келажакда улар ривожининг йўналишларини ҳам ҳисобга олишни талаб этади.

Қонунлар амал қилиш соҳасига қараб, табиат ва жамият (ижтимоий) қонунларига бўлинади. Бу қонунларнинг қуйидаги фарқлари мавжуд бўлиб, улар:

– табиат қонунлари табиатдаги стихияли кучларнинг ўзаро таъсири шаклида намоён бўлса, ижтимоий тараққиёт қонунлари эса онгга эга бўлган кишиларнинг фаолияти орқали намоён бўлади;

– узоқ амал қилувчи табиат қонунларидан фарқ қилувчи жамият қонунлари қисқароқ вақт ичида амал қилиш хусусиятига эга;<sup>1</sup>

– табиат қонунларидан кўра жамият қонунлари юқори тезликда ривожланади;

<sup>1</sup> Тўленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993, 286-бет.

– табиат қонунлари ер юзида инсонлар бўлмаган вақтларда ҳам мавжуд бўлган, жамият қонунлари эса инсон фаолияти натижасида пайдо бўлган ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда юзага келган.

Юқоридаги фарқлардан келиб чиқиб, жамият қонунларига шундай таъриф беришимиз мумкин: жамият қонунлари – жамиятнинг муайян ижтимоий-тарихий шарт-шароитида ижтимоий жараёнлар ривожининг хусусияти ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган, нисбий барқарор муносабатларидир.

Жамият қонунларнинг амал қилиш муддати ва жараёнлар қамрови муайян ижтимоий шарт-шароитларни тақозо этади. Унинг ўзгариши ёки фаолиятини тўхтатиб, бошқа қонунларга ўз ўрнини бўшатиб бериши инсон хоҳиш-истаклари ва иродасига боғлиқ бўлмай, балки шу қонунлар фаоллигини таъминлаб турган муайян ижтимоий шарт-шароитларнинг ўзгариши ёки йўқолиши билан боғлиқдир.<sup>1</sup>

Жамият қонунлари алоҳида ихоталанган ижтимоий жараёнларни қамраб олмайди, балки диалектика қонунлари асосида ўзаро таъсирда, уйғунликда амал қилади. Жамият қонунлари ҳам диалектика қонунларига кўра, тадрижий ўзгариб бориш, ўз кучини йўқотиш ва янгисига ўз ўрнини бўшатиб бериш, интенсив ривожланиб бориш, экстенсив кенгайиб бориш ва янгиларини келтириб чиқариш, ўзаро алоқадорликда фаолият юритиш хусусиятларига эга. Уларнинг намоён бўлиши маълум вақт ва маконда кечади. Аммо уларни билиш ва англаб олиш инсонлардан жуда катта билим ва тажрибани талаб қилади. Инсон ўзи яшаётган жамиятнинг қонуниятларини доимо билишга интилади ва ижтимоий жараёнларнинг кечишини ва ўзгаришини ақс эттирувчи, реал воқеликнинг умумий, абстракциялашган субъектив тимсолини – қонунларни “кашф қилади”. Бу кашфиёт қонуннинг яратилиши эмас, балки унинг қай даражада субъектив тўғри инъикос эттирилишидир.

Жамиятнинг прогрессив таракқиётини ақс эттирувчи шундай қонуниятлар борки, ҳар бир жамият ўз тарихий таракқиётини бевосита шу қонунлар таъсирида босиб ўтади.<sup>2</sup> Бу қонунлар объектив хусусиятга эга бўлиб, уни тўғри англаш, амалий фаолиятни шу қонунларга мувофиқлаштириш таракқиётнинг гарови ҳисобланади.

Инсон ҳаёт кечирар экан ўз-ўзидан маълум бир объектив қонунларнинг кучли таъсири остида бўлади. Биз бунда инсонни ўраб олган табиат ва жамиятдаги турли ҳодисалар ва жараёнларнинг умумий йўналишини белгилаб берувчи табиат ва ижтимоий қонунларга дуч келамиз. Инсоннинг биологик мавжудлиги табиий қонунлар таъсирида бўлса, шахс сифатида такомиллашуви эса ижтимоий қонунлар таъсирида бўлади. Табиий қонунлар ҳам, ижтимоий қонунлар ҳам амал қилиш муддати, ходиса ва жараёнларни қамраб олиш даражасига кўра, бир неча турларга бўлинади.

Биринчидан, бутун инсоният тарихи даврида амал қилувчи қонунлар. Улар ҳеч қачон ўз кучи йўқотмаслик сифатига кўра, табиат қонунларига яқин туради. Бу қонун мавжудлиги жамият мавжудлиги билан боғлиқ, жамият йўқолса бу қонунлар ҳам йўқолади.

Иккинчидан, айрим ижтимоий-тарихий даврларда намоён бўлиб, маълум шарт-шароитлар йўқолгач, ўз кучини йўқотувчи қонунлар. Бу қонунлар юқоридаги қонунлар таъсирида бўлиб, унинг шартларига жавоб бера олмаган тақдирда, ўз ўрнини бўшатиб беради. Бу қонунлар цивилизация ёндашувга кўра, цивилизациянинг турли босқичларида – ёввойилик, варварлик, аграр, индустриал, информацион-компьютер даврларида, формацион ёндашувга кўра, ибтидоий жамоа, кулдорлик, феодализм, капитализм, коммунизм формацияларида алоҳида шаклда намоён бўлади, тўғрироғи бир цивилизация даврида ёки биргина формацияда амал қилади.

Учинчидан, алоҳида даврларда, нисбатан қисқа муддатларда амал қилиб, объектив ва субъектив шарт-шароитлар йўқолиши ёки ўзгариши билан ўз таъсирини йўқотади ва бошқа объектив қонунларга ўз ўрнини бўшатиб беради. Бу қонунларнинг амал қилиш муддати маълум цивилизация босқичининг айрим даврларида ёки бир формациянинг маълум бир жараёнларини қамраб олади. Бу қонунлар асосан биргина ижтимоий-сиёсий тузум шароитида амалда бўлади. Мавжуд ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузум ва шарт-шароитлар йўқолиши ёки ўзгариши билан ўз фаолиятини йўқотади.

Биз жамият қонунларининг бундай бўлиниш тамойиларини умумий, хусусий ва яқка қонунлар номи билан атаيمиз. Бу қонунлар иерархик бўйсунмиш тамойилига амал қилади, яъни умумий

<sup>1</sup> Эргашев И. Таракқиёт фалсафаси. Тошкент, “Академия”, 2000, 68-бет.

<sup>2</sup> Низом Ф. Янгиланиш анъанаси. Тошкент, “Маънавият”, 1998, 124-бет.

қонунларнинг йўқолиши (жамиятнинг йўқолиши) хусусий ва яқка қонунларнинг йўқолиши эса, ўз навбатида, хусусий қонунларнинг ўз кучини йўқотишига олиб келади.

Ижтимоий қонунлар жараёнларни қамраб олиш даражасига кўра ёки ижтимоий ҳаёт соҳалари ва ижтимоий муносабатларни қамраб олиш даражасига қараб ҳам маълум турларга бўлинади. Булар:

Биринчиси, бутун ижтимоий ҳаётни қамраб олувчи қонунлар. Бу қонунлар жамиятнинг ҳам моддий, ҳам маънавий ҳаётини ва ижтимоий муносабатларнинг барча жараёнларини қамраб олади. Биз бунда кўпроқ диалектика қонунлари таъсирида бўламиз.

Иккинчиси, жамият ҳаётининг маълум соҳасида амалда бўладиган қонунлар. Бу қонунлар ё моддий ҳаётни, ёки маънавий ҳаётни қамраб олади, яъни жамият ҳаётини бир соҳасида намоён бўлади.

Учинчиси, жамият ҳаётининг маълум хусусий соҳасини қамраб олувчи қонунлар. Бу қонунлар моддий ҳаётнинг биргина соҳасида: ижтимоий ёки иқтисодий соҳада намоён бўлади. Маънавий ҳаётнинг: сиёсий, ахлоқий, мафкуравий, маънавий, диний соҳалари ва муносабатларининг фақат биргинасида намоён бўлади.

Бу қонунлар ҳам иерархик буйсуниш тамойилига амал килади. Бу қонунлар ўртасидаги алоқадорлик ҳам маълум қонуниятга буйсунади. Биз бунда “қонунлар қонуни”га, яъни диалектика қонунларига дуч келамиз. Юқорида амал қилиш муддатига ва ижтимоий жараёнларни қамраб олиш даражасига кўра, таснифланган қонунларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш мушқил масала. Бу жараённи ҳам диалектика қонунлари “назорат” қилади. Аммо масаланинг мураккаб томони шундаки, қонунлар ичида “хукмдор” бўлган диалектика қонунларига кўра, барча ижтимоий ҳодисалар каби уларнинг умумий, зарурий ва муҳим алоқаларини ва йўналишини акс эттирувчи ижтимоий қонунлар ҳам ўзгариб боради.<sup>1</sup> Аммо биз бу қонуннинг натижасини ўзига нисбатан ҳам қўллашимиз мумкин. Бунда натижа қандай бўлади? Диалектика қонунлари ҳам ўзгарадими? Бу каби саволларга гносеологик нуқтаи назардан келиб чиқиб, шундай жавоб беришимиз мумкин.

Бу қонун объектив хусусиятга эга бўлиб, унинг ўзгариши субъектив талқин қилиш ва тушуниш билан боғлиқ. Масалан, Гегель диалектика қонунларини жамиятга нисбатан қўллар экан, бунда идеалистик нуқтаи назардан ёндашади. Ундан диалектикани “мерос” қилиб олган Маркс эса унинг акси сифатида материалистик позицияда турди.<sup>2</sup> Ваҳоланки, диалектика қонунларини чегаралаб, маълум бир омиллари доирасидагина тушуниш ҳам бу қонун шартларига тўғри келмайди. Чунки диалектика қонунлари универсал характерга эга. У жамиятда ҳам, табиатда ҳам доимо мавжуд. Умакон ва замонда чегара билмайди.

Шунинг учун биз жамият қонунларининг намоён бўлиш шакллариини ўрганишимизда, биринчи навбатда, диалектика қонунлари билан ҳисоблашмоғимиз ва ундан усул сифатида фойдаланишимизга тўғри келади.

**Шарипов Абдуҳакимжон Зиёитдинович (БухДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент)  
МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ**

***Аннотация.** Мақолада гоявий жараёнлар, мафкуравий позицияларнинг тарихини ўрганиши, уларнинг жамият ҳаётида амал қилиши, Янги Ўзбекистон миллий тараққиётининг Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг бўлган, халқаро ҳамжамиятда маънавий қиёфасини оширишга хизмат қиладиган, барқарор ривожланиш ва жаҳонда муносиб ўрин эгаллашига беқиёс ҳисса қўша оладиган ёшларни тарбиялашга қаратилган миллий юксалиш гоясининг концептуал тамойиллари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилади. Ушбу таҳлиллар маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириши, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириши, эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” гоясини кенг тарғиб этиши орқали жамиятда соғлом дунёқараши ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантиришга хизмат қилади.*

***Аннотация.** В статье анализируются идеологические процессы, изучается история идеологических позиций, их применение в жизни общества, устойчивое развитие в соответствии со Стратегией действий национального развития нового Узбекистана, которая служит подъему*

<sup>1</sup> Афлотун. Қонунлар. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2008, 47-бет.

<sup>2</sup> С.Йулдошев, М.Усмонов ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. Тошкент, “Шарк”, 2002, 241-бет.

морального духа международного сообщества, устойчивое развитие и концептуальные принципы идеи национального возрождения, направленные на воспитание молодого поколения, способного внести неоценимый вклад в свое достойное место в мире с социально-философской точки зрения. В результате данные выводы анализа служат повышению эффективности и действенности духовно-просветительской работы, превращая творчество в общенациональное движение, укрепляя в сердцах молодого поколения чувство причастности к проводимым реформам, трансформируя здоровое мировоззрение и творчество в общенациональное движение через имплементации идеи «От национального возрождения к национальному прогрессу», основанной на принципах добра и гуманности.

**Annotation.** This article analyzes the ideological processes, studies the history of ideological positions, their application in the life of society, sustainable development in line with the Action Strategy of the new national development of Uzbekistan, which serves to raise the morale of the international community, sustainable development and the conceptual principles of the idea of national ascent, aimed at educating young generation who can make an invaluable contribution to their worthy place in the world, from a socio-philosophical point of view. As a result, these analyzes serve to increase the effectiveness and efficiency of spiritual-enlightenment work and to turn creativity into a nationwide movement, strengthening the sense of involvement in the ongoing reforms in the hearts of young generation, transform a healthy worldview and creativity into a nationwide movement through the widespread promotion of the idea of “From national revival to national progress” which based on the principles of goodness and humanity.

**Калим сўзлар:** ғоя, мафкура, Янги Ўзбекистон, тараққиёт стратегияси, идеологизация, деидеологизация ва реидеологизация жараёнлари, миллий ғоя, юксалиш, бунёдкорлик.

**Ключевые слова:** идея, идеология, Новый Узбекистан, стратегия развития, идеологизация, процессы деидеологизации и реидеологизации, национальная идея, восхождение.

**Key words:** idea, ideology, New Uzbekistan, strategy of development, ideologization, deideologization and reideologization processes, national idea, upheaval, creativity.

Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига оид ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Юртимиз ижтимоий тараққиётнинг назарий асосларини илм-фан асосида ишлаб чиқиш жамият ҳаётидаги муаммоларни бартараф этишнинг зарурий шартини ҳисобланади.

Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаганлиги алоҳида эътибор талаб этади.

Глобаллашув дарида ғоявий ҳимоя ва мафкуравий иммунитет масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги замонда дунёнинг айрим ҳудудларида юз бераётган сиёсий инқирозлар, антигуманистик хатти-ҳаракат ва ёвузликлар, аввало, кишилар онгида ғоявий бўшлиқни вужудга келганлиги туфайли содир бўлмоқда. Бундай шароитда ғоявий жараёнлар, мафкуравий позицияларнинг тарихини ўрганиш, уларга илм орқали ёндашиб, тўғри баҳо бериш жамият тараққиётини таъминловчи вазифадир.

XX асрда жаҳон мамлакатлари ғоя ва мафкурага муносабат масаласида уч хил йўлдан борганлиги маълум бўлади:

◆биринчи йўл, бу муайян ғоя ва мафкурани мутлақлаштириш (идеологизациялашган) йўлидир. Бунда бирон бир синф, партия ёки қатламга оид мафкура мутлақ ҳукмронлик даражасига кўтарилган, бошқа мафкура ва қарашларга йўл қўйилмаган. Ўзгача қарашдаги кишилар дунёқарашини йўқ қилинган, уларга хос ғоя ва мафкуралар тақиқланган ва бу ҳолат халқлар ва давлатлар бошига ниҳоятда катта кулфатлар келтиргани сабабли кўпгина мамлакатлар мафкура масаласида бутунлай янги, иккинчи йўлдан боришга мажбур бўлди;

◆иккинчи йўл, сиёсат ўз йўлига – ғоя ва мафкура ўз йўлига – давлат ўз йўлига деган қараш (деидеологизация) асосида шаклланган. Аммо XX асрнинг 60-йиллари охирида келиб, бу йўл ҳам тўғри эмаслиги, ғоя ва мафкурасиз миллат, давлат ва жамият ҳаёти ҳалокатга учраши, кишилик жамиятида ҳамма учун умумий бўлган маълум ғоявий тамойилларга амал қилиш лозимлигини кўрсатди;

◆учинчи йўл сифатида, демократик эркинликлар, фикрлар ранг-баранглиги, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда қандай қилиб умуммафкуравий тамойилларнинг амал қилишига эришиш мумкин? деган саволлар пайдо бўлди. Ана шу саволларга жавоб тариқасида илғор демократик мамлакатлар ғоявий тараққиётнинг замонавий йўли – реидеологизация тамойиллари асосида ҳаёт кечиришга ўта бошлади. Бунда бирон-бир мафкура ҳукмрон ва давлат мафкураси даражасига кўтарилмайди. Балки давлат бу соҳада асосий ислохотчи сифатида иш юритади.

Жаҳоннинг илғор хорижий тажрибалари асосида мафкуравий тарбиянинг бой имкониятлари, турли намуналари тўпланган.

Мафкура – бу кишиларнинг атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ҳамда ижтимоий муносабатларни англаш ва баҳолашга қаратилган ғоя ва қарашлар тизимидир. Мафкура аниқ бир жамият ёки унинг бир қисми (синф, ижтимоий гуруҳ, мамлакат, миллат, партия, ҳаракат, йирик ижтимоий жамоалар) манфаатлари ва кадриятларини ифода этади.

Дастлаб, Н.Макиавелли Европада мафкуранинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш билан боғлиқ муаммоларни очиб бериш ва изчил ривожлантириш масалаларини таҳлил этди. Унинг “Хукмдор” асарида сиёсий тўқнашувларда ғояларнинг ўрни тўғрисида жиддий фикрлар билдирилган. Ф.Бекон асарларида мафкура назариясининг билишга оид айрим хусусиятлари кўриб чиқилган.<sup>1</sup>

Антуан Дестут де Траси томонидан биринчи марта “мафкура” атамаси, 1796 йилда қўлланилган бўлса, XVIII–XIX асрларда маърифатчилар томонидан мафкуранинг фаол амалий аҳамияти таъкидланиб, ахлоқий-сиёсий доктринага айлантирилди. Айнан шу даврда бир гуруҳ француз файласуфлари, иқтисодчилари ва табиатшунослари (А.Дестут де Траси, П.Кабанис, Э.Кондильяк, К. Вольней, Ж.Тара) “мафкура” атамасини ғоялар генезиси ва амал қилишини ўрганишга мўлжалланган назарий фанларни ифодалаш учун ишлатдилар. Шундай қилиб, “мафкура” атамаси, дастлаб, ғоялар назариясини тадқиқ этувчи фанни англатарди. Ушбу мутафаккирлар барча фанларнинг методологик асосларини ўрганишга мўлжалланган махсус фалсафий фанни яратиш таклифини илгари суришади.<sup>2</sup>

Де Траси ўз вазифасини инсон билимлари манбаи, унинг чегаралари ва ишончлилик даражасини аниқлашда деб ҳисоблаган ва шунинг учун у ғоялар назариясини барча фанларнинг фундаментал асоси сифатида тадқиқ этган. Унинг кўп жилдли “Мафкура элементлари” асарининг 1801 йилда нашр этилган биринчи жилдида мафкура – инсон онгининг универсал қонунларни англашдаги рационал фаолиятнинг ўзига хос эталони сифатида талкин қилинган.

Де Траси қарашларининг чекланганлиги шундаки, у инсоннинг юксакликка интилиши, тартибга бўйсунилишини ижтимоий тизимни ўзгартирмасдан, фақат маърифат асосида амалга ошириш мумкинлигига ишонади. У ва унинг тарафдорлари, ҳатто буржуа давлатини такомиллаштириш ва мустақкамлашга хизмат қиладиган халқ таълими дастурини баён қилдилар. Кўриб турганимиздек, дастлаб, “мафкура” атамаси ижобий маънога эга бўлиб, диний ва илмий хурфотлардан тозаланган, одамларнинг ҳар томонлама маърифатига асос бўладиган ғоялар таълимотини англатган.<sup>3</sup>

XVIII аср охири – XIX аср бошларида фаолият олиб борган мутафаккирлар мафкура тушунчасига сохта билимга оид турли хил хурфотлар, идолларни назарий таҳлил объекти сифатида киритадилар. “Мафкура”нинг салбий мазмуни 1797 йилдан буён Миллий институт аъзоси бўлиб, маърифатпарварларнинг фикрлари билан ўртоқлашган Наполеоннинг мафкурачилар томонидан унинг деспотик ҳаракатларини қоралагандан сўнг шакллана бошлади. Наполеон ўзининг ҳамфикрлари бўлмиш маърифатпарварларни доктринада ва романтик идеализмда, ҳақиқий сиёсий амалиётни ва француз жамиятини ташвишга солаётган манфаатларни англамасликда айблади. У салбий маънода уларни “мафкурачилар” деб атай бошлади. Ўша вақтдан бошлаб, “мафкура” тушунчаси семантик ўзгаришга учраб, салбий маънога эга бўлишни бошлади.

XX аср 60–70-йиллари Ғарбий Европа ва АҚШда мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи (деидеологизация) этишга уринишлар кучли бўлганлигини ҳамда амалиёт-

<sup>1</sup>Кара-Мурза С.Г. Идеология и мать ее наука. М., 2002. URL:<https://www.e-reading-lib.com/book.php?book=25424> (мурожаат санаси 13.06.2020).

<sup>2</sup> Кузнецов В.Н. Идеология. Социологический аспект. М., “Книга и бизнес”, 2005, 387 с.

<sup>3</sup> Возвышенный объект идеологии (электронный ресурс). М., Художественный журнал, 1999, с. 114; URL: [http://yanko.lib.ru/books/philosoph/jijek-vozv\\_o\\_ideologii-81.pdf](http://yanko.lib.ru/books/philosoph/jijek-vozv_o_ideologii-81.pdf) (Мурожаат санаси 15.06.2020).

да бу йўл ўзини оқламаганини айтиб ўтдик. Чунки тарбия масаласида мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи (деидеологизация) этишга уринишлар ғоявий бўшлиққа олиб келиши у эса ўз асоратлари орқали маънавий-руҳий инкирозни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсата бошлади. Натижада дунёнинг кўплаб давлатларида «мафкуравий янгиланиш», «қайта мафкуравийлашув» (реидеологизация)га кучли зарурат туғилди ва мафкурасизлик хатосини тузатишга киришилди. Шу тариқа, Европа давлатлари, ҳатто АҚШда ҳам таълим тизимида ижтимоий кадриятларга эътиборни, мафкуравий тарбияни ўз ичига олувчи «мактабда ўқувчиларни сиёсий индоктринациялашни амалга ошириш» концепцияси ишлаб чиқилиб, уни ҳаётга татбиқ қила бошланди. Деидеологизация – 1950–1960-йилларда Ғарбда кенг тарқалган фалсафий ва ижтимоий-сиёсий концепция сифатида намоён бўлади. Бу концепция тарафдорлари “мафкуранинг сўниши”, унинг ижтимоий фанлар, сиёсат ва кундалик ҳаётдан четлашаётганлигини таъкидлашади. Улар деидеологизацияни ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолашда бир томонлама синфий, ўта мафкуравий ёндашувни рад этувчи, маълум бир синф ё гуруҳ манфаатларидан кўра умуминсоний манфаатлар ва кадриятларни устун қўювчи сиёсий назария ва амалиёт йўналиши сифатида ҳам тавсифлашади.

Деидеологизация концепцияси технократик утопия – техника ва технологик тараққиётни мутлақлаштирувчи дунёқараш тизими сифатида вужудга келган. Ушбу қарашлар, асосан, 1950 – 1960-йилларда буржуа мамлакатларидаги ижтимоий онг шаклини белгилаб берди. Ушбу тизим доирасида деидеологизация дунёқараш интеллектуал ғайритабиийлик, ўзига хос маънавий ориентчқа нарса, идеал тарзда қурилган технократик бино пойдеворидаги меъморий бузилиш сифатида қаралди.<sup>1</sup>

Реидеологизация – бу мафкурани қайта тиклаш жараёни бўлиб, мафкурага бўлган ишончни янгиледи. Реидеологизация концепциясининг энг умумий мазмуни мафкуранинг тикланишини, замонавий дунёда унинг ролини кучайтиришни назарда тутадиган “ре” префикси билан белгиланади. XX асрнинг 70-йиллари бошларида реидеологизация концепциясининг етакчи назариётчилари (Р.Арон, Д.Белл, О.Лемберг, Р.Нисбет ва бошқалар) замонавий дунёда маънавиятнинг янгиланиши юз бераётганини, янги мафкуравий ресурслар кашф этилаётганлигини, ўтган ўн йилликларда мафкурага бўлган сусайган ишончнинг яна мустаҳкамланаётганлигини эълон қилишади. Ҳозирги кунда қайта мафкуралаштириш марксистик тафаккур тарафдорлари томонидан танқидга учраган аҳоли кенг қатламларининг идеаллари ва кадриятларига муносиб жавоб сифатида шаклланаётганлигини қайд этишади. “Янги ғоявий давр бошланмоқда”, деб ёзади француз социологи Р.Арон. Немис социологи О.Лемберг “мифологик онгни” (у мафкурани шундай атайди) бир томонлама танқид қилишдан огоҳлантиради, кишиларда мафкура, имонни тежашга бўлган муросаз эҳтиёж борлигини таъкидлайди; ғоялар тарихни яратади, тоғларни силжити дея баҳо беради.<sup>2</sup> [7.168].

Худди шундай позицияни Липсет ҳам қайд этиб, у “мафкуранинг таназзулга учраши”ни сиёсий қарашлар тизими, утопик фикрлаш ва синфий зиддиятлар бартараф этиш маъносида тушунмасликни таъкидлайди. С.Липсет ва Э.Шилз деидеологизацияни корнцепцияларини фақат фақат 1950 йилларга тегишли эканлигини ва унинг тузатилишга муҳтож эканлигини таъкидлайдилар.

Реидеологизацияни тўлқинлар баъзи умумий хусусиятларга эга. Янги тенденция тарафдорларининг барча назариётчилари замонавий жамиятда ғояларнинг роли тобора ошиб бориши ҳақида фикр юритадилар. Ушбу фикрларини аргументлаш сифатида “Инсонга мафкура ҳаводек зарур” деган афоризм билан жуда аниқ ифодалаб берганлар. Барча реидеологизаторлар, аниқ мўлжалларидан қатъий назар, дунё янги дунёқарашга жуда муҳтож, чунки аввалгилари ижтимоий мўлжал бўлиш қобилиятини йўқотганлигига амин бўлган ҳолда ягона платформага бирлашишади.

Мана шу қарашлар ижтимоий эҳтиёжларни акс эттирувчи ҳақиқат сифатида аллақачон ижобий баҳоланган “глобал мафкура” лойиҳасини келтириб чиқарди. Реидеологизаторлар янги дунёқарашга куч ва жозибадорлик бағишлаши мумкин бўлган энг муҳим интилишлардан бири сифатида “янги мафкура”нинг асосини қидирмоқдалар. Глобал мафкуранинг бошланғич ўчоқлари сифатида Т.Парсонс “умуминсоний муҳаббат динлари”ни, Э.Фромм “умид инкилоби”ни, Т.Роззак “мифологик билимлар”ни, яъни шаманизм, сеҳргарлик, қадимий тасаввурларни тушунган. Маълум қилинишича, замонавий жамият учун зарур бўлган янги дунёқараш бир томонлама қарашлар-

<sup>1</sup>Манхейм К. Идеология и утопия. URL: <https://Cyberleninka.ru/article/n/glava-ii-ideologiya-i-utopiya/viewer> (Муҳожаат санаси 16.06.2020).

<sup>2</sup>Lemberg E. Anthropologie der ideologischen Systeme. Baden-Baden, “Nomos”, 1987, 168 S.

дан халос бўлиши керак. Бундай янги маънавий таълимда турли тенденциялар интеграллашади, турли ижтимоий гуруҳ манфаатлари уйғунлашади.<sup>1</sup>

Реидеологизация – мураккаб ва кўп қиррали ходиса. У замонвий Ғарб жамиятларининг турли ғоявий-сиёсий оқимлари томонидан ҳимояга олинган. Ушбу мафкуравий тўлқиннинг пайдо бўлиши либералистик, консервативистик ва сўлрадикал қарашларнинг тарснформациясини амал-га ошириб, ғарбона тафаккурнинг барча соҳаларида яққол кўринмоқда. Бундай оқим буржуа партияларининг (АҚШдаги республикачилар ва демократлар, Англияда лейбористлар ва бошқалар) янги-ланган сиёсий дастурларга таянишни, ўз обрўсини мустаҳкамлашга уринишларни ифодалаб бермоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз тараққиётининг кейинги ўн йилликлардаги қиёфасини шакллантиришнинг ғоявий асослари ҳамда мафкуравий тамойилларини белгилаб берадиган миллий ғояни ривожлантириш концепцияси ҳамда ундан келиб чиқадиган муҳим ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бугунги давр талабларини тўла-тўқис ақс эттирмоқда.

XX аср тарихининг айрим паллаларида жамият ҳаётида идеологизация, бошқа даврларида эса деидеологизация жараёнлари устуворлик қилган. Идеологизация тамойили давлат мафкурасининг мутлақ устуворлиги ва жамият соҳаларининг мазкур мафкурага тўла-тўқис бўйсундирилишига, бунинг оқибатида эса фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқсиз ва эрксиз “мурватчаларга” айланиб қолишига сабаб бўлади. Деидеологизация жараёни ғоясизлик муҳитини шакллантиради, асл умуминсоний ва миллий қадриятларнинг қадрини пасайтиради, уларнинг маънавий омил сифатидаги аҳамиятига путур етказилади. Энг муҳими, у давлат сиёсатида мойиллик ўрнига, ўз хоҳиш ва истакларини мутлақлаштиришга ҳаракат қиладиган, шахсий манфаатлари қурбонига айланган нафс бандалари кўпайишига замин яратади. Шу тахлит фикрлайдиганларни ўз сафларига тортадиган, янгиланиш ва ислохотларга дахлдорлигини сезмайдиган одамлар сафи ортишига сабаб бўлади. Бундай жараён ички таҳдидларни кучайтириб, кўп ҳолларда бошқарув органлари, ҳокимият ва раҳбарларга нисбатан ишончсизлик ва норозилик муҳити шаклланиши хавфини вужудга келтиради.

Худди шу боис, ривожланган давлатлар бугунги кунда идеологизация ва деидеологизация тамойилларидан воз кечдилар ҳамда тараққиётнинг реидеологизация тамойилларига таяниб иш юритмоқдалар. Уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ички ва ташқи сиёсатда, миллий ғоя имкониятлари ва мафкуравий воситалардан оқилона фойдаланган ҳолда, фуқароларни умумий мақсадлар йўлида жипслаштириш ва сафарбар этиш бўйича самарали натижаларга олиб келмоқда.

Мафкуранинг умумэтироф этилган қонуниятларига кўра, у ҳаётнинг бошқа соҳаларидан ажралган эмас, балки унинг барча жабҳаларига ғоявий таъсир кўрсатувчи умумий ва зарурий тамойилдир. Бошқа хусусий соҳаларга доир ҳужжатлар моҳиятини англаш доираси шу соҳани камраб олиши мақсадга етиш учун етарли бўлиши мумкин. Аммо мафкуравий соҳа фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар бутун жамиятни тўлиқ камраб олиши ва кенгқамровли тарғибот ва ташвиқот зарурлиги билан фаркланади. Зеро, “жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни хар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

**Бегбудиева Парвина Шохруховна (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти)**

## **ЖАДИДЧИЛИК ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛИШИНING ТАРИХИЙ ЗАРУРИЯТИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада жадиндчилик педагогикасининг вужудга келиши тарихига методологик ёндашилган. Туркистонда жадиндчилик таълимотининг вужудга келиши сабабалари ва ижтимоий ҳаёт шаклланиши босқичлари тахлилий ёритилган. Туркистонда ташкил этилган мактаблар фаолиятлари ва бу мактабларда миллат зиёлиларининг фаолияти зарурати тўғрисида илгор фикрлар берилди. Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракатини даврий хонлик тузумининг анъаналари ва урф-одатларига қарши кураш сифатида вужудга келганлиги янгича қарашларни илгари сурган ғоялар асосида ривожланганлиги очиб берилди.*

***Аннотация.** В статье рассматривается методологический подход к истории возникновения джадидской педагогики. Анализируются причины возникновения доктрины джадидизма в*

<sup>1</sup> Парсонс Т. Институционализация идеологий. Парсонс Т. О социальных системах. Под ред. В.Ф. Чесноковой и С.А.Белановского. М., “Академический проект”, 2002, 432 с.



*Туркестане и этапы становления общественной жизни. Высказаны предварительные мнения о деятельности школ, созданных в Туркестане, и необходимости деятельности национальных интеллектуалов в этих школах. Выявлено, что просветительское движение в Туркестане возникло как борьба против традиций и обычаев ханств того периода и развивалось на основе идей, продвигавших новые взгляды.*

***Annotation.** The article discusses a methodological approach to the history of the emergence of Jadid pedagogy. The reasons for the emergence of the doctrine of Jadidism in Turkestan and the stages of the formation of public life are analyzed. Preliminary opinions were expressed about the activities of the schools created in Turkestan and the need for the activities of national intellectuals in these schools. It was revealed that the enlightenment movement in Turkestan arose as a struggle against the traditions and customs of the khanates of that period and developed on the basis of ideas that promoted new views.*

***Калим сўзлар:** маърифатпарварлик, жади́дчилик, Туркистон, мерос, маданият, янгиликлар, тараққиёт, миллий ҳаракат, жамият, кадрият, илм-фан, зиёлилар, фан-техника.*

***Ключевые слова:** просвещение, джадидизм, Туркестан, наследие, культура, возрождение, развитие, национальное движение, общество, ценности, наука, интеллигенция, наука и технология.*

***Key words:** enlightenment, Jadidism, Turkestan, heritage, culture, revival, development, national movement, society, values, science, intelligentsia, science and technology.*

Марказий Осиё маърифатпарварлик ҳаракати XIX аср охири – XX аср бошларида кенг ривожланиб, бу ҳаракатнинг бошида Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Махмудхўжа Бехбудий, Шакурий, Сиддикий Ажзий, Садриддин Айний ва бошқалар эди. Маърифатпарварлик ҳаракатининг асосий белгилари феодал – хонлик тузумининг анъаналари ва урф-одатларига қарши кураш, илғор рус маданияти ва техникасини ўрганишга даъват этиш, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигига эришиш, уларнинг ижтимоий ҳаёт тарзини яхшилаш ва янги мактаблар ташкил қилиш, оддий халқ болаларини тарбиялашни тарғибот қилишдан иборат эди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, миллий-маданий меросимизни ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган илмий изланишлар учун кенг имкониятлар вужудга келди. Бугунги кунда миллий кадрларимизни, маърифатпарварлик ҳаракати тараққиёти тарихида муҳим ўрин эгаллаган жади́дчилик таълимотининг ижодий фаолиятини ўрганиш соҳасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилмакда.

Жади́длар ҳаракати Туркистонда XIX асрнинг охирларида пайдо бўлган ва замонасининг илғор усулларни ёқлаган маърифатпарварларгина бўлиб қолмай, балки миллий, туркий, исломий ҳуқуқий меросининг миллат ичида кенг ёйилиши, ҳурфикрилиқ, тараққиёт ва миллий истиқлол учун ҳам курашни мақсад қилиб қўйганлиги билан фарқланади. Умуман, жади́дчилик ҳаракати жамият ҳаётига янги бир куч сифатида майдонга чиқиб келди ва бу жараён учун Туркистоннинг ўзида ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилган замон ва шароит етилиб чиққан эди.

Маърифатпарварлик ҳаракати бўлган жади́дчилик ўзларининг асосий фаолиятларини давр нуқтаи назардан, адабий жараённи асосий йўналиш даражасига кўтарди. Жади́дларнинг асосий фаолиятлари давомида мустамлакачилик сиёсатига қарши ҳаракатлар билан боғлаб олиб борди. Бу даврда Туркистонда вужудга келган маърифатпарварлик ҳаракати, дунёвий илм-фан ва илғор фан-техникани, маданиятни ўз халқига тарғиб қилиш, орқали маҳаллий халқ зиёлиларини етиштириш, миллат хотин-қизларининг ҳақ-ҳуқуқларини ёқлаш, мактаб ва мадрасаларининг дастурларига дунёвий фанларни ҳам киритиш, жорий тузумни ислоҳ этиш, халқ озодлиги, истиқлоли учун кураш каби маиший, ижтимоий, сиёсий ғоялар айнан жади́дларнинг ўз олдларига қўйган асосий мақсадлари эди.

Жади́дчилик ҳаракати тарих саҳнасига маърифатпарварлар сифатида кириб келган бўлсалар ҳам, бир умрга фақат эскиликка, қоқликка ва жаҳолатга қарши курашувчилар бўлиб қолдилар. Жади́длар маърифатпарварликдан миллатпарварликка, ватанпарварликка, унинг истиқлоли ва истиқболи учун фаол курашувчилар даражасигача бўлган мураккаб йўللарни босиб ўтди. Айниқса, бу борада Мунавварқори Абдурашидхонов, Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳожи Муин каби ижодкорларнинг адабий-ижтимоий, сиёсий фаолиятлари билан танилди.

Аввало, жади́длар ўзларининг илғор ғояларини Туркистон халқлари орасида ёйиш учун ва ўз миллий мафқураларини шакллантириш учун миллий матбуотига асос солишди. Миллий жади́д адабиётининг етакчи тамойиллари, асосан, ватанпарварлик ва кенг халқ манфаатларига қаратилган

миллатпарварликдир. Шунинг учун ҳам айнан жадид адабиёти ўзларигача бўлган адабиётдан кескин фарқ қилади ва ажралиб туради. Чунки жадидчилик ҳаракатининг йирик вакиллари ўзларининг асосий фаолиятларида тарихий тараққиётнинг келажагини эса маърифатпарварликда ва юрт истикболини жадид адабиётида кўрган эди.

1905–1917 йиллар даврида Туркистонда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалари таъсирида жадид адиблари ўзларининг асарларига курашувчанлик руҳини аниқ сингдира олди. Жадидчилик маърифатпарварликдан кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Мустамлакачилик остида эзилиб келган халқ оммасининг оғир иқтисодий аҳволи ва Туркистоннинг жаҳон иқтисодий томондан тараққий этган мамлакатларидан анчагина орқага қолиб ривожланмай қолганлиги каби ҳолатлар жадидларни ижтимоий тараққиёт чораларини излаб топишга ундади. Вужудга келган вазиятда илғор мусулмон зиёлилари мамлакат тараққиёт даражаси орқадалигининг, ижтимоий ва мустамлака зулмининг асосий сабабини, авваламбор, халқнинг ғафлатда қолганлиги ва маърифатсизлигидан қидирдики, бу каби сабаб ва омилларни ҳукмрон доиралар (яъни, Чор Россияси ҳукумати–П.Б.) қўллаб-қувватлаб турардилар. Шунинг учун ҳам пишиб етилган муаммоларни ҳал қилишнинг энг асосий йўли деб маориф ва маърифат кўзда тутилди. Бунинг оқибатида, дастлаб, жадидлар диққат-эътибори марказида маорифни ислоҳ қилиш вазифаси кўнданланг турди. Улар бу ислоҳотларни амалга оширишнинг зарур эканлигини нафақат назарий жиҳатдан асослаб бердилар, балки янги усулда ўқитиладиган мактаблар очиб, кутубхоналар, қироатхоналар барпо этиб, ўқув қўлланмалари ёзиб, ўз гоёларини амалда қўллаш йўлида улкан ишлар қилдилар.

Ўз даврида жамиятдаги бундай салбий иллатларни бартараф этишнинг асосий йўли, Ажзийнинг назарича, болаларни мактабга жалб қилишдан иборатдир.<sup>1</sup> Ўша даврда ўқиш, ўқитиш тизимида бўлган ўзгаришлар, бунда жадидларнинг одилонга йўл тутишлари туфайли бошлаган янги мактаблар ва уларнинг ўзига хослиги тўғрисида шундай дейилади:

*Таҳсил ила рус мактабинда,  
Анвои фунун анинг дилинда.  
Илми ҳама ихтироу ҳикмат,  
Таълим зироту тижорат.*<sup>2</sup>

Биз бу масалада, илгарилари ўзбек жадидлари даҳрий бўлмайдиний эътиқодда мустаҳкам турганлари, фақат динни суиистеъмол қилиб, бугунги ёзувлар сингари, дин номидан лоф уриб, ўз манфаатларини кўзловчи имонсизларга қарши курашганлари ҳақида билишганларимизни айтдик. Хурофотчилар Беҳбудий ва унинг усули жадид мактабларига қарши ошқора ҳужум ва тухматлар билан чикқанларида, Беҳбудий махсус мақола ёзиб, тараққийпарвар жадидларнинг ҳақиқий мусулмонлардан иборатлигини, улар фақат бидъатга қаршиликларини, дин номини ўз қора ниятларига бўйсундуравчиларга қарши эканликларини чуқур тарихий далиллар, қатор амалий мисоллар билан исботлаб беради. Агар жадидлар мусулмон бўлмаса, дунёда мусулмон йўқ бўлиб чиқади қабилда теран фикр-мулоҳазаларини баён қилади.

Жадидлар фаолиятини, уларнинг асарларини ўрганиб хулоса қилиш мумкинки, улар дунёвий тараққиёт учун курашганлар, миллатнинг бахт-саодатини дунёвий тараққиёт билан боғлаганлар. Миллий жадидчилик ҳаракати тарихини чуқур ўрганиш, унга тўғри илмий баҳо беришнинг тарбиявий аҳамиятини, юртимизда айнан истиклол туфайли эришилди. Бу, асли, жаҳон миқёсида юртимиздаги амалларининг тан олинishi, эътироф этилишининг тасдиғидир.

**Ашурова Хуршида Сағдуллаевна (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти)  
САМАРҚАНД ЖАДИДЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТИЗИМИГА ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВЛАРИ**

*Аннотация.* Мазкур мақолада Самарқанд жадидларининг гоёлари жамият ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий жараёнларига мустақил муносабатларни намоён қилиб кириб келганлиги тўғрисида мулоҳаза юритилган. Самарқанддаги ижтимоий муҳит ўз даври зиёлиларнинг ҳаракатга келтиришига хизмат қилганлиги билан Туркистон жадидларидан ажралиб туришини кўришимиз мумкин. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг бошланишига, айнан Самарқанд жадидларининг гоёлари тўртки бўлганлиги уларнинг гоёларида кўринади. Жадидчилик ҳаракатининг замирида,

<sup>1</sup> Сиддиқий Ажзий томонидан ташкил қилинган мактабларда ўқиш-ўқитиш тамойиллари янги илғор педагогик усулларга асосланган ва педагогик нуктаи назардан афзал ҳисобланган.

<sup>2</sup> Сайланма. 182-бет.

асосан, ватанпарварлик тўғриси ётганлиги, бу эса миллий озодлик, хурфикрлилик каби миллий позициянинг шаклланишига хизмат қилганлиги тўғрисида илмий-таҳлилий фикр юритилган.

**Аннотация.** В статье рассматриваются идеи самаркандских джадидов, которые вошли в жизнь и социально-политические процессы общества. Указывается, что социальная среда в Самарканде в корне отличалась от туркестанских джадидов тем, что послужили для мобилизации интеллигенции своего времени. С самого начала движения джадидов в Туркестане ясно, что у самаркандских джадидов были самобытные идеи. Раскрыты научные и аналитические взгляды, что в основе движения джадидов лежит чувство патриотизма, которое послужило формированию национальной позиции, такой как национально-освободительная, свободолюбивая.

**Annotation.** The article is considering the idea of Samarkand Jadids, who entered the life and socio-political processes of society. It is indicated that the social environment in Samarkand in the corner differed from the Turkestan Jadids in that they served to mobilize the intelligentsia of their time. Since the inception of the Jadid movement in Turkestan, it is clear that the Samarkand Jadids had their own ideas. The scientific and analytical views are shown that the Jadid movement is based on a sense of patriotism, which served to form a national position, such as national liberation.

**Калим сўзлар:** миллийлик, жаидидчилик, озодлик ғоялари, ижтимоий ҳаёт, сиёсий фикрлар, миллат, ватанпарварлик, янги қарашлар, тарихий шароит, маърифатпарварлик, маънавий муҳит, замонавийлик, эстетика, қарашлар.

**Ключевые слова:** национализм, джадидизм, идеи свободы, общественная жизнь, политическая мысль, нация, патриотизм, новые взгляды, исторические условия, просвещение, духовная среда, современность, эстетика, взгляды.

**Key words:** nationalism, jadidism, ideas of freedom, social life, political thought, nation, patriotism, new views, historical conditions, enlightenment, spiritual environment, modernity, aesthetics, views.

Тарихий фалсафий нуқтаи назардан, Миллий уйғониш ҳаракатининг вужудга келиши ва унинг замирида янги ижтимоий-сиёсий қарашларнинг шаклланиши бу давр ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётининг энг муҳим хусусиятларидандир. Жаидидлар ижодларида Ватан ва миллат тақдири, истиқбол масалаларига алоҳида ва ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият қаратилди. Бу даврда Самарқанд жаидидларининг ижодларида ижтимоий-сиёсий қарашлар бадиий тарзда намоён бўлди ва моҳиятан янгиланди. Ана шу янгиланган ижтимоий-сиёсий қарашлар воқеликда акс этиш тамоийилларини фалсафий таҳлил қилиш илмий-назарий асосда ўрганиш бугунги кундаги илм-фаннинг олдида турган долзарб вазифалардандир. Бинобарин, жаидидлар фаолиятида ижтимоий-сиёсий масалаларнинг қўйилиши ва ҳал этилишини ўрганиш бугунги кунда ечимини кутаётган илмий муаммолардандир бири бўлди. Булар қуйидагилар:

–XX аср бошларида Самарқанд жаидидларининг қарашларида озодлик масалаларининг моҳияти ва ижтимоий-сиёсий идеаллиги;

–жаидидларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда мафкуравий ғоялари.

Самарқанд жаидидларининг ижодий фаолиятини ўрганиш маърифатпарвар зиёлиларнинг инсон рухий ва маънавий дунёқарашини бойитишга хизмат қилувчи асарлари таҳлили, юрт равнақида хизмат этувчи ғояларидан фойдаланиш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятига эгадир. Буни биз бугунги кунда олиб борилаётган илмий тадқиқот доираларида ҳам кўришимиз мумкин. “Мукаммал жамият, унда илм-маърифат ва адолат устуворлигига доир орзулар инсон яралгандан буён у билан ҳамроҳ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида шаклланиган янги эстетик қарашлар, бадиий ижодга янги жанрларнинг кириб келиши жараёнида ҳам маърифат тушунчаси етакчилик қилди, дея айта оламиз.<sup>1</sup>

Шунинг учун ҳам бу даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашларни тадқиқ этишдан аввал Европа маърифатчилиги адабиётига назар ташлаш лозим. Бу давр билан танишиш, «бир томондан, XVIII аср Европа маърифатчиларининг асарлари араб ва форс тилларига таржима қилина бошлангани, иккинчи томондан, Туркия, Россия ва Европа мамлакатлари ўқув юртларида мусулмон аҳолиси вакилларининг таҳсил олиши натижасида Европа маърифатчилиги ғоялари бизнинг ҳудудимизга ҳам кириб кела бошлагани ва бу жаидидчилик ғояларининг шаклланишига муайян таъсир ўтказганини аниқлаш имконини беради».<sup>2</sup> XIX аср охири – XX аср бошлари мусулмон шарқида ҳам шу каби

<sup>1</sup> Жабборов Н. Маърифат надир. Т., “Маънавият”, 2010, 11-бет.

<sup>2</sup> У.Саидов. Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш. Т., “Академия”, 2004, 10-бет.

вазият юзага келди. Бунда тарихий шароитни ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Бинобарин, ўша даврга келиб, тарихий шароит ўзгарган, миллат ижтимоий-сиёсий, маърифий ва маданий инкирозни бошдан кечираётган бир давр эди. Мустақиллик ва озодликка эришмоқ учун бутун бир миллат ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ этиш масаласини кун тартибига қўйди. Жамият ҳаётидаги бу ўзгаришлар жаҳидлар фаолиятининг бош мавзусига айланди. Жаҳидларнинг бу фаолиятини ижтимоий воқеликдан айри ҳолда ўрганиб бўлмаслиги сабаби ҳам шунда, деб ўйлаймиз.

XX аср бошларида жаҳидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари замирида жаҳид адабиёти майдонга келди ва миллат истиқболига ўзини масъул санаган ҳар бир ижодкор, аввало, ижтимоий фойдали мавзунини тасвирлаши тарафдори бўлди. Шу боисдан анъанавий образлар танқид остига олинди. Бу даврнинг етук вакиллари Вадуд Маҳмуд: “Илмий асарларни илмий жиҳатдан, фанний асарларни фан назаридан, таълим-тарбияга оидларини ўз тўғрисида, адабийларини ҳам санъат ўлчаги билан ўлчаб текшириш вақти, қисқаси, “интиқод–танқид” замони келди”, деб таъкидлаган эди.<sup>1</sup> Ижтимоий асосга воқелик ва бадиий адабиёт муносабатини мисол қилиш мумкин. Миллат тараққий этмоғи учун уни уйғотиш масаласи кун тартибига қўйилгач, бадиий адабиёт шу мақсадга йўналтирилди. «Навоий гуманистик концепцияси, Турди ва Машрабдаги антиклерикал рух, Огаҳийдаги халқ қудратини ҳис қила билиш, Муқимий даври реалистик сатираси ўртасидаги узвий боғланиш. Буларга яхлит бир жараённинг, ижтимоий идеалнинг адабиётга кириб келиш жараённинг турли даврдаги турли босқичлари, деб қаралиши даркор».<sup>2</sup> Маърифат ғоялари анъанавий шеърият мазмунига сингиб боргани ҳолда, жаҳид адабиётида яхлит моҳият касб этди. Ижтимоий-сиёсий муаммолар, дастлаб, шеъриятдан, кейинчалик драма ва наср мундарижасидан ҳам ўрин эгаллади.

Хусусан, Самарқанд жаҳидларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари, уларнинг ижодларида намоён бўлди. «Ҳар бир асар ёзувчининг бадиий нияти асосига қурилади. Белгиланган мақсад яратилаётган асарнинг шакл ва мазмунини тайин этишда муҳим ўрин тутди. Бадиийликнинг мукамаллигини англатувчи мезонлардан бири – мазмун ва шакл бирлигидан ташқари, ҳар иккисининг ижодкор идеали билан нурланган уйғунлиги ҳам мавжуд».<sup>3</sup>

XIX аср охири – XX аср бошларидаги маърифатчилик озодлик мафқурасининг бўёғи қуюқлиги, руҳий кечинмалар, қалб эврилишларидан кўра кўпроқ ижтимоий-сиёсий мазмун билан алоҳида ажралиб туради. «Узун тартибсизликлар орқасида бузулган, биткан ўлкамизнинг оқибат ўлдиргучи истибод идораси остида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимиздаги пастланиш адабиёт тарихимизда очиқ сезиладир. Чунки тарихимизнинг ҳеч бир даврида иқтисодий ва ижтимоий ҳолимиз бу қадар пастланган даври йўқдир», деб таъкилайди Вадуд Маҳмуд.<sup>4</sup> Вадуд Маҳмуднинг бу фикрларида ижтимоий муаммоларнинг кўплиги ўша даврнинг ижтимоий ҳаётига нақадар муҳим таъсирини исботлайди. Зеро, бу давр халқимиз бошдан кечирган ижтимоий-сиёсий муаммолари долғали воқеалар талқини ҳамдир. Ўтмиш ғояларидан фарқли ўларок, миллий уйғониш даври ғоялари маърифат ғояларидан амалий ҳаракатга айланди. Вадуд Маҳмуд “Навоийгача турк адабиёти” мақоласида Навоий яшаган замонни Ўрта Осиёнинг “олтун даври”, деб атайди.<sup>5</sup> Самарқанд жаҳидларнинг қарашларида ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг долзарблиги кенг ҳолда замонавий кўриниш касб эта борди. Бу даврдаги аксарият ижод намуналарида жаҳолат, ўз ҳаётига лоқайд кишилар, фикрсизлик қаттиқ танқид қилинди.

Хулоса, Вадуд Маҳмуднинг қарашларида жамият манфаатларига хизмат қилувчи маърифат-парварлар ва халқнинг тақдирдан қайғуриб ёзган фикрларидан кўринадики, ижтимоий ғояларнинг ривожини учун Фитрат айтмоқчи бўлганидек “сингирларни ўйнатиб, қонни қайнатадиган” асарлар даркор. Жаҳидлар ижодида 1917 йилгача кўпроқ маърифат, жаҳолат мавзуси талқин қилинган бўлса, 1916–1917 йиллар оралиғидаги талотўплар натижасида биров тушкун кайфият, умидсизлик руҳи ифодаланганини кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, янги жамият ва унинг аъзоларига хос олий фазилатларни куйлаган жаҳидлар энди асар марказига инсон омилини олиб чиқа бошлади. 1917 йил миллий истиқлол ҳаракати намояндалари бўлган жаҳидлар учун ҳам, халқ учун ҳам оғир ва фожиали келганлиги тарихий фактдир.

<sup>1</sup> Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Т., “Маънавият”, 2007, 71-бет.

<sup>2</sup> Қосимов Б. Излай-излай топганим. Т., “Адабиёт ва санъат”, 1983, 69-бет.

<sup>3</sup> Саримсоқов Б. Адабиётда шакл ва мазмун муносабатларининг айрим муаммолари. “ЎТА”, 1997, 6, 11-бет.

<sup>4</sup> Вадуд Маҳмуд. Турк шоири Ажзий. “Инқилоб”, 1924, 11–12-сонлар.

<sup>5</sup> Маҳмуд Вадуд. Танланган асарлар. Т., “Маънавият”, 2007, 30-бет.

Юлдашев Дониёр Тохирович (филология фанлари доктори, УрДУ)  
АТОҚЛИ ОТЛАРДА КОНЦЕПТ ВА ОНОМАСТИК КОД

**Аннотация.** Мақолада атоқли отларда миллий концепт ва уларнинг ономастик кодларда намоён бўлиши, шунингдек, антропоним ва топонимларда акс этувчи ономастик код кўринишлари, улардаги ўзига хосликлар очиб берилган.

**Аннотация.** В статье исследуется национальный концепт в именах собственных и их появление в ономастических кодах, виды ономастического кода, отражённые в антропонимах и топонимах, также раскрыты их особенности.

**Annotation.** The article investigates the national concept of proper nouns and their appearance in onomastic codes, types of onomastic code that reflected in anthroponym and toponym, also discovers their features.

**Калим сўзлар:** атоқли от, концепт, ономастик код, антропоним, топоним, антропоцентризм, лингвокультурология, ономастика.

**Ключевые слова:** имя собственное, концепт, ономастической код, антропоним, топоним, антропоцентризм, лингвокультурология, ономастика.

**Key words:** proper noun, concept, onomastic code, anthroponym, toponym, anthrocentrism, literal artist, linguo-poetics, onomastics.

Тилшуносликка оид тадқиқотлар, яъни тил ва унинг эгаси ўртасидаги алоқа-боғланиш ва кўпқиррали муносабатни ўрганишга қаратилган изланишларда тил бирликларини антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этиш анча самарали бўлиши мумкинлиги ҳақида фикрлар баён қилинади.

Атоқли отлар тизимини антропоцентрик таҳлил қилиш тафаккурда концептнинг шаклланиш босқичлари ва тараққиётини аниқлаш ҳамда бу мураккаб ижтимоий-лисоний жараёни кенгрок тасаввур қилишга ёрдам беради. Атоқли отлар инсоннинг воқеликни қайта идрок этиши натижасида юзага келган номлардир. Бундай отлар моҳиятан муайян тушунчалар фондидан ажратилган тушунча номидир.

Ш.Сафаров “мантикий фаолият ҳосиласи бўлган “тушунча” ва когнитив тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилаётган “концепт” атамаларининг мазмунини изоҳлар экан, бу иккала ҳодиса ҳам, сўзсиз, тафаккур бирлиги сифатида намоён бўлиши; иккаласининг ҳам бошланғич нуқтаси воқеликдаги предмет-ҳодисанинг ҳис қилиниши билан боғлиқлиги, пайдо бўлган ҳиссий образ, дастлаб, ҳар бир шахсда алоҳида, индивидуал кўринишда бўлишига урғу беради.<sup>1</sup>

Маълумки, тилшуносликда *концепт* атамасининг илк бор қўлланилиши С.А.Аскольдов, тўғривоғи, унинг 1928 йил эълон қилинган “Концепт ва сўз” мақоласида номи билан боғланади. З.И. Журавлеванинг ёзишича, концептга биринчи марта “Концепт – фикрлаш жараёнида бизни айни бир турдаги кўпдан-кўп предметларнинг ўрнини босадиган фикрий ҳосила” тарзида таъриф берган.<sup>2</sup>

Умуман, тилшуносликда концептга турлича таъриф берилиши кузатилади. Жумладан, Ю.С. Степанов концептга қуйидагича тавсиф берган: “Концепт – бу инсон онгидаги маданият йиғиндиси; инсоннинг ментал дунёсига маданият тарзида кирган нарса; маданият бойликларининг ижодкори. Концепт – ўша жамиятнинг идеологияси”дир.<sup>3</sup>

В.Н.Телия “Концепт – билимнинг ҳажмини кенгайтиришга қаратилган, биз объект ҳақида билган, тасаввур қилган нарса” тарзидаги мулоҳазани билдиради.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, “Сангзор”, 2006, 16-бет.

<sup>2</sup> Журавлёва З.И. Концепт в лингвокультурологии. II Международная научная конференция “Язык и культура”. М., Институт иностранных языков, 2003, с. 261 – 262.

<sup>3</sup> Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. М., “Языки русской культуры”, 1997, с. 40.

<sup>4</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. Языки русской культуры. М., 1996, с. 97.

В.А.Маслова бу терминни нисбатан кенг маънода тавсифлайди. Унинг фикрича, “Концепт – бу лингвомаданий ўзига хослик қайд этилган ва муайян этномаданий ғояларни у ёки бу тарзда тавсифловчи семантик тузилмадир”.<sup>1</sup>

Ўзбек тилшуноси Ў.Юсуповнинг фикрича, “Концепт – бу онгимиздаги билимлар мажмуаси, у ҳақдаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий, нейтрал муносабатлар, яъни баҳолашлар. Концепт – объектга бўлган шахсий муносабат” саналади.<sup>2</sup>

Умуман, когнитив тилшуносликнинг таянч атамаларидан бири бўлган концепт XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб фаол қўлланиладиган бўлди. Концепт тафаккур бирлиги ҳисобланиб, унинг асосида тушунча, маъно ва образ ётади. Концептнинг тилда воқеланиши ҳақидаги назарий қарашларни атоқли отлар ҳосил бўлишининг когнитив механизмларини аниқлашга татбиқ этилса, атоқли отларда номинация тамойилларини белгилаш, атоқли отларнинг тадрижи, уларда *ном – номинатор – номинация* муносабатлари масалаларига бир қадар ойдинлик киритиш мумкин бўлади.

Бизнинг хулосаларимизга кўра, атоқли от орқали воқеланган концепт, аввало, у номлаган объект хусусидаги умумий тасаввур, тушунчадир. *Тушунча* сўзининг умумистеъмолдаги маъноси эса объект ҳақидаги хусусий тасаввур, ҳар бир шахснинг тафаккуридаги маҳдуд, чегараланган қисми англатади.

Атоқли отларда намоён бўлувчи концепт ва тушунча ўртасидаги муҳим фарқларни қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Концепт – атоқли от ҳақидаги умумий тасаввур, тушунча эса хусусий тасаввурдир.
2. Атоқли от тилда концепт, нутқда тушунча сифатида намоён бўлади.
3. Ономастик birlikлар тадқиқида атоқли отлар кўпинча концепт сифатида таҳлил қилинади.

Атоқли отларни антропоцентрик парадигма асосида таҳлил қилишда уларнинг номинатив вазифасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Атоқли отларнинг номинация тамойилларини белгилашда ҳар бир тип номларга ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб этилади. Масалан, антропонимларда номнинг апеллятив маъноси аниқ ва равшан кўриниб тургани ҳолда унга асос номинация тамойилини қатъий белгилаш имкони йўқ. Лекин айрим атоқли отлар, хусусан, этнонимлар ва топонимларда номинация тамойилларини белгилаш қийинлиги бир неча мураккаб омиллар билан боғлиқ. Шулардан бири этнонимнинг тарихий-этимологик тавсифини тўғри ҳал қилишдан иборат. Бу масала ҳал қилинганда ҳам номнинг ўзи англатган объект билан боғлиқлигини аниқ кўрсатувчи белгининг сақлаб қолингани ёки сақланмаганлигини аниқлаш лозим бўлади.

Демак, номинация тамойили фақат тил материллари асосида белгиланади. Худди шу каби тепалик мавжуд бўлмаган жойнинг *Оқтепа* ёки *Қоратепа* деб номланиши каби ҳолатлар уларда ҳақида аниқ хулоса чиқаришга имкон бермайди. Қайд этилган фикрларнинг барчаси бу тип атоқли отлар, хусусан, топонимларнинг антропоцентрик талқинини номнинг тарихий-этимологик тавсифисиз амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатади.

*Боголон* топонимининг *боғ* ва *аланг* компонентларидан иборатлиги тахмин қилинади. *Боголон* боғларга бурканган қишлоқдир, аҳолиси эса боғбонликда моҳир. Лекин бу ҳозирги ҳолат, аммо қишлоқнинг номи пайдо бўлган даврдаги ҳолати ҳам худди шундай бўлган, дейиш тўғри эмас. Бундан ташқари, инсон иштирокисиз боғлар пайдо бўлмайди. Иккинчидан, бирор жойда ўрнашиб олиб, узоқ йиллар давомида боғ-роғ барпо этиб, кейин қишлоққа шунга мувофиқ ном берилмаса керак. Учинчидан, *аланг* сўзи ҳозир ҳам шеваларда мавжуд, лекин *алан* тарзида талаффуз қилинмайди, яъни бир сонор иккинчи сонорга алмашмайди.

Демак, номнинг иккинчи қисми *аланг* бўлганда, ўз шаклини сақлаб қолиши эҳтимолга яқин эди. Шунинг учун, бизнингча, *Боголон* топонимининг иккинчи таркибий қисми *Гурлан* топонимидаги каби *лон* бўлса, биринчи компонент “катта” маъносидаги “бага”дир. Ҳар иккала компонент биргаликда “катта қишлоқ”, “йирик аҳоли пункти” деган маънони англатади. Номинация тамойили жиҳатидан бу ном *Самарқанд*, *Каттақўрғон* каби топонимлар билан бир гуруҳни ташкил қилади.

Атоқли отлардаги концептлар уларнинг лингвомаданий кодларида ҳам намоён бўлади. Номлардаги маданий код атоқли отлар орқали олами англашнинг ўзига хос хусусиятларини семан-

<sup>1</sup> Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. Минск, “ТетраСистемс”, 2004, с. 50.

<sup>2</sup> Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультуре атамалари хусусида. Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Тошкент, 2011, 50-бет.

тик белги сифатида акс эттиради. Маълумки, “ономастик код – топонимларининг этнос маданияти билан алоқадорлиги”гина<sup>1</sup> эмас, атоқли отларнинг барча типларига алоқадордир.

Рус тилшунослигида ономастик коднинг қатор таснифлари яратилган.<sup>2</sup> Жумладан, Е.Р.Николаев ёқут киши номларини лингвокультурологик аспектда текшириб, тубандаги асосий ономастик кодларни ажратади: соматик код, оралик код, антропик код, биоморфик код, предметли код, маънавий (духовный) код.<sup>3</sup> Мазкур назарий хулосаларни ўзбек тили антропонимларига татбиқ қилсак, қўйидагига яқин ҳолатни кузатамиз:

● Соматик (тана) код атоқли отларнинг образлилиги орқали халқнинг лисоний хотирасининг ядроси сифатида, мифологик фикрлаш натижаси сифатида лексиканинг қадимги луғат қатламини сақлайди. Бизнингча, *соматик код* тушунчасини айнан эмас, тил табиатини ҳисобга олган ҳолда таржима қилсак, таянч код, асос код деб номлаш маъқул кўринади. Иккинчидан, қадимги луғат қатлами антропоцентриқ таҳлил нуқтаи назардан халқнинг қадим тафаккур тарзи демакдир. Шунга кўра, *Чиноқ, Артуқ* каби номларнинг юзага келиши таянч код тушунчаси моҳиятини бир қадар очиқ беради.

● Оралик код инсонларнинг космогоник, мифологик қарашларини ифодалайди. Оралик код – синкретик ва универсалдир. У рақам, ранг, ландшафт кодларни ўз ичига олади. Демак, бу билан инсон дастлабки билим доирасидан ўса бошлаган, объектларни фарқлаш қобилияти ривожланган давр назарда тутилади. *Чори, Панжибек, Олтивой, Малла, Оққиз* каби исмларда оралик код хусусиятлари кўзга ташланади.

● Соҳага Фарб олимлари томонидан вақт коди тушунчаси ҳам киритилган бўлиб, инсоннинг маданий тафаккури, дунёқарашининг ўз даврига нисбатан замонавийлиги каби жиҳатларни акс эттиради. Айтиш мумкинки, бугунги истеъмолдаги исмларнинг барчасини замонавий ҳисоблашга асос бор. Масалан, *Жамиид, Хуриид* каби исмлар яралганига 3000 йил бўлгани аниқлигига қарамадан, ўз замонавийлигини сақлаб келмоқда.

● Тадқиқотларда инсоннинг табиий хусусиятларидан ташқари, маданият учун функционал аҳамиятга эга бўлган маъноларни ўз ичига олган исмлардан иборат *антропик код*; “зоофорик исмлар” (*Товшан, Бўри, Арслон*), “фитофорик исмлар” (*Чечак, Райҳон, Лолахон*)ни ташкил қилувчи *биоморфик код*, маданийлашган инсон оламига тегишли *предметли код* (*Олтин, Темир, Болта*), “бутун борлигимизга сингиб борадиган, бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ва ҳар қандай фаолиятимиз учун шароит яратадиган, ўзимизга ҳамда атрофимиздаги оламга берилган баҳоларни олдиндан белгилайдиган”<sup>4</sup> *маънавий кодлар* ҳақида сўз боради.

Ушбу таснифда анчайин назарий хулосалар чиқарилган, бутун бошли янгича термин тизими билан ишлагандай тасаввур берса ҳам, ўз навбатида, қатор мунозарали масалаларни ўртага ташлайди:

1) атоқли от тизимида мансуб барча номларни мазкур кодларга тўғри тақсимлаш имконини бермайди;

2) киши исмларининг катта кўпчилиги номинатор – ном – номинация муносабатлари натижасида юзага келадиган мураккаб бирлик сифатида қайд этилганлардан муайян гуруҳга мансублиги ҳақида қатъий хулоса чиқариб бўлмайди;

3) назаримизда, мазкур кодлар хусусидаги назарий фикрлар шахс ва жамият, ном ва жамият, ном ва табиат концептлари билан боғлиқ равишда баён қилинадиган хулосалардир;

4) тадқиқотларда ономастик код тушунчаси остида атоқли отларнинг турли типларига оид бир-биридан қисман бўлса ҳам фарқланувчи турлари ҳақида сўз юритилади. Масалан, геофизик коди, зооним таркибли ва фитотаркибли кодлар, локатив код, антропоним таркибли, ранг коди,

<sup>1</sup> Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентриқ талқини. Филол. фан. док... дис. автореф., Тошкент, 2015, 233-бет.

<sup>2</sup> Королева И.А. Коды культуры в топонимии Рославльского района Смоленской области. Вестник Балтийского федерального университета им. И.Канта. Сер.: Филология, педагогика, психология. 2020, №1, с. 40 – 47; Сьянова Е.И. Ономастический код в ментальном роостранстве диалектоносителей (на материале говоров Воронежского Прихопёрья). Автореф. дис. ...канд. филол. наук, СПб., 2007.

<sup>3</sup> Николаев Е.Р. Якутские личные имена (лингвокультурологический аспект). Автореф. дис. ...канд. филол. наук, Якутск, 2018, с. 19 – 20.

<sup>4</sup> Сьянова Е.И. Ономастический код в ментальном пространстве диалектоносителей (на материале говоров Воронежского Прихопёрья). Автореф. дис. ...канд. филол. наук, СПб., 2007, с. 17 – 19.

темпораль, тарихий-ижтимоий ва этномаданий таркибли кодларларга ажратиладики, булар атоқли отлардаги ономастик кодни белгилашда маълум бир тўхтамга келинмаганини кўрсатади.

Хуллас, келгусида ўзбек атоқли отларидаги ономастик кодларни махсус тадқиқ қилиш ўзбек ономастикасининг долзарб вазифаларидан биридир.

**Imomov Navruz Pattaqulovich (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти Инглиз филологияси кафедраси мустақил илмий тадқиқотчиси; imamov\_n1986@mail.ru)**

## **ПРАГМАТИКА ВА МАТН СЕМАНТИКАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ АСОСЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада тилнинг мулоқот шароитида қўлланишини ёритиш ҳамда усулларни когнитив-прагматик йўналишида таҳлил қилишни режалаштирган лойиҳа ва дастурлар изчил амалга оширили, аспектвал ва темпорал маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда барча тилларга хослиги борасида сўз юритилади.

**Аннотация.** В статье обсуждается последовательная реализация проектов и программ, которые охватывают использование языка в контексте общения и анализ методов в когнитивно-прагматическом направлении, взаимозависимость аспектных и временных значений, а также специфику всех языков.

**Annotation.** This article discusses the consistent implementation of projects and programs that cover the use of language in the context of communication and the analysis of methods in the cognitive-pragmatic direction, the interdependence of aspectual and temporal meanings and the specificity of all languages.

**Калим сўзлар:** мулоқот, ёритиш, когнитив-прагматик, лойиҳа, дастурлар, қиёсий таҳлил, ислохотлар, маънавий юксалиш, тил тизими, илмий, фундаментал, тадқиқот.

**Ключевые слова:** коммуникация, освещение, когнитивно-прагматический, проект, программы, сравнительный анализ, реформа, духовное развитие, языковая система, научный, фундаментальный, исследование.

**Key words:** communication, lighting, cognitive-pragmatic, project, programs, comparative analysis, reform, spiritual advancement, language system, scientific, fundamental, research.

Дунё тилшунослигида тилнинг мулоқот шароитида қўлланишини ёритиш, коммуникатив мақсадни рўёбга чиқарадиган лисоний ва нолисоний восита ҳамда усулларни когнитив-прагматик йўналишда таҳлил қилишни режалаштирган лойиҳа ва дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар ижросини таъминлаш учун турли тилларнинг алоҳида сатҳлари захиравий имкониятларини тавсифлашга оид илмий изланишлар кўламини кенгайтириб бормоқда. Аспектвал ва темпорал маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда барча тилларга хослиги маълум, ammo мазкур ҳодисаларнинг ҳар бир тилда турлича шаклланиши уларнинг когнитив-дискурсив воқеланиш ҳолатларини қиёсий таҳлиллар асосида тадқиқ қилиш заруриятидан дарак беради. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда маънавий юксалишнинг асосида турадиган тил тизими тадқиқини илмий жиҳатдан мустаҳкамлаш, замон талабларига ҳозиржавоблигини таъминлаш устувор вазифалардандир. Юртимизда ҳам лисоний ҳодисалар таҳлилининг юқорида таъкидланган йўналишларида олиб борилаётганлиги ўзбек тилшунослигининг илғор тилшунослик йўналишларига интеграциялашаётганини кўрсатади. Тилнинг ифода имкониятлари мазмун яратишга мўлжалланган захирасини мукамал ўрганиш борасида олиб борилаётган изланишлар бундан гувоҳлик беради. Кўзланган мақсадни бекаму кўст амалга ошириш учун фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда уларнинг инновацион ғоя ва технологиялар таъминотида бажарилишини таъминлаш лозим бўлади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодифий эмас». Замонавий тилшуносликда матн ва матн семантикаси, тилнинг прагматик хусусиятларини тадқиқ этишга лингвимаданиятшунослик, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика ва бошқа соҳаларда кенг эътибор қаратилмоқда.

Прагматика лингвистик кўламда сўзловчининг: 1) моддий борлиққа; 2) хабарнинг мазмунига; 3) адресат (тингловчи)га бўлган муносабатини ифодалар экан, мулоқот шароитида намоён бўладиган коммуникатив мазмун (ишонч, ишончсизлик, қатъият, қатъиятсизлик, қўрқув, гумон, ҳадик, хурсандлик ва бошқалар), луғавий бирликлардан фойдаланиш, новербал воситаларни қўллаш каби унсурларнинг аҳамиятини қайд этади ва коммуникантлар ҳақида қўшимча хабар беради. Тил



бирликларининг прагматик вазифаси контекст, нутқий вазият, сўзлашувчиларнинг тил кўникмалари ва нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари билан боғлиқ тарзда юзага чиқади. Нутқий мулоқотда прагматик мазмуннинг ойдинлашувида нутқий вазият, сўзловчи ва тингловчининг ақлан ва руҳан яқинлиги каби омиллар ҳам иштирок этади. Муҳими, ушбу мазмун воқеланишини таъминловчи асосий омиллар матнда фаоллашади. Тадқиқотчилар, матн ҳодисасининг лисоний кўрсаткичларини ажратаётиб, унинг категориал белгиларга эгаллигини таъкидлайди.

Тилнинг функционал категориялари матннинг қуйи категорияларини ифодаловчиси сифатида хизмат қилади: 1) хронотоп категорияси (темпораллик ва локативлик категориялари боғлиқлиги натижасида ҳосил бўлади); 2) координат категорияси (локатив, шахс, темпорал категориялар ҳамкорлигида юзага келади); 3) дейксис категорияси (темпорал, локатив, шахс ва референт категорияларининг бевосита боғлиқлиги кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади); 4) нуқтаи назар категорияси (темпорал, локатив, шахс, референт, модаллик каби функционал категорияларнинг алоқадорлигини намоён этувчи категория сифатида баҳоланади).

Матн грамматикаси матннинг таркибий, семантик интеграцияси, лексик-грамматик боғланиши, композицион таркиби, унинг таркибидаги гапларнинг узвийлиги, тил бирликларининг матнни шакллантирувчи вазифаларини қамраб олади. Инглиз тилшуноси С.К.Левинсон тилдан амалий фойдаланишда (language usage) муҳим ўрин тутадиган омилларни ўрганиш кераклигини таъкидлайди. Хусусан, прагмалингвистика тил ва контекст муносабати билан (грамматикаллашган, яъни тил структурасида кодлашган, дейксис, пресуппозиция, нутқ актлари) шуғулланадиган фан соҳаси сифатида кенг тарқалмоқда. Айни пайтда, социолингвистика ва психолингвистикага оид масалаларни ҳам қамраб олмақда. Прагматика контекст ва нутқий ҳаракатлар, гап алоқадорлигида ифодаланадиган мазмун ва уларнинг турлари билан боғлиқ маъноларни ўрганади. Гап ва матнда намоён бўладиган семантик асосларни аниқлаш муҳим саналади. Семантик кўрсаткич гап, матнда иштирок этувчи бирликларнинг лисоний хусусиятлари воситасида шаклланса, прагматик жиҳат эса нутқий вазиятда намоён бўлади. Бунда мулоқот иштирокчиларининг коммуникатив интенцияси, ижтимоий ва психологик шароити, вақт-маконда жойлашуви, психоэмоционал шароити кабиларни қамраб олади. Матннинг семантик тузилиши темпорал ва аспектвал таркиб билан узвий боғлиқ.

Матн контекстуал унсурлар ёрдамида шаклланади ва ушбу элементларни феъл ва унинг тўлдирувчиси, равишлар, темпорал бирликлар, замон шакллари, модал муносабатни англатувчи унсурлар, дейктик иборалар, аспектвал кўрсаткичлар ташкил қилади. Матннинг темпорал таркиби тил бирликларини боғловчи, вақт маънолари ифодасини қамраб олувчи, функционал ҳамда семантик умумийликни бирлаштирадиган муносабатлар тўпламидан иборат. Дискурс дейксиси нутқий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида лисоний, миллий-маданий жиҳатларни акс эттириш хусусиятига эга. Дейксис матн доирасида маънолар узвийлигини таъминлаш билан бир қаторда, воқеа-ҳодисаларнинг содир этилаётган вақт ва маконини кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради. Матнда намоён бўладиган темпорал дейксис, макон дейксиси, шахс дейксиси категориялари матннинг ички грамматик ва семантик тузилишини таъминлайди. Матннинг информативлиги унинг сифат кўрсаткичидир. Матн доирасидаги маълумотлар ифодаланишининг нутқ вазияти билан алоқадор бўлган «вақт» ва олинган маълумот вақти билан ҳам бевосита боғлиқлик жиҳатлари мавжуд. Мана шу боғлиқлик бериладиган маълумотларнинг замон ва аспект грамматик категориялари доирасида ифодаланишини таъминлайди. Матн доирасида вазият ва ҳодисаларнинг кечими замон, темпораллик, аспектваллик каби сатҳларда кўринади. Матндаги ҳар бир предикат таъкидланган сатҳларнинг бирига тегишли бўлади. Хусусан, бериладиган маълумотлар тугалланган, тугалланмаган, статив, итератив, процессуал, финитив, инхоатив ва шу каби аспектвал кўринишда бўлиши мумкин. Замон доирасида ўтган, ҳозирги, келаси воқеликка тааллуқли маълумотлар ўрин эгаллайди. Темпораллик эса маълумотларни маълум вақт оралиғига жойлаштириш учун хизмат қилади. Прагматика ва семантика маъно ҳодисасининг турли аспектларини тадқиқ этиши билан фарқланади. Прагматик таҳлилда дейктик бирликлар муҳим ўрин тутаяди. Улар нутқ вазиятидаги маълум субъект ва у томонидан бажариладиган ҳаракатларнинг семантик кўрсаткичи вазифасини бажаради.

Дейксис прагматик таҳлилда назарий жиҳатдан эмпирик марказ ҳисобланади. Матн дейксисининг икки хил, яъни анафорик ва катафорик ҳолатларда иштирок этиши учраб туради. Мазкур дейксис турлари темпорал, макон, модал ва аспектвал маъноларни аниқлашга хизмат қилади. Аспектвал оппозиция хусусиятлари дискурсда, айниқса, нарративликда муҳим ўрин тутаяди. Имперфектив ёки перфектив шаклларнинг танлови матндаги турли ҳаракатлар хронологик алоқалари

шаклланишига таъсир этади. Улар нарратив вазиятларда таксис муносабатларини ҳосил қилади. Функционал лингвистикада функционал структураллик, жараённатижа, динамиклик-турғунлик, фаоллик каби дискурс мезонларини белгилашда ходисалар қарама-қаршилигига асосланган ёндашув етакчилик қилади. Шунга кўра, «матн-натижа» тузилиши ва «дискурс-жараён» сифатида кўринишлари ўзаро мувофиқ келади. Дейктик бирликларнинг умумқабул қилинган хусусиятларига ситуативлик (мулоқот вазиятининг мазмуний боғлиқлиги), субъективлик (сўзловчи ёки нутқ соҳибининг ажратиб кўрсатилиши), темпораллик (воқеа-ходиса, вазиятларнинг содир этилаётган вақтига аниқлик киритувчи бирликлар) киради. «Дейксис – бу нутқнинг вазият билан боғлиқ бўлган вақт, нутқ вазиятидан олдинги ёки кейинги вақт, сўзловчининг нутқ вазияти билан алоқадор вақтда жойлашуви, шахснинг макони таҳлилларини қамраб оладиган тил бирликларини номлашдир». Дискурс дейксиси эса нутқ фаолиятининг бир кўриниши сифатида миллий-маданий жиҳатларни кўрсатувчи восита саналади. Шу билан бирга, дискурс дейксиси матн ва вазият боғлиқлигини ҳам таъминлайди.

Демак, дейксис матн доирасида маънолар узвийлигини таъминлаш билан бир қаторда, воқеа-ходисаларнинг содир этилаётган замон ва маконини ҳам кўрсатади: 1) нарративлик намоишидаги Оглоблин А.К., Храковский В.С. Петербургская типологическая школа. Международная конференция, посвященная 50-летию петербургской типологической школы: Материалы и тезисы докладов. СПб., Нестор-История, 2011. Fillmore Ch. Deictic Categories in the Нарративликнинг грамматик шаклланиши темпорал ва аспектвал хусусиятлар билан бевосита алоқадор. Мазкур тушунчалар нарративлик доирасида баён қилинаётган вазиятлар кетма-кетлиги, ҳаракатнинг қай йўсинда кечиши, вақт ва маконда жойлашувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Қамбарова Муҳайё Муйдинжоновна (Тошкент Архитектура-қурилиш институти) АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ТЕРМИНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада архитектура-қурилиш соҳасидаги терминларнинг шакли, келиб чиқиши этимологияси, ривожланиш иерархиясига оид бўлган маълумотлар ва ўрганилишлар натижасида пайдо бўлган қиёсий таржималардан мисоллар келтирилган. Архитектура-қурилиш терминологиясининг ривожланиш тенденцияларини, энг аввало, объект ва унга муносабат доирасида ўрганиш талаб этилади. Сабаби, Ўзбекистон ҳудудидаги кўплаб тарихий обидалар ва уларнинг қисмларини номланиши ўзида давр руҳи ва ҳолатини бевосита акс эттирган. Қолаверса, бугунги кунда бинолар қурилишида шилатилаётган жуда кўплаб қурилиш материалларининг номланиши бу соҳадаги янги сўзлар гуруҳининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, архитектура-қурилиш терминлари соҳасида уларни лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш пайти келганлигини, уларнинг таржима жараёни ҳам анчайин масъулиятли босқич эканлиги аниқ кўзга ташланмоқда.*

*Мазкур мақолада хорижий мутахассисларнинг терминология йўналишида чоп этилган қўлланмалари ва мақолаларига ҳам мурожаат этилган бўлиб, бу қурилиш материаллари йўналишидаги баъзи терминларнинг қиёсий таржимасининг пайдо бўлишига замин яратди. Архитектура-қурилиш соҳасидаги терминологиянинг меъёрлиги, унинг умум қабул қилинганлиги, қўлланилиши, интернационалиги ва ихчамлиги каби хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мазкур мақоланинг яна бир мақсади саналади. Мазкур соҳа терминологияси ҳажмининг доимий равишида ортиб бориши шароитида, даставвал, атамаларнинг қанча улуши миллий, халқаро ва тармоққа оид даражада стандартлаштирилганлигини ва қандай терминологик стандартлар режалаштирилаётган ҳужжатларда қайд қилинганлиги ёки боғланганини халқаро ISO стандартларидаги баъзи терминлар таржимаси орқали кўрсатилган.*

***Аннотация.** В данной статье приведены примеры сравнительных переводов терминов в области архитектуры и строительства, которые стали результатом исследований и информации о форме, этимологии происхождения, иерархии развития. Тенденции развития архитектурно-строительной терминологии требуют изучения прежде всего в рамках объекта и отношения к нему. Причина в том, что названия многих исторических памятников и их частей на территории Узбекистана напрямую отражали дух и состояние эпохи. Более того, наименование огромного количества строительных материалов, используемых сегодня при строительстве зданий, вызывает появление новой группы слов в этой области. Это в свою очередь, наглядно показывает,*

что в области архитектурно-строительных терминов настало время их изучения с лингвистической точки зрения, что процесс их перевода также является достаточно ответственным этапом.

В данной статье также были приведены ссылки на руководства и статьи зарубежных специалистов в области терминологии, что положило начало сравнительному переводу некоторых терминов в области строительных материалов. Еще одной целью данной статьи является выделение таких особенностей терминологии в архитектурно-строительной сфере, как ее нормальность, общепринятость, применимость, интернациональность и компактность. В условиях постоянного увеличения объема терминологии данной сферы, сначала указывается, какая доля терминов стандартизирована на национальном, международном и отраслевом уровнях и какие терминологические стандарты зафиксированы или привязаны к планируемым документам, посредством перевода некоторых терминов в международные стандарты ISO.

**Annotation.** This article provides examples of comparative translations of terms in the field of architecture and construction, which were the result of research and information about the form, etymology of origin, hierarchy of development. Trends in the development of architectural and construction terminology require study primarily within the object and its relation to it. The reason is that the names of many historical monuments and their parts on the territory of Uzbekistan directly reflected the spirit and state of the era. Moreover, the name of a huge number of building materials used today in the construction of buildings, causes the emergence of a new group of words in this area. This, in turn, clearly shows that in the field of architectural and construction terms, it is time to study them from a linguistic point of view and that the process of translating them is also a fairly important stage.

This article also provided links to manuals and articles by foreign experts in the field of terminology, which marked the beginning of a comparative translation of some terms in the field of building materials. Another purpose of this article is to highlight such features of terminology in the architectural and construction sphere as its normality, generally accepted applicability, internationality and compactness. In the context of a constant increase in the volume of terminology in this area, it is first indicated what proportion of terms is standardized at the national, international and industry levels and what terminology standards are fixed or linked to the planned documents, by translating some terms into international ISO standards.

**Калит сўзлар:** термин майдонлари, махсус лексика, ўзлаштирилган атамалар, стандарт, архитектура, қурилиш материаллари, қиёсий таржима.

**Ключевая слово:** терминологическое поле, специальная лексика, ассимилированные термины, стандарт, архитектура, строительные материалы, сравнительный перевод.

**Key words:** terms field, special vocabulary, assimilated terms, standard, architecture, building materials, comparative translation.

**Кириш.** Кўп омиллар орасида архитектура-қурилиш соҳалари бўйича мутахассисларнинг тил билиш даражаларининг пастлиги мазкур соҳа ривожига ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса, ўз-ўзидан, терминология ва лингвистиканинг таркибий ўзгаришларини чуқур ўрганиш ва фанлар бўйича маълум бир терминлар гуруҳини шакллантириш лозимлигини исботлайди. Гарчи лингвистик омил мазкур соҳада сўнгги пайтларда эътибор марказида турган бўлса-да, мазкур йўналишдаги терминларнинг ўрганилиш самарадорлиги жуда пастдир. Мазкур мақолада келтирилган маълумотлар мутахассисларнинг архитектура қурилиш соҳасидаги терминларни билиш даражасига катта таъсир этади. Бошқа лингвистик муаммолар қаторида, соҳадаги баъзи атамаларнинг мавжумлиги ва уларни соҳа доирасида тўғри қўллай олиш учун билим ва мулоҳазалар етишмаслиги мазкур йўналишда таълим олаётган талабаларда қийинчиликлар пайдо қилаётганлигини ҳам очиқ беради. Шунингдек, мақолада кичик тадқиқот натижалари талаба ва мутахассисларнинг таркибий архитектура, қурилиш ва муҳандислик соҳаларини тушуниши ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳам терминлар гуруҳини тўғри қўллай олиш учун тавсиялар берилган. Биргина муҳандислик конструкциялари ва мазкур соҳадаги терминлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, терминлар таркибидаги йиллар давомида қўлланилиш нуқтаи назаридан фарқлар шаклланганлиги ва бу лингвистикада ўрганилиши шулар жумласидандир. Соҳага доир атамаларнинг қўлланилиш доирасини аниқлаш энг биринчи галдаги вазифа саналади. Атаманинг хусусиятларини алоҳида гуруҳларга ажратишнинг истиқболли ёндашувларидан бири семиотик ёндашув ҳисобланади. Мазкур ёндашувга кўра, биринчи навбатда, атаманинг мазмуни, шакли ва вазифалари билан боғлиқ бўлган хусусиятлар-

нинг учта гуруҳини ажратиш мумкин. Шу билан бирга, мазкур хусусиятлар сирасига терминологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши (тарихий) ҳамда унинг катталиги билан боғлиқ бўлган мезонларни ҳам киритиш мумкин. Охирги мезон билан боғлиқ равишда айтиш мумкинки, мавжуд катта ва кичик термин тизимларини ажратиш мумкин бўлган ҳолда термин соҳаларини (1000дан ортиқ атамалар), термин майдонларини (100–1000 атама) ва термин гуруҳлар (100 тагача бўлган атамалар) ёки макро-, мезо- ва микро терминологияга ажратиш мумкин.<sup>1</sup> Барча мавжуд терминологияларни бугунги кунда маълум бўлган барча мезонларга кўра, таърифлаш кўп вақт ва куч талаб қиладиган вазифа ҳисобланади. Бу борада архитектура-қурилиш соҳасининг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган терминларнинг даврга нисбатан таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Бу борада архитектура-қурилиш соҳасидаги тарихий бинолар қисмларининг номланиши йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган терминларнинг даврга нисбатан қўлланилиш таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Масалан, *булук* – шаҳар атрофидаги аҳоли яшайдиган жойлар; *ганч* – қурилиш материали, гипсининг маҳаллий тури; *дандана* – ғиштлардан қўндаланг териб тишли қилиб ясалган қатор, кунгура. Иморатларнинг томи, девори тепасидаги кунгуралари хошия қисми ҳам дандана деб аталади; *далон* – усти берк йўлак қабила.

Афтидан, фақатгина энг муҳим бўлган хусусиятларни унификацияланган тарзда таърифлаш билан чекланиш лозим. Қуйида бизнинг фикримизга кўра, терминологияларни бир турли тарзда таърифлаш учун зарур бўлган минимумини ташкил этувчи хусусиятларнинг қисқача таърифи келтирилган.

Архитектура соҳасидаги қадимий бинолар номланишига оид терминологиянинг тарихий хусусиятлари гуруҳига терминологиянинг ёши (пайдо бўлган вақти), келиб чиқиши, қадимийлиги, пайдо бўлиш модели, барқарорлиги ва тарихий ўзагини киритиш мумкин. Терминологиянинг ёшини маънони ихтисослаштириш усули ёрдамида ҳосил қилинган атамалар пайдо бўлган ўртача вақтига кўра аниқлаш мумкин, чунки бу билимнинг мазкур соҳасининг ажратиш мумкинлиги ва атамаларнинг унга мослаштирилишини ифода қилади. Масалан, 100 минг сонли атамалардан иборат бўлган инглиз архитектура-қурилиш атама соҳаси учун бу каби атамаларнинг ўртача ёши – 1699 йил, мазкур соҳанинг рус тилидаги атама соҳаси учун бу ёш – 1775 йилни ташкил этади. Ушбу даврда мавжуд бўлган атамалар қурилиш материалларининг асосий турларининг (тош, гранит, мрамор, ғишт, плита, ёғоч, оҳак, гулкоғоз ва х.к.); архитектура-қурилиш конструкцияларининг (ойна, эшик, пол, гумбаз, устун, пилястра, девор, пардевор, том, кубба, равоқ, пойдевор, қозикоёқ ва х.к.); иншоотларнинг (кўприк, йўл, кемалар тўхтайдиган жой (пристан), канал, кўрғон ва х.к.); биноларнинг (тегирмон, темирчилик устахонаси, меҳмонхона, касалхона, уй, театр, билим юрти, университет, иссиқхона, қушхона ва х.к.), рус тилидаги номларини, архитектура назариясининг асосий атамаларини (галерея, портик (катта бинога туташтириб солинган колонна пешайвон), аркада, ротонда (доира ёки ярим доира шаклидаги гумбазли бино, архитектура, анфилада, фасад, тимпан, скоция, астрагал, модильон, цоколь, пьедестал, каннелюра, капитель, антаблемент, фриз, пропорции, архитектоника, орден (ордер) ва х.к.) ҳамда инглиз тилидаги ўхшаш атамаларни қамраб олувчи терминологиянинг тарихий ўзагини ташкил этади.

Терминологиянинг ёшини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд, бироқ улар бизнинг фикримизча, ҳали етарли даражада текшириб кўрилмаган. Дастлабки нуқта сифатида маънони ихтисослаштириш (мослаштириш) усули ёрдамида ҳосил қилинган биринчи атаманинг пайдо бўлиш вақтини қабул қилиш мумкин. Инглиз ва рус терминологияси учун пайдо бўлиш вақти X аср ҳисобланади,<sup>2</sup> бу эса жуда эрта сана ҳисобланади. Бироқ терминологиянинг ҳосил бўлиш жараёни тўғрисидаги замонавий, аниқ билимлар мазкур санани тўғри баҳолаш имконини беради. Туркий халқлар меъморчилигига оид атамаларнинг тўлиқ ёшини ва қўлланилиш доирасини айтиш биров мушкул. Сабаби, меъморчилик обидаларининг баъзи қисмларини номлашда ишлатилган атамалар V–VI асрларга тегишли бўлса-да, йиллар ўтиши билан биноларга шикаст етиши ёки уларнинг бутунлай вайрон ҳолга келиши ва биноларнинг қайта реконструкция қилиниши иморат қисмининг номланишида ҳам ўз аксини топган. Масалан, *гулбадов* – ер остидан ўтказилган махсус иссиқ тутун

<sup>1</sup> Грневич С.В. Грнев-Грневич. Терминоведение. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Москва, издательский центр «Академия», 2008, с. 117.

<sup>2</sup> С.В.Грнев-Грневич. Терминоведение. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений, Москва, издательский центр «Академия», 2008, с. 145.

йўли; *изора* – деворнинг тоқча билан бино саҳни орасидаги пастки қисми, шу қисмга ишланадиган безак кабиларни мисол қилиш мумкин.

Гап шундаки, ҳар бир терминология бирлиги, даставвал, протоатамалардан иборат бўлиб, тушунчаларни эмас, балки махсус тушунчаларни ифодаловчи прототерминология кўринишида пайдо бўлади.<sup>1</sup> Бу ҳолатда Х асрда тегишли прототерминологиялар шакллана бошлади. Мазкур терминологияни ташкил этувчи атамалар пайдо бўлишининг ўртача вақтидан фойдаланиш аниқ натижалар олиш имконини бермайди. Бунга сабаб охириги вақтларда терминологиянинг аҳамиятли даражада ортиб бориши (охириги 25 йилда 70%га ортиши), бунинг натижасида эса ўртача вақтнинг замонавийлик томонига силжишидир. Бу эса, ўз навбатида, ўрганилаётган терминологиянинг асли келиб чиққан даврга нисбатан кечроқ (XIX аср охири) келиб чиққан, деб ҳисобланишига сабаб бўлади. Бу ҳолатга янада аниқлик киритиш учун Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий биноларнинг реставрация жараёнида вужудга келган терминлар мисолида ҳам айтиб ўтиш мумкин (ибодатга мўлжалланган бино, яъни масжид ва таълим олишга мўлжалланган мадрасаларнинг қисмларининг номланиши бунга ёрқин мисол бўла олади). Эҳтимол, махсус лексиканинг ушбу соҳасини унинг таркибига кирувчи атамаларнинг ҳар бирининг ёшини аниқлаш ёрдамида архитектура-қурилиш фанлари терминологияларининг мажмуи сифатида ўрганиш тўғрироқ бўлади.

Кейинги тарихий кўрсаткич турли усуллар, яъни семантик (сўзлар маъносининг ривожланишининг турли кўринишлари), морфологик (префиксация, суффиксация, қисқартириш ва ҳ.к.), синтактик (сўз бирикмаси терминларини ҳосил қилиш), морфологик-синтактик (композиция, эллипсис ва аббревиация) ва ўзлаштириш ёрдамида ҳосил қилинган атамаларнинг нисбати билан белгиланадиган терминологиянинг келиб чиқиши ҳисобланади.<sup>2</sup>

Мазкур мезон юқорида санаб ўтилган усуллар ва атамаларни ҳосил қилишнинг алоҳида моделлари ёрдамида ҳосил қилинган атамалар нисбатини кўрсатган ҳолда аниқлаштирилиши мумкин. Бу мазкур терминологияга оид бўлган атама ҳосил қилиш аънаналари ва тамойилларини аниқлаш ва келгусида атамаларни оптималлаштириш (атамаларнинг синонимларини олиб ташлашда терминологик шаклларнинг афзалларини танлаб олиш ва янги атамаларни ҳосил қилишга тавсия этилган моделларини аниқлаш) учун зарур.

Махсус лексиканинг айрим соҳаларидаги эпонимик атамалар сонининг кескин ортиб кетиши сабабли терминологиянинг эпонимиклиги, яъни атамаларни ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Атаманинг, асосан, фаол тарзда атоқли отлардан ҳосил қилинишини мисол қила оламиз.

Турли терминологиялар атамаларини ҳосил қилиш усулларининг ривожланиш тарихини ўрганиш термин ҳосил қилишни ривожлантиришнинг энг умумий қонунларини аниқлаш имконини беради. Жумладан, рус, инглиз ва француз тилларидаги қатор терминологияларнинг (қурилиш, архитектура, информатика) ривожланиш тарихини тадқиқ қилиш термин ҳосил қилишнинг асосий усулларини қўллаш кетма-кетлигидаги ягона тенденцияни ва уларнинг эҳтимол, ҳинд-европа тиллари терминологияларининг барчасига хос бўлган ривожланишнинг асосий босқичлари билан нисбатини кўрсатиб беради.<sup>3</sup> Мазкур кўрсаткични ўлчаш ва мазкур терминологиянинг турли усуллар ёрдамида ҳосил қилинган атамалар сони билан миқдорий жиҳатдан, шунингдек, фойздаги нисбати билан ифодалаш мумкин. Ўхшаш тарзда терминологиянинг қадимийлигини – қадимий ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган атамаларнинг нисбатини аниқлаш мумкин. Ушбу жиҳат мазкур терминологиянинг ривожланишига бошқа миллий тиллар ва илмий-техник алоқалар йўналишининг таъсир даражасини намоён қилади. Терминологиянинг ҳосил бўлиш модели тегишли таълим соҳасининг пайдо бўлиш моделини акс эттиради. Фаншуносликда таълим (билим)нинг янги соҳалари учта асосий моделларга кўра ҳосил бўлиши аниқланган: 1) фаннинг ўзгариши натижасида ва мазкур предмет соҳасидан билимнинг янги соҳаларининг ажралиб чиқиши, масалан, *акустика* – *архитектуравий акустика* (иккинчи ҳолатда ажралиб чиққан фанларнинг иккинчи авлоди пайдо бўлди);

2) иккита фаннинг кесишиш нуктасида ўзаро муносабатларга киришиши натижасида, масалан, *деворбоп қурилиш матераиллари*;

<sup>1</sup>С.В.Гринева-Гринева. Терминоведение. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений, Москва, издательский центр «Академия», 2008, с. 157.

<sup>2</sup> Шу манба. 278-бет.

<sup>3</sup> Лейчик Владимир Моисеевич. Терминоведение. Предмет, методы, структура. Изд. 4-е., М., Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009, с. 206.

3) қатор фанларнинг ўзаро муносабатлари натижасида вужудга келган комплекс фанлар ва дисциплиналар: *ландшафт дизайни*.

**Асосий қисм.** Фаннинг янги соҳасининг пайдо бўлиш моделининг ўзига хос хусусиятлари тегишли терминология табиатини ва уни тартибга солиш ёндашувларини белгилаб беради. Биринчи модель терминологияси, одатда, етарли даражада бир турли ва асосий (бирламчи) фан терминологиясидан ўзлаштирилган базавий атамалар, улардан ҳосил бўлган ҳосилалар ва мураккаб атамалар, шунингдек, фаннинг бошқа соҳаларидан ўзлаштирилган атамаларнинг айрим миқдоридан ташкил топган. Унинг чегаралари етарли даражада аниқ ва атамаларнинг ажратиб олиниши, жумладан, термин ҳосил бўлиши ва ривожланиши йўналишларини аниқлаб олиш катта қийинчилик туғдирмайди.<sup>1</sup>

Мазкур модель асосида вужудга келаётган терминология иккиламчи ҳисобланади, янги терминология пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилган дастлабки фан, бирламчи ҳисобланади. Иккинчи модель терминологияси нисбатан мураккаброқ табиатга эга ва унинг базавий лексикаси ёндаш фанлардан олинган атамалар аралашмасини ёки қурилиш материаллари каби бошқа фан таъсири остида муайян маъно (ёки маънолар) белгиларини ўзлаштириган битта фан атамаларини акс эттиради. Бу эса, ўз навбатида, ҳосил қилинган ва ўзлаштирилган атамаларнинг маъносига таъсир кўрсатади ҳамда таърифлаш ёки тартибга солиш зарур бўлган атамаларни танлаб олиш учун терминология чегараларини белгилашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Энг мураккаб ҳолат учинчи вазиятда, яъни фаннинг янги соҳасини ажратиб олиш жараёнида унинг базавий лексикаси фан соҳаларининг пайдо бўлишида ўзаро муносабатларга киришувчи атамалар конгломератини акс эттирган ҳолатда вужудга келади. Базавий атамаларнинг қайсилари ўзининг дастлабки маъносини тўлиқ сақлаб қолганлигини, қайсилари модификацияланганлиги, ва қайсилари ихтисослаштиришга дучор бўлганлиги натижасида ўз маъносини тўлиқ ўзгартирилганлиги аниқ бўлмаган бу каби терминологияларнинг бир турли бўлмаган таркиби мазкур терминологияларнинг чегараларини аниқлаб олиш ва атамаларни бир тизимга келтиришни аҳамиятли даражада мураккаблаштиради. Аввалги жиҳатлар билан терминологиянинг маҳдудлиги (айнан бир тилнинг шахсий атамалари ва бошқа терминологиялардан ўзлаштирилаган атамаларнинг нисбати тушунилади, жумладан, *қанос*, *равоқ*, *пасхса* каби терминлар), яъни мазкур терминологияга фаннинг ёндаш ва бошқа соҳаларининг кириб келиши даражаси ва терминологияларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатини намоён қилувчи жиҳати мавжуд. Терминологияларнинг қариндошлиги генетик, яъни терминологиялар махсус лексиканинг айнан бир соҳасида ривожланган ва типологик –махсус лексиканинг дастлабки турли соҳаларидаги келиб чиқиш шароитларининг мансублиги ёки ўхшашлигини тақозо қилувчи бўлиши мумкин.

Терминологиянинг қариндошлик жиҳати турли фан соҳаларининг яқинлиги ва уларнинг ўзаро муносабатларини ўлчашнинг ўта муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли унинг маъноси шахсий терминологик проблематиканинг доирасидан чиқиб кетади ва фаншунослик ҳамда фанларни таснифлашда муҳим ўрин тутади. Шундай қилиб, архитектура қурилиши соҳаси терминологияси тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, унинг пайдо бўлишининг асосий воситаларидан бири қуйидаги фанлар соҳаларидан ўзлаштирилган. Масалан, боғдорчилик ва дизайн, кимё ва лаборатория ишлари каби. Бу эса, ўз навбатида, бизнинг мазкур фаннинг фанлараро табиати ва унга ёндаш фан соҳаларининг яқинлик даражаси ҳақидаги тасаввурларимизни аниқлаштиришга имкон яратади. Терминологиянинг барқарорлигини аниқлаш учун унинг муайян давр мобайнида ортиб бориш суръатларини аниқлаш лозим, чунки барқарорлик сўзи остида терминологиянинг тузилмаси билан биргаликдаги асосий қисмининг сақланиб қолиши тушунилади.

Шундай қилиб, инглиз тилидаги архитектура-қурилиш терминологиясида XIV асрдан бошлаб ҳар 20 йил давомида лексиканинг ортиб бориши 8,5%ни ташкил этган, маълум сабабларга кўра ривожланишда ортда қолган рус терминологиясида ўхшаш тарзда XVIII асрдан бошлаб лексиканинг ортиб бориши ўртача 20%ни ташкил этган, бу эса, ўз навбатида, фаннинг тегишли соҳаси тезкор суръатларда ривожланганлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Longman Dictionary of Contemporary English. Harlow: Longman Dictionaries, 1995, 1668, p. 11. Verdonk P. Stylistics. Oxford: Oxford University Press, 2002, 124 p.

<sup>2</sup> Лейчик Владимир Моисеевич. Терминоведение. Предмет, методы, структура. Изд. 4-е., М., Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009, с. 188.

Юқорида санаб ўтилган мезонлар нафақат микдорий жиҳатдан, балки график жиҳатдан ҳам ифодаланиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, терминология ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини нисбатан аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради. Қуйидаги жадвалда ҳам архитектура соҳасига оид терминларнинг матнларда қўлланилиши йиллар кесимида кўрсатилган.<sup>1</sup>

*1-жадвал*

	1960–1969		1970–1979		1980–1989		1990–1999		2000–2008	
	26 texts		28 Texts		34 texts		40 texts		66 texts	
	WORD	VAL	WORD	VAL	WORD	VAL	WORD	VAL	WORD	VAL
1	FORM	59	ARCHITEKTU RE	110	ARCHITECTURE	192	ARCHITECTURE	257	ARCHIRECTU RE	252
2	MEANING	50	BUILDING	62	BUILDING	81	ARCHITECT	79	SPACE	198
3	PLOBLEMS	47	CITY	49	FORM	78	DESIGN	74	NEW	170
4	CITY	41	ARCHIRECT	43	DESIGN	48	BUILDING	73	DESIGN	157
5	BUILDING	29	URBAN	43	CITY	40	CITY	73	BUILDING	108
6	DESIGN	29	FORM	43	URBAN	35	NEW	52	PROJECT	92
7	ORGANIZATIO N	28	SPACE	37	NEW	35	SPACE	50	CITY	89
8	TIME	26	SYSTEM	36	CULTURE	27	WORK	45	FORM	87
9	ENVIRONMEN T	25	NEW	35	SPACE	25	PROJECT	41	WORK	80
10	LIFE	25	DESIGN	33	MEANING	24	FORM	39	ARCHITECT	68

Расмий хусусиятлар орасида, биринчи навбатда, терминологик шаклларнинг ўлчами, тузилмага оид таркиби, атамаларнинг ўртача узунлиги ва аниқ йўналтирилганлигини ажратиб кўрсатиш мумкин. Терминологиянинг ўлчами микдорий нуқтаи назардан белгиланиши мумкин ва бу ҳолатда микротерминология (100 тагча бўлган атама), мезотерминологиялар (100–1000 атама) ва макротерминология (1000 тадан ортик атама), шунингдек, эҳтимол, мегатерминология (100 мингта атамадан ортик) ҳақида гапириш мумкин. Мазкур нуқтаи назардан архитектура услубидаги (68 та атама) ва ҳаво боғловчи моддалар (30 та атама атрофида) оид ўзбек терминологиялари микротерминологиялар ҳисобланади; архитектура тарихи ва назарияси терминологиялари (665), боғловчи моддалар (200 та атама атрофида)га оид терминологиялар (773) – мезотерминологиялар; архитектура (9 мингта атрофида), қурилиш материаллари (9 мингта атрофида) оид терминологиялар – макротерминология, архитектура ва қурилиш соҳасидаги терминология (150 мингта атрофида) мегатерминологиялар ҳисобланади. Сифат нуқтаи назаридан термин майдон ва сўнгра термин гуруҳларига бўлинувчи термин соҳаларини ажратиб кўрсатиш лозим, зарурат туғилганда эса оралик кичик соҳалар, кичик майдонлар ва кичик гуруҳларга бўлиш мумкин. Масалан, қурилиш материаллари умумий материаллар гуруҳи деб қаралса, деворбоп, пардозбоп, энергия самарадор қурилиш материаллари кичик гуруҳларда бўлиб кўрсатилиши мумкин бўлган материал турлари киради.

*2-жадвал*

Қурилиш материаллари		
Деворбоп қурилиш материаллари	Пардозбоп қурилиш материаллари	Энергия самарадор қурилиш материаллари
Қурилиш ғишти	Мармар	Изорок
Газабетон	Қоплама гисҳат	Минерал пахта
Ёғоч	Гипсокартон	Эковул
Сендвичпанел	Профил фонлар	Полиизол
Қоплама ёғоч	Профилит	Страфор
Сопол тахтачалар	Аквапанел	Жун

Терминологиянинг тузилмага оид таркиби (атамаларнинг структуравий турларининг кўри-нишлари ва нисбати) ўзаро боғлиқ, бироқ келиб чиқиш жиҳатларига кўра мос келмайди, чунки бир структуравий шакл – оддий атама – турли хил келиб чиқишга эга бўлиши, бир нечта – семантик, морфологик (қисқартириш), морфолого-синтактик (эллипсис, аббревиация, мисол учун, HVAC), ўзлаштириш усуллари ёрдамида олинган бўлиши мумкин. Бошқа томондан, атамаларнинг турли

<sup>1</sup> Özlem Lamontre-Berk “The Changes in Architecture Terminology”, Istanbul, 2008.

структуравий кўринишлари (сода, ҳосилали, мураккаб таркибий – *raeinforced concrete*) атама ҳосил қилишнинг фақатгина битта усули – семантик (лексиканинг бошқа қатламларидан ўзлаштириш) усул ёрдамида олинган бўлиши мумкин. Асосланганлик даражаси ва турлари мезонларини мазкур терминологиянинг умумистеъмол тили билан ўзаро муносабатлари шароитларини акс эттириши ва унинг ёши (қадимий терминологиялар умумистеъмол тилига яқин, қурилишда булар сирасига архитектуравий конструкцияларнинг *ойна* ёки *том* каби сўзларини мисол қилиш мумкин, улар аллақачон умумсўзлашув тилига кириб келган ва барча учун тушунарли, бироқ ўзларининг семантик шаффофлигини йўқотган) каби терминологиянинг мавҳумлик даражаси ва мувофик равишда мазкур билим соҳасининг умуммаиший фаолиятдан ажратилганлигини ҳам намоён қилади.

Типологияга оид семантик хусусиятлар орасида, биринчи навбатда, фанга оид тегишлилик, тўлиқлик, семантик бир бутунлик, стратификация (табақа)ланганлик, тушунчага оид изоморфлик, мавҳумлик, тоифага оид нисбат ва тузилмалаштирилганлик тушунилади.<sup>1</sup> Предметга оид тегишлилик мазкур терминология ёрдамида ифодаланган билимнинг фанга оид хусусияти билан белгиланади ва терминологиянинг дастлабки хусусиятларидан бири ҳисобланади. Унга кўра, биз умуммиллий терминология ва турли фанга оид терминологиялар (*архитектура, қурилиш, конструкция*) тор соҳага оид терминология (*қурилиш материаллари, геодезия, кадастр, гидротехника*) тегишли бўлган илмий терминологияни; тор тармоқларга оид (*транспорт йўли қурилиши*), тор ихтисосликларга оид (*тунеллар қурилиши*) терминологиялари ажратилиб кўрсатилиши мумкин.

Терминологиянинг тўлиқлиги жиҳати остида ундаги бўшлиқларнинг (лакуна – тушунчага оид тизимга тегишли бўлган айрим тушунчаларни номлаш учун зарур бўлган атамаларнинг мавжуд эмаслиги) мавжуд эмаслиги, семантик бир бутунлик остида эса терминологияларнинг асосий корпусидан ажратиб олинган автоном қисмларнинг мавжуд эмаслиги тушунилади.<sup>2</sup>

Мазкур хусусиятларнинг намоён бўлиш даражаси аҳамиятли даражада терминологиянинг ҳосил бўлиш моделига боғлиқ бўлади. Стратификацияланганлик терминологияда қўлланиладиган касбга оид жаргонлар, номенлар, предтерминлар, квазитерминлар ва бугунги кунда халқ атамалари сифатида қўлланилаётган прототерминлар пропорцияси, шунингдек, умумиллий/умумтехник ва махсус атамаларнинг нисбати билан ифодаланади. Терминологиянинг тушунчага оид изоморфлиги (терминологиянинг тушунчалар тизимига мувофиклик даражаси), бир томондан, омонимия ва полисемиянинг улушини, бошқа томондан эса синонимик атамаларнинг улушини аниқлашни тақозо қилади. Охириги ҳолатда типологик атамашунослик учун қуйидаги кўрсаткичлар хос:

а) синонимиянинг даражаси ва асосий турлари (юқори даража бекарор терминология мавжудлигини намоён қилади);

б) она тилидаги ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган атамаларнинг дублетлиги терминологиянинг қадимийлиги билан боғлиқ;

в) аскетли синонимия, бу ҳолатда биз ўзгармас денотат ҳолатида биз турли тушунчаларга дуч келамиз (полиметилметакрилат оргойна, трубади қудук, сув чиқариш иншооти), бу эса кўп ҳолларда турли терминологияларнинг интерференциясини ифодалайди.

Мавҳумлик (унга тесқари бўлган аниқлик) ва жиҳатга оид нисбат (турли тоифаларга тегишли тушунчаларни номловчи атамалар нисбати) параметрлари мазкур терминология атамалари маъносида акс эттириладиган ва терминологиянинг семантик хусусиятларига таъсир кўрсатувчи тушунчага оид тизимнинг табиати ҳақида таърифларни тақдим қилади. Улардан биринчиси, яъни мавҳум (мушоҳадага асосланган) ва аниқ (предметга оид) маъноларга эга бўлган атамаларнинг нисбати воситасида ифодаланувчи жиҳат терминологияни тартибга солишда эътиборга олиниши лозим, чунки одатда мавҳум тушунчалар моҳиятини аниқлаш нисбатан мураккаброқ ва кўпроқ изоҳлашда турли келишмоқчиликларга сабаб бўлган. Фалсафа, тиббиёт терминологияда мавҳумлик 100%, архитектура назариясида 42%, клиник токсикологияда 16,5%, геронтологияда 46,5%, онкологияда 13,5%ни ташкил этади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> С.В.Гринева-Гринева. Терминоведение. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений Москва, издательский центр «Академия», 2008, с. 269.

<sup>2</sup> Temmerman R. Towards New Ways of Terminology Description: The Socio cognitive Approach. Amsterdam. Philadelphia, John Benjamins, 2000, p. 15.

<sup>3</sup> С.В.Гринева-Гринева. Терминоведение. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Москва, издательский центр «Академия», 2008, с. 285.



Атамашунослар томонидан ҳали тўлиқ ўрганилмаган категориал нисбат нафақат атамаларни ҳосил қилиш моделларида акс эттирилади, балки умумлаштиришнинг энг юқори даражасида энг кенг тоифаларга – объектлар, жараёнлар ва хусусиятларга ажратилиши мумкин бўлган онтологик тоифаларнинг тушунчага оид тизимларида ифодаланишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикрлаш имконини беради. Мазкур даражада рус тилига оид айрим терминологияларнинг тоифага оид тегишлилик 2-жадвалда келтирилган. Тузилмалаштирилганлик хусусияти, гарчи у атамаларнинг семантик муносабатларига тегишли бўлса-да, расмий жиҳат сифатида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу ҳолатда иккита жиҳат иерархия чуқурлиги (максимал ва ўртача) ва иерархиялик муҳим ўрин тутаети:

а) иерархик муносабатларга партитив муносабатларнинг (“бутун – қисм”) қамраб олишда терминологияда иерархик муносабатлар билан боғланган атамалар ва терминология билан соф ассоциатив муносабатлар билан боғланган атамаларнинг фоизли нисбати (архитектура назариясида – 95/5);

б) гипонимиклик – қатъий иерархик муносабатлар (гипонимик, тур ва кўринишга оид) билан боғланган атамаларнинг ассоциатив ва/ёки партитив муносабатлар билан боғланган атамалар ўрта-сидаги фоизли нисбат (архитектура назариясида – 83/17).<sup>1</sup>

Функционал жиҳатлар гуруҳида, биринчи навбатда, терминологиянинг меъёрлиги, унинг умум қабул қилинганлик, қўлланилиши (жорий қилинганлиги), интернационалиги ва ихчамлиги каби хусусиятларини ажратиб кўрсатиш лозим.

Бу борада Халқаро стандарт ISO 1804 биринчи нашридаги таржима қилинган терминларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.<sup>2</sup>

## **Эшиклар – терминология**

### **Кириш**

Мазкур Халқаро стандартлар мажмуасида баъзи терминлар эшиклар ёки эшик ромлари ҳақида батафсил маълумот бериб, ушбу терминлар барча турдаги эшикларга тааллуқли эмас. Шундай бўлса-да, ушбу терминлар барча турдаги айланма эшиклар учун керакли умумий терминологияларни ҳам қамраб олиши назарда тутилган.

### **1. Умумий маълумотлар.**

#### **1.1. Қўллаш усули.**

Ушбу Халқаро стандартлар мажмуаси уйсозликда қўлланиладиган барча айланма эшикларга тааллуқли ибораларни тақдим этади.

#### **1.2. Умумий таъриф.**

**Эшик блоки:** муайян иншоотга кириб чиқишни таъминловчи вазифани бажарадиган бир ёки ундан ортиқ ҳаракатланувчи бўлақлардан, унга ўрнатилган ёрдамчи ва металл қисмлардан иборат бўлган яхлит йиғилма.

Эслатма. Эшик блоки токча, юқори панел ва ён панеллардан иборатдир.

### **2. ТЕРМИНОЛОГИЯ.**

#### **2.1. Таркибий қисмларга тегишли бўлган сўз ва иборалар.**

##### **2.1.1. Девордаги эшик ўрнига тегишли сўз ва иборалар.**

##### **1. Девордаги эшик ўрни.**

Эшик блоги ўрнатиладиган девор ёки бўлма ичидаги бўшлиқ.

##### **1а. Чокланмаган девор ўрни.**

##### **1б. Чокланган девор ўрни.**

##### **1.1. Эшик ёндори (чокли ёки чокланмаган).**

##### **1.2. Эшик ўрнининг юқори юзаси.**

##### **1.3. Вертикал томони.**

##### **1.4. Токча.**

##### **1.5. Девор чоки.**

##### **1.6. Девор чокининг чуқурлиги.**

##### **1.7. Девор чокининг узунлиги.**

##### **1.8. Ишлов берилган эшик.**

<sup>1</sup> Шу манба. 292-бет.

<sup>2</sup> Халқаро стандарт ISO 1804. Эшиклар, терминология. Биринчи нашр, 1972.

Терминологияларни тартибга солишда меъёрлаштирилган терминология ҳажмининг доимий равишда ортиб бориши шароитида, даставвал, атамаларнинг қанча улуши миллий, халқаро ва тармоққа оид даражада стандартлаштирилганлигини ва қандай терминологик стандартлар режалаштирилаган ҳужжатларда қайд қилинган ёки боғланганини аниқлаш, яъни терминологиянинг меъёрлаштирилганлигини белгилаб олиш лозим.

Стандартлаштириш шакли ва терминологияни қўллаш тартиби унинг умум қабул қилинганлиги даражасига боғлиқ, чунки мазкур соҳа лексикаси турли имлий мактабларнинг параллел тарзда мавжуд бўлган лексикасининг бир неча қатламларини ифодалаши мумкин. Мазкур хусусиятга мувофиқ илмий мактаблар терминологиялари, ҳатто индивидуал терминологиялар ҳам ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Қўлланилаётган атамаларнинг жорий қилинганлик даражасини, шунингдек, атамаларни қўллашнинг меъёрий ўзгаришлари имкониятлари терминологиянинг қўлланивчанлиги жиҳатларида акс эттирилади. Атамаларнинг халқаро уйғунлаштириш масалалари терминологиянинг интернационаллигини, яъни интернационал атамалар сонини қайд қилиб боришни талаб этади.

**Хулоса.** Атамалар узунлигини ўлчаш мазкур терминология атамаларининг ихчамлиги каби ҳосила кўрсаткичларни олиш имкониятига эга бўлади, яъни атама маъноси таркибий қисмларининг лексик масофа нисбатига эга бўлиш имконини беради. Юқорида айтилганидек, тартибга солиш натижасида терминология “терминтизм”га айланади, яъни мазкур соҳа тушуналарининг тегишли тизимига тўлиқ мос бўлган атамалар тизимини улар ўртасидаги қайд қилинган муносабатлари ҳақида гапирилган. Агар семантик жиҳатдан бу каби тартибга солиш алоқаларнинг аниқлиги ва бир турлилигига эришиш имконини берса, у ҳолда одатий жорий қилинган мавжуд атамаларни ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини эътиборга олган ҳолда, кўп ҳолатларда атамалар шаклининг бир турлилигининг мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Турли предметга оид саҳаларда терминологияларни термин ташувчилари билан алмаштирилиши турлича кечиши мумкин ва назарий фанларда терминтизмлар энг бошданок, умумий назарияларни шакллантиришда тузилмалаштирилган бўлиши мумкин, айни вақтда, табиий соҳаларда бетартиб тарзда шаклланган терминологиялар узокроқ вақт сақланиб қолади.<sup>1</sup>

Айрим ҳолларда термин тизимларда ҳам бир турлилик, ҳам терминологик шаклларни тизимлаштиришга эришиш мумкин, ва атамаларнинг бу каби тизими идеал термин тизим, деб номланади. Бинолар қурилиши жараёнида *уникал бино* тушунчаси сўнгги 10 йил ичида қурилиш соҳаси терминологиясига ўзга хос янги терминлар гуруҳининг пайдо бўлишига олиб келди. *Жумладан, high-tech, smart house, media installation* кабилар шулар жумласидандир. Агар идеал термин тизимда янги тизимли атамаларни ҳосил қилиш қоидалари ҳам мавжуд бўлса, у ҳолда уларни номенклатура, деб номлаш қабул қилинган. Бу каби термин-тизимларга, янги атамаларни мавжуд атамалар кўринишида ҳосил қилишнинг бир турли тамойили қабул қилинган биологик ва кимёвий номенклатураларни мисол қилиб келтириш мумкин. махсус лексик бирликларнинг кўп қисми айнан атамаларга тааллуқли бўлмаганлиги, уларнинг айримларини эса (номенлар, номинатив табаитга эга бўлган профессионализмлар) терминологиялар доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли қуйидаги қарашлар мавжуд: гап махсус лексиканинг барча турларини қамраб олувчи муайян фан соҳасига оид лексик воситаларни таърифлаш ҳақида борганда, “тармоқ лексикаси” атамасидан фойдаланиш ҳақида боради, масалан, спорт лексикаси, хунармандчилик лексикаси, овчилик лексикаси, ҳарбий лексика ва ҳ.к. Шу билан бирга, тармоқ лексикаси юқорида санаб ўтилган жиҳатларни қўллаш воситасида таърифланиши ва тадқиқ қилиниши мумкин. Бу ҳолатда “хусусият” ва “кўрсаткич” атамалари билан бир қаторда, “жиҳат (мезон) атамаси ҳам қўлланилади (яъни, хусусиятнинг сонга оид равишда ифодаланиши).

Типологик атамашуносликнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусияти фақатгина сифатга оид хусусиятлар (синонимия, аббревиация, асосланганлик, тузилмалаштирилганлик ва ҳ.к.) билан эмас, балки у ёки бу сифатга оид жиҳатларнинг турли терминологияларда ифодаланиш даражасини акс эттирувчи статистик жиҳатларни ҳам ўрганувчи квантив ёндашув ҳисобланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Лейчик Владимир Моисеевич. Терминоведение. Предмет, методы, структура. Изд. 4-е. М., Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009, 217-бет

<sup>2</sup> Temmerman R. 2000. Towards New Ways of Terminology Description: The Sociocognitive Approach. Amsterdam. Philadelphia: John Benjamins.

Терминологияни баҳолашнинг параметрик усули “нисбатан”, “кўпроқ” ёки “камроқ” каби ноаниқ ифодалардан, ифодалаш аниқлигининг зарур даражасига эришган ҳолда, бир тил каби турли хил тилларга оид бўлган махсус лексиканинг турли қисмларининг ўзига хос хусусиятларининг у ёки бу даражадаги аниқ миқдорий турларига ўтиш имконини беради.

Мазкур усул атамашуносликнинг шахсий услуби ҳисобланади, бироқ келажакда нафақат терминологияни меъёрлаштириш ва луғат тузиш учун, балки фаншунослик учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки терминологиянинг кўплаб хусусиятлари тегишли тушунчалар мажумининг ўзига хос жиҳатлари и ва ҳолатини акс эттиради, бу эса, ўз навбатида, муайян фан соҳасининг табиатини очиб бериш имконини беради.

Олинган маъулмотлар асосида келажакда архитектура қурилиш соҳасидаги тарихий шаклланиши йўқолмаган терминлар *равоқ*, *қанос ва пештоқ*, айтилишида, қурилиш материаллари гуруҳига кириб келадиган терминлар – *газобетон*, *аквапанел ва эковул* каби терминлар нафақат терминологиялар типологияси ва классификациясини такомиллаштириш, балки турли фан соҳаларида алоҳида терминологик жараёнлар ва ҳодисаларнинг йўналишлари ва қўлланилишидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Бу каби ёндашув терминологик жараёнлар ва у ёки бу терминологик жараёнларнинг аниқ хусусиятлари билан боғлиқлик даражаси ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш имконини беради ва мазкур асосда терминологияларнинг ривожланиши аввалдан айтиб бериш имконини беради, дея тахмин қила оламаз.

**Имяминова Шухратхон Салижановна (Ўзбекистон Миллий университети Немис филологияси кафедраси мудири, профессор, филология фанлари номзоди; [gumreich@mail.ru](mailto:gumreich@mail.ru))  
ЛУҒАТ ТУЗИЛИШИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада тилшуносликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган лексикография ва унинг ўрганиши объекти ҳақида сўз боради. Тил ўрганишида луғатларнинг аҳамияти қай даражада муҳимлигини олимларнинг фикрлари мисолида билиб олиш мумкин. Луғатшунослик тарихидаги изланишлар ва уларнинг натижалари мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, лексикограф олимларнинг назариялари турли тиллар мисолида таҳлил қилинган. Таҳлил этилган луғатлар асосан икки тилли луғатлар бўлиб, улардан маълум бир сўзлар таҳлил учун танлаб олинган. Немис тилидаги изоҳли луғат мисолида келажакда икки тилли немисча-ўзбекча луғат тузиш принципларини изоҳлашга ҳаракат қилинган.

**Аннотация.** В статье обсуждается лексикография, одна из важнейших отраслей лингвистики, и ее предмет изучения. Важность словарей в изучении языка можно увидеть на примере мнений ученых. Исследования по истории лексикографии и их результаты иллюстрируются примерами. Однако теории лексикографов были проанализированы на примере немецкого, французского и русского языков. Проанализированные словари были в основном двуязычными словарями, из которых для анализа были выбраны конкретные слова. На примере одноязычного толкового словаря немецкого языка сделана попытка разработать составление двуязычного немецко-узбекского словаря.

**Annotation.** This article discusses lexicography, one of the most important branches of linguistics, and its object of study. The importance of dictionaries in language learning can be seen in the example of scholars' opinions. Studies in the history of lexicography and their results are illustrated with examples. However, the theories of lexicographers have been analyzed on the example of German, French, and Russian. The dictionaries were mainly bilingual dictionaries, from which specific words were selected for analysing.

**Калим сўзлар:** лексикография, изоҳли луғат, имло луғати, назария, сўзлар тизими, луғатшунослик, лексик маъно.

**Ключевые слова:** лексикография, толковый словарь, орфографический словарь, теория, система слов, лексическое значение.

**Key words:** lexicography, explanatory dictionary, spelling dictionary, theory, word system, lexicography, lexical meaning

**Кириш.** Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, луғат лексикологик тадқиқотларнинг тасвири натижасидир. Сўз тилнинг энг асосий ва марказий бирлигидир. Чунки сўзнинг тилдаги хусусияти ва тил ҳодисаларини ўрганиш, сўзни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш билан боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир тил ўзининг лексик бойлигига эга бўлиб, улар маълум луғатларга системалаштирилади. Демак, лексикология сўз таркибини ўрганишдан ташқари, унинг луғат таркиби ва сўз бойлигини ҳам ўрганади.

Сўзларнинг бирор мақсадда тўпланиб, тартибга солинган йиғиндиси луғат дейилади. Луғат тузилишининг назарий ва амалий тамойиллари ҳақидаги соҳа лексикография деб аталади. Луғатлардан сўзлар ва ибораларнинг қўлланилишини назарий тадқиқ этишда ҳамда бирор тилга амалий жиҳатдан ўргатишда аҳамиятли манба сифатида фойдаланилади. Турли турдаги луғатлар тузиш умуммаданий аҳамиятга эгадир. Луғат, кўпинча, алфавит тартибда тузилиб, қулай қўлланма сифатида ўқувчиларга тақдим этилади ва тил ўрганиш учун ҳамда турли манбаларни бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилишда қулай қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Демак, луғат ҳар бир тил учун сўз хазинасидир, ундан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш инсон билимини кенгайтириш луғат бойлигини оширишда ҳамда фикрни тўғри ва раво ифодалашда, энг асосийси, тил ўрганишда фойдаланилади.

**Асосий қисм.** Лексикография масаласи турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Шунинг учун улардан бир неча фикрларни келтираемиз. Лексикография луғат тузиш таълимоти ёки лексикологиядан олинган билимларни жамлаб, назарий ва амалий эҳтиёжларга асосланган луғат яратиш фаолиятидир деб таъриф бериш мумкин.

Немис олими Х.Хеннинг фикрича, лексикография лексиканинг парадигматик ва синтагматик структурасининг кодификацияси ва лексик ҳамда грамматик маълумотларни луғат шаклида тартиб билан бериш, хусусан, луғат тузиш жараёни, унинг натижаси, лексик кодификациянинг назария ва методологиясидир.<sup>1</sup>

Демак, бир, икки ва кўп тилли луғатлар тузиш учун синхрон, диахрон, этимологик, тарихий ва бошқа аспектларга асосланган луғатлар кўп аспекти классификацияга асосланилади.

Лексикографияда лексикология ҳамда семасиологиянинг бир қатор муҳим масалалари билан боғлиқ бўлган аниқ методик тамойиллар муҳим ўринни эгаллайди. Луғат тузиш принципларига назар ташласак, бу борада, айниқса, 1930 йилдан бошлаб, икки тилли лексикография масалалари билан шуғулланиш авж олди. Бу даврда иккита русча-французча луғат яратилди. Бу луғатлар анча машҳур бўлиб, ҳозирги кунгача тўққиз марта нашр этилган. Бундан ташқари, “Русско-французский словарь для средней школы” (1940) луғати ҳам нашрдан чиқди. Ўша пайтдаги сўз семантикаси ва луғат таркиби структурасининг назарий масаласи устидаги олиб борилган ишлар янги лингвистик фан асосининг қурилиши лексикография назарияси устидаги тадиқотлар билан боғлиқ эди.

Ҳар бир тилнинг луғат таркиби маълум бир вақтда “ягона мураккаб материал, ягона тизимни” барпо қилади. Маълум мазмун муносабатлари билан боғланган элементлар сўзлар тизимини ташкил қилади, улардан грамматика ва лексика ўзининг қоидаси бўйича унинг синтагмалари билан бизнинг нутқимизда яратилади. Лексиканинг тизимли ва кўп маъноли сўзлар маъноси ўртасидаги системалилик муносабати мавжуд. Ҳар қандай сўз контекстда яна-да янги ва янги маъно белгиларини ифодалашга қодир. Бундай сўзлар доим ўзимизнинг оғзаки ёки ёзма нутқимизда қўллашимиз мумкин бўлган ўша лексика ёки бадиий асарларни ўқий туриб, биз тўла тушуна оладиган, бироқ ўзимиз ҳеч қачон қўлламайдиган лексикадир. Мана шундай фикрлар академик ва норматив луғатлар тузишда намоён бўлади.

Мисол тариқасида рус, француз ва немис тилларида маъно жиҳатдан яқин бўлган бир қатор сифатларнинг семантик муносабатини кўриб чиқайлик: Рус тилидаги *твердый, жесткий, жестокий, свирепый сифатларига француз тилидаги dur, cruei, feroce* ва немис тилидаги *hart, grausam, wütend*лар тўғри келади. Бироқ алоҳида тиллар ўртасидаги муносабат унчалик оддий эмас. Агарда рус кишисига нисбатан *твердый* ва *жесткий* деб айтилса, унда бу сўзлар французча *dur*, немисчада *hart* сўзлари билан, *жестокий* ва *свирепый*лар немисча *grausam* (*свирепый эса wütend*) билан, французчада жестокий сўзи *cruel* билан, *свирепый эса feroce* билан берилади. У ҳолда француз ёки немис кишисини рус тилидаги сўз қўлланишига ўргатиш анча мушкулдир.

*Твердый* сўзи *мягкий* сўзига қарама-қарши бўлиб, деформацияга ва ўзгаришга мойил эмас, иккала сўз ҳам предметнинг объектив сифати саналади. Тўғри маънода *дуб, твердое дерево; принятъ твердое решение.*

<sup>1</sup>Henne H. Prinzipien einsprachiger Lexikographie. Probleme des Wörterbuchs. Bd.612 Darmstadt, 1985, s. 222 – 245.

*Жесткий* сезиб кўриш қийин бўлган, қаршилик кўрсатувчи маъносини бериб, *мягкий* сўзига қарама-қарши маъно касб этади. Буларнинг иккаласи ҳам субъектив ҳис этишдир, чунки *мягкий* ёқимлилик белгиси бўлса, *жесткий* нохушлик белгисидир. Тўғри ва кўчма маъноларда: *Моя постель слишком жесткая, а твоя слишком мягкая; Человек с приятным мягким характером; Человек с неприятным мягким характером.*

*Жестокий*, онгли равишда шафқатга эга бўлмаган ва келтирилган укубатлардан у даражада қоникқовчи: *жесткое сердце* ва кўчма маънода *жесткие морозы* маъноларини беради.

*Свиренный* шафқатни табиатан билмайдиган, чунки даҳшат белгисига эга: *свиренные лица*, кўчма маънода *свирепая эпидемия*.

Бир қатор шунга ўхшаш қиёслашлар натижасида қуйидагича хулосага келиш мумкин: тилнинг жуда кўп сўз тушунчасини ҳар қандай исталган тилнинг сўз тушунчаси билан ўлчаб бўлмайди, ўлчаб бўлмайдиган деганда сўзнинг семантик мазмунига асосиз нодифференциал ёндашиш назарда тутилади. Бунга қарама-қарши семантик таҳлил турли тиллардаги сўз маъноларини уларнинг нутқда аниқ қўлланиш қоидаси билан “ўлчашга” имкон беради.

Луғатлар типологиясига назар ташласак, уни олти антиномиясини кўриш мумкин. Улар жуфт-жуфт ва бир-бирига қарама-қарши турадиган асосий луғат типларидир. Булар, асосан, қомусий ва умумий (ҳозирда лингвистик) луғатларнинг сўзликда ўзига хос хусусиятлари билан ва сўзларнинг маъноларини очиш билан ёки тезуарус шаклида бўлиб, ниҳоят, “одатдаги” (алифбо асосидаги) ва “ғоявий” (идеографиянинг замонавий терминлари) луғатлардир.

“Академик типдаги луғатлар” ва “луғат маълумотнома”лар ҳам лексикографиянинг замонавий назарияларига асослангандир. Изоҳли луғат тушунчаси концепциясида ягона шарт кўзда тутилмайди: изоҳли луғат бир тилнинг сўзини бошқа тил сўзи билан изоҳлаши мумкин.

Демак, олимлар томонидан икки тиллик луғат назарияси анча тўлиқ ишлаб чиқилган. Чет тилидаги, умуман, она тилида бўлмаган матнларни кишиларнинг фақат тушунишидан ва ўша тилда сўзлаши ва ёзиши керак бўлган кишиларнинг турли талабларидан келиб чиқиб, икки тилли луғатнинг талабларига мос келадиган ҳар бир тил учун икки тиллик луғатни яратиш керак деган хулосага келинди. Булар “*изоҳли*” ва “*таржима*” луғатларидир. “Изоҳли” луғатлар чет тилдаги сўзларни ўқувчига она тилида изоҳлаб берувчи луғатлар. “Бундай луғатлар, чет тилидаги китобларни ўқиш ва тушунишга (китобни тушуниб, ўзи ҳар томонлама сўзларни танлай олишга, агар зарур бўлса, сўзларни таржима учун танлашга), шунингдек, чет тилидаги сўзларнинг ҳақиқий кўриниши билан танишишга имкон беради”. “Изоҳли луғатларда”, албатта, сўзларнинг таржималари ҳам барча ҳолатларда чет тилидаги сўзларнинг изоҳини соддалаштирганда ва унинг табиатини тўлиқ билишга аҳамият берилади. Аслида, “таржима луғатлари” бу айнан она тилидан чет тилига таржима қилишга мўлжалланган бўлиб, чет тили грамматикасини билувчи кишига унинг фаол аспектида бадий бўлмаган матнларни қўпол хатоларсиз чет тилига таржима қилишга имкон беради.

Уқорида айтилганидек, махсус этюдлар ўзининг изоҳли ва таржима луғатларининг тузилиши қоидалари устида узоқ изланишлар олиб борилди. Бироқ бунда луғат мақолаларининг нозик семантик таҳлил намуналари ва сўзнинг ҳар бири алоҳида контекстда ўзгарувчан маъноларининг ривожланиши йўналишини моҳирона кўрсата билиш зарур. Хусусан, изоҳли луғатда “маълум бир сўзнинг барча аъъанавий ҳолатларда қўлланишини санаб ўтиш керак”. Шундай қилиб, луғатларга тахминий ўтиш белгиси ≡ киритилди. Бу белги ҳозирда бизнинг икки тилли лексикография тажрибамизда кенг қўлланилади. Изоҳли луғатда ҳам, таржима луғатида ҳам у кўп ўринни матн мисолларига ажратади, улар сўзнинг нутқда бажарадиган вазифасини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, луғат иши ўта мураккаб ва ижодий, у илмий тавсифга эга бўлиши керак ва ҳеч бир қандайдир тайёр элементларнинг механик қиёсланишига асосламаслиги керак, “яхши таржималар “тузилмайди” “яратилади” ва ҳар бир кичик мураккаб сўз амалда илмий монографиянинг предмети бўлиши мумкин.

**Таҳлил ва натижалар.** Луғат мақоласи таҳлили учун Duden “*Deutsches Universalwörterbuch*“ луғати олинди (3). Луғат Duden нашриётида чоп этилган: Тузувчилар: Prof. Dr.Dr.h.c.Günter Drosdowski, Dr.Wolfgang Müller, Dr.Werner Scholze-Stubenrecht, Dr.Matthias Wermke. Учинчи нашрининг муҳаррирлари: Dr.Matthias Wermke ва Dr.Werner Scholze-Stubenrecht ҳамда Birgit Eickhoff M.A., Angelika Haller-Wolf, Dr.Heribert Hartmann, Dieter Mang, Dr.Christine Tauchmann, Marion Trunk-Nußbaumer M.A., Olaf Thyen ва Манхайм, Лайпцихдаги Duden нашриётидаги бошқа ходимлар ҳамкорлиги асосида тузилган. Луғат 1996 йилнинг сентябрида Манхаймда чоп этилди. Das “*Deutsche Universalwörterbuch*“, бу луғат тузилиши ва функциясига кўра, изоҳли луғат ҳисоблана-

ди. Ундан сўзларнинг фонетик, грамматик хусусиятлари тўғрисида маълумот ҳамда кўплаб мисоллар, сўзларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам маълумот топиш мумкин.

Бу луғат сўзларни тўғри аниқлаш ва изоҳлаш учун мўлжалланган ва у на фақат матнни тушуниш, балки уни немис тилида грамматик жиҳатдан тўғри қўллаш ва ёзиш учун ёрдам беради, шунингдек, луғатда «Қисқа грамматик справочник» ҳам бор.

Таҳлил учун *glücklich* сўзи олинди.<sup>1</sup>

*glücklich* – луғатдаги бош сўз қора тўқ ёзув билан ажратиб, икки бўғинга бўлиб кўрсатилган *glück|lich*. Квадратга олинган қавс ичида шу сўзнинг келиб чиқиши берилган [spätmhd. g (e) lück (e) lich=vom Zufall abhängig; günstig] – бу сўз ўрта немис тилига оид бўлиб, иккита маънога эга: 1. “воқеага алоқадор”; 2. “ёқимли”. Кейин I.<Adj.> – рим рақами остида биринчи изоҳ берилади ва бу сўзнинг сифат бўлиб келатганлиги берилади ҳамда бу<Adj.>қисқартмаси орқали кўрсатилади. Сўнгра бу сўзни биринчи маъноси кўрсатилган ва араб рақами 1 билан сўзнинг 2 пунктдан иборат асосий лексик-семантик маъноси берилган:

а) vom Glück (2) begünstigt; erfolgreich – “счастливый (быть баловнем судьбы); успешный”. Кейин, сўзнинг грамматик белгиси берилган: der – e Gewinner – (Nom., Singular), “счастливый победитель”; кейинги мисолда бу сўз бошқа сўз бирикмалари билан кўрсатилган – die Geschichte endete g.–“история закончилась счастливо (успешно)”; бошқа мисол ҳам сўз бирикмаси кўринишида берилган – die Mannschaft kam zu einem -en (eher durch Glück als durch Können errungenen) Sieg – “команде повезло выиграть”. Бошқа мисолларда эса контекстда сўз бирикмасини яширин маъноси ҳам берилган, чунки *glücklich* сўзи сўзма-сўз таржима қилинмайди; b) vorteilhaft; günstig – “выгодный; благоприятный”, сўнгра эса бошқа сўз бирикмаси билан берилган мисоллар келтирилган – der Zeitpunkt war nicht gerade g. gewählt – “время было не очень удачно выбрано”. Сўнгра иккинчи рим рақами 2 билан бу сўзнинг лексик-семантик варианты берилган: von froher Zufriedenheit, Freude, Glück (3) erfüllt – “наполненный радостным удовлетворением, радостью, счастьем”. Мисоллар сўз бирикмалари тартибида берилган: ein -er Mensch – “выгодный человек”; eine -e Familie – “счастливая семья”; eine -e Zeit – “благоприятное время”; ein -es neues Jahr! (Glückwunschformel zum Jahreswechsel) – “счастливого нового года!”; er ist/hat eine -e Natur – бу ибора кўчма маънога эга, яъни “у него хороший характер”; wunschlos, grenzenlos, unsagbar g. sein; “быть безмятежно, безгранично, невыразимо счастливым”; ich bin darüber sehr g.–“я очень счастлив по этому поводу”; jmdn. g. machen – “делать кого-либо счастливым”, g. verheiratet sein – “быть счастливым в браке”. Бу сўз мақолларда ҳам қўлланиши мумкин, аммо бунда сўз от ўрнида келади, яъни <subst.:> Spr. dem Glücklichen schlägt keine Stunde – “Счастливые часов не замечают”.

**Хулоса.** Бу луғат билан ишлаш жуда қулай бўлиши билан бирга, материаллар жуда яхши берилган, ишлашга қулай ва тушунарли.

Икки тилли луғатлар кўплаб лексикограф олимлар томонидан ўрганилган. Фикримизча, икки тилли луғатлар билан ишлагандан кўра, мана шундай бир тилли изоҳли луғатлар билан ишлаш қулай, чунки сўзларни турли контекстда маъносини тушуниш мумкин. Ушбу луғатларда сўзларнинг маъносини контекстдаги мисоллар орқали осон тушуниб олиш, шу билан бирга, сўзларнинг қўлланилиш ўрнини ҳам билиб олиш мумкин.

<sup>1</sup> Duden. Deutsches Universalwörterbuch-8, überarbeitete und erweiterte Auflage. Duden, 2015, 2128 S.

Хабибова Шахноза Исмагуллаевна (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти Француз тили ва адабиёти кафедраси мустақил илмий тадқиқотчи; [habibovashaxnoza85@gmail.com](mailto:habibovashaxnoza85@gmail.com))

### АДАБИЙ ТАНҚИД ТАРИХИДА ГОТИКА ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада 18-аср Фарбий европа адабиёти, инглиз маданияти арбобларининг таълим бўйича интилишлари, жамиятда маънавий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг интенцивлиги қандай ўсиб бораётганини ҳис қилиш, ўзининг маърифатпарварлиги билан диний бағрикенглик ғояларига маълум даражада жавоб берганлиги борасида сўз юритилади.

**Аннотация.** В статье обсуждается западноевропейская литература 18 века, образовательные стремления британских деятелей культуры, как растет интенсивность духовной, социально-политической и культурной жизни в обществе и как оно отвечает на идеи религиозной терпимости своим просвещением.

**Annotation.** This article discusses the 18<sup>th</sup> century Western European literature, the educational aspirations of British cultural figures, how the intensity of spiritual, socio-political and cultural life in society grew, and how it responded to the ideas of religious tolerance with its enlightenment.

**Калим сўзлар:** инқилоб, рефлексия, дунёқараиш, интилишлар, тафаккур, жанрлар, арбоблар, ижтимоий-сиёсий, маърифатпарвар, тадқиқотчилар.

**Ключевые слова:** революция, размышление, мировоззрение, стремления, созерцание, жанры, личности, социально-политический, просвещение, исследователи.

**Key words:** revolution, reflection, worldview, aspirations, thinking, genres, personalities, socio-political, enlightenment, researchers.

18-аср инглиз адабиёти тарихида ўрганилаётган мавзуни ўрганишни бошлаганда, Англия инқилобдан кейинги мамлакат бўлиб, ўша пайтга келиб, буржуа ҳақиқатига айланиш йўлида илгариланганлигини эсга олиш керак. Шунга қарамай, бу нафақат инглиз маданияти арбобларининг таълим интилишларини сусайтирмади, балки, аксинча, бу интилишларнинг эрта пайдо бўлишига ҳисса қўшди, инглиз тилидаги дастлабки таълим фикрининг европа тафаккурига жиддий таъсирини аниқлади. Шунинг учун 18-аср Фарбий Европа адабиёти билан танишишни айнан шу мамлакат адабиёти орқали бошлаш мақсадга мувофиқдир. Аънавий изоляциядан, тартибга солишдан озод бўлган жамиятда маънавий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг интенцивлиги қандай ўсиб бораётганини ҳис қилиш керак. Бу, хусусан, Англияда жанрларнинг ўйнайдиган ролида акс этади. 18-аср инглиз маданиятининг жуда муҳим хусусияти шундаки, англичан черкови ўзининг маърифатпарварлиги билан қарши чиқмаган, аммо унинг диний бағрикенглик ғояларига маълум даражада жавоб берганлиги, бу Англияга хос бўлган “синфларнинг доимий ҳаракати” туфайли инглизларнинг муҳим маърифатпарварларнинг ғоялари ва мақсадлари қисми бўлиб қабул қилинган.

Шундай қилиб, “Готик” атамасининг келиб чиқишини ўрганиб чиқиб, биз маълум даражада тил тадқиқотчиларининг кўп қиррали қарашларига дуч келмоқдамиз. “Готик” атамасининг ўзи ниҳоятда сиғимли ва кўп жиҳатдан қарама-қарши деб ҳисобланиши мумкин. “Готик” сўзининг асл, илмий ва академик маъноси унинг замонавий талқин қилиниши билан унчалик боғлиқ эмас.

“Готик” тушунчаси маданий фойдаланишга киритилган ўша кунларда қора кийим кийган ва “мурдадек” юзларини оқ рангга бўйайдиган ёшлар, бахтга кўра, ҳали мавжуд эмас эди. Тилшунослар – санъатшунослар<sup>1</sup> терминологиясида “готика” услуги Ўрта асрлар Фарбий Европасининг расм ва меъморчилик йўналишларидан бирини англатади. Готик услубида кўплаб католик соборлари қурилган, машҳур черковларнинг қурбонгоҳлари ва деворлари бўйланган. Шундай қилиб, готика мумтоз талқинида илк ўрта асрларда ҳукмронлик қилган санъатнинг ягона услубидир ва бу санъат фақат насронийликдир.

Терминнинг келиб чиқиши алоҳида қизиқиш уйғотади. Ушбу сўз “Готх” илдизига эга, яъни IV асрда Европага бостириб қирган энг йирик герман қабилаларидан бирининг вакили. Мил ва Рим империясидан ажралиб чиққан ерларда ўз шоҳликларини ташкил этишди. Ўша пайтга қадар

<sup>1</sup> Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М., “Художественная литература”, 1986, 543 с.

3 Григорьева Е.В. Готический роман и своеобразие фантастического в прозе английского романтизма: автореф. дис. ...канд. филол. наук. 10.01.05. Ростов-на-Дону, 1988, 23 с.

Рим ҳар йили ўзининг сўнгги кулашига яқинлашиб келаётганига қарамай, у, барибир, тартиб ва сивилизация рамзи сифатида ҳаракат қилди.

Латин тилидаги “Готик” ибораси сўзнинг энг салбий маъносида “варварлик” тушунчаси билан синонимга айланди. “Готик” маданият ва ахлоқий меъёрларнинг асрлар давомида пасайишини ўз ичига олган цивилизация ҳукмронлиги даврининг охири ва қоронғу Ўрта асрларнинг бошланишини англатади.

Юнонистон ва Рим санъати объектларини доимий равишда кидириб топишда, Уйғониш даври Европа фигуралари, бошқа нарсалар қатори, қадимги мулклар ва аҳоли пунктларини қазииш билан шуғулланган, вақти-вақти билан жуда ғалати ҳайкаллар, стеллар ва барельефларга дуч келишган. Уйғониш даври санъати одамсифат жинлар билан тўлиб тошган ер ости дунёсининг тасвирларига бой эди; кўплаб қалъалар гаргойле, химералар ва йиртқич кулаётган скелетлари билан безатилган. Кейинчалик, ушбу элементларнинг барчаси готика анъаналарининг ажралмас қисмига айланади ва гротеск готикани тавсифловчи тушунчалар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Гротеск рассомлари зулмат ва даҳшат билан ўралган одобсиз ва жинойтчиларнинг худудларини тинимсиз ўрганиб, қоронғи халқ афсоналарини ва яширин таълимотларни ердан қазиб олишади. Ушбу таърифда батафсил маълумот берилмаганига қарамай, кераксиз изоҳларсиз шуни айтиш мумкинки, замонавий готикада гротеск мотивлари тўлиқ мавжуд бўлиб, ушбу субкультуранинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ўн саккизинчи асрнинг охирига келиб, яна бир ҳодиса пайдо бўлди, бу келажакда ҳам ҳозирги кунда готика деб тушуниладиган нарсанинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатишга қаратилган. Ушбу ҳодиса САМР (сўзма-сўз таржима – лагер) деб номланади. Биз атаманинг келиб чиқишини билмаймиз, аммо у жуда кенг тарқалди. Лагер замонавий готиканинг моҳиятини тушунишни истаган ҳар бир киши учун жуда муҳим тушунча. Бунга асосланиб, САМР, шунингдек, тақиқланган ва сирли нарсаларни етиштиришни, ўз-ўзига чўмиш тенденциясини ва ҳаддан ташқари сезгирликни, эскапизмга айланиб, ҳақиқатдан қочиш ниятини ўз ичига олади.

Лагер тушунчасининг ўзи анча кейин пайдо бўлган бўлса-да, 18-аср охирида бу ҳодисанинг асосий хусусиятлари шаклланди. Ўша пайтда Готик ҳозирги кунгача – ҳаётнинг сирли қоронғу ва сирли томонларини эстетиклаштирадиган услубий тенденцияга айланди. Готикнинг янги даврининг маданий ҳодисаси сифатида шаклланишининг бошланиши, аксарият тадқиқотларга кўра, адабиёт соҳасида тубдан янги жанр – Готик романининг туғилиши билан боғлиқ.

Ногасе Walpole томонидан яратилган Отранто қалъаси инглиз адабиётшунослиги тарихидаги биринчи шундай асар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, роман 1764 йилда нашр этилган ва шу билан ҳозирги кунгача сақланиб келаётган анъана пайдо бўлди. Готик романининг жанри кейинги йилларда ажойиб машҳурликка эга бўлишига қарамай, Отранто қалъаси, кўплаб танқидчилар ва билувчиларнинг шарҳларига кўра, катта бадиий қийматни англатмайди, бу жанрнинг ривожланишига қадамдир.

“Отранто қалъаси”нинг кўплаб қисмлари замонавий ўқувчи учун очикчасига кулгили туюлишига қарамай, роман ўша давр адабий қаторига<sup>1</sup> жуда органик равишда мос келади. Готик адабиётнинг кейинги асарлари муаллифлари ушбу образ туфайли Валпол ихтиро қилган элементлардан кенг фойдалана бошладилар. Эски қасрлар, эски расмлар, эски ҳикоялар ва кекса одамларнинг суҳбатлари ёлғон гапиришга қодир бўлмаган ўтмишга ўтиши мумкин. “Валпол ва унинг издошлари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ўрта асрларни, афсонавий Ўрта асрларни, Ўрта асрларни лагерь услубида тасвирлашди. Тахминан, худди шу тарзда Готларнинг замонавий йўналиши идеал сифатида Англия тарихининг Виктория даври афсонавий версиясидан ўз тасаввурларига кенглик бериш ёки ундан ҳам ҳаёлий келажак моделини таклиф қилиш учун фойдаланади (бу ўзларини “кибергот” деб атайдиганлардан ҳам фарқ қилади). Готик романининг ўзига хос жанрини ҳисобга оладиган бўлсак, Анне Радклиффе ҳақида эслатиб ўтмаслик мумкин эмас, у ҳали ҳам ушбу жанрнинг энг яхши устаси ҳисобланади. Аммо унинг асарларида ғайритабиийликнинг барча элементлари эртами-кечми оқилона тушунтириш олади. Унинг энг таниқли романи “Удолфонинг сирлари” бошида бош қаҳрамон Эмили эски қалъанинг йўлаклари ва хоналари бўйлаб юриб, қора матога ўралган сирли буюмни топади.

<sup>1</sup> Зеленко Т.В. О понятии «готический» в английской культуре XVIII века. “Вопросы филологии”, 1978, № 7, с. 40 – 43.

5. Ладыгин М. Б. Английский готический роман и проблемы романтизма. М., 1978, 149 с.



Юзлаб саҳифалар учун асабий қаҳрамон журъат топиб, ундан пардани олиб ташлашга ҳаракат қилмоқда. Ниҳоят, бу содир бўлганда, Эмили ярим чириб кетган, қуртга ўралган жасадни топди. Камбағал ёш хоним табиий равишда дарҳол ҳушидан кетади. Натижада даҳшатли жасад гуноҳкорларни вайрон қилиш учун Ўрта аср роҳиблари томонидан ҳайкалтарош қилинган мумсимон фигура бўлиб чиқади. Ушбу финал икки юз йилдан ошиқ вақт мобайнида тасаввуфга чанқок ўқувчиларни хафа қилишдан тўхтамади. Готик романлар жанрида энг машҳурларидан бири Метю Грегори Люиснинг “Монах”и эди.

1796 йилда нашр этилган унинг сюжети ўзининг фазилати ва солиҳлиги билан машҳур бўлган 17-асрдаги Испания Аббатини тасвирлайди. Амбросио – бу қаҳрамоннинг исми – инсон қиёфасидаги энг ҳақиқий шайтон бўлиб чиққан ёш гўзал Матилданинг завқланишига қарши тура олмади. Шу вақтдан бошлаб, Амбросионинг ҳаёти тобора кўпроқ иллатлар, жиноятчилик ва қора сеҳр билан тўлдирилмоқда. Кульминация нуқтаси – ўз сингисининг бир пайтлар солиҳ Аббатини зўрлаш ва онасини ўлдиришдир. Шуни таъкидлаш керакки, романтизм даври келиши билан европани готика учун ҳамма нарса қамраб олади. 18-аср охиридан бошлаб бу ерда ва у ерда готик нақшлар меъморчиликда пайдо бўла бошлайди–ўша замон зодагонлари, албатта, учли миноралар ва лансет деразалари билан безатилган ғамгин қоронғи қасрларда яшашни хоҳлашади. Романтизм даври кўплаб готик сюжетларни ташкил этади ва энг машҳурларидан бири – бошқа бир буюк инглиз шоири Перси Б.Шеллининг рафиқаси Мери Шеллининг ҳикояси. У ёзган роман Франкенштейн деб номланган. У бу борада Дракуланинг ўзидан кам бўлмаган даражада кўплаб мослашувлардан ўтди. “Франкенштейн” сюжетини очикдан-очик романтик деб аташ мумкин: бахтсиз йирткич унинг яратувчисидан ўзи маҳкум бўлган мутлақ ёлғизлик ва рад этиш учун қасос олади. Ўша даврнинг яна бир машҳур готик романи, Чарлз Роберт Матурин томонидан ёзилган Melmoth the Wanderer, 1820 йилда нашр этилган. Бу ғайритабиий куч ва абадий ҳаёт эвазига ўз руҳини Шайтонга сотган мутлақо қувилган одамнинг ҳикоясидир. Ўзининг янги қобилятларига қарамай, мутлақ ёлғизликни ютиб юборган Melmoth тинчликни топишни орзу қилади, албатта, у муваффақиятсиз бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, готика ҳикояларининг энг иқтидорли муаллифларидан бири америкалик шоир Эдгар Аллан По (1809 –1849) эди. Эдгар Понинг “Лижея” ва “Ушер уйининг қулаши” каби ҳикоялари жаҳон адабиёти дурдоналари қаторига муносиб кирди. Унинг контурида унинг кўплаб асарлари охир-оқибат архаик готик романларига ўхшайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида адабий готика тобора кучайиб борди. Романтиканинг иллюзиялари ва стереотипларидан холи бўлган илк готик романларнинг очик-ойдин соддалигидан маҳрум бўлган готика энди органик равишда янги, ниҳоятда оммабоп маданий йўналиш – декаденсия билан бирлашмоқда.

#### **Matkarimova Salomat (UrDU dotsenti, filologiya fanlari nomzodi)**

#### **HAZRAT NAVOIY ASARLARIDA UMUMBASHARIY QADRIYATLAR TALQINI**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada Alisher Navoiy asarlarida umumbashariy qadriyatlar talqini tahlilga tortilgan. Maqolada Navoiyning faoliyati va ijodiyoti xalq va vatanga, insoniyat va ma'rifatga xizmat qilishning betakror namunasi ekanligi ta'kidlangan. Navoiy asarlarida umumbashariy qadriyatlar mamlakat osoyishtaligi, jamiyat rivoji va davlatning bardavomligi, taraqqiyotning bosh garovi sifatida talqin etilganligi haqida xulosalar berilgan.*

***Аннотация.** В статье анализируется трактовка общечеловеческих ценностей в творчестве Алишера Навои. В статье отмечается, что деятельность и творчество Навои – уникальный пример служения народу и Отечеству, человечности и просвещению. В произведениях Навои общечеловеческие ценности трактуются как мир и спокойствие в стране, развитие общества и стабильность государства, главная гарантия развития.*

***Annotation.** The article analyzes the interpretation of universal values in the work of Alisher Navoi. The article notes that the activity and creativity of Navoi is a unique example of serving the people and the Fatherland, humanity and enlightenment. In the works of Navoi, universal human values are interpreted as the peace of the country, the development of society and the stability of the state, the main guarantee of development.*

***Kalit so'zlar:** umumbashariy qadriyat, xalq va vatan, insoniyat va ma'rifatga xizmat qilish, mamlakat osoyishtaligi, jamiyat rivoji, davlatning bardavomligi, taraqqiyotning bosh garovi.*

**Ключевые слова:** общечеловеческие ценности, служение народу и Отечеству, человечность, просвещение, покой страны, развитие общества, стабильность государства, главная гарантия развития.

**Key words:** universal values, serving the people and the Fatherland, humanity, enlightenment, the peace of the country, the development of society, the stability of the state, the main guarantee of development.

Xalqning benihoya katta hurmati va muhabbatiga sazovor bo'lgan ulug' zot, buyuk o'zbek shoiri va mutafakkiri Alisher Navoiyning faoliyati va ijodiyoti xalq va vatanga, insoniyat va ma'rifatga xizmat qilishning betakror namunasi. Alisher Navoiy butun umri davomida mamlakatning obod bo'lishi va xalqning osoyishtaligi uchun fidokorlik bilan kurashdi. Kishilar kayfiyatlaridagi evrilishlarni, el-ulus ruhining nozik kechinmalarini teran his qilgan, xalqqa, uning orzu-umidlariga, hayotiga hamdard bo'lgan so'z sohibqironi o'z asarlarida xalqchil g'oyalarni baland pardalarda tarannum etdi. G'oyaviy jihatlari bilan yuksak xalqchilikka yo'llanma olgan ijod namunalari sanalmish «Xamsa»dagi dostonlarning har birida insoniyat uchun zarur bo'lgan insof, adolat, to'g'rilik, mardlik, mehr-muhabbat, xalqparvarlik, insonparvarlik, vafo, sadoqat, halollik, bosqinchilikni qoralash, zulmi fosh etish kabi umumbashariy masalalarni ko'tarib chiqdi va oqilona yechimini ko'rsatib berdi. Buyuk mutafakkir xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini himoya qilishni mamlakat osoyishtaligi, jamiyat rivoji va davlatning bardavomligi, taraqqiyotning bosh omili deb bildi.

Ulug' murabbiy xalq bilan muloqotda, dastavval, ulusga hurmat bilan munosabatda bo'lish, uning xohish-irodasini e'tiborga olish lozimligini uqdiradi. El ko'nglini sof suvdek bilib, unga rioyat qilish kerakligini, aks holda, hubob – suv ustidagi ko'pik nafas – yengil dam urish tufayli yorilib, yo'q bo'lgani kabi e'tiborsizlik bilan aytilgan bitta so'z omma qalbini vayron qilishini ta'kidlaydi:

*Rioyat ayla sudek sof xalq ko'nglinikim,  
Sinar nafas bila ul nav'kim hubob ko'ngul.<sup>1</sup>*

Xalqqa munosabatda kamtarlik, o'zini el bilan birdek tutish, qo'lini ko'ksiga qo'yib, tavozu' qilish kishining martabasini oshirib, ommaning mehr-u muhabbatiga sazovor etadi. Shuning uchun ham hazrat shu'la osmonga o'rlagani kabi sarkashlik etib, manmanlik bilan eldan chiqib, uning xohish-irodasiga itoat qilmay, balki nazarga ilmay, xalqni otashdek o'rtamaslikka chaqirarkan, bunday irtifo', ya'ni ko'tarilish, o'zini baland tutib, xalqqa nopisandlik qilish inhitot topish, ya'ni pastga tushish, tubanlashishga, el nazaridan qolishga olib kelishini ta'kidlaydi:

*Sarkashlik etma shu'ladek o'rtarga elnikim,  
Asru bot inhitot topar andoq irtifo'.<sup>2</sup>*

Xalqning tashvishlarini, uni qiynayotgan muammolarni chuqur anglagan holda, oqilona hal etish, elning salohi bo'lgan ishni amalga oshirish xalq bilan yaqinlashish, uning diliga yo'l topishga imkon yaratadi. Donishmand davlat arbobi xalq uchun nimaiki istalgan darajada yaxshi bo'lsa, elning ko'ngil xotirjamligi va osoyishtaligini ta'minlasa, ulusga yaxshilik keltirsa, shuni qilish lozim deb biladi va «Farhod va Shirin» dostonida Farhodning otasi Hoqon tilidan shunday deydi:

*Nekim elning salohidur, oni qil,  
Mening budur salohim, emdi sen bil!*

Hukmdor-u amaldorlar xalqqa yaqinlashganda, mamlakatda adolat o'rnatganda, elga mehr-oqibat ko'rsatganida barchaning tahsiniga sazovor bo'ladilar. Elga bosh bo'lish xalq oldidagi ulkan mas'uliyatni his qilgan holda kecha-kunduz uning quvonch-u tashvishlari bilan birga yashash, xalq komi bilan umrni sarf etmoqdir. El panohing ichra kirs, unga karamli bo'l, saxovat ko'rgaz, ehtiyojmandlar hojatini ravo qilki, daraxt meva berish bilan birga, soyasida ham soyalantirsa, nur ustiga nur, deydi mutafakkir shoir:

*Karam qil, el panahing ichra kirsakim, xushtur  
Chamanda meva dog'i bersa soyagustar shox.<sup>3</sup>*

Bunda daraxtning meva berishi moddiy yordamni ifodalasa, uning oftobda jizg'anak bo'lgan kishi boshiga soya solishi ma'naviy madad ma'nosida kelgan. Ko'rinadiki, shoir inson manfaatlarini himoya qilish deganda uni faqat moddiy jihatdan qo'llab-quvvatlashnigina emas, balki unga ma'naviy ko'mak berishni ham nazarda tutadi. O'zing komron bo'lib, maqsadlaringga yetgan chog'ingda el komini, istak-

<sup>1</sup> Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik, 5-t., Toshkent, «Fan», 1990, 289-bet.

<sup>2</sup> Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik, 4-t., Toshkent, «Fan», 1989, 210-bet.

<sup>3</sup> Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik, 5-t., Toshkent, «Fan», 1990, 88-bet.

larini ham ro'yobga chiqarsang noming ezgulik libosiga burkanib, mangulikka daxldor bo'ladi, deydi buyuk gumanist. Binobarin, bu olamda joh, ya'ni mansab foniy o'tkinchidir, ammo yaxshi ot boqiy, mangu:

*Erur chun olam ichra joh foniy, yaxshi ot boqiy,  
Bas el komin ravo ayla o'zungni komron ko'rgach.<sup>1</sup>*

Hazrat Navoiy elning hunarlarini, ezgu harakatlarini, yaratuvchilik ishlarini, qobiliyat-u iste'dodlarini aytib, biror kamchiligi bo'lsa, aybini yopib, yaxshisini oshirib, yomonini yashirib so'zlashni hunar topish deb baholaydi:

*Erur ahli hunar qoshinda hunar  
Ayb yopmoq, dog'i hunar topmoq.  
Hunarini elning oshkor etmak,  
Yo'q esa bari aybini yopmoq.<sup>2</sup>*

Zero, hech kim aybdan xoli emas. Bir kishini xatosini barchaga oshkor qilish uning aybini tuzatishga emas, aksincha, munosabatlarning buzilishiga va oxir-oqibatda, ishlarining orqaga ketishiga olib keladi. Shuning uchun ham so'z san'atkori, kimki xalq bilan maoshida tuzlik bo'lmasa, odamlar bilan muomala munosabatda to'g'ri bo'lmasa, falakdan egrilik yetib, turli tashvishlarga giriftor bo'lishi tayinligidan ogohlantirar ekan, bunday kimsa o'ziga balo yuzlanganda toriqmasin, dunyo ko'ziga qorong'i bo'lib, birovnini ayblamasinki, bu o'zining qilmishlariga berilgan javobdir, deydi:

*Toriqmasin, necha gardundin egrilik yetsa,  
Biravki tuzlugi yo'q xalq ila maoshida.*

Navoiy hamma vaqt xalqning juda katta tashvishli ishlari bilan band bo'lgan. «Sab'ayi sayyor» dostonida Bahrom tilidan shunday yozadi:

*Elni shod aylamak kerakdurmen,  
Adl-u dod aylamak kerakdurmen.  
Komsiz komin aylamak hosil,  
Benavolarni aylamak xushdil.<sup>3</sup>*

Alisher Navoiy davlat mansablarida ishlab yurgan paytlarida ham, ijodiy ish bilan band bo'lgan sermashaqqat kunlar, bedor tunlarida ham xalqning sertashvish hayotidan chetda tura olmadi. El-yurt homiysi bo'lgan adib umrini jafu chekkan, ko'ngli g'am-anduh bilan to'lgan adolat, insof qidirgan mazlumlarning arz-dodlarini eshitishga, ularga yordam qilishga sarf qildi. Shoir «Sab'ayi sayyor» dostonida shunday deydi:

*Yo'q kun-u kecha xurd-u xob manga,  
Kecha g'am, kunduz iztirob manga.  
El g'ulusi qilib meni mabhut,  
G'am ko'ngilg'a g'izo-u jonima qut.<sup>4</sup>*

Hassos qalb egasi qaysidir zolim xalqni kuydirish uchun elga o't solsa, bu o't avvalambor, uning xalq deb yongan yuragiga tushib, jon-u jahonini o'rtashini otash misralarda izhor etdi. Hazrat xalqning har bir vakilini baxtli ko'rishni istadi, har bir eldoshining g'amini o'z g'ami deb bildi. Shuning uchun ham bir kishi qayg'ulik bo'lsa, xalqni shod deb bilmasligini, olam zulmatga aylanib, dili g'amga botishini shunday yozadi:

*To g'amdadur Navoiy, anga dahr tiyradur,  
Shod anglamas ulusni, birav bo'lsa qayg'uluq.<sup>5</sup>*

Hazrat Navoiy Vatanni insonning chin baxt islarini tuyadigan yagona ma'vo deb biladilar. Har bir inson o'z kindik qoni to'kilgan zaminga ko'rinmas rishtalar bilan chambarchas bog'langan. Qaysi yurtda, qaysi shaharda safarda bo'lmasin, u hamisha o'z tig'ilib-o'sgan go'shasiga talpinadi, faqat o'z vatani – uyiga kelgandagina yengil nafas oladi, qalbi xotirjamlik, surur va zavqqa to'ladi. Shuning uchun ham so'z sohibqironi:

*Vatan tarkini bir nafas aylama,  
Dag'i o'zga g'urbat havas aylama, –*

<sup>1</sup> Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik, 3-t., Toshkent, «Fan», 1988, 95-bet.

<sup>2</sup> Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. 6-t., Toshkent, «Fan», 1990, 527-bet.

<sup>3</sup> Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik. 10-t., Toshkent, «Fan», 1992, 82-bet.

<sup>4</sup> Shu manba. 448-bet.

<sup>5</sup> Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik. 5-t., Toshkent, «Fan», 1990, 239-bet.

deydilar. Chunki vatandan tashqarida baxt yo‘q. Qush ham eski, vayrona bo‘lsa-da, o‘z oshyoniga intilib, har qancha xavf-u xatarlarga qaramasdan, uzoq masofalarni bosib o‘tadi. Uni g‘arib iniga tomon parvozga undagan vatan sog‘inchi emasmi? Nega inson dunyoning eng go‘zal go‘shasiga sayohat qilsa ham, uch kun o‘tmay, uni o‘ziga chorlab keltirgan o‘sha go‘zallik o‘z rangini yo‘qotib, unga zavq bermay qo‘yadi? Nega shodon davralar uning qalbiga quvonch olib kirolmaydi? Vatanni qo‘msash emasmi? Navoiy so‘zlari bilan aytganda:

*G‘urbatda g‘arib shodmon bo‘lmas emish,  
El anga shafiq-u mehribon bo‘lmas emish.  
Oltin qafas ishra gar qizil gul butsa,  
Bulbulg‘a tikondek oshiyon bo‘lmas emish.*

Alisher Navoiy asarlari bugungi yosh avlod tarbiyasida ham bizga ko‘makdosh. Farzand – ko‘ngil bog‘ining muattar guli, umr daraxtining sarxil mevasi. Ota-ona orzularining ro‘yobi undan, validayn ezgu ishlarining davomi, nainki davomi, qilishga ulgurmagan xayrli ishlarining kelajakda amalga oshishi uning qo‘lidan. Padar-u modar dil mulkining shahzoda ham shahrizodasi, joniga jon payvastasi. Hazrat Navoiy darj qilganlaridek, farzand – ota-ona hayot daraxti yiqilmoqqa mayl etgan chog‘ida boshiga soya soluvchi sanavbardek raso, ko‘kka bo‘y cho‘zgan nihol, davron hodisalari molini har taraf sochib yuborishidan asrovchi voris, validayn umrini yoritguvchi, el-u yurtga mehr nurini sochuvchi oftob – mehri xovar. Ota-ona sadaqa berib, duolar qilib, ochni to‘yg‘azib, yalangni yopib, o‘ldim deganida topgan “bag‘irg‘a payvand, balki parkand” farzandni kamolga yetkazguncha qancha g‘am-tashvish daryosini kechib o‘tadi, shirin jonini azob otashida qovurib, dilbandini rohat-farog‘at manziliga doxil etadi. Shuning uchun ham hazrat Navoiy “Nazm ul-javohir” asarida farzandni ota yo‘lida jon fido qilmoqqa, onaga ham, imkon qadar, ko‘p va xo‘p xizmat qilishga, ularga mehribonlik ko‘rsatishga chaqiradi:

*Ista ato yo‘lida jon fido qilmoq,  
Qulluq anoga ham ulcha imkon qilmoq,  
Zuhri abad istasang farovon qilmoq,  
Bil oni ato-anog‘a ehson qilmoq.*

Farzandiga biror g‘am yetishsa, oqshomdan tonggacha joni mahzun, tongdan oqshomga dovur ashki gulgun, anduh o‘ti dimog‘ini mahzur etgan, oq sochi yuziga kofur sochgan mushtipar ona chekkan iztiroblarini ko‘tarishga tog‘lar ojiz. Mehribon onaning poyini har qancha tavof qilsak oz. Ularning ko‘ngillarini olib, qancha xursand qilsak, jonimizni poyiga nisor aylasak, biz oldimizda jannatning jilva qilishiga vosil bo‘lamiz. Mutafakkir “Arba‘iyn” asarida “Jannat onalar oyog‘i ostidadir” hadisini nazmda shunday yozadi:

*Onalarning oyog‘i ostidadur  
Ravzai jannatu jinon bog‘i.  
Ravza bog‘i visolin istar esang,  
Bo‘l onaning oyog‘i tufrog‘i.*

Qarilik belidan tutib, qo‘liga aso tutqazgan ota-ona farzandlari hayotida o‘zining ikkinchi umrini yashaydi, ularning timsolida o‘zining yoshlik davrini ko‘radi. Shuning uchun ham ishlarini davom ettirishini, o‘zi erishmagan yutuqlarga erishishini xohlaydi, o‘zining hayot tajribasi va farzandlarining yoshlik kuch-g‘ayrati qo‘shilib, muvaffaqiyat kalitiga aylanishini istaydi. “Ki, o‘lmasdin burun ochib ko‘zumni, Sarir uzra yigit ko‘rsam o‘zumni” deb ota o‘g‘ildan umid qiladi. Qaysiki farzand ularning pand-nasihatlariga amal qilmoqni o‘ziga odat qilsa, unga baxt-u iqbol eshiklari ochilib, martaba pillapoyalari-dan ko‘tarilib boraveradi:

*Farzand ato qullug‘in chu odat qilg‘ay,  
Ul odat ila kasbi saodat qilg‘ay,  
Har kimki, atog‘a ko‘p rioyat qilg‘ay,  
O‘g‘lidin anga bu ish siroyat qilg‘ay.*

Navoiy hazratlari ota so‘zlariga amal qilgan, uning hurmatini joyiga qo‘ygan farzandning saodatga erishishini aytish bilan kifoyalannmaydi. Farzandning o‘zi ota bo‘lganida, o‘z otasiga qilgan hurmat-eh-tiromi o‘g‘ildan qaytishini alohida ta‘kidlaydi. Bu so‘zlar hayotda necha martalab isbotini topgan. Ota so‘zini bosh ustiga qo‘ygan necha farzandlar maqsad manziliga yetib, ham o‘ziga, ham el-yurtiga xush-baxtlik keltirgan bo‘lsalar, aksincha, validaynini qariganlarida xo‘rlab, dillariga ozor yetkazganlar o‘z farzandlari tomonidan xorlikka mahkum qilinganlar. Zero, Hadisi sharifda aytilganidek: “Otangga rioyat qil – bolangdan qaytadi”.

Navoiy ta'biricha, inson bir-biri uchun ko'zgu. Inson o'z aybi, nuqsonlarini ko'ra olmaydi. U hamisha o'zi uchun tog'ri deb bilgan ishni qiladi. Shuning uchun ham men to'g'ri qilyapman deb o'ylaydi. Ammo uning atrofidagi kishilar uning qadamlari qanchalik to'g'riligini ko'rib-bilib turadilar. Qaysidir o'rinda yanglishsa, unga buning xatoligini aytib, ogohlantiradilar. Ana shunday vaziyatda sen aybingni aytgan kishiga dam urma – qattiq gapirma, chunki u – sen uchun ko'zgu vazifasini bajaryapti. Agar ko'z-guga dam ursang – nafas ursang, uning yuzi nam bo'lib, xiralashib qoladi va sening aksingni ko'rsatmaydi, xuddi shu kabi senga ko'zgu bo'lgan kishiga qattiq gapirib, xafa qilsang, u senga kamchiligini aytmaydi. Sen esa o'z qusurlaringdan bexabar qolasan va ularni tuzatish, nuqsonlardan ozod bo'lish imkonini boy berasan, yetuk, komil inson darajasiga ko'tarilolmaysan, el oldida oz kamchiliklaring bilan namoyon bo'lasan, deydilar Navoiy:

*Kishi aybing desa, dam urmag'ilkim, ul erur ko'zgu,  
Chu ko'zgu tiyra bo'ldi, o'zga aybing zohir aylarmu.*

Navoiy insonlarni bir-birovga muruvvatli bo'lishga, o'zaro yordam ko'rsatishga chaqiradilar:

*Muruvvat barcha bermakdur, emak yo'q,  
Futuvvat barcha qilmakdur, demak yo'q.*

Bunda muruvvat – och, g'arib-g'urabolarni qornini to'ydirmoq, boshqalarni taomlantirmoq, ammo o'zi ularning nasibasiga sheriklik qilmaslik, ulardan taom ta'ma qilmaslikdir. Hazrat "Mahbub ul-qulub" asarlarida qayd qilganlaridek, taomim isrof bo'lmasin desang, yedir, kiyimim eskirmasin desang, kiydir. Chunki och qolgan paytida qornini to'yg'azgan kishini odam hech qachon unutmaydi, o'sha muruvvat sohibini duo qilib o'tadi. Futuvvat – mehnat ahliga saxovat, kamtarlar va ojizlarga mehr-u shafqat ko'rsatish, aftodalarga yordam qo'lini cho'zish, insonlik sharafini pokiza tutish, mardlik va jasoratga doimo tayyor turishdir. Navoiy ta'biri bilan aytganda, o'z qo'li bilan barchaga yaxshilik qilish: qo'lidan og'ir yukini olib, manziliga yetkazish, ko'zi ojiz odamni ko'chaning nariga betiga o'tkazib qo'yish – ammo hech qachon bu qilgan yordamini birovga aytmalikdir. Chunki tilga chiqarish bilan qilingan ishi minnatga aylanadi. Qilgan yaxshiligini aytish, ayni paytda, savobni sindirishdir.

Hazrat Navoiy tom ma'noda xalqqa umrini baxsh etgan buyuk xalqparvar edilar. Hamisha xalq dar-di bilan yashashni insoniylik mezoni deb bilganlar:

*Odamiy ersang demagil odami  
Oniki yo'q xalq g'amidin g'ami.*

Xalqning g'amini o'z g'ami deb bilmagan, xalq uchun yonib yashamagan, uning farovonligi, yorug' istiqboli yo'lida mehnat qilmagan, xalqqa qayishmagan, xalq manfaatlarini o'z manfaatlaridan ustun qo'ymagan kishini odam deb hisoblama, deb uqdiradilar. Chunki inson tabiatan ijtimoiy mavjudot. U jamiyatda tug'ilib, jamiyat bilan yashaydi. U nimagaki erishsa, unda ana shu jamiyat a'zolarining, xalqning yordami, ko'magi mujassam. Uning barcha iqtidori-yu qobiliyatlarining namoyon bo'lishida ham xalq xizmati katta. Yolg'iz otning changi chiqmas, changi chiqsa ham dong'i chiqmas, degan xalq maqoli ham bejiz emas. Kishining daholigi xalq tomonidan e'tirof qilinmas ekan, uning "Men dahoman" deyishi foydasiz. Kishining xalq orasidagi obro-e'tibori uning xalqqa qancha nafi tekkanligi bilan belgilanadi.

*Xalq o'lg'on saxiydin elga bo'ldi ikki baxshoyish,  
Ham ehsonidin oroyish, ham axloqidin osoyish.*

Xushxulq bo'lgan saxiydan elga ikki foyda bordir, deydilar Navoiy, ham ehsonidan yurt oroyish topadi – chiroyli binolar, maktab-u shifoxonalar qad rostlaydi, kam ta'minlangan oilalar ro'zg'ori butlanadi, bolalar uyi tarbiyalanuvchilari yangi jihozlar, bejirim kiyim-bosh, zarur o'quv qurollariga ega bo'ladilar, yolg'iz qariyalarning mehr bilan berilgan oziq-ovqat mahsulotlaridan taniga quvvat kiradi, ko'rsatilgan e'tibordan ko'ngli ko'tariladi. El ham axloqidan osoyish topadi – chiroyli xulqi bilan kishilar qalbiga xotirjamlik baxsh etadi, ularga yaxshi kayfiyat ulashadi.

Alisher Navoiy "Navodir ush-shabob" devonidagi bir baytda shunday uqtiradilar:

*Bu gulshan ichra yo'qturur baqo guliga sabot,  
Ajab saodat erur chiqsa yaxshiliq bila ot.*

Bu gulshanda bugun chappar urib gullayotgan birorta gulda boqiylik yo'q: ertami-kechmi xazon bo'ladi. Shu kabi inson umri ham cheksiz emas, ibtidosi bo'lgani kabi, intihosi ham muqarrar. Umr bag'oyat qisqa, ammo mohiyat-e'tibori bilan zo'r saodatdir. Umr – insonga berilgan sarmoya, beqiyos imkoniyat. Ana shu sarmoyani xalqqa nafi tegadigan ishlarga sarflash, ezgu maqsadlarga yo'naltirish, yaxshilik bilan nom qozonish eng go'zal baxt-saodatdir. Bir inson umri qisqa bo'lgani holda xalqning umri uzoq. Inson el-u yurtga qilgan xizmati bilan xalqning qalbidan joy olishi va shuning barobarida, asrlar davomida xalq bilan birga yashab qolishi, manguликka daxldor bo'lishi mumkin. "Xalq komi bilan umri

sarf” bo‘lgan hazrat Navoiy buni o‘z hayotlari bilan isbot qilib berdilar: makon-u zamon chegaralari daxl qila olmagani kabi necha asrlar o‘tsa-da, ulug‘ zot xalqimiz bilan birga abadiy yashab keladilar va keyingi avlodlarga ham odamiylik ilmi, mangu yashamoq siridan saboq beradilar.

**Мансурова Нодира Бобожонова (Навойй Давлат Педагогика институти  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси)  
Г.Г.МАРКЕС ИЖОДИ – МАГИК РЕАЛИЗМ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ  
СИФАТИДА**

***Аннотация.** Мазкур мақолада Габриэль Гарсия Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили”, “Бузрукнинг кузи” асарлари магик реализм тараққиётида янги босқич сифатида ўрганилган бўлиб, ёзувчининг олам ва одам, одам табиат, одам ва Ҳақ каби абадий муаммоларга муносабати текширилган. Шунингдек, Лотин Американча магреализм адабиёти қаҳрамонларининг ижтимоий мавжудот сифатидаги хусусиятлари, тамаддун ва тадрижнинг ўзаро узвийлиги каби масалалар ўрганилган.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются произведения Габриэля Гарсии Маркеса «Сто лет одиночества» и «Осень Бузрука» как новый этап в развитии магического реализма, исследуется подход писателя к вечным проблемам Вселенной и человека, человеческой природы, человека и Истины. Также изучаются такие вопросы, как характеристики героев латиноамериканской магреалистической литературы как социальных существ, взаимозависимость цивилизации и эволюции.*

***Annotation.** This article examines Gabriel Garcia Marquez's *Hundred Years of Loneliness* and *The Autumn of Buzruk* as a new stage in the development of magical realism, examining the writer's approach to the eternal problems of the universe and man, human nature, man and Truth. Issues such as the characteristics of the heroes of Latin American Magrealist literature as social beings, the interdependence of civilization and evolution are also studied.*

***Калит сўзлар:** соҳир реализм, адабий услуб, “Ошкора қотиллик қиссаси”, хаёл ва ҳаёт маҳсули, “Ёлғизликнинг юз йили”, ўзликни англаш, ғоя, мавзу, тадрижийлик, эпизодлар, мифологик дунёқараи.*

***Ключевые слова:** магический реализм, литературный стиль, «История открытого убийства», продукт воображения и жизни, «Сто лет одиночества», самосознание, идея, тема, эволюция, эпизоды, мифологическое мировоззрение.*

***Key words:** magical realism, literary style, “The story of an open murder”, the product of imagination and life, “A Hundred Years of Loneliness”, self-awareness, idea, theme, evolution, episodes, mythological worldview.*

“Ошкора қотиллик қиссаси”дагидай, аён-ошкор рўй бераётган қотилликка лоқайд қараш, ғафлат туйғуси, “Ёлғизликнинг юз йили”да тасвириланганидек, ўз қобиғига ўралашиш, асрий ёлғизликка маҳкумлик нафақат Лотин Америкасининг, балки бутун заминнинг ҳам энг улуг‘ фожияларидан биридир.

Фавқулодда жозибаси, сеҳр-жоду тасвиридан тўйинган чуқур мазмуни, ғоялари билан дунё адабиётини бойитган “Ёлғизликнинг юз йили” – бир оиланинг юз йиллик ҳаёти акс этган ушбу роман Макондо қишлоғига Мелькиадес исмли башоратгўй, доно лўлининг ташрифидан бошланган. Бу одам Буэндиалар сулоласининг тақдири ҳақида шундай каромат қилади: “Авлоднинг би-ринчи вакилини дарахтга боғлаб қўйишади, авлоднинг сўнгисини чумолилар еб битиради”.<sup>1</sup>

Асарнинг бутун воқелигини умумий тарзда ўзида ифодалаган бу башорат замирида ҳиндуларнинг олам ҳақидаги тасаввурлари ётади. Қадим ацтеклар одамзод маккажўхоридан тарқалган, деб ҳисоблашган. Ҳаётдан кўз юмганда кишининг ўзи қачонлардир назарга илмаган қумурскаларга ем бўлиши ҳам мозийдан қолган асотирлар қатида айтилган. Чунки инсон табиатнинг бир заррасидир. Шундай экан, одам боласи табиат берган неъматларни – хотира, ақл-идрок, оламни англаш салоҳияти ҳамда истагини ўзида сақлаб қолмоғи даркор. Худбинлик, маҳдудлик ботқоғига ботган Буэндиалар буни эплай олишмади. Биргина Макондога уйқусизлик дарди ёпирилган чоғни эслайлик: “...Уйқусизликка гирифтор бемор, дастлаб, болаликдаги воқеаларни, кейин нарсаларнинг номию уларнинг нима мақсадда қўлланишини эсидан чиқаради, сўнгра у одамларни ҳам та-

<sup>1</sup> Маркес Габриэль Гарсия. Ёлғизликнинг юз йили. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990, 276-бет.

нимай қолади ва ҳатто ўз-ўзини ҳам англолмайди ва ўтмишини унутган бундай кимса телбанамо бир аҳволга тушади. Хосе Аркадио Буэндиа кула-кула, бу иримчи хиндулар тўқиб чиқарган лати-фаларнинг бири бўлса керак деган хулосага келди”.<sup>1</sup>

Йўк, бу хиндулар тўқиган латифа эмас, балки башариятга қарата огоҳ маъносида айтилган ҳикматдир. Авлоднинг илк вакили Хосе Аркадио Буэндиа унинг маъзига етмади. У нафақат гуа-хиро уругига мансуб хинду аёл Виситасьоннинг бу гаплари маъносидан, шу билан биргаликда, Мелькиадес қўлёмалари сиридан беҳабар эди. Бу беҳабарлик, гумроҳлик унинг бутун уруғ-ай-моғига теккан “касаллик” эди. Мазкур жараён роса юз йил бутун Макондо аҳли орасида давом эт-ди.

Таъкидлаш керакки, Макондо атрофини мўъжизалар, магия ўраган, лекин унинг ўзи бундан бебаҳра макон эди. Хосе Аркадио Буэндиа ҳам бекорга хотини Урсулага “Дарёнинг нариги томо-нида турли сеҳрли аппаратлар мавжуд, биз бўлсак бу ерда хануз молдай яшаб келяпмиз”,<sup>2</sup> дея ши-коят қилмаганди. Ана шунинг оқибатида, сеҳр-мўъжизалар йўқлиги оқибатида Макондо бир аср одамлар оммавий тарзда пинҳона ўлдириб юборилган, ёш кизлар очликдан ўлмаслик учун ўз тана-ларини сотаётган, разолат, фахш, юракни ёриб юборгудек даражадаги мубҳамлик, ёлғизлик ҳукм сурган маъво бўлиб келди.

Роман тўлалигича магик реализм, яъни фусункор реализм, фольклор, эртак, мифологик ва реал услублар қоришиғида ёзилган бўлиб, Маркес номини бирданига дунёнинг машҳур адиблари қаторига қўшиб қўйди.

Ёлғизлик танҳоликнинг, яқка қолишнинг ўзи эмас. Ёлғизлик ўзига, ўзгаларга, теварак атроф-га, жамиятга, инсонга нисбатан ишончнинг йўқолишидир. У худбинлик, бефарқлик, лоқайдлик, шафқатсизлик, меҳрсизликдир. Ёлғизлик инсоннинг инсондан ётлашиши, бегоналашиши, бир-би-рига душман, ёв кўзи билан қарашидир. Ёлғизлик минг йиллик анъаналарнинг путурдан кетиши, ахлоқсизликнинг гуллаб-яшнаши, нигилизм ва инкорнинг равнақ топиши, инсон шаъни ва ғурури-нинг топталиши, зулм ва зугумнинг инсон устидан қозонган ғалабасидир. Ёлғизлик кўнгил ва завқнинг сўнишидир.

Роман агар ёлғизлик ҳар бир одамнинг қалбида ғалаба қилса, инсоният абадий таназзулга ғарқ бўлишидан огоҳлантиради. Ёлғизликка қарши бирдан бир чора, бирдан-бир восита бирдам-лик, аҳиллик, бани башар уйғунлиги, меҳр-муҳаббат, одамнинг одамга масъуллиги ва ғанимат эканлигидир.

Маркес бу романида хаёлий Макондо шаҳри орқали ўзининг қиёмат ҳақидаги утопиясини яратди. Бундай хаёлий қиёмат эртанги кун одамларини огоҳликка ва бирдамликка чақиритдан умид қилди. Хаёлий утопия орқали одамлар кўрмаётган, кўролмаётган муқаррар фожиаларни кўр-сатиб, ўзини ва ёлғизликни енгишга, унинг устидан ғалаба қилишга чақирди.

Маркесга Нобель мукофоти берилаётганида у “Киши кишига муте бўлмаган, бири иккинчи-сининг ҳаётига даҳл қилмайдиган, ҳар қандай бахтга ва адолатга эриша оладиган, асрий ёлғизлик-нинг маҳкумлигини енгишга, ҳар бир одам ўзи истагандай яшашга ҳаққи борлигини ўргатади-ган ва буни исботлаб берган утопия ярата олган ёзувчи ҳақиқий ижодкордир”, деган эди.<sup>3</sup> Аслида, ана шундай утопия – хаёл ва ҳаёт маҳсулини ярата олган адиб даражасига кўтарилди.

Хола ва жияндан туғилган думли чақалокни – уруғнинг охириги вакилини чумолилар еб би-тирар чоғи сулоланинг сўнгги авлодларидан бири – Аурелиано, ниҳоят, донишманд лўлининг сан-скрит тилида битилган қўлёмалари сирини англаб етди. Айнан ана шу жаҳонгашта Мелькиадес бундан юз йилча бурун йигитнинг аждодлари орасига, Макондо тупроғига дунё мўжизалари (оҳанрабо, заррабин, телескоп ва шу сингари турли асбоблар)ни олиб киришга уринган, ўз навба-тида, Хосе Аркадио Буэндиа мазкур янгиликлардан аҳмоқона ишларда – магнит ёрдамида ер қаб-ридан олтин қазиб олиш, дурбин воситасида душман кўшинига қарши “офтоб жанги” олиб бориш-да фойдаланишни кўзлаганди! ўз кароматлари билан бу сеҳрни, магияни қарор топтиришга ти-ришган эди. Унинг башоратомуз хитобларидан бирида, жумладан, шундай дейилади: “Яқинда одамлар уйдан чикмай туриб ҳам жаҳоннинг исталган бурчагида бўлаётган воқеаларни бемалол кўрадиган бўлишади”.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Шу манба. 35-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 12-бет.

<sup>3</sup> <https://inosmi.ru/world/20140421/219743574.html>

<sup>4</sup> Шу манба.

Бу, аслида, Маркеснинг 60-йиллардаги кароматидир. Ўша пайтда сеҳр ёки фантастика ҳисобланган бундай фикрлар бугун телевидение, интернет мисолида ўзининг тўлиқ тасдиғини топгандир.

Лотин Американча магреализм адабиёти қахрамонлари ижтимоий мавжудот сифатида эҳтироси бениҳоя кучли, ҳайвоний истак-майларга мойил одамлардир. Бунинг учун ўн етти аёлдан ўн етти ўғил кўрган полковник Аурелиано Бу вулқонсифат Хосе Аркадионинг ўғай синглиси Ребекага муносабатини, Гўзал Ремедиоснинг мўъжизакор ҳусни сабаб ҳалокатга учраган тўрт кишини, ёки чўчка думли болани – сўнгги авлодни дунёга келтирган ишратпараст Аурелианою Амаранта Урсулани эслаш кифоя. Эҳтирослар бандаси бўлмиш бутун макондоликларнинг ноқис тасаввури юқоридагига ўхшаш фикрларни тушунишдан ожиз эканлиги сабабларидан бири ҳам айнан шундадир. Бунга ҳали таъкидланганидек, фақатгина Аурелиано муяссар бўлди. Аммо энди кеч эди... “Ошқора қотиллик қиссаси”да танасига ака-ука Викариоларнинг номус ханжари ботган Сантьяго Насари ҳам ўлар чоғидагина бу воқеаларнинг – ғафлатнинг, қалб мудроқлигининг моҳияти-ни, оқибатини англаганди. Бироқ бунда ҳам вақт аллақачон ўтганди...

Аслини олганда, ёлғизликнинг, маҳдудликнинг бундай талқини фақат Лотин Америкаси прозасига хосдир. Чунки Европа насридан фарқли равишда мазкур минтақа романчилигида мифологик тафаккур жонлилик, замонавийлик касб этган. Унинг ифодаси шунчаки “мифга мурожаат” кўринишида эмас. “Ёлғизликнинг юз йили”да Мелькиадеснинг бир неча бор ўлиб, яна тирилиб келиши, Хосе Аркадио Буэндиа томонидан найза санчиб ўлдирилган Пруденсио Агилярнинг арвоҳи қотилу унинг хотинига тинчлик бермагани, “бу дунёнинг одами эмас” деб таърифланган Гўзал Ремедиоснинг – доимо ҳурликка интилган ўша қизнинг эркак зотига ажал келтириши, сўнг кўкка парвоз қилиб, поёнсиз бўшлиқда ғойиб бўлиши, Буэндиалар хонадонини чумолилар аста-секин емириб бориши, охири бўрон Макондони ер юзидан супуриб ташлаши... Шу эпизодлар занжирининг ўзиёқ мифологик дунёқараш Лотин Америкаси насридаги кундалик ҳаётнинг ўзида кечишига, воқеланишига ёрқин далилдир. Агар Европа магреализмида у ташқи, куруқ реализмдан мустақил, алоҳида ва ҳатто бегона олам сифатида (“Уста ва Маргарита”да кўпчилик персонажларнинг, умуман, бутун муҳитнинг Воландлар, Понтий Пилатлар дунёсига ишонмаслиги, бошқача айтганда, магик реалликнинг кундалик реаллик учун йўқлик эканлиги) акс этса, уммон ортида бунинг акси. Мазкур ноўхшашликнинг боиси шуки, ушбу романда аниқ-тиниқ деталлари билан тасвирланган Кариб колоритига муаллиф томонидан алоҳида урғу берилади. Хусусан, Маркес учун бу минтақа барча ғаройиб ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган “фантастик реаллик” масканидир.

Лотин Американча магреализмнинг ўзига хослиги сабабини колумбиялик сўз санъаткорининг қуйидаги фикрлари ҳам кўрсатади:

“Мен реал ҳаётдаги магияга ишонаман. Ўйлашимча, Карпентьер (гап “lo real maravilloso” – “сеҳрли реаллик” атамасини илк бор қўллаган кубалик адиб Алехо Карпентьер тўғрисида бормоқда – муал.) реаллик кўринишида ва айнан Лотин Америкасида, хусусан, Кариб мамлакатларида реаллик кўринишида воқеланган мўъжизани “магик реализм” деб атаган. У сеҳрлидир”.<sup>1</sup>

Бу гапдан кўриниб турибдики, ёзувчининг ўзи магия оламида яшайди.

Алалхусус, шоҳ асарида бир шаҳарчининг мудҳиш ва тумтароқ образини магик бўёқлар ҳамда реалистик тасвир услуби ёрдамида яратган Маркес Булгаковнинг эътиқодсиз шўро жамиятига жавобан ўзининг ёлғизликка маҳкум Макондосини дунё адабиёти жўғрофиясига олиб кирди. Бу билан Лотин Американча магреализмнинг бор мўъжизавий кучини барчага намойиш этди.

“Нега дунёда ўлимимдан кейин ҳеч нарса ўзгармади?” деган фикр диктаторлар тақдири ҳақида роман бўлмиш “Бузрукнинг кузи” асари ўқ илдизини ташкил этади.<sup>2</sup>

Роман 1975 йилда буюк ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес томонидан ёзилган. Асарнинг бош қахрамони – юз йилдан ортиқ вақт давомида ҳокимиятда бўлган ўзгармас диктатор. Унинг прототиби Лотин Америкаси давлатларининг бир неча мустабидларидан олинган: Хуан Висенте Гомес (Венесуэла), Херардо Мачадо ва Фульхенсио Батиста (Куба), Порфирио Диаз (Мексика), Гаспар Франсиа (Парагвай). Гарсиа Маркеснинг сўзларига кўра, у романни ўн беш марта қайта ёзган, дастлаб, китоб ёмон сотилган – ўқувчиларга у “Ёлғизликнинг юз йили”га ўхшамайдиган асар бўлиб туюлган.

<sup>1</sup> <http://www.hi-edu.ru/e-books/xbook026/01/part-007.htm>

<sup>2</sup> Ғаниев И., Ибрагимов Р. Чингиз Айтматов ва ХХI аср. Т., “Академнашр”, 2013, 324-бет.



Гротеск шаклида ёзилган роман золимларнинг умумлаштирилган қиёфаси орқали шакллантирилган Лотин Америкаси диктаторининг ҳаётини ҳикоя қилади. Қаҳрамон жуда фантастик ва бемаъни шаклда тасвирланган; у ҳокимият ғоясининг тимсолидир. Президентнинг таржимаи ҳолидаги ҳақиқий далиллар камайтиради: у XIX асрнинг биринчи ярмида туғилган, исми Сакармас, онаси камбағал паррандачи Бендион Альварадо америкалик денгизчилар ёрдамида президент бўлган, вафот санаси номаълум. Диктаторнинг ҳаёти ҳақидаги бу воқеа унинг бошига тушган кўп-лаб ишлар, ҳикоялар ва афсоналардан иборат. Аммо муаллиф, кўпинча, бу маълумотларни бир-бири билан қарама-қарши қўйиши оқибатида ҳақиқат ва фантастика қаерда экани аниқ эмас. Буни аниқлаш эса ўқувчига боғлиқ.

“Бузрукнинг кузи”да Гарсиа Маркес ноёб ва бетакрор адабий услуб орқали Жанубий Америка диктаторлари образларидан фойдаланган ҳолда генерал ҳаётининг сўнгги лаҳзаларини мохирлик ва зукколик билан қайта тиклайди. Яхшилаб ўйлаб қаралса, бу таққос ҳар қандай универсал диктаторга мос тушиши мумкин. Асар ҳаётнинг чўққисини забт этган, куч ва қўрқув, ёлғизлик ва юрак хуружи, ёлғон ва хиёнат чегараларида яшаган инсон ҳақида. Ҳокимиятни эгаллаб олган ва уни шахсига мослаштирган, ҳатто соясини идеализация қиладиган, шафқатсиз ва қонли қатагонлар тизими орқали фуқароларда қўрқув келтириб чиқарадиган одам ҳақида. Асар Маркес ҳаёлотли маҳсули бўлса-да, у ҳам аслида ҳақиқий ҳикоя.

Аммо “Бузрукнинг кузи”, айниқса, диктатор умрининг охири оддий афсона доирасидан чиқиб кетган. Асар ўзини сақлаб қолиш учун диктатор малайлари томонидан ўйлаб топилган ёлғон, ҳийла-найранг ишлатувчи тизимга асосланган мутлақ қудратнинг ёлғизлиги ҳақидаги ажойиб ҳикоя ва сеҳрли реализмнинг ажиб намунаси. Диктаторларнинг эҳтирос ва жинниликларининг авжига чиқишига сабаб шундаки, ҳеч ким уларга нисбатан самимий муносабатда эмас. Ҳеч ким уларга бу каби нарсаларни айтишга журъат эта олмайди. Диктатура ҳокимиятида раҳбарнинг буйруғи ҳар қанча ғайриқонуний бўлмасин, бажарилиши шарт. Бажарилиши лозим нарса адо этилмаса, таъқиб ва шафқатсизликлар рўй бериши тайин. Китоб саҳифаларида айтилган воқеа миянгизни эмас, юрагингизни ҳайратга соладиган ҳикоядир. Хаёлий соялар ва арвоҳларга гўё улар эт ва қондан бўлган одамлар каби ишонадиган, зулматда ва сохта шахсларнинг ҳаётида яшайдиган, ҳатто туш ва хаёлларида ҳам реал ҳаётдан мутлақо ташқарида бўлган бечора халқнинг ҳаёти ҳақидаги кайғули ва маъюс ҳикоя.

“Бузрукнинг кузи” асарида Маркес диктатор генерал иштирокидаги турли воқеалар ва латифалар орқали унинг онаси, яқин шериклари, тузумга хоинлик қилганлар, диктаторнинг ғазабига дучор бўлган бахтиқаро фуқаролар, ўйнашлари, у севган ягона аёл ва бадкирдор фарзандлари орқали асосан умри ёлғондан иборат ва ҳар қандай вазиятда осонликча оқлаб бериладиган умумбаشارий мавжудотнинг сўнгги ҳаётий азоб-укубатлари ҳақида гапириб беради. У ҳаёти сўнгида бутун умри давомида ёнида бўлган одамлар томонидан ўйлаб топилган ёлғон эканини тушунади. Ҳаёт бу яшаш эмас, яшаш учун курашдан иборат.

“Бузрукнинг кузи” соф сеҳрли реализм услубининг ҳақиқий ва улугвор намунаси. Бу услуб бошқа жанрлардан жуда катта фарқ қилади, шунинг учун у ҳақиқий эмас, лекин, айти пайтда, кундалик дунёга шу қадар боғланганки, кундан кунга миядан ташқари яна бошқа сезгиларимиз билан яшаймиз ва тажриба тўплаймиз. Таъкидланишича, роман Маркеснинг энг етук даврига тегишли. Аслида, у буюк “Ёлғизликнинг юз йили”дан кейин ёзилган.

Асарда апатия ҳолатига кирган қўрқоқ ва қўрқув онгостига сингиб кетган халқни кўришимиз мумкин. Улар диктаторни севмайди, ундан қўрқади, аммо қўрқув диктаторга бўлган муҳаббатни уйғотади.

Маркеснинг бу романи олти рақамсиз бобдан иборат. Тахминан олти мустақил мустақил ҳикоя блоклари мавжуд бўлиб, унда генералнинг ётоқхонасида ётган жасадини ўлаксаҳўрлар еб битираётгани ривоят қилинади. Аммо мустақил равишда кичик индивидуал ҳикоялар сифатида мукамал ўқилиши мумкин бўлган бу олти ҳикоя мураккаб хусусиятга эга бўлиб, улар нуқсонсиз, алоҳида-алоҳида, сеҳрли реализм билан тўла доимий параграфда ёзилган. Асардаги ҳамма нарса Гарсиа Маркесни умумжаҳон адабиётининг энг муҳим ёзувчиларидан бирига айлантирган, ажойиб услубни ўзида мужассам этган ноёб ва ажойиб иборалар билан ифодаланган узун нутқдир.

Мутолаа жараёнида дунёда мавжуд ва илгари мавжуд бўлган барча диктаторларни кўриш мумкин. Бош қаҳрамон бир жойда Сталинни эслатса, иккинчисидан Гитлери эслатиши мумкин. Ҳақиқатни ҳақиқий бўлмаган шакллар билан кўрсатадиган соф магияк реализм оламига кириш имконияти айти шу тарзда берилган. Бу услуб шу қадар ғаройибки, у сизга ҳаётдагидан кўра кўп-

роқ реал аҳволни кўрсата олади. Чунки аслида соҳир реализм дунёни ўз ҳолича ифода эта оладиган ягона адабий услубдир. Адлабиётшунос И.Ғаниев фикрига кўра, дунёга танилган ёзувчиларнинг ўзига хос услуби бор, уларни ҳамма ўқийди, аммо ҳамма ҳам тушунмайди.<sup>1</sup>

Асардаги “Инсонга танаси ва хотирасини кучсизлантиришдан ва моҳиятига хиёнат қилишдан бошқа уни яна-да камситадиган, шу билан бирга, адолатлироқ жазо йўқ”, “Ҳақиқат ёки сафсата – фарқи нима? Вақт ўтиши билан ҳамма нарса амалга ошади, ҳар қандай сафсата!” “Жин урсин, нега дунёда ўлимимдан кейин ҳеч нарса ўзгармади? Қандай қилиб Куёш ҳали ҳам чиқиб, ботмоқда, ҳатто қоқилмаяпти? Нега якшанба якшанбалигича қолди, жазирама мен тириклигимдагидай чидаб бўлмас даражада?” “Бажарилишига амин бўлмасангиз, ҳеч қачон буйруқ берманг!”

**Рўзиева Дилфуза Салимбоевна ( БухДУ Табиий йўналишларда чет тили кафедраси ўқитувчиси )  
ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РОМАН ТАДРИЖИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада интеллектуал роман тадрижи жаҳон адабиётининг шоҳ асарларидан бири, Алигери Дантенинг “Илоҳий комедия” эпоси мисолида тадқиқ этилган бўлиб, шеърини йўлда, учлик (терсина) шаклида яратилган бу асарда интеллектуал романга хос хусусиятлар ва фазилатлар анча кенг равишда ўз ифодасини топганлиги баён қилинган. Шунингдек, ижодкорнинг фалсафий, диний дунёқараши ва унинг бу асарда ифода этиши масаласи билан боғлиқ қарашлар келтирилган.

**Аннотация.** В статье рассматривается эволюция интеллектуального романа на примере эпоса Алигери Данте «Божественная комедия», одного из шедевров мировой литературы. Также представлены философское и религиозное мировоззрение художника и его взгляды на проблему выражения в этом произведении.

**Annotation.** This article examines the evolution of the intellectual novel on the example of one of the masterpieces of world literature, the epic “Divine Comedy” by Aligeri Dante. It also presents the philosophical, religious worldview of the artist and his views on the issue of expression in this work.

**Калим сўзлар:** интеллектуаллик, мифологик поэтика, архитектоника, жанрий мукамаллиги, гоаявий-бадийи етуклик, фалсафий гоая, бадийи талқин, “Илоҳий комедия”, гоая, талқин.

**Ключевые слова:** интеллектуальность, мифологическая поэтика, архитектоника, жанровое совершенство, идейно-художественная зрелость, философская идея, художественная интерпретация, «Божественная комедия», идея, интерпретация.

**Key words:** intellectuality, mythological poetics, architectonics, genre perfection, ideological and artistic maturity, philosophical idea, artistic interpretation, “Divine comedy”, idea, interpretation.

Санъат оламида, жумладан, бадийи адабиёт намуналарида ўзига хос ўринга, машаққатли изланишлар тарихига эга интеллектуал роман турининг пайдо бўлиши, шаклланиш жараёнлари, яъни, гоаявий-бадийи, поэтик-шаклий тадрижини илмий ўрганилиши лозим бўлган масалалардан биридир.

Интеллектуаллик характериға эға ёки интеллектуаллик қирралари мавжуд бўлган асарлар туркумида фақат айнан роман жанри нуманалари эмас, халқ оғзаки ижодига оид йирик лиро-эпик асарлар, эпослар, дидактик асарлар ҳам ўзига хос аҳамиятға эға. Бунга, масалан, “Рамаяна”, “Калила ва Димна”, “Маҳобҳорат”, “Игорь полки жанғномаси”, “Гўрўғли”, “Алпомиш”, “Манас”, “Калевала” каби халқ эпосларини кўрсатиш мумкин. Бу йирик бадийи полотнолар, аввало, миф ва ҳаёт воқеалигининг муштарак талқини тасаввурини бериши, фалсафий-ижтимоий теранлиги, илм-фан ва маънавий фазилатлар аҳамиятининг кўламдорлиги каби жиҳатлари билан интеллектуаллик характериға эға.

Ёзма адабиёт тизимида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-ҳақойиқ”, Носируддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”, Фаридиддин Атторнинг “Мантик ут-тайр”, Саъдийнинг “Гулистон”, Абдурахмон Жомийнинг “Бўстон”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр” каби мумтоз асарлари ҳам интеллектуаллик моҳияти билан ўзига хослик касб этади.

<sup>1</sup> Маркес Габриэль Гарсия. Бузрукнинг кўзи. Т., “Янги аср авлоди”, 2008, 4-бет.

Бу масалада Европа ва Америка қитъалари адабиёти намуналари янада жанрий мукамаллиги, ғоявий-бадиий етуклиги, образлар ҳаракатининг кенглиги жиҳатидан алоҳидалик хусусиятига моликдир.

Уйғониш даврининг етук адиби, италиялик мутафаккир сўз санъаткори Алигъери Данте (1265–1321)нинг жасоратли изланишлари, айниқса, “Илоҳий комедия” номли эпоси бу жиҳатдан қимматли аҳамиятга эга. Шеъринг йўлда, учлик шаклида яратилган мазкур асарда интеллектуал асарга, жумладан, интеллектуал романга хос хусусиятлар ва фазилатлар анча кенг равишда ўз ифодасини топган. Ўрта асрларнинг мураккаб ва мустабид даврида ўзининг жасур шахсияти, халқчил ижоди билан эзгулик ва адолат яловини кўтариб ижод майдонига келган Данте қоқ-фе-одал муносабатларининг емирилиб, янги капиталистик тараққиётнинг, илм-фан ва адабиётсанъ-атда дунёвий ҳаракатларнинг бўй кўрсатаётган муҳитининг энг илғор вакили сифатида ўзининг кизгин яратувчилик фаолияти билан танилди.

Дантенинг “Илоҳий комедия” каби шоҳ асари билан бирга, яна “Янги ҳаёт” номли сонетлар ва қўшиқлардан иборат салмоқли мажмуи, “Базм” номли фалсафий ғоялар талқинига бағишланган китоби кенг ихлосмандлар томонидан кизгин кутиб олинган. Данте ижоди тадқиқотчилари унинг Шарқ маънавиятига, илм-фан намояндаларига яқин бўлганлигини таъкидлайдилар. У ўз асарларида Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд каби марказий осийлик мутафаккир олимлар олға урган ғоялардан фойдаланган. “Базм” ва яна бошқа асарларнинг ижтимоий характердага асарларида бу қомусий олимларнинг илғор гуманистик фикрларига муносабат билдирган, уларнинг қарашларини ҳаётга ва илм-фан ривожига татбиқ этган.

Атоқли олим Нажмиддин Камоловнинг таъкидлашича, Данте ўзи ихлос қўйган Ибн Сино ва Ибн Рушд фикрларини уларнинг лотин тилига ўгирилган асарлари орқали ўрганган. Данте инсон ихлос қўйган ва “Илоҳий комедия”, яна бошқа асарларида ҳам фаолиятига муносиб ўрин берган улуғ Альберт, Рожерд Бекон, Сигерий Брабантий, Жилбер де Ля Парде, Гвидо Квалкантилар ҳам Шарқ фалсафасининг, жумладан, Ибн Сино ва Ибн Рушд каби атоқли донишманд олимларнинг ихлосманди эдилар. Масалан, улуғ Альберт жаҳон фанида ўрта асрлар Европаси билан Шарқ фалсафасини синтезлаштирган, Шарқ фалсафасининг Ғарбга улкан таъсири асослаб берган атоқли олим эди. У Ибн Синони ўзининг устози деб билган ва асарларини, улуғ инсонпарварлик ғояларини тинмай тарғиб-ташвиқ қилган. Профессор Н.Комилов ёзади:

“Шоир (Данте) Арасту, Афлотун, Жолину, Батилиму сингари қадимги юнон мутафаккирлари асарларини ҳам Ибн Сино ва Ибн Рушд талқинида қабул қилган. Ибн Рушднинг “Тафсири Кабир”, Ибн Синонинг “Арасту” китоби “Ал-фаннут табиюн”га шарҳи, Форобийнинг “Аналитикус соний” сидаги мушоҳадалар “Монархия”, “Базм” ҳамда “Илоҳий комедия” мағзи мағзига сингиб кетган, шоирнинг одам ва оламга қарашларини теранлаштирган”.<sup>1</sup>

“Илоҳий комедия” каби шоҳ асарларнинг юзага келишида Дантенинг Ибн Сино, Форобий, Ибн Рушд, Беруний каби Шарқ алломалари асарларидан фалсафий, ахлоқий, ижтимоий ғояларидан унумли фойдаланганлигини, энг аввало, Шарқ ва Ғарбнинг азал-азалдан бир макон эканлигининг далилидир.

Данте ўз даврида кўп жиҳатдан ўрта аср урф-одатлари, схоластик билимлари таъсири остида бўлса ҳам, лекин “Илоҳий комедия” асарида замонавий ижтимоий-ахлоқий масалаларни ҳаётий-ретроспектив бўёқларда бадиий акс эттириб, тамоман янги эзгу ва адолатли талқинлар яратди. Бу орқали ўрта аср Европа маданиятига ижтимоий-фалсафий хулоса ясади. Инсоний ғояларни қатъийлик билан ҳимоя қилган бу улуғ ёзувчи ўша вақтда авж олган черков деспотиясига, диний жаҳолат ва мунофиқ одатларга қарши аёвсиз курашди. Асарнинг дастлабки “Дўзах” қисмининг бошланишида – биринчи қўшиғида мутафаккир Данте:

*Амри вожиб таҳти менга серитоб;*

*У жой олий даргоҳ, у олий ҳиргоҳ,*

*У жойга етишмак шараф ва савоб, деб ёзади.*<sup>2</sup>

Динни қурол қилиб, не-не кўргуликлар қиладиган черков арбобларига нақадар нафрат билан қараган Данте, айни вақтда, Оллоҳ инояти қалбида бўлиб, барча ишида, асарларида Худо йўлига ғоят содиқ ва вафоли бўлган.

<sup>1</sup> Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. Тошкент, “Маънавият”, 1999, 77-бет.

<sup>2</sup> Данте Алигъери. Илоҳий комедия. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975, 13-бет.

Данте ўз асарини “Комедия” деб атаган. Ёзувчи вафотидан анча кейин унга шогирдлари томонидан “Илоҳий” сўзи қўшилган, бу сўздан китоб соф диний характерда экан, деган хулоса чиқмайди, балки бу ном унинг бадиий жиҳатдан юксак асар эканини, нотакрор яратмалигини ифодалаш учун қўлланган. Қолаверса, бу ноёб асарнинг улуглигиям унинг Оллоҳ йўлига садоқати билан изоҳланади.

Данте “Илоҳий комедия”ни яратишда мифологик поэтикага юзланиб, аллегория ва симболикадан унумли фойдаланган. Асардаги дўзах, аъроф, жаннат билан боғлиқ “нариги дунё” шакли ва ғоясини асос бўлиб хизмат қилган бу “дунё” асли реал ҳаёт билан боғлиқ муҳим масалалар поэтик талкинидан иборатдир.

Асар архитектуроникасига биноан ёзувчи “нариги дунё”ни уч қисм – “Дўзах”, “Аъроф” ва “Жаннат”га бўлган. Достоннинг ҳар бир қисми 33 қўшиқдан тузилган, кириш қисми эса бир қўшиқ, ҳаммаси бўлиб 100 қўшиқдан иборатдир. Данте тасвирлаган “Дўзах” (асарнинг биринчи қисми) ер марказига воронка шаклида ўйиб туширилган жой бўлиб, унда 9 поғонали чуқурлик бор. Гуноҳкор жонлар шу поғонали чуқурларда азоб чекадилар. Пастки поғонага туша борган сари жон қаттиқроқ азобланади.

Муҳими шу ердаки, Данте ўзининг сиёсий муҳолифларини дўзахга ташлайди, айниқса, христиан дини руҳонийларини қаттиқ қоралайди ва уларни дўзахнинг сўнгги поғоналарига жойлаштиради. Шоир бу билан ҳаётдаги турли гуноҳкор кишиларнинг қилғилигига, очиқ оламда қилган ёвузликларига, сотқинлик ёки адолатсизликларига жазо муқаррар эканлигини таъкидлашни ният қилган. Данте бу қисмда Ибн Сино ёки унинг садоқатли шогирди Ибн Рушд асарларида таҳлил қилинган, комил инсонлик йўлида рад қилинган, қораланган турли иллатларни содир этган мунофиқ одамларнинг аянчли қисматини кўрсатади.

Дантенинг талкинича, “Аъроф” (асарнинг иккинчи қисми) ер қуррасига қарама-қарши жойлашган. Ер билан уни катта океан ажратиб туради. Океан ўртасидаги оролда баланд тоғ бор. Тоғ етмиш поғонали бўлиб, улардан ўтиб бораётганида, айбдорнинг биттадан гуноҳи ювилади, етти поғонадан кўтарилганда етти гуноҳ (мағрурлик, ичи қоралик, ғазаб, умидсизланиш, таъмағирлик, мечкайлик, бузғунчилик) йўқолади ва у жаннатга чиқади. “Жаннат” ҳам тўққиз қаватга бўлинади, жон қанча юқори поғонага кўтарилса, у Худонинг шунча кўп марҳаматига муяссар бўлади. Бу Дантенинг донишмандлик билан ҳаётда унча катта бўлмаган гуноҳлар ювилиши, одам аҳли ўзини тузатиши, покланиши мумкинлигини уқдиради.

“Илоҳий комедия” бадиий адабиётнинг қизиқарлилик хусусиятига монанд ўта қизиқарли илоҳий-мифологик ҳодисалар асосига қурилган полотно.

Асарнинг дастлабки “Дўзах” қисмида ҳикоя қилинишича, Данте ўттиз-ўттиз беш ёшларида қоронғи ўрмонзорда адашиб қолади. Шу вақт куёш шуъласи тушиб турган тепаликка қараб юра бошлаганда, уч йиртқич ҳайвон – эпчил қоплон, оч йўлбарс, ёмон ниятли қашқир унинг олдини тўсиб чиқади. Шу вақтда “кутилмаган дўст” Рим империясининг атоқли шоири Вергилий ёниб келиб, уни Дантега ёрдам бериш учун Биатрича юборганини билдиради. Вергилий Дантега далда бергач, унга дўзахда азоб чекаётган жонларини кўрсатмоқчи бўлади. Дўзахнинг йўлагида жамият учун заррача қимматли бўлмаган қўрқоқлар, шарафсизлар ётади. Уларнинг кечирган ҳаёти тутундан ҳам тезроқ тарқалиб кетадики, улар дўзахга ҳам номуносибдирлар. Вергилий шогирдига: “Қараю, ёнидан ўтиб кетавер”, дейди. Қўрқоқлар орасида Данте оғир вазиятда уни ташлаб кетган собиқ партиядош ўртоғини ҳам учратади. Шоир устози Вергилийнинг етакчилигида дўзахнинг биринчи поғонасига йўл олади. У ерда антик адабиётнинг йирик вакиллари – улуг устоз Ҳомер, сўнгра Гораций, Овидий ва Луканларни кўради. Данте ўзининг бу улуг ёзувчилар сафида олтинчи ўринда туражанини эслайди. Христиан таълимоти бўйича, қадимги дунё кишилари, яъни маъжусийлар жаннатга киролмас эдилар. Улар ҳам дўзахга тушадилар, лекин ёзувчи уларга имтиёзли ердан жой берадики, бу Дантенинг ўтмишнинг улуг шоирларига жуда катта меҳр-мухаббат билан қараганини кўрсатади. “Илоҳий комедия”нинг интеллектуаллик фазилатларидан бириям адабиётсанъат намояндаларини улуглаш, илм-фан ва маънавиятнинг қадрини таъкидлаш фазилатлари билан боғлиқ.

Филология фанлари доктори Илҳом Ғаниев “Илоҳий комедия” асаридаги дўзахийлар ва уларга мансуб гуноҳкорлик иллатлари билан бугунги замон кишилари фазилатидаги жиҳатларни таққослаб шундай ёзади:

“Умуман, бутун “Комедия” нуқтаи назаридан, ер қаъридаги Дўзахнинг азоб, баланд тоғдаги Аърофнинг покланиш, кўкдаги Жаннатнинг фароғат маскани экани сир эмас. Улар худди ҳуқук

соҳасидаги жазо, авфи умумий ҳамда тож кийдириш жараёнини эслатади. Бу ҳол инсоннинг бутун фаолияти, чунончи, фанлар ҳам табиат ҳодисаларидан кўчирма эканини таъкидловчи Аристотель таълимотининг чинлигига бир далилдир. Қизиғи, юнон файласуфининг муҳиби бўлган Данте талқинидаги тобора пастлаб борувчи маъво – Дўзахдаги жазо сабаби – жиноятлар ўртасида каттагина фарқ бор. Ер юзида мавжуд жамиятлар умумий тарзда қуйидагиларни жиноят санайди: ўғрилик, талончилик, фирибгарлик, тухмат, контрабанда, бировни обрўсизлантириш, ҳақорат, тан жароҳат етказиш, қотиллик, ватанга хиёнат ва ҳоказо. Энди Дўзахга элтгучи гуноҳларга эътиборни қаратсак: зино, очкўзлик, хасислик ва исрофгарлик, баджаҳллик, даҳрийлик, қотиллик, зўравонлик, худкушлик, санъату табиат қонунлари, илоҳиётга беписандлик, умуман, золимлар, фириб, алдов, фитна ва хиёнатнинг ҳар қандай кўриниши. Таъкидлаш ўринлики, ҳозирда шунчаки камчилик саналувчи бу иллатлар, Ер юзидаги кўп кишилар учун салбий маъно касб этмай қолган. Маданий савияси нисбатан юқорида бўлган баъзи одамлар ҳам уларга майда ахлоқсизлик сифатида қарамоқда. Аммо шу иллатлар эмасми заминга ОИТС, гиёҳвандлик, одам савдоси, оқибатсизлик, шафқатсизлик, эътикодсизлик каби офатларни ёяётган?! Тинимсиз ўрмонларни ёнғин балоси ямлаётир, бир ёқда сув тошқинлари, яна бир ёқда сув танқислиги, гоҳ зилзила ваҳшат солса, гоҳ цунами ҳамла қилади. дунёнинг бир буржида глобал исишдан, бошқа буржида ногаҳоний қаҳратондан келаётган улкан зарарлар... Буларнинг бари сал қолса фазилат даражасига кўтарилаётган ахлоқсизлик, худбинлик, бефарқликнинг оқибати эмасмикин?!”<sup>1</sup>

Олимнинг теран фалсафий қарашлари ўтмиш ва бугунги глобаллашиб бораётган дунё муаммолари, инсоний фожиалар кўлами ҳақида яна-да чуқурроқ мушоҳада юритишга ундайди. Дарҳақиқат, инсонни ларзага солган Ўрта асрлардаги иллатлар бугун ўн карра баланд эканлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Устоз шоир Вергилий Дантени “Дўзах”дан сўнг етти босқичдан иборат “Аъроф”га олиб боради. Гуноҳи у қадар оғир бўлмаган бандалар шу босқичларда тозаланиб ўтиб, тўғри жаннатга кирадилар. Улар жаннат эшигига етганларида Вергилий кўздан ғойиб бўлади (у христиан бўлмагани учун жаннатга киролмас эди) ва дарҳол пайдо бўлган Беатриче Дантени ичкарига олиб кириб кетади, унга тўққиз поғонадан иборат жаннатни томоша қилдиради. Данте жаннатда дунёвий ҳоқимият вакили император Генрих VII учун алоҳида жой ажратилганини кўради. Бу император ўзининг адолатли давлат ишлари, халқпарварлиги, сахийлиги билан ном қозонган ҳукмдор эди. Данте шу каби императорлар, ҳукмдорлар, таникли зотларни жаннат қўйнида “кўриш” орқали адолатли ҳукмдор ғоясини кенг йўналишда талқин этиш ниятини кўзлаган.

“Илоҳий комедия”да табиат ҳодисалари тасвирига алоҳида аҳамият берилади. “Дўзах”даги қайғуни акс эттирган бўёқ ва зулмат “Аъроф”да очиқ мовий осмон ранги билан алмашади. Данте “Жаннат”даги боғларни ўз ватанидаги яшнаган гўзал боғ-роғлар билан таққослайди. Табиатни яқиндан ҳис қилиш диний аскетизмга зид равишдаги ёруғ дунёга меҳр қўйиш ҳолатларининг кучлилиги шоирнинг эзгулик тарафдори бўлган ёзувчи эканлигидан далолат беради.

#### **Усаров Равшан Худоёрович (Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали ўқитувчиси) ЗАМОНАВИЙ РУС АДАБИЁТИДАГИ НЕОРЕАЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАР**

**Аннотация.** Ушбу мақолада XIX–XX асарларда рус адабиётининг янги оқими неореализм йўналишининг бадий адабиётдаги ўрни, ўрганиш тарихи, неореализм атамасининг маъноси, С.Л. Беляков, Д.С.Лихачев, С.А.Шаргунов, А.А.Ганиева бадий талқинлари, Э.Замятин, В.С.Маканиннинг асарлари, хусусан, “Қўрқув” романи мисолида ўрганган таҳлил қилинган.

**Аннотация.** В статье освещается новое направление в русской литературы XIX–XX веков – неореализм, место направления неореализма в художественной литературе, история исследования, значение термина неореализм, дан его анализ в трудах С.Л.Белякова, Д.С.Лихачева, С.А.Шаргунова. Художественные интерпретации Ганиевой А.А. анализируются в произведениях Е.Замятина, В.С.Маканина, в частности, на примере романа “Испуг”.

**Annotation.** In the article, a new direction of Russian literature of the 19<sup>th</sup>-20<sup>th</sup> centuries, the place of the direction of neorealism in fiction, the history of research, the meaning of the term neorealism, S.L. Belyakov, D.S. Likhachev, S.A. Shargunov analyzed in the works of E. Zamyatin, V.S. Makanin, in particular, on the example of the novel “Fright”.

<sup>1</sup>Ганиев И. Ogohlik qo'ng'irog'i. “Тафаккур”, 2013, 4-сон, 82-бет.

**Калим сўзлар:** *неореализм, С.Л.Беляков, Д.С.Лихачев, С.А.Шаргунов, А.А.Ганиева, рус реализми, италия неореализми, замонавий ёндашувлар.*

**Ключевые слова:** *неореализм, С.Л.Беляков, Д.С.Лихачев, С.А.Шаргунов, А.А.Ганиева, русский реализм, итальянский неореализм, современные подходы.*

**Key words:** *neorealism, S.L.Belyakov, D.S.Likhachev, S.A.Shargunov, A.A.Ganieva, Russian realism, Italian neorealism, modern approaches.*

XIX асрнинг охирида реализм оқимининг чуқур ижтимоий ва шахсий психологизми билан ривожланиш чўққисига чиққани ва образ, инсон психологияси билимлари, воқелик борасида ўз имкониятларини тугатган деб қабул қилина бошлади. Шунинг учун ҳаётни тасвирлашнинг мутлақо янги услубни қўллаш керак эди. Янги бадий тил, бадий ва адабиётда тасвирлаш усулларини янгилаш зарур эди.

Замонавий рус адабиётида, аниқроғи, рус адабиётшунослигида “неореализм” атамаси, С.Л. Беляков таъкидлаганидек, биринчи марта тахминан ўн йил олдин ишлатилган.<sup>1</sup> Узоқ вақт давомида неореализм деб номланган янги йўналиш мавжудлиги назарияси кўплаб, тарафдорлари ва мухолифларини диққатини тортди.

XIX ва XX асрлар глобал тарихий, фалсафий чегараларидаги бурилиш асри бўлди. Рус реализми тараққиётида Д.С.Лихачев кўрсатган диалектик ўз-ўзини янгилаш жараёни силлиқ босқичдан тезлаштирилган босқичга ўтди. XIX–XX асрлар бошидаги янги фалсафий, эстетик ва кундалик воқеликлар йўналишни ўзгартиришга ёрдам берди. Икки марта амалга оширилган ушбу модификация XX аср давомида машҳурликка эришган неореализм номини олди.

С.А.Шаргунов неореализмнинг “Мотамни инкор этиш” манифестида бу постмодернизмга алтернатив сифатида пайдо бўлган ва унинг шарофати билан анъанавий адабиёт янги йўл билан нафас олади, деб ёзади.<sup>2</sup>

Неореализм – бу “постмодернизм ва бизни кутаётган нарса ўртасидаги боғлиқлик”, деб А.А. Ганиева ҳақли равишда таъкидлаган.<sup>3</sup> “Неореализм” атамаси адабиётнинг сўнгги нуктасини эмас, ҳаракатини англатади.

Адабиётда неореализм турли хил тенденциялардан иборат, чунки унинг вакиллари воқеликни, шу жумладан, реалистик йўналишнинг характерли хусусиятларини тасвирлашга турлича бадий ёндашдилар. Унинг асосини XIX аср мумтоз реализм анъаналарига, шунингдек, воқеликнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий ва эстетик соҳаларидаги муаммоларга мурожаат қилиш ётади. Ушбу хусусиятларнинг барчасини ўз ичига олган яхши мисол Г.Н.Владимовнинг 1994 йилда ёзилган “Генерал ва унинг армияси” асаридир.

Адабиётда неореализм 1940–1950-йилларда Италия адабиётида ижтимоий воқелик, кундалик ҳаётни антифашизм ва антиклерикализм нуқтаи назаридан ҳужжатли аниқлик билан ёзиб олишга интилган тенденция сифатида қаралди.

Неореализм эстетикасининг келиб чиқиши итальян веризмида (Д.Верга ва бошқалар) учрайди, Фарбий Эвропа реализмида рус адабиётининг таъсири ҳам мавжуд (Ф.М.Достоевский, А.П.Чехов, А.М.Горкий).

Неореализмнинг пайдо бўлишига туртки бўлган илғор адибларнинг Муссолинининг фашистик режимга қаршилик кўрсатиш ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг аналоги – қаршилик адабиётини яратишга сабаб бўлади. Элио Витторини (1908–1966) неореализмнинг дастлабки асарларидан бири сифатида қараладиган “Одамлар ва Инсонлар” (1945) романида Италиядаги антифашистик кураш ҳақида гапирилади.

Кейинчалик Васко Пратолинининг (1913–1991) романи, 1940 йиллар адабиётида неореализмнинг энг юқори чўққиси бўлган “Камбағал ошиқлар ҳақидаги эртак” (1947) пайдо бўлди. Шу билан бирга, Чезаре Павесе (1908–1950) антифашистик “Йўлдош” романини нашр этади (1947).

<sup>1</sup> С.Л.Беляков. Поминки по новому реализму? (электронный ресурс). Журнальный зал: электронная библиотека. URL: <http://magazines.russ.ru/ural/2006/11/bel12.html> (дата обращения 16.12.2012).

<sup>2</sup> С.А.Шаргунов. Отрицание траура (электронный ресурс). Журнальный зал: электронная библиотека. URL: [http://magazines.russ.ru/novyi\\_mi/2001/12/shargunov.html](http://magazines.russ.ru/novyi_mi/2001/12/shargunov.html) (дата обращения 17.12.2012).

<sup>3</sup> А.А.Ганиева. И скучно, и грустно. Мотивы изгойства и отчуждения в современной прозе (электронный ресурс). Журнальный зал: электронная библиотека. URL.

Неореализмнинг эътиборли ёзувчилари орасида Карло Леви (1902–1975, 1945 йилда чоп этилган “Масих Эболида тўхтади” романи), Рената Вигано (1900–1976, 1949 йилда чоп этилган “Аньезе ўлимга кетади” романи шу йили Италиянинг асосий совринларидан бири Виареггио мукофоти билан тақдирланди, 1976 да сурагга олинди).

Неореализм, шунингдек, италиялик драматургияда, биринчи навбатда, комедия жанрида, оддий одамларга ҳамдардлик, комик, парадоксал мулоқотлар ва вазиятларда, ахлоқий зиддиятлар ва оилавий муаммолар қайд этилганида намоён бўлди. Неореализм комедиянинг энг юқори чўққиси Эдуардо Де Филиппонинг драмаси (1900–1984) – “Филумена Мартурано” (1947) – “Менинг оилам” (1955) – “Шанба, якшанба, душанба” (1960. Пост) драмалари эди.

XX асрнинг энг йирик болалар ёзувчилардан бири ижодидаги болалар учун эртақ сюжетларнинг ўзига хос хусусиятлари неореализм билан боғлиқ. Джанни Родари (1920–1980), анъанавий адабий эртақдан фарқли ўларок, ижтимоий мотивлар билан йўғрилган, болаларга қулай шаклларда ижтимоий таҳлил, эртақ характерлар воситасида “Сиполлинонинг саргузаштлари” эртаги хикоялар, “Ёлғончилар юртида Гелсомино” каби эртақлари машҳурликга эришди.

Италия неореализмининг асосий хусусиятларидан бири бу унинг 1960–70-йилларда жаҳон кинематографиясининг етакчисига айланган Италия неореалистик киноси билан алоқаси бўлди.

Э.Замятин – “неореализм” асосчилардир биридир. Маълумки, рассомни яхшироқ тушуниш учун у ўзи яратган, қўйган қонунларга ўзи мос келиши керак эди. Э.Замятин ўзининг “қонунлари”-ни, адабий ижод, услуб, тил ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқди, уларни “Биз” инновацион романида, айниқса, тўлиқ амалга оширди. Э.Замятин ўзининг адабий назариясини неореализм (ёки яқин, аммо бир хил бўлмаган атама – синтетизм) деб атаган.

Э.Замятин ҳақида гапирадиган, “Биз” романи ҳақида ёзадиганлар, бу асарни рус насри учун ғайриоддий эканлигини таъкидлашади: “Биз” романи рамзий маънога эга, унда индивидуал бадий тафсилотлар ортиб бораётган семантик юкни кўтаради; роман экспрессионистик, чунки у юқори эмоционаллик, фантастик гротеск, мавҳумликнинг юқори ўлчови билан ажралиб туради, шу билан бирга, роман тасвирланган образларнинг аниқлиги ва ишончлилиги билан реалистикдир. Роман, умуман олганда, синтетик хусусиятга эга, чунки у турли хил адабий ҳаракатлар ва адабиёт ва тасвирий санъат ва меъморчилик сифатларини ўзида мужассам этган.

Э.Замятиннинг ўзини-ўзи неореалист деб билган, улар орасида А.Ремизов, С.Сергеев-Тсенский, М.Пришвин, А.Толстой, Ф.Сологуб, Н.Клюев, С.Есенин, А.Ахматова, О.Мандельшам, К.Тренев ва бошқалар ҳам бўлган. Э.Замятин “Замонавий рус адабиёти” (1918), “Синтетизм тўғрисида” (1922), “Адабиёт, энтропия ва бошқалар тўғрисида” мақолаларида янги адабиёт назариясини шакллантирган.

Ушбу янги адабиётнинг асосий хусусиятлари (неореализм ёки синтетизм), Э.Замятиннинг фикрига кўра:

- ҳақиқий воқеликни очиб берадиган персонажлар ва ҳодисаларнинг кўринадиган ноаниқлиги;
- тасвирларни ва кайфиятни бир ўзига хос характерли таассурот билан ўтказиш, яъни импрессионизм методидан фойдаланиш;
- ҳайкалтарошлик аниқлиги ва рангларнинг кескин, кўпинча, бўрттириб кўрсатиладиган ёрқинлиги, экспрессионизм;
- қишлоқ ҳаёти, чўл, кенг мавҳум умумлашмалар – кундалик майда-чуйда нарсаларни тасвирлаш орқали;
- тилнинг ихчамлиги, лаконизм;
- кўрсатиш, айтмаслик, кучайтирилган роль, сюжет динамикаси;
- халқ, маҳаллий лаҳжалардан фойдаланиш, эртақлардан фойдаланиш;
- сўзнинг мусиқасидан фойдаланиш.

“Неореализм” атамаси дунёнинг бошқа халқлари адабиётидаги баъзи ҳодисаларни тавсифлаш учун ҳам ишлатилади. Масалан, неореализм тамойиллари норвегиялик ёзувчи Кнута Хамсун (1859–1952) томонидан “Ернинг мевалари” (1917)да учрайди). Ғарбий Европа ва АҚШнинг урушдан кейинги адабиётида италиялик неореализм ва ҳар хил жиҳатларга ўхшаш ҳодисалар ўртасида (“неореализм” атамасидан фойдаланган ҳолда) ўхшашлик ўрнатиш учун сабаблар мавжуд.

Неореализм рус адабий жараёнининг баъзи тушунчаларида ҳам мавжуд. Ҳали 1916 йилда В.М.Жирмунский “Символизмни энгиб чиқинг” мақоласида акмеистларга нисбатан “неореализм” атамасини ишлатган.

Ушбу концепцияни ишлаб чиққан ҳолда, XX аср рус адабиёти тарихини ўрганаётган баъзи замонавий рус адабиётшунослари “неореализм” атамасини 1900–1930-йилларда русларнинг кўп сонли ёзувчиларининг асарларида қўлладилар, улар у ёки бу даражада қарши чиқишди. Улар томонидан классик реализмга ҳам, социалистик реализмга ҳам қарши чиқишди. Бундай ҳолда, неореализм ўз услубида реализм ва рамзийлик хусусиятларини иккинчисига урғу бериб, синтез қилиб, постсемболизм модернистик йўналиши сифатида талқин этилади.

Замонавий танқидчилар томонидан берилган неореализм таърифларини таҳлил қилиб, неореалистик адабиётнинг асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин. В.С.Маканиннинг “Кўрқув” романида неореалистик дунёқарашнинг барча хусусиятларига эга замонавий адабиётнинг ёркин намунаси дур.

Неореализмнинг асосий белгиларига қуйидаги хусусиятлар ва мотивлар киради:

–дунё бетартиблик сифатида, “ҳокимият инқирози”, танга-марказпарастлик, идеал ва ҳақиқат ўртасидаги зиддият, “мен” ва жамиятнинг қарама-қаршилиги, экзистенциал боши берк кўчага чиқиш, норозилик ва фожиали ишора, парчаланиш, икки қутблилик; қарама-қаршилиқ, ўзгариш, норозилиқ, жой алмашиш, нафратланиш, бегоналашиш, қочиш, ўлим, бўшлиқ ва йўқлик мотивлари;<sup>1</sup>

–пессимизм, эсхатологик кайфият;<sup>2</sup>

–синкретизм, бадиий фикрлашнинг бир хил эмаслиги, бир вақтнинг ўзида бир нечта анъаналардан фойдаланиш, турли хил бадиий усуллар элементларининг синкретлиги, турли хил санъатларнинг синтези, максимал самимийлик ва эътирофга интилиш, бир шахсда ривоят қилиш, ҳикоячиларнинг битта матнда ўзгариши, ашаддийлик, мотивлар ёлғизлик ва тушунмовчилик.

В.С.Маканиннинг “Кўрқув” романи юқорида айтиб ўтилган неореалистик хусусиятларни тасвирлаш учун энг мос келади. Аввал айтиб ўтганимиздек, неореализм бу янги адабиётга йўналтирилган ҳаракат, унинг тарихидаги ўтиш даври. Маканин буни сезди ва ўз асарларида замон руҳига эргашди.

Хулоса қилиб айтганда, адабиётда неореализм ёзувчилари ижоди демократик йўналиши, озодлик идеаллари ва ижтимоий адолатга инсоний ишончи билан ажралиб туради.

---

<sup>1</sup> А.А.Ганиева. И скучно, и грустно. Мотивы изгойства и отчуждения в современной прозе (электронный ресурс). Журнальный зал: электронная библиотека. URL; А.А.Ганиева. Полет археоптерикса. О мотивах современной российской прозы (электронный ресурс). Издательский дом «Литературная учеба», электрон. Литературно-критический журнал. 2009. № 2, URL.

<sup>2</sup> С.М.Казначеев. Когда же придёт луч света? Депрессивно-пессимистические мотивы в современной русской литературе. Встречи. 2011, № 3 (8), с. 9 – 15.



Эрназаров Алишер Эргашевич (Самарқанд Давлат университети Педагогика ва психология кафедраси мустақил илмий тадқиқотчиси; e-mail: ern\_alisher@mail.ru, alexuzb@inbox.uz)  
**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида инновацион технологияларидан унумли фойдаланиши, ОТМларида инновацион фаолиятни ташкил этиши, педагоглар ва талабалар ҳамкорлиги изчиллигини таъминлаш ҳамда уни аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда йўлга қўйиши масалалари борасида сўз юритилган.

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы эффективного использования инновационных технологий в системе непрерывного образования Республики Узбекистан, организации инновационной деятельности в сфере высшего образования, обеспечения системности взаимодействия преподавателей и студентов и его целенаправленной реализации.

**Annotation.** This article deals with the effective use of innovative technologies in the system of continuing education of Republic of Uzbekistan, the organization of innovative activities in higher education, ensuring the consistency of cooperation between teachers and students and its purposeful implementation.

**Калим сўзлар:** инновацион фаолият, бошқарув, йўналтирилган, ўзлаштириши, жорий этиши, жараён, билим олиши, шароит, имкониятлар, таълим-тарбия.

**Ключевые слова:** инновационная деятельность, менеджмент, ориентация, овладение, введение, процесс, получение знаний, условия, возможности, образование.

**Key words:** innovative activity, management, orientation, mastering, introduction, process, knowledge acquisition, conditions, opportunities, education.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган вазифалар қаторида ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш энг муҳим вазифалар этиб белгиланди.

Ушбу долзарб вазифаларни амалга ошириш орқали малакали мутахассисларни тайёрлашда олий таълим муассасаларида янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш ва улар асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш лозим. Чунки ўқув машғулоти педагогик ижодкорликнинг асосий майдони бўлиб, уни ташкил қилиш ва бошқаришга тўғри, янгича муносабат керак, бу жараёнда педагоглар олдида муҳим бир масала туради, у ҳам бўлса таълим олувчиларни билим олишга ҳамда уларни педагоглар билан ҳамкорликда ишлашга, касб билимлари ва кўникмаларини узлуксиз чуқурлаштириш орқали ўқув машғулотлари сифатига эътибор беришга жалб қилади.

Ўқув машғулотларининг сифати, уларнинг мақсадини, вазифаларини, мазмунини, шакл, метод, технология ва воситаларини тўғри танлашга, бунга ҳамкорликда эришиш учун ўқув материалларини эгаллашга таълим олувчиларни сафарбар этишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир ўқув машғулоти уларда ўқиш кўникмаларини шакллантиришга, дарсликдан, ўқув қўлланмалардан,<sup>1</sup> кўшимча адабиётлардан керакли ахборотларни мустақил топишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ўқув машғулотларининг сифати ўқиладиган, таҳлил қилинадиган мавзуларга педагогнинг масъулият билан ёндашиши, ушбу мавзуларнинг мазмунини таълим олувчиларга етказишга қаратилган маҳорати, унинг машғулотларни бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ва бошқариш услубий фаолияти билан белгиланади. У мавзуларни ёритиш учун уларнинг муҳим бўлган наза-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 май 2012 йил 1761-сонли “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда олий таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

рия билан асосланганлиги, фикрларни мантиқан боғланганлигини тушунтира олса, маълум мақсадга эришган бўлади. Бунинг учун замонавий ўқитиш восита ва қуролларидан фойдаланиш, педагогик технология имкониятлари ва усуллари асосида мавзунини ёритиш муҳим ҳисобланади.

Таълим педагог ва талабаларнинг ақлий меҳнати, фаоллик ва ижодий фикрлашидан иборат бўлган кўпқиррали ва мураккаб жараён ҳисобланади. Ўқув машғулоти самарадорлигини ошириш таълим-тарбия жараёнини илмий асосда йўлга қўйиш ва янги педагогик технологияларни амалда қўллаш билан узвий боғлиқ. ОТМларида инновацион фаолиятни ташкил этишдан асосий мақсад педагоглар ва талабалар ҳамкорлиги изчиллигини таъминлаш ҳамда уни аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда йўлга қўйишдан иборатдир. Бу ишда ҳам педагогик, ҳам бошқарув масалалари ҳал этилади. Шуни қайд этиш лозимки, педагогик инновациялар иштирокчилари инновацияларнинг юзага келиш, намоён бўлиш ва бошқариш жараёни қонуниятлари ҳақида методологик, психологик, педагогик, технологик билимларни пухта эгаллаши лозим. Акс ҳолда, педагогик инновациялар самарали натижа бермайди.

Бизнинг фикримизча, таълим тизимида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлиги ҳамда Миллий дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, ОТМларида малакали мутахассислар тайёрлаш сифати педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш шарт-шароитларига, таълимнинг ноанъанавий усуллари билан мақсадга мувофиқ равишда узвий қўллашга боғлиқ.

Инновацион технология тушунчаси таълим самарадорлигини оширувчи омиллардан фойдаланиш, турли педагогик жараёнларни лойиҳалаш ва амалда қўллаш орқали билим эгаллашни тақомиллаштириш усуллари қамраб олади. Олий таълимда инновацион технологиялар дейилганда турли педагогик янгиликларни яратиш, қабул қилиш, баҳолаш, ўзлаштириш ва амалга жорий этиш жараёнини бошқариш тушунилади. ОТМларида яратилган шароит ва имкониятлар энг сўнгги инновация намуналарини жорий этиш учун мослаштирилгани педагог ва талабаларнинг ижодий фаоллигини кучайтириш учун хизмат қилмоқда. Бугунги кунда таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай билишнинг сабабларидан бири шу вақтгача таълим мақсадлари талабаларни фақат тайёр билимларни ўзлаштириб олишга қаратилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Инновацион технологиялар педагогик жараёнда педагог ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол усуллардан фойдаланишни тақозо этади.

Интерфаол усуллар таълим жараёнида қатнашаётган ҳар бир талабанинг фаоллигига, эркин ва мустақил фикр юритишга асосланади. Бу усуллардан фойдаланганда билим олиш талаба учун қизиқарли машғулотга айланади, талабалар педагоглар ёрдами ва ҳамкорлигида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Талабалар янги билимларни илмий изланиш, тадқиқотчилик, тажриба-синовлар ўтказиш асосида ўзлаштирадилар.

Илм орқали билим олиш тамойилига амал қилинади. Таълим жараёни қатнашчилари кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлашади. Ўқув топшириқлари алоҳида бир талабага эмас, балки кичик гуруҳнинг барча аъзоларига берилади. Гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси топшириқни бажаришда ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади. Бу ҳолат талабаларда жамоа туйғусини шакллантиради ва уларнинг ташаббускорлигини орттиради.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли ўқув машғулоти дир. Ҳозирги пайтда унинг турли ноанъанавий шакллари жорий этилмоқда. Бундай машғулотлар талабанинг ижодий қобилиятини ўстириш, ақлий салоҳиятини кучайтириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш ва ҳар бир янгиликни тез қабул қила олиш кўникма ва малакаларини шакллантиради. Шундай қилиб, инновацион фаолият таълим-тарбия жараёнида талаба ва педагогнинг ҳамкорга айлантиради, ўқув машғулотининг қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди. Инновацияларнинг самарадорлигини аниқлашда талабаларнинг фан асосларини ўзлаштириш натижаларига қараб фикр юритиш зарур. Бугунги кунда талабаларнинг билим эгаллашларида ахборот-коммуникация воситаларидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Айниқса, компьютерда ишлаш, турли тармоқлардан керакли маълумотларни излаб топиш ва ўзлаштириб олиш, интернетдан фойдаланиш талабаларнинг қизиқарли машғулотларига айланиб бормоқда. Фақат бунда компьютер саводхонлиги мукамал бўлиши талаб этилади. Бу ҳам инновацион фаолият бўлиб, талабаларда махсус билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини тақозо этади.

Педагогик инновациялар маълум миқдордаги вазифаларни ҳал этиш учун хизмат қилишга йўналтирилган бўлади. Агар талабада мустақкам билим билан бирга, уни амалий фаолиятда қўллашнинг кўникма ва малакалари шакллантирилса, тажрибада синаб кўрилганда, самарадорликка эришса, мавжуд ҳолатлар ижобий томонга ўзгартирилса, янги ғоялар устида иш олиб борилса, ҳар қандай муаммонинг ечимини топса – инновация кафолатланган натижани берган бўлади. Худди шундай педагогик инновациялар ҳар томонлама камол топган, баркамол авлодни тарбиялаб бериш вазифасини ҳал этади.

Таълим-тарбия жараёнидаги фаоллик, мустақиллик, эркин ва ижодий фикрлаш, илм-фандаги янгиликлардан хабардор бўлиш ва янгилик яратишга интилиш талабаларнинг турмуш тарзига айланиб бораётган бугунги кунда ОТМ талабаларини инновацион технологиялар асосида ўқитиш билан чекланиб қолмасдан, келажакда амалий фаолиятларида ўзлари инновация технологияларини муваффақиятли қўллашга ўргатишни асосий вазифа, деб ҳисоблаймиз.

**Ишмуродова Гулбахор Измуродовна (Қарши Мухандислик-иқтисодиёт институти  
Физика кафедраси доценти; [ishmuradova67@mail.ru](mailto:ishmuradova67@mail.ru)),  
Махманов Эргаш Биноқулович (Қарши Мухандислик-иқтисодиёт институти  
Физика кафедраси катта ўқитувчиси; [emaxmanov.1976@mail.ru](mailto:emaxmanov.1976@mail.ru))  
ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ ТАРИХИЙЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

***Аннотация.** Мақолада техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида физика ўқитишида тарихийлик тамойилидан фойдаланиш орқали мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнида талабаларнинг ҳиссий билишга ундаш, яратувчанлик, интеллектуал қобилиятларини такомиллаштириш, мутахассис кадрларни креатив, инноватор сифатида шакллантиришида восита сифатида намоён бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бунинг учун жаҳон ва ўрта осийлик физик олимлар томонидан қилинган кашфиётлар, илмий тадқиқот ишларининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида маъруза ва амалий машғулотларда баҳс-мунозара, қизиқарли савол-жавоблар ўтказиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Аннотация.** В статье речь идёт о применении исторического принципа в процессе подготовки специалистов по преподаванию физики в высших учебных заведениях в сфере технологий, как о средстве мотивации студентов к осознанному получению знаний, творчеству, интеллектуальным способностям, как об инструменте творческого, инновационного формирования специалистов. С этой целью открытия, сделанные физиками мира и Центральной Азии, важность исследований сегодня в лекциях и практических дискуссиях, интересные вопросы и ответы.*

***Annotation.** The article shows that in the process of training specialists, teaching physics in higher educational institutions in the field of technology, as a means of motivating students to emotional knowledge, creativity, intellectual abilities, as a tool for creative, innovative formation of specialists. To this end, the discoveries made by physicists of the world and Central Asia, the importance of research today in lectures and practical discussions, interesting questions and answers.*

***Калим сўзлар:** ион, катод, электролит, диэлектрик, диамагнетизм, парамагнетизм, креатив, инноватор, тарихийлик тамойили.*

***Ключевые слова:** ион, катод, электролит, диэлектрик, диамагнетизм, парамагнетизм, творческий, инновационный, исторический принцип.*

***Key words:** ion, cathode, electrolyte, dielectric, diamagnetism, paramagnetism, creative, innovative, historical principle.*

Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида физика фанини ўқитишда тарихий материаллардан, аждодларимиз томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида қилинган кашфиётлар билан таништириш, бир томондан, инсониятнинг қадим замонлардан бери табиат ҳодисаларини ўрганишга, дунё тилсимотларини билишга ҳаракат қилганликларини кўрсатса, иккинчи томондан, физик олимларнинг ҳаёти, улар томонидан ўтказилган тажриба ва экспериментлар, яратилган назариялар ҳамда фаннинг ривожланишига қўшган ҳиссалари ҳақидаги маълумотлар билан дарс машғулотларини бойитиш талабаларнинг креативлигини оширишга сабаб бўлади ва машғулотларни қизиқарли ўтказишини таъминлайди. Тараққиёт шиддат билан ривожланаётган бир вақтда, ёшларимизни фаол, яратувчан, ижодкор, интеллектуал салоҳиятли ва инноватор сифа-

тида шакллантиришда ўз вақтида қилинган кашфиётлар ҳамда уларнинг бугунги кунда фан ва техникадаги аҳамиятини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.<sup>1</sup>

Физика фанини ўқитишда тарихийлик тамойилидан фойдаланиш В.Ф.Ефименконинг “Мақтаб физика курсининг методологик асослари” номли китобида,<sup>2</sup> Г.М.Голин ва С.Р.Филоновичларнинг “Физика фанининг классиклари (қадимги даврлардан 20-аср бошларига қадар)” номли китобларида,<sup>3</sup> Б.И.Спаскийнинг “Физика тарихи”<sup>4</sup> ва XVII–XVIII асрларда М.В.Ломоносовнинг асосий физик қарашлари номли номзодлик диссертациясида, В.Н.Мошанскийнинг “Физикани ўрганишда талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш” номли китобларида шу каби бошқа таниқли олимларнинг ишларида ўз аксини топган.<sup>5</sup> Бу олимларнинг асарларида физика тарихи тўғрисидаги маълумотлардан мактаб курсида фойдаланишга катта эътибор берилган, аксарият ишларида:

◆фан ва техниканинг ривожланиш тарихидан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг билимга бўлган қизиқишини ривожлантириш;

◆ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш масалалари кўриб чиқилади;

◆тарихий материалларни танлашнинг асосий тамойиллари тавсия этилади;

◆тарихий таркибга эга ўқув материалларининг турлари белгиланади.

Физика асосларини ўрганишда ушбу материални ўқув жараёнига киритишни амалга оширишнинг баъзи усуллари баён қилинган.<sup>6</sup>

Бизнинг илмий изланишларимиздан шу нарса аён бўляптики, техника йўналишидаги олий таълим тизимида ҳам мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнида тарихийлик тамойилидан фойдаланиш талабаларни интеллектуал қобилиятларни оширишга сабаб бўлади, ўзларига нисбатан танқидий фикрлашга ўрганадилар.

Маълумки, олий таълим тизимида маъруза машғулотларининг давомийлиги 80 минутни ташкил қилади, ушбу жараёнда талабаларнинг диққатини ушлаб туриш, дарсларни зерикарли машғулотдан қизиқарли, онгли ўзлаштириш жараёнига ўтказиш учун ҳар 15–20 дақиқада ўқитиш методларни алмаштириб туриш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқув дастурида берилган кўпгина мавзуларни ўқитишда тарихий материаллардан фойдаланиш орқали дарсларни қизиқарли ва баҳс-мунозара асосида ташкил қилиш имконияти мавжуд.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан, фақат маъруза ўқиладиган вақт давомида тахминан 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Чунки ўқитишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 20 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди.<sup>7</sup> Шунинг учун тарихийлик тамойили асосида ўқув материални мустақамлашга қаратилган гуруҳий баҳс-мунозарани ташкил қилиш таълим олувчиларнинг диққатини жалб этиш даражасини ошириш ва таълим самарадорлигини яхшилашга эришиш мумкин.

Физикани ўқитишда тарихийлик тамойилини амалга оширишнинг бир йўли бу машғулотларда тарихий материаллардан фойдаланишдир. Бундай ҳолда, тарихий муаммолар таркибига киритилган физика тарихи тўғрисидаги маълумотлар ихчам, фан билимлари ҳамда мавзу билан узвий боғлиқ бўлиши ва вақтни ҳисобга олиш лозим.

Тарихий таркибга эга бўлган топшириқларни ўқитишнинг турли босқичларида қўллаш мумкин: дарснинг мақсади ва вазифаларини белгилашда, талабаларнинг таянч билимларини синашда, янги материални тушунтиришда, талабалар билимларини аниқлашда, такрорлаш ва сўрашда, тарихий ва илмий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришда, шунингдек, уйда ва мустақил ишни ташкил қилиш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

<sup>1</sup>Ишмуродова Г.И., Махманов Э.Б., Қоржовов М.Ж. Физика фанини ўқитишни тарихийлик тамойили асосида такомиллаштириш. Глобальная наука и инновация 2020; Центральная Азия №5(10), Август 2020, II том, Nur-Sultan-2020, Қозоғистон, 264 – 266-бетлар.

<sup>2</sup>Ефименко В.Ф. Методологические вопросы школьного курса физики. М., “Педагогика”, 1976.

<sup>3</sup>Голин Г.М., Филонович С.Р. Классики физической науки (с древнейших времен до начала XX в.). С прав. пособие, М., “Высш. шк.,” 1989, 576 с.

<sup>4</sup>Спаский Б.И. История физики, в двух томах. Изд. 2-е. М., “Высшая школа”, 1977, 320 с.

<sup>5</sup>Мошанский В.Н. Формирование мировоззрения учащихся при изучении физики. М., “Просвещение”, 1989, 192 с.

<sup>6</sup>Ўрта мактабда физика ўқитиш методикаси асослари. Б.Г.Разумовский, А.И.Бугаев ва б.; Пёришкин таҳрири остида, Т., “Ўқитувчи”, 1990, 415-бет.

<sup>7</sup>Рашидов Х., Хабиб Х., Елдашева Г., Закиров А. “Касбий педагогика” блокани ўқитиш методикаси. Ўқув-услубий қўлланма, Тошкент, 2007, 49-бет.

Ўқитувчи таълим жараёнида тарихийлик тамойилидан фойдаланар экан, иккита муҳим ва-зифани ҳал қилади. Биринчидан, тарихийлик тамойилини қўллаш орқали илмий ва маърифий би-лимларни назария ва амалиётга қўллайди, иккинчидан, тарихий фактлардан фойдаланиш орқали талабалар тафаккурини ривожлантиришга эришади.

Тарихий материаллардан ўқув мақсадларида фойдаланиш ўқувчиларнинг эътиборини ҳақи-қат ва ҳодисаларга жалб қилади, ўз истеъдодларини ва интеллектуал қобилиятларини ривожлан-тиришга ёрдам беради. Тарихий ўтмиш, талабалар онгига яқинлашади, улар учун ҳақиқатга айла-нади, уларни ўраб турган нарсаларга кўпроқ эътиборли қилади. Масалан, “Динамика бўлими” ўқи-тилаётган машғулотларда инглиз физиги ва математиги Исаак Ньютон (1643–1727)нинг ҳаёти би-лан боғлиқ қуйидаги саволларни бериш мумкин.

◆Исаак Ньютон нимани кашф қилган?

◆Исаак Ньютон биринчи кашфиётини қилганда неча ёшда эди?

◆Исаак Ньютоннинг фанга қўшган ҳиссаси қандай?

◆Исаак Ньютоннинг 14 та муҳим кашфиётидан қайсиларини биласиз?<sup>1</sup>

Дарс машғулотида бундай саволларни бериш талабаларни, дастлаб, эркин фикрлашга ун-дайди, саволлар мазмуни чуқурлашган сари жавоб топиш учун адабиётларга мурожаат қилишади. Олимнинг биринчи математик кашфиётини қилган вақтида 21 ёшда эканлигини билиб олгач, ўз-ўзидан хайрат ва таажжубланиш ҳисси туғилади. Танқидий фикрлаш туйғуси шаклланади. Мен неча ёшдаман, нима ишлар билан машғулман? деган савол туғилади. Бу эса ёшларни қандайдир янгилик яратишга, фан чўққиларини чуқурроқ ўрганишларига сабаб бўлади.

“Электромагнетизм” бўлими ўқитилаётган вақтда инглиз физиги ва кимёгари Майкл Фара-дейнинг фанга қўшган ҳиссалари: электромагнит майдон ҳақидаги таълимот асосчиси, электро-магнит индукция ҳодисаси асосчиси, электролиз қонунлари, магнит майдонида ёруғлик қутбла-ниш текислигининг айланиш ҳодисаси ҳақидаги кашфиётлар асосчиси эканлиги ҳақида 5–10 ми-нутлик қисқа суҳбатлар ташкил қилиш фойдадан холи бўлмайди. Тўғри, мазкур билимлар умумий ўрта таълим мактабларида физика ва кимё дарсларида у ёки бу даражада берилган, лекин олий таълим тизимида талабаларнинг дунёқарашларини анча кенгайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ўзлари ҳам катта-катта кашфиётлар қила олиш мумкин бўлган ёшда эканликларини ҳис-сий уйғотиш, ҳеч бўлмаганда, ўз соҳасини чуқурроқ эгаллаш кераклигини билишга ундайди. Элек-тромагнетизм бўлими ўқитилаётган вақтда машғулотлар жараёнида қуйидаги саволларни бериш мақсадга мувофиқ:

◆Майкл Фарадей (1791–1867) нимани кашф этган?

◆Майкл Фарадей нимаси билан машҳур?

◆Электр майдонини биринчи бўлиб ким кашф қилган?

◆Трансформаторни, электродвигателни биринчи бўлиб ким яратган?

◆Майкл Фарадей физика ва химиядаги қайси тушунчаларни фанга киритган? (Ион, катод, электролит, диэлектрик, диамагнетизм, парамагнетизм ва ҳ.к.).

◆Фарадей доимийси нима билан ўлчанади? каби саволлар асосида кизиқарли баҳс-муноза-ралар уюштириш мумкин бўлади.<sup>2</sup>

“Нисбийлик назарияси асослари” мавзуси ўтилаётган вақтда Альберт Эйнштейннинг ҳаёти ва илмий изланишларига оид қуйидаги баҳс-мунозараларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

◆Эйнштейн нимани кашф этди?

Альберт Эйнштейн ўзининг асарларида нисбийлик назариясини тасодифан кашф этганини айтади. Бир куни у бошқа бир машинага нисбатан бир хил тезликда ва бир йўналишда ҳаракатла-наётган машинанинг ҳаракатсиз қолишини пайқади.

◆Эйнштейн нимаси билан машҳур?

Альберт Эйнштейн буюк немис физиги (1879 йил 14 март – 1955 йил 18 апрель) замонавий физика назариясининг асосчиларидан бири, махсус ва умумий нисбийлик назариясининг яратув-чиси, 1921 йил физика бўйича Нобель мукофоти лауреати, унинг даҳолиги инсон тафаккурининг кучи билан боғлиқ.

◆Эйнштейн фанга қандай ҳисса қўшган ?

<sup>1</sup> Исаак Ньютон. Википедия. <https://ru/m/Wikipedia.org/wiki/Ньютон>.

<sup>2</sup> Майкл Фарадей. Википедия. <https://ru/m/Wikipedia.org/wiki/Фарадей>.

Асосан нисбийлик назарияси муаллифи сифатида танилган. Эйнштейн квант механикасини яратишда, статистик физикани ва космологияни ривожлантиришда ҳам муҳим ҳисса қўшган. Эйнштейн “Фотоэлектр эффектини” тушунтириш юзасидан олиб борган илмий тадқиқот ишлари натижасида Нобель мукофоти лауреати бўлган.<sup>1</sup>

Физик олимлардан Исаак Ньютон биринчи Нобель мукофоти лауреатини қўлга киритган бўлса, иккинчиси Альберт Эйнштейн ҳисобланади. Ушбу мукофот расмий нашрларга ёзилишича, “Назарий физика” фанига кўрсатган хизматлари, айниқса, фотоэффект қонунини кашф этгани учун берилган.

Ўтказилаётган дарсларда физик олимларнинг қилган ишларини муҳокама қилиш жараёнида ўрта осийлик олимлар томонидан бажарилган ишлар юзасидан мунозаралар ўтказиш талабаларнинг қизиқишларини яна-да оширади. Бунда физика тарихидаги фактлар, физик олимларнинг меҳнати ва улар томонидан қилинган кашфиётлар ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, яратилган бирор бир кашфиёт, ихтиро ёки тадқиқотнинг ўтказилиши билан боғлиқ бирор тарихий маълумот, фактлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки тарихий кашфиётларнинг очилиши билан боғлиқ масалалар олий таълим учун мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларда жуда кам маълумотлар келтирилган. Шунинг учун ҳам физика дарсларида бундай фактлардан фойдаланиш дарсларни қизиқарли бўлишига ва талабаларнинг илмий дунёқарашларининг шаклланишига, маънавиятининг юксалишига, ўз мутахассисликларини ўрганишга ижодий ёндашишга сабаб бўлади.

Маълумки, яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари IX–XVI асрларда илмий изланишлар марказига айланган. Бу даврга келиб, Физиканинг ривожига Ўрта Осиё олимлари Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Форобий, Беруний, Термизий, Ибн Сино, Улугбек, Али Қушчи ва бошқалар улкан ҳисса қўшдилар. Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Осмон жисмлари ҳаракати» китоби IX асрда битилган бўлиб, XII асрда лотин тилига, XIII асрда Европанинг бошқа тилларига таржима қилиниб кенг тарқалган эди.

Шунинг учун ҳам “Ёруғлик ҳодисалари” мавзулари ўтилаётган вақтда Аҳмад ал-Фарғоний (797–865 йиллар) яшаб ўтган. Фарғона вилоятида туғилган)нинг ёруғликнинг синиши ва қайтишини аниқлаш борасида олиб борган ишлари, стереографик проекция назариясининг асосчиси сифатида фазо жисмлари ҳаракатининг текисликлардаги проекциялари нисбатлари асосида баъзи бир катталикларни ўлчаш мумкинлигини исботлаб бергани, бу фикр бугун ҳам астрофизика фанида ўз қийматини йўқотмаганлиги ҳақида 5–10 минутлик суҳбатлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.<sup>2</sup>

Механика бўлими ўқитилаётганда Беруний (14 октябрь, 973 йил 9 декабр, 1048 йилларда яшаб ўтган. Хоразм вилоятида туғилган)нинг қилган кашфиётлари: Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини ўзи ясаган асбоблар ёрдамида исботлагани ва Ер радиуси 6490 км.га яқин эканлигини аниқлагани, у дунёнинг моддийлиги, ҳаракатнинг турлари, атомнинг бўлиниши, атомдан кейинги зарраларнинг ўзаро таъсир кучлари, солиштирма оғирликни аниқлаш усуллари, жисм инерцияси, бўшлиқ, атмосфера босими, суюқликлар гидростатикаси, қор, ёмғир ва дўлнинг пайдо бўлиш сабаблари, энергия айланиши, жисмларнинг электрланиши, денгиз ва океан сувларининг кўтарилиши ва пасайиш сабаблари, ёруғликнинг корпускуляр ҳамда тўлқин хоссаси, товуш ва ёруғлик тезлиги, ёруғликнинг қайтиши ҳамда синишининг сабаблари, дисперсия ҳодисаси, Ер ва бошқа сайёраларнинг Куёш атрофидаги ҳаракатлари эллипс шаклига яқинлиги, фазовий жисмларнинг вазнсизлиги тўғрисида фикрлар юритгани ҳақидаги маълумотлар билан дарсларни бойитиш мумкин бўлади.

Абу Наср ал-Форобий (870–951 йилларда яшаб ўтган. Фороб туманида туғилган. Қозоғистон территориясида)нинг товуш тезлиги, товушнинг тўлқин табиати, товуш частотаси, товуш тўлқинининг узунлиги ҳақидаги фикрлари ва уларга асосланиб яратилган мусиқа нотаси ҳамда оптикага оид кўпгина ишлари физика фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган эканлигини билиш талаба ёшларда инсонпарварликни, илмий дунёқарашни шаклланишига ва мақсадга қаратилган амалий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилади, руҳий ва ақлий жиҳатдан камол топтиради.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Альберт Эйнштейн. Википедия. <https://ru/m/Wikipedia.org/wiki>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 121-бет.

<sup>3</sup> Шу манба.

Ибн Сино IX–X асрларда (16 август 980 йил, 18 июль 1037) яшаб ўтган. Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилган) томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар: ҳаракатнинг нисбийлиги, инерция, куч, масса ва тезланиш орасидаги боғланиш, айланма ҳаракат, марказга интилма куч, чизикли тезлик, бўшлиқ ва атмосфера босими, конвекция, иссиқликнинг табиати, иссиқлик узатилишининг турлари, яшин ва яшиннинг турлари, момақалди роқ ҳодисаси, товуш ва ёруғлик тезлиги, ёруғлик дисперсияси, линза, атом тузилиши ва бошқа мавзуларга тегишли мулоҳазаларининг асарияти ҳозирги замон тушунчаларига жуда мос келишини нафақат маъруза машғулотида балки амалий дарсларда ҳам муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда, “Ўқитувчилар талабаларга берадиган, фанга тааллуқли билимлар қаердан пайдо бўлади? деган саволга “Бу билимларни инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида, олимлар тадқиқотлар олиб бориш йўли билан аниқлаганлар ва фанга мулк” қилиб берганликларини ҳам тушунтириб ўтиш жоиз бўлади.<sup>1</sup>

Техника йўналишидаги олий таълим муассасалари физика дарсларида тарихий маълумотлардан фойдаланишда дарснинг мақсади: физика курсида тарихий материалдан фойдаланиш орқали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, физик назария ва билимларни амалиётга қўллаш санъатини эгаллашга ўргатиш, табиат ҳодисаларини чуқурроқ ўрганишга қизиқиш уйғотиш, қолаверса, креатив, инноватор мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Ўқитувчилар ушбу маълумотлардан нафақат дарс жараёнида, балки мустақил таълим учун топшириқлар ва уй вазифаси беришда ҳам фойдаланишлари мумкин.

Бундай дарсларда қўйидаги вазифалар белгиланади:

- ◆ талабаларнинг мутахассисликка бўлган қизиқишини ошириш;
- ◆ талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш;
- ◆ фаол, машқ қилиш қобилиятларини такомиллаштириш;
- ◆ креатив, инноватор мутахассисларни тарбиялаш;
- ◆ фуқаролик онги ва хулқ-атвори ва юксак маънавиятни тарбиялаш;
- ◆ талабаларни ижодий тафаккурини ривожлантириш, уларни ижодий фаолиятга қўшиш;
- ◆ физикани ўрганишда методик қўникмаларни шакллантириш каби қатор ишларни амалга ошириш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Илм-фан тарихига мурожаат қилиш, талабага олимларнинг ҳақиқат томон йўлни қанчалик қийин ва узоқ босиб ўтганликларини, машаққатларга бардошли ва ўз мақсадлари сари интилувчан ҳамда сабрли бўлганликларини кўрсатади. Илм-фанга бўлган қизиқиш уйғотади, ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотишга ёрдам беради, бутун дунё ва ўзбек олимларининг ютуқлари билан фахрланиш туйғусини ҳис қиладилар, маънавиятлари юксалади, ўз мутахассисликларини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиладилар, қолаверса, талабаларнинг ўзларида бирор нарса яратиш истаги вужудга келади, инноваторлик қобилиятлари шаклланади.

Шундай қилиб, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида физика фанини ўқишда тарихийлик тамойилидан фойдаланиш мутахассис кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

**Искандаров Жумабой Салиевич (Психология фанлари номзоди, УрДУ),**

**Искандарова Шахризода Жумабой қизи (талаба, УрДУ)**

### **АМИР ТЕМУРНИНГ “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” АСАРИДА РАҲБАРНИНГ БОШҚАРУВ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЁРИТИЛИШИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида раҳбарнинг бошқарув қобилиятининг ижтимоий-психологик жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, Амир Темурнинг жамоани бошқарувдаги қўллаган услублари кенг ёритилган. Бошқарув жараёнидаги ижодий фаолияти ва унинг натижасида раҳбарлик амалиётидаги бошқарув иш жараёнида янгиликларни жорий қилиш самарадорлигининг ошиши устувор аҳамият касб этиши каби масалалар ўрганилган.*

<sup>1</sup> Б.Зиёмухаммедов, М.Тожиев. Педагогик технология – ўзбек миллий модели. Тошкент, “Lider Press” нашриёти, 2009, 9-бет.

**Аннотация.** В статье исследуются социально-психологические аспекты управленческой способности менеджера в производстве А.Темур «Уложения Темур». Также широко освещены методы, используемые А.Темуром в управлении коллективом.

**Annotation.** This article examines the social and psychological aspects of the manager's ability to manage in the work of A.Temur "Temur's rules". Also, the methods used by A.Temur in the management of the team are widely covered.

**Калим сўзлар:** бошқарув фаолияти, раҳбарлик услуби, ижтимоий-психологик сифат, психологик иқлим, қобилият, ижтимоий-маънавий омиллар.

**Ключевые слова:** управленческая деятельность, стиль руководства, социально-психологические качества, психологический климат, способность, социально-нравственные факторы.

**Key words:** management activities, leadership style, socio-psychological quality, psychological climate, abilities, socio-spiritual factors.

А.Темурнинг "Темур тузуклари" асарида ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тузоққа тушириш, мухолифларни дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, муросою мадора қилиш хусусида кенгаш ва тадбирларни қўллаган. Бу ерда Соҳибқироннинг ҳар ишни бошлашдаги ҳаракатларида ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, муомалага катта эътибор қаратганлиги акс этган. Бу фикрлар тасдиқи куйидаги амал қилинган тамойилларида ўз аксини топади:

1) ўзинг билан кенгаш; 2) бошқалар билан машварату маслаҳат айла; 3) хушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар; 4) эҳтиёткор бўл. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишларию айтган гаплари хато бўлган жохил кимсага қиёслаш мумкин; унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ила надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. Тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни айтиш жоиздирким, қатъийлик, хушёрлик, эҳтиёткорлик, шижоат ва сабр-чидам билан барча ишлар амалга оширилгай. Вассалом».<sup>1</sup>

Шунингдек, бошқарувда раҳбарларга хос сифатларни ҳам ижтимоий-психологик таҳлил қилиб беради, масалан, тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради. Мен яна тажрибамда кўрдимки, ғаним лашкарини енгил қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмади. Балки ғолиб бўлмоқлик Тангрининг мадади ва бандасининг тадбири биландир. Чунончи, мен кенгашиб ва тадбир юритган ҳолда икки юз қирқ уч киши билан Қарши қалъаси устига юрдим. Амир Мусо ва Малик баҳодир ўн икки минг отлик аскар билан қалъа ва унинг атрофини кўриқламоқда эдилар. Лекин Тангри талонинг ёрдами етиб, ўзим қўллаган тўғри тадбирларим орқали Қарши қалъасини эгалладим.<sup>2</sup>

А.Темур маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдидаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни амалга ошириш, оширмаслик ҳақида сўз очиб, улардан фикр сўрар эди. Сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглидан кечирарди. Унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарарди. Қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни бажаришдан воз кечарди ва бир хатарлик ишни ихтиёр этарди. Бу ерда Соҳибқироннинг ўз атрофидагиларга бўлган муомаласи, хурмати гуруҳдаги кишиларни тан олиши шу йўсинда жамоани шакллантириб бориши ижтимоий-психологик томондан таҳлил қилинади. Шунингдек, у бошқарув соҳасида адолат тизгинини доимо ушлаб туриб, бошқаларга ёрдам қўлини чўзган. Бу фикрлар тасдиқи куйида ўз аксини топади. Чунончи, шунга кўра, Туғлуқ Темурхонга тўғри йўл кўрсатганман. Унинг амирлари Дашти Жетада исён туғини кўтарганларида, менадан маслаҳат сўради. Унга шундай дедим: «Агар ғанимни синдириш учун бир фавж аскар юборсанг, олдинда икки хатар бордир, агар ўзинг олиб борсанг, бир хатар мавжуд». У менинг маслаҳатимга кириб, Дашт томон ўзи бориб эди, мен айтгандек бўлди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> А.Темур. Темур тузуклари. Тошкент, "Ўзбекистон", 2011, 14-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 15-бет.

<sup>3</sup> Шу манба. 16-бет.



Шунингдек, А.Темур бошқарув тизимида доимо маслаҳат кенгашлари олиб бориб, жамоа аъзоларини психологик иқлимни меъерий ҳолатда сақлаб тура олган. Бу ерда, шунингдек, қайта алоқа тамойилига доимо риоя қилинган. Масалан, ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан чиқиш йўлларини ўйлаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, сабр-чидам кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоғини ўйлаб, ортини эсдан чиқармаган ҳолда охирига етказардим.<sup>1</sup>

А.Темурнинг асарларида гуруҳни шакллантириш, ундаги психологик иқлим кўрсаткичларига катта эътибор қаратганлиги унинг қуйидаги тадбирларида ўз аксини топган. Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш аҳли бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасунлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасунлар. Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири – тил учида айтилгани, иккинчиси – дилдан чиққани. Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим. Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.<sup>2</sup>

Соҳибқирон муомала борасида жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган. Ўзининг лашкар-бошиларининг фикрларини билиш учун жуда хийлакор муомала усулларидан фойдаланган. Бунинг тасдиғи қуйидаги сўзларда кўриниб туради. Агар ғаним устига лашкар тортмоқчи бўлсам, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларим кўнгилларининг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим. Агар урушга мойил бўлсалар, унинг наф ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб кўрардим; қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қилардим. Сипоҳни иккилантирадиган турумсиз кенгашни эшитишдан сақланардим. Кенгаш аҳлидан кимки қуюниб маслаҳат берса, қулоқ солардим, кимки оқилона гапларни мардларча кескинлик билан сўзласа, уни диққат билан тинглардим. Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши-ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим.<sup>3</sup>

А.Темур ўтказган йиғилишлари ҳақида ёзишча, бошқарув ишларида раҳбарнинг ботирлиги, кўркмаслиги, матонатлиги ишбилармонлиги ҳайбатлиги, лидерлиги гуруҳни шакллантиришда, ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Бу фикрлар асарда шундай ёритилади: Мовароуннаҳр вилоятини қатлу ғоратдан қутқариб қолишга қарор қилдим. Тилга олинган амирларни кўрганымда, уларни ҳайбатим босди шекилли, ортиқча илтифотлар кўрсатиб, ҳурматимни бажо келтирдилар. Уларнинг кўзларига ўхшаш кўнгиллари ҳам тор бўлганидан, совға-соврун йўсинида берилган ҳар турлик тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннаҳрни босиб олиш, талон-торож қилиш ниятидан қайтдилар. Кўрсатган кенгашларимни тўғри деб топиб, барчасини қабул қилди. Шу аснода, Туғлуқ Темурхонга хабар келтирдиларким, уч фавж амирлари маҳаллий халқдан нақд пул ва соврунлар олиб, улар билан келишмишлар. Хон шу ондаёқ мол-мулк билан нақд пулларни қайтариб олиш учун вакил тайин қилди ва амирларни бундан буён Мовароуннаҳрга боришларини манъ этди. Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлиқ аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан.<sup>4</sup>

Соҳибқирон асарида раҳбарнинг лидерлиги, эҳтиёткорлиги, иродалилиги, сабр-бардошлиги ҳақида ижтимоий-психологик қарашлари унинг бу сўзларида кўриниб туради. Темурхон иккинчи марта Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келиб, мени ўз ҳузурига чорлаб нома жўнатди. Мен рози бўлиб, унинг истиқболига чиқдим ва у билан кўришдим. У орамиздаги аҳдни бузиб, Мовароуннаҳрни ўғли Илёс Хожага топширди, мени эса сипоҳсолор қилиб белгилади. Бу ишга ортиқча рўйхушлик билдирмаётганимни сезиб, бобом қачули баҳодир ва ўзининг бобоси қабулхонларнинг аҳдномасини кўрсатди. Пулат тахтага ўйиб ёзилган аҳдномада «Хонлик Қабулхон авлодининг қўлида, сипоҳсолорлик эса Қачули баҳодир болаларида бўлсин, улар бир-бири билан ёвлашмасинлар» деган сўзлар битилган экан. Буни ўқиб кўргач, улуғлар аҳдига вафо қилиш юзасидан сипоҳсолорликка розилик бердим.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Шу манба.

<sup>2</sup> Шу манба. 16-бет.

<sup>3</sup> Шу манба. 17-бет.

<sup>4</sup> Шу манба. 20-бет.

<sup>5</sup> Шу манба. 21-бет.

Шунингдек, А.Темур ўзининг тарафдорларини ишонтириш, таъсир ўтказиш кучига эга бўлиб, гуруҳ ва жамоани ўзига жалб эта билган, бу эса ижтимоий-психологик таъсир натижасида амалга оширилган. Бунинг акс этиши ушбу сўзларда ўз ифодасини топади: Мовароуннаҳрда мўғулларнинг жабру зулми ортиб кетди. Чунончи, саййид ва саййидзодалардан етмиш кишини асир олиб, банд этдилар. Илёс Хожа давлат ва сиёсат ишларида лаёқатсиз бўлгани туфайли, уларнинг зулму ситамига барҳам беришга ожиз эди. Мен бўлсам, ўз салобату ҳайбатим билан мўғуллар устидан ғалаба қозондим ва мазлумларни золимлар жабридан халос этдим. Бу Илёс Хожа амирлари ва мўғулларнинг менга нисбатан душманлик қилишларига сабаб бўлди. Улар Туғлуқ Темурхонга хат ёзиб, «Амир Темур бизга қарши исён туғини кўтарди», дедилар. Хон ёлғон гапларни чин билиб, мени ўлдириб йўқотиш ҳақида ёрлиғ юборди. Бу ёрлиғ менинг қўлимга тушиб қолди. Ундан ўлимга ҳукм қилинганимни билиб олдим. Бунга қарши чора кўриш учун куйидаги тадбирни ишлатдим. Барлос улусининг баходир йигитларини ўз атрофимга тўплаб, уларни бирлаштирдим. Менга бўйсуниб, кўмакдош бўлмоқлик учун розилик берган биринчи киши – ийгу Темур бўлди, иккинчиси – амир Жаку Барлос эди. Булардан бошқа улус баходирлари ҳам жону диллари билан менга бўйсунмоққа ва хизмат этмоққа аҳд қилдилар.<sup>1</sup>

А.Темур ўз салтанатини тузишдаги ижтимоий омиларга катта эътибор қаратганлиги ушбу сўзларда акс этади. Менга эргашганлар сони олтмиш отликка етиб қолгандан кейин ўзимча ўйладим: «Агар келган манзилда тураверсаму, мабодо, ерлик аҳоли менга қарши кўзғалиб, мўғулларга хабар бериб қўйсачи? Яхшиси, бу ердан кетиб, эл оёғи етмаган ерга бориб жойлашсам, тез фурсатда атрофимга салтанатимнинг куч-қудрати бўла оладиган кўшин тўпланар». Шу фикрда у ердан кўчиб, Хуросон томонга юзландим. Йўл устида Мохон ҳокими Муборақшоҳ Санжарий юз отлик аскар билан келиб, менга қўшилди ва яхши отлар тортиқ қилди. У ернинг жами саййидлари ва аҳолиси ҳам менга қўшилди. Ўша саҳрода отлик, яёв бўлиб икки юзга яқин киши ёнимга кирди. Шу пайт Муборақшоҳ, саййид Ҳасан ва саййид Зиёуддин менга арз қилдилар: «Бу саҳрода туравериш (кўшин) тарқаб кетишига боис бўлур, бирор томонга юриб, бирон вилоятни эгаллашимиз керак». Мен ўз-ўзим билан кенгашиб, сўнг уларга айтдим: «Хотирамга бир фикр келди. Самарқанд тарафга борайлик. Сизларни вақтинча Бухоро атрофидаги жойларга тарқатиб тураман, ўзим эса Самарқанд теварагига бориб, эл-улус орасига кираман ва улар билан иттифоқ тузаман. етарли лашкар тўплаб, сизларни чақириб оламан. Кейин Жета ва Илёс Хожа лашкарига қарши жангга отланиб, Мовароуннаҳр мамлакатини қўлга киритамиз».<sup>2</sup>

А.Темур жамоани шакллантиришда ишонтириш методидан тўғри фойдаланганлигини куйидаги фикрларида акс этади. Уларнинг ҳаммаси менинг бу кенгаш ва тадбиримни тўғри деб топдилар. Сўнгра юришга фотиҳа ўқиб, йўлга тушдим. Икки юз одамимни Бухоро атрофларига тарқатдим. Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжай Туркон оқани ҳам яширинча ўша ерда қолдирдим ва ўзим Самарқанд томон йўл олдим. Соҳибқирон ўз қўл остидаги лашкарларида ишонч ҳосил қилиш учун уларга давлат куриш мумкинлигини кўрсатиш мақсадида ижтимоий-психологик таъсир ўтказиш учун куйидаги ишларни бажаради. Лашкарининг сонини ҳисоблаб кўради, ҳаммаси бўлиб уч юз ўн уч отлик экан. Ўзича кенгаш қилиб бирон қалъани қўлга киритиб, жойлашишга қарор берди. Шунингдек, ҳар қандай душман билан ҳам яхши муомалада бўлиш, ширин сўз, ёқимли гаплашиш орқали ижтимоий муносабатларни тиклаш борасидаги психологик ғоялар ҳам акс этган. Буларни мазкур фикрларда кўриш мумкин. Ҳанимларимни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга оғдириб олмоқчи ва улар вужудидаги ёндирувчи ғазаб ўтини тўғри тадбир суви билан ўчирмоқни маслаҳат кўрдим. Шу тарзда уларни ром қилмоқчи бўлдим ва Жета лашкарининг сардори амир Абу Саъидга кўп яхши сўзлар айтдим. У айтган гапларимни маъқуллади. Бироқ бошқа амирлар унга қарши чиқишиб, уруш қилиш тарафдори бўлдилар. Буни кўргач, менинг ҳам шиддат ўтим алангаланиб, лашкаримни сафга тиздим.<sup>3</sup>

Давлатни мустаҳкамлашда яна муомала муносабатларга эътиборини кучайтиради. Бу фикримизнинг тасдиғи ушбу сўзларда ўз ифодасини топади.

Амир Жаку, Ийгу Темур, амир Сулаймон, амир Жалолоддинларни хилватроқ ерга чорладим ва улар билан келишиб, ўзимга яна-да яқин тутдим, «Давлатимга шерик бўласизлар», дедим. Бу билан уларнинг дилида ўзларига ишонч ва менга хизмат қилиш учун қатъият туйғуларини уйғот-

<sup>1</sup> Шу манба. 22-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 27-бет.

<sup>3</sup> Шу манба. 34-бет.

ди. Натижада мени қўллаб-қувватлаганлар ҳам, тескари бўлган мунофиқлар ҳам барчаси атрофимда бирлашди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, асарда раҳбарга хос бўлган сифатлар жуда тушунарли тарзда очиб берилди. Бу асардаги раҳбарнинг бошқарув услубларидан жамиятни бошқаришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Жуманазаров Умид Умрзоқович (педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЖДПИ)  
БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИ ВА  
КОМПОНЕНТЛАРИ**

***Аннотация.** Мақолада лексик компетенция ва унинг шаклланиш жараёни ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, лексик компетенциянинг когнитив, операцион-фаолият, процессуал ва ижтимоий-маданий компетентлигининг хусусиятлари очиб берилган, лексик компетенциянинг таркибий асослари аниқланган.*

***Аннотация.** В статье речь идёт о формировании лексической компетенции. Раскрыты когнитивные, операционно-деятельностные, процессуальные и социально-культурные особенности названной компетенции, выявлены структурные основы лексической компетенции.*

***Annotation.** In the article, the speech goes on about lexical competence and the process of its formation. Besides, cognitive, operation-activity, processual and social cultural competencial peculiarities of lexical competence have been discovered. Compositional bases of lexical competence has been identified.*

***Калим сўзлар:** лексик компетенция, лексик компетентлик, лексик бирлик, лексик билим, лексик кўникма, когнитив, фаолият тажрибаси, фаолият усуллари.*

***Ключевые слова:** лексическая компетенция, лексическая компетентность, лексические единицы, лексическое знание, лексический навык, когнитив, опыт деятельности, методы деятельности.*

***Key words:** lexical competence, lexical competency, lexical unit, lexical knowledge, lexical skill, cognitive, activity of experiment, styles of experiment.*

Лексик сўз ўзида турли хил ахборотни (фонетик, грамматик, синтактик, ижтимоий-маданий, этнографик ва ҳ.к.) ўзида қамраб олишини кўрсатади ва нутқий ифодани куриш учун “курилиш материали, ғишт” ҳисобланади (К.Ломб, А.Б.Витоль). Сўз туркумлари ўртасидаги муносабатларни ифодаладиган ва доим умумлаштирадиган грамматикадан фарқли ўлароқ, лексика фикрга аниқ маъно бериб, уни индивидуаллаштиради.

Лексика тушунчасида муайян тил бойлигидаги сўзларнинг жамланмаси ва лексик бирликларни бирлаштириш вазифаси бўйича уларга ўхшаш сўзлар тушунилади. Кейингиси барқарор сўз бирикмалари ёки предмет, ходиса, уларнинг белгиларини рақамлаштиришга кодир бошқа тил бирикларини акс эттиради.<sup>1</sup> Масалан, *das Wirtschaftssystem* “иқтисодий курилиш”, *aufgeingene Fausthandelt* “иродаси билан ҳаракат қилиш”, *schwarzer Markt* “қора бозор” ва ҳ.к.

Европа Кенгаши ҳисоботида кўра, “Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш баҳолаш”нинг лексик компетенцияси деганда “тилнинг луғавий таркиби, билими, жумладан, лексик ва грамматик элементлари ҳамда улардан нутқда фойдаланиш қобилияти” тушунилади.<sup>2</sup>

А.Н.Шамов лексик компетенцияни “инсоннинг сўз контекстуал маъносини аниқлаш, унинг маъно ҳажмини икки тилда таққослаш, сўз маъносининг тузилишини аниқлаш, сўз маъносида миллий ўзига хослигини белгилаш” сифатида таърифлайди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Стародубцева О.Г. Лексическая компетенция как языковая основа профессионально-коммуникативной компетенции студентов неязыкового вуза. Бюллетень сибирской медицины, 2013, Т. 12, № 3, с. 127 – 131.

<sup>2</sup>Общеввропейские компетенции владения иностранным языком. Изучение, обучение, оценка. Монография, Страсбург, М., Совет Европы, Департамент по языковой политике; Моск. гос. лингв. ун-т, 2001, 2003, 259 с.

<sup>3</sup>Шамов А.Н. Формирование лексической компетенции как основополагающая цель в обучении иностранному языку. Языки и культуры народов мира в лингводидактической парадигме: Лемпертовские чтения – IX, сб. ст. по матер. меж-дунар. науч.-метод. симпозиума, 30–31 мая 2007 г. Пятигор. гос. лингв. ун-т, отв. за вып. Н.В.Барышников, Пятигорск, 2007, с. 386 – 391.

А.Е.Сиземинанинг фикрича, “лексик компетенция кўп босқичли тизимли таълимни акс эттиradi; лексик билим, кўникма ва малакага, шунингдек, шахсий тил ва нутқ тажрибасига эга бўлган талаба шахсий сифатларининг мураккаб таъсири билан боғлиқ” ҳолда шаклланади.<sup>1</sup>

А.А.Фетисова ўз тадқиқотида лексик компетенцияни эгалланган билим, кўникма ва малака, тил ва нутқ тажрибасига асосланган “...қобилият ва тайёрлик, тилнинг стилистик ва ижтимоий-маданий нормаларига мувофиқ, шахслараро ва маданиятлараро чет тилида мулоқот қилиш” сифатида ўрганиб чиққан.<sup>2</sup>

И.П.Короткова лексик компетенцияга батафсил таъриф беради: “Оғзаки ва ёзма матнда лексик бирликларни ажратиш, ўқув вазифасига мувофиқ матн материаллари билан ишлаш, коммуникация жараёнида ўрганилган лексикани қўлламоқ, оддий, сўз ҳосил қилувчи элементларини ажратиш, ўқиш ва аудиторияга эшиттириш жараёнида мураккаб матн вазиятларида тилнинг интердионал ва мураккаб сўзлар терминларидан фойдаланиш қобилияти, бу эса нутқий фаолиятнинг барча турларини муваффақиятли эгаллашни таъминлаш имконини беради.<sup>3</sup>

Юқоридаги келтирилган мулоҳазаларга асосланиб, назаримизда, лексик компетенция – бир қатор коммуникация учун зарур билимлар, кўникмалар ва малака мажмуи; конкрет фаолиятни амалга оширишда зарур бўлган шахсият хусусиятлари; шахснинг турли вазифаларни бажариш қобилияти, яъни муаммоларни ҳал қилиш йўллари билиш, тажриба ва муайян фаолиятда мақсадларга эришиш қобилиятини ўз ичига олган мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган таълим тизимидир, деган муаллифлик ёндашуви асосидаги таъриф билан ифодалашни лозим топдик.

Демак, лексик компетенция – бу коммуникациянинг ажралмас қисми ва лингвистик компетенциянинг таркиби бўлиб, унинг шаклланиши яқунланган жараён сифатида давом этади, унда шартли равишда бир неча даражаларни ажратиш мумкин. Лексик компетенциянинг шаклланиш даражаси деганда биз талабаларнинг хорижий сўзларни ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини тушунамиз, чунки улар эгаллаган билимлар ва тегишли кўникмалар асосида нутқда амалий фойдаланишади.

Лексик компетенция мазмун-моҳиятига кўра, бир қатор компонентлардан ташкил топган. А.Н.Шамов лексик компетенциянинг бундай компонентларни қуйидагича ажратади: 1) мотивацион компонент; 2) билим олиш учун хизмат қиладиган компонент; 3) амалий; хулқ-атвор тавсифлайдиган компонент. Олимнинг бу мулоҳазасини биз ҳам маъқуллаб, уни назарий асос сифатида қабул қиламиз. Лекин бу ўринда ҳар бир компонентнинг ўзига хос, бир-бирига такрорланмас муайян вазифалари борлигини ҳам таъкидлаймиз.

Илмий-методик адабиётларда лексик компетенциянинг мазмун-моҳияти ва таркибига оид асосли илмий мулоҳазалар, амалий таклиф ва тавсиялар анчагина. Биз бу ўринда А.М.Шамов, Г.А.Кручинина, Е.В.Ятаева, Е.И.Пассов, С.А.Трофименко ва бошқа методист олимларнинг илмий ишларини назарда тутамиз.

Лексик компетенция таркибида Г.А.Кручинина қуйидаги таркибий қисмларни аниқлайди: 1) лексик билим (ЛБ); 2) лексик кўникма ва қобилият; 3) лексик қобилият, яъни сўзларнинг маъносини прогноз қилиш, сўзнинг муҳимлигини тахмин қилиш, таснифлаш ва концепциялаш; 4) тил ва нутқ тажрибаси; 5) ўқувчиларнинг шахсий сифатлари.

Методист Е.В.Ятаева диссертациясида лексик компетенциянинг компонентларини санаб ўтади ва уларни изчил кетма-кетлик ҳолда илмий жиҳатдан асослаб беради: 1) когнитив; 2) оператив-фаолият; 3) муҳимлилик-мотивацион.<sup>4</sup>

Лексик компетенциянинг когнитив компоненти баъзи нуфузли манбаларда бешта компонентга бўлиниб тасниф этилган: а) лингвистик компонент (лексик бирлик, уларнинг тузилиши, маъноси, морфологик ва синтактик аҳамияти, одатий қўлланиладиган контекстларни оғзаки ва ёз-

<sup>1</sup> Сиземин А.Е. Методика развития лингвистической компетенции студентов лингвистического вуза на основе формирования мотивационной базы обучающихся. Автореф. дис. ...канд. пед. наук, 13.00.02. НГЛУ им. Н.А.Добролюбова, Н.Новгород, 2009, 84 с.

<sup>2</sup> Фетисова А.А. Методика управления фактором произвольности в процессе развития иноязычной лексической компетенции студентов. I курс, языковой педагогический вуз. Дис. ...канд. пед. наук, 13.00.02. М., 2010, 186 с.

<sup>3</sup> Короткова И.П. Методика формирования лексической компетенции младших школьников посредством английского фольклора. Автореф. дис. ...канд. пед. наук, 13.00.02. МГУ им. М.А.Шолохова, М., 2012, 26 с.

<sup>4</sup> Ятаева Е.В. Учебный глоссарий как средство развития учебной иноязычнолексической компетенции в профессиональном языковом образовании. Дис. ...канд. пед. наук, 13.00.08. Екатеринбург, 2007, 282 с.

ма билиш); б) дискурсив компонент (сўз бирикмаларини, дискурс қоидаларига мувофиқ манти-қий-семантик боғлиқлик билан ҳосил бўлувчи бошқа лексик бирликлар билан бирга билиш); в) референт компонент (аввалги тажриба ва талабаларнинг стереотипик ижтимоий хулқ-атворига мос келадиган, лексик бирликлар кетма-кетлиги даражасида фикрларни уқишга, англашга имкон берадиган дунё предметлари нисбатини билиш); г) ижтимоий-маданий компонент (сўзнинг стилистик аҳамиятини, маданий юк, уларни мулоқот параметрларидан келиб чиқиб қўллаш шартларини билиш); д) стратегик компонент (мулоқотда қийинчиликларнинг олдини олиш учун ассоциатив занжирлар билан боғлиқ сўзларни қандай қўллашни билиш, шунингдек, контекстуал тахмин ёки сўз маъносининг тахминий таҳрири ёрдамида сўзларни билмасликни бартараф этиш).<sup>1</sup>

Лексик компетенциянинг операцион-фаолият компоненти Е.В.Ятаеванинг аниқлашича, фанларнинг билими ва кўникмасини, шахсий чет тилидаги лексик бирликларни (ЛБ) ва мотивацион йўналишда, фойдаланиш ва назорат-баҳолаш даражасида, лексик материаллар устида ишлаш жараёнида ўқув ва билим олиш фаолияти усулларига эга бўлишни ўз ичига олади. Лексик компетенциянинг кадрият-мотивация компоненти ўзига мақсад, эҳтиёж, талабага олган билим ва кўникмаларини ақлан ва саводхонлик билан қўллашга имкон берадиган кадриятларни чет тили лексикасини билиш, талаба учун янги бўлган вазиятларга эгаллаган малака ва тажрибасини кўчириш, ўзининг ўқиш ва билим олиш фаолияти натижаларини баҳолашда фаоллик, ташаббускорлик ҳамда мустақилигини намоён этишни қамраб олади.<sup>2</sup>

Илмий-методик адабиётлардаги лексик компетенциянинг таркибига кирувчи хилма-хил компонентлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиб, назарий асос сифатида қабул қилдик. Уларни умумлаштирган ҳолда ва муайян вазифасига кўра бир-биридан фарқлашини аниқладик, натижада компетенцияга дахлдор компонентларнинг қуйидаги турларини муаллифлик ёндашуви асосида тавсия этишни лозим топдик:

1) *лексик компетенциянинг когнитив компоненти*. У лексик билим билан ифодаланади. Лексик билим деганда маълум тилдаги лексик бирликни қамраб олиш, муайян лексикосемантик вариантнинг маъносини билиш, сўз шакли, хусусан, фонетик, график, грамматик, морфологик, сўз қуриш, лексик, семантик, тилнинг синтактик қатламларини билиш тушунилади;

2) *лексик компетенциянинг операцион-фаолият компоненти*. Ўзаро алоқа воситаси сифатида коммуникатив таркибнинг мазмунини етказишга тайёр бўлган ва унда тилнинг лексик меъёрларига мувофиқ сўзларни етказиш қобилияти ва кўникмалари мавжуд;

3) *лексик компетенциянинг самарали-амалий ёки процессуал компоненти* сўз устида муайян ҳаракатларни ўз ичига олган сўзни ўзлаштириш стратегиясини ўз ичига олади. Бу стратегиялар иккинчи даражали тилшунослик шахсиятининг моделини, она тили бўлмаган ва маданият тизимини ўзлаштириш моделини акс эттиради. Ушбу стратегиялар ўзининг мазмун-моҳияти ва вазифасига кўра, семантик, лингвистик тизимлаштирувчи, когнитив-концептуал (лингвистик ва маданий), кенг ижтимоий-маданий контекстда маъноларни доимий равишда қидириш, тил воситаларини танлаш ва тўплаш, тил базасини кенгайтириш, ўрганилаётган тилни тартибланган, шахсиятли тизимга тўплаш, уни доимий равишда ўз тилидан фойдаланиб тўлдириш ва янгилаш, тил ва нутқ тажрибаси, шу жумладан, она тилида тегишли тушунчалар тизимини, она тили маданиятига кириб боришни, маданиятлараро мулоқот даражасида миллий ва маданий ўзига хосликни англашни таъминлайди;

4) *лексик компетенциянинг ижтимоий-маданий компоненти*. Бу компонент, ўз навбатида, сўз бирикмалари ёки лексик бирликларнинг маданий хилма-хиллигини билиш, расмий ва норасмий услубнинг лексик намуналарига эга бўлишни назарда тутди;

5) *лексик компетенциянинг рефлексив компоненти*. Бу компонент ўз вазифасига кўра, муайян тилни мустақил ўрганиш шароитида тил воситаларини ўзлаштириш, мустақил ўқитиш ва нутқ амалиётини таъминлаш, турли хил нутқ алоқа ҳолатларига қўшилиш ва хилма-хил лисоний вазифаларни бажариш воситаси сифатида ўрганилаётган тилни қўллашни таъминлайдиган махсус амалий стратегияларни ўз ичига олади. Рефлексив компонент ўз-ўзини назорат қилиш билан боғлиқ

<sup>1</sup> Словарь социолингвистических терминов. В.А.Кожемякина [и др.], под ред. В.Ю.Михальченко. М., ин-т языкознания РАН, 2006, 312 с.

<sup>2</sup>Ятаева Е.В. Учебный глоссарий как средство развития учебной иноязычнолексической компетенции в профессиональном языковом образовании. Дис... канд.пед.наук, 13.00.08. Екатеринбург, 2007, с. 34.

бўлиб, унда биз унинг фаолияти ва мустақиллигининг намоён бўлиши билан боғлиқ шахсият сифатини назарда тутамиз.

Қайд этилган кузатишлар асосида лексик компонентликнинг умумий мазмуни ва мундаржасини муаллифлик ёндашуви асосида қуйидаги жадвалда ифодалашга ҳаракат қилдик:

**Лексик компетенция турлари**

<i>Когнитив компонент</i>	<i>Операцион фаолиятли компонент</i>	<i>Рефлексив компонент</i>	<i>Ижтимоий-маданий компонент</i>
Мақсад – мулоқотнинг мазмунли мавзусини ўзлаштириш. Ичига олади: Тилнинг лексик тузилишини билиш. Коммуникатив муаммоларни ҳал қилиш учун лексик билимлардан фойдаланиш, қобилият ва кўникма.	Мақсад – тилнинг лексик меъёрларига мувофиқ мулоқот вазифасини ўташдир. Ичига олади: нутқни аниқлаш учун лексик стратегиялар.	Фикрлаш мақсади билимни ўзлаштириш, олинган маълумотларни ҳиссий-қимматли муносабатларининг қобилиятлари	Мақсад – тилни ўрганиш меъёрлари маданиятига мувофиқ нутқни тушуниш учун билим, кўникма ва малакаларнинг сўз бирикмаларига эга бўлиш ва эғалик қилиш

Шундай қилиб, лексик компетенция кўп компонентли лисоний таълим тизими эканлигига асосланиб, уни шакллантириш методологияси “Инглиз тили” йўналиши талабаларининг билим, кўникма ва маҳоратларини яхлит шакллантиришга асосланган бўлиши керак.

Тадқиқотимиз доирасида лексик компетенция тушунчаси ва унинг компонентларини таҳлил қилиш натижасидан олинган хулосаларга таяниб, биз лексик компетенцияни эгаллаган ЛБ асосида ва мос келувчи когнитив фаолиятини амалга оширишда самарали усулларидан фойдаланиб, ЛБни тушуниш, коммуникатив фикрларга мос мақсад ва вазиятда қўллашни ҳисобга олган бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида шаклланган лексик кўникма қобилияти ва тайёргарлиги сифатида ўрганишни мақсад қилиб олдик. Шундай қилиб, тадқиқотни олиб бориш жараёнида компетенциянинг бу борадаги таркибий қисмларини муаллифлик ёндашуви асосида аниқладик: 1) лексик билимлар; 2) лексик кўникмалар ва уларни қўллаш тажрибаси; 3) билиш фаолияти тажрибаси; 4) билиш фаолиятини амалга ошириш йўллари.

Лексик компетенциянинг асосий таркибий қисмлари билимларни қўллаш бўйича билим ва тажриба ҳисобланади. ЛБ ва когнитив фаолиятни амалга ошириш усуллари билишни қамраб олган билим, билимларни амалиётда қўллаш тажрибаси орқали амалга оширилади. ЛБ, мос равишда, лексик кўникма асосида когнитив фаолиятни амалга ошириш усуллари эса ушбу усуллارни қўллаш, яъни когнитив фаолият тажрибаси жараёнида амалга оширилади. Таъкидланаётган мулоҳазаларимизни муаллифлик ёндашуви асосида қуйидаги жадвал орқали ифодалашни лозим топдик.

**Лексик компетенциянинг таркибий асослари**



Хулоса қилиб айтганда, лингвистик билимлар (фонетик, лексик, морфологик, синтактик, этимологик билим ва ҳ.к.) ўзларига тегишли бир-бирида такрорланмайдиган муайян вазифаларига эга. Хусусан, фонетик билим товуш ва график шаклини билишини қамраб олади; морфологик билим турланиш, кўплик сонининг ҳосил бўлиши, тусланиш, бошқарув ва ҳоказоларни ифодалайди; лексик бирлик сўз ҳосил қилиш қоидаларини билиш; мос келиши (синтактик қўллаш); алоҳида сўзларнинг этимологияси, келиб чиқишини билиш; турли тилларда ҳар хил ифодаланадиган тушунча ва маъноларни билишни талаб қилади.

**Yarmetov Jumanazar (UrDU dotsenti, f-m.f.n.), Xalillayeva Go'zaloy Mo'minjon qizi,  
Ruzimova Yulduz Jumanazarovna (UrDU o'qituvchilari)  
BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKADAN LOYIHAVIY TA'LIM**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'quvchilarning o'quv faolligini rivojlantirishda foydalanadigan loyihaviy ta'limning nazariy tahlili, undan tashqari, boshlang'ich sinflarda matematika darslarida qo'llanilishi mumkin bo'lgan loyihalar asoslab berilgan.*

***Аннотация.** В статье представлен теоретический анализ проектного обучения, которое учителя используют для развития учебной деятельности, а также проекты, которые можно использовать на уроках математики в начальных классах.*

***Annotation.** This article provides a theoretical analysis of project-based learning that students use to develop learning activities, as well as projects that can be used in math lessons in the elementary grades.*

***Kalit so'zlar:** loyiha, loyihaviy metod, loyiha faoliyati, loyihaviy ta'lim, loyihalashtirish.*

***Ключевые слова:** проект, проектный метод, проектная деятельность, проектное образование, проектирование.*

***Key words:** project, project method, project activity, project education, projection.*

Loyihaviy ta'lim – ta'lim modeli bo'lib, unda o'qituvchi tomonidan loyihalash ko'rinishiga ega, muammoni izlash, uni tadqiq etish va hal etish, muayyan, beqiyos, shaxsiy va ijtimoiy ahamiyatga ega natijaga erishish, uni ommaviy taqdim etish va jamoatchilik tomonidan baholanishini tashkil etish va rejalashtirishni anglatuvchi, mustaqil o'quv faoliyati tashkil etiladi. Loyiha – ba'zi murakkab ishlanmalarni yaratish bo'yicha hujjatlar yig'indisi. Loyiha– tushunchasi kengroq ifodalanib, ma'lum natija (loyihaning beqiyos mahsuli)ga ega maqsadli faoliyatni tashkil etish uchun biror-bir tashkiliy shaklni belgilash uchun foydalaniladi. Loyihalashtirish – («loyiha» so'zidan) – real natijaga olib keluvchi, qat'iy tartibga solingan harakatlar izchilligini o'z ichiga oluvchi muammoni o'zgartiruvchi faoliyatni anglatadi.

Loyihali ta'lim g'oyasi Rossiyaga amerikalik pedagoglar ishlanmalari bilan parallel ravishda kirib keldi. Rus pedagogi S.T.Shatskiy rahbarligida 1905-yilda uncha katta bo'lmagan guruh xodimlari tomonidan o'qitish amaliyotida loyiha usulidan faol foydalanish tashkillashtirildi. Keyinroq esa bu goyalar maktablarda keng ravishda qo'llanila boshladi. Chet el maktablarida loyiha usuli faol va butunlay muvaffaqiyatli ravishda rivojlantirildi.<sup>1</sup>

O'quvchilarning loyihaviy faoliyati – bu birgalikdagi o'quv-izlanish, ijodiy yoki o'yin tarzidagi mashg'ulotlar, umumiy maqsadga ega bo'lgan, umumiy natijalarga yo'naltirilgan faoliyat turlaridan iborat. Loyihaviy faoliyatning asosiy shartlaridan biri – natijaga erishish uchun loyiha bosqichlari va loyiha maqsadi, uning asosi va ta'sirini to'liq anglagan holda oldindan ishlab chiqilgan yo'nalishlar mavjudligi. Loyiha faoliyati doimo o'quv mashg'ulotlarining aniq algoritmi, dasturni amalga oshirishning qat'iy amalga oshirilishi va ayni paytda o'quvchilarning ijodiy erkinligi uchun etarli. Reja, qoidalar, ko'rsatmalarning qat'iy ijro etilishini tashkil qilish va o'quvchilarga o'z ijodiy barkamolligini amalga oshirishda yordam berishda o'qituvchining professionalligi namoyon bo'lishi kerak.

E.N.Zemlyanskaya fikriga ko'ra, loyihaviy metodni amalga oshirishda o'qituvchi harakatlarini quyidagicha ta'riflash mumkin: o'quvchiga faoliyat maqsadini aniqlashga yordam beradi; axborot olish manbasini topishda maslahat beradi; faoliyat turlarining imkoniyatlarini ochib beradi; loyihani bajarishda natijalarni oldindan anglashga yordam beradi; o'quvchi faolligi uchun shart-sharoitlar yaratib beradi; o'quvchiga natijani baholashga ko'mak beradi.<sup>2</sup>

Loyiha faoliyatining maqsadi: ta'lim sifatini barqaror rivojlantirish uchun texnologiyani yaratish, ta'lim jarayonida qatnashuvchilarning ta'lim sifatidagi bilimlari sifatini oshirish yo'lidagi vositalarni ishlab chiqish. Loyiha faoliyati talabalarning individual xususiyatlarini ochib beradi va yosh o'quvchilarga o'z kuchi va qobiliyatlarini sinab ko'rish, bilimlarini qo'llash va erishilgan natijalarni ko'rsatish imkonini beradi.

Loyiha faoliyati quyidagi bilim qobiliyatlari va qobiliyatlarini rivojlantirishni ta'minlaydi:  
– o'z bilimingizni mustaqil ravishda qurish;

<sup>1</sup> Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Toshkent, 2006, 6-bet.

<sup>2</sup> Землянская. Е.Н. Учебные проекты в экономической подготовке школьников. "Народное образование", 2006, №1, с. 163 – 171.

- axborot makonini mustaqil boshqarish;
- o‘z faoliyatini mustaqil ravishda rejalashtirish;
- yangi bilim va amaliy vazifalarni hal qilish uchun mustaqil ravishda yangi bilimlarga ega bo‘lish;
- bolaning faoliyatiga amaliy yordam berish;
- uning shaxsiy manfaatlarini rivojlantirish.

Biz boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun quyidagi loyihalarni taqdim qilamiz.

**“Matematik atamalarining inglizcha nomini o‘rganamiz” loyihasi**

1-sinf		2-sinf	
O‘zbekcha	Inglizcha	O‘zbekcha	Inglizcha
Narsa	Thing	Sodda misollar	Simple examples
Narsalarning xossalari	Properties of things	Murakkab masalalar	Advanced problem
Narsalarning rangi	Color of things	Qo‘shishni tekshirish	Checking the Add
Narsalarning shakli	The shape of things	Ayirishni tekshirish	Checking the subtraction
Narsalarning o‘lchami	The size of things	Jadval asosida masala tuzish	Creating sums a case based on the table
3-sinf		4-sinf	
O‘zbekcha	Inglizcha	O‘zbekcha	Inglizcha
Ikki xonali sonlarni xonadan o‘tib qo‘shish	Adding two digit from the room	Cho‘t	abacus
Ikki xonali sonlarni xonadan o‘tib ayirish	subtraction two-digit numbers from the room	O‘nlik sanoq sistemasi haqida tushuncha	The concept of the decimal number system
Qavsli ifodalar	expressions in parentheses	Ko‘p xonali sonlarni raqamlash	Multiple digits digitization
Qo‘shishning guruhlash qonuni	The grouping law of the addition	Amallarning nomlari	Names of the action

**“Ko‘p xonali sonlarni o‘qishni o‘rganamiz” loyihasi**

Xona nomeri	Sinf nomi	Xona nomi	Nollar soni
1	BIRLAR	birlar	—
2		o‘nlar	1 ta
3		yuzlar	2 ta
4	MINGLAR	minglar	3 ta
5		o‘n minglar	4 ta
6		yuz minglar	5 ta
7	MILLIONLAR	millionlar	6 ta
8		o‘n millionlar	7 ta
9		yuz millionlar	8 ta
10	MILLIARDLAR	milliardlar	9 ta
11		o‘n milliardlar	10 ta
12		yuz milliardlar	11 ta
13	TRILLIONLAR	trillionlar	12 ta
14		o‘n trillionlar	13 ta
15		yuz trillionlar	14 ta
16	KVADRILLIONLAR	kvadrillionlar	15 ta
17		o‘n kvadrillionlar	16 ta
18		yuz kvadrillionlar	17 ta

Sonlar chapdan o‘ngga qarab yoziladi va o‘qiladi.

Sonlarni o‘qishda quyidagi ikki qoidaga rioya qilish zarur:

1) uch xonali sonni o‘qish uchun katta xonadan, ya’ni yuzlar xonasidan boshlab, uning har bir xonasining nomi ketma-ket aytib chiqiladi. Masalan:

125 – bir yuz yigirma besh; 403 – to‘rt yuz uch;

2) uchtadan ortiq raqamlar bilan yozilgan sonlarni o‘qishda, avval, ularni o‘ngdan boshlab chapga qarab sinflarga ajratish kerak. So‘ngra har bir sinfning nomini chapdan o‘ngga qarab aytish kerak.

Masalan: 7 125 346 408 – yetti milliard bir yuz yigirma besh million uch yuz qirq olti ming to‘rt yuz sakkiz.

1 234 567 890 123 – bir trillion ikki yuz o‘ttiz to‘rt milliard besh yuz oltmish yetti million sakkiz yuz to‘qson ming bir yuz yigirma uch.



9 987 654 321 123 456 789 – to‘qqiz kvintillion to‘qqiz yuz sakson yetti kvadrillion olti yuz ellik to‘rt trillion uch yuz yigirma bir milliard bir yuz yigirma uch million to‘rt yuz ellik olti ming yetti yuz sakson to‘qqiz.


### “Kenguru – matematika musobaqasi” loyihasi

Kenguru – bu xalqaro matematiklar musobaqasi. Ushbu tanlovning shiori


“Matematika hamma uchun”. Shuning uchun unda 2 – 11-sinf o‘quvchilarining barchasi qatnashi-shi mumkin. Tanlovning vazifalari shunday tuzilganki, bunda har bir o‘quvchi o‘zi uchun qiziqarli savollarni topishlari mumkin. Har yili mart oyida o‘tkaziladi. Imtixon o‘tkazish vaqti 1 soat 15 daqiqa davom etadi. Tanlov vazifalari 2 – 4-sinf bolalari uchun 24 ta savoldan iborat bo‘lib, 5 – 10-sinf bolalari uchun esa 30 ta vazifalardan tashkil topadi. Har bir savolga bor-yog‘i bitta to‘g‘ri javob mavjud. Vazifalar uch darajaga bo‘lingan. 3 ball – oson, odatda, kulgili vazifalar, 4 ball – maktab dasturiga yaqin vazifalar, 5 ball – qiyin, chuqur fikrlashga undaydigan vazifalar. Belgilangan vazifaning doirasi va mazmuni uning to‘liq bajarilishini talab qilmaydi. Vazifa savollari maktab dasturidan tashqari savollardan ham tashkil topishi mumkin.

Bu 2-sinf o‘quvchilari uchun berilgan topshiriqlar:

Qaysi shaklning yuzi eng katta?



Devordagi to‘g‘ri-to‘rtburchak naqsh ikki xil plitkadan tashkil topgan: kulrang va chiziqli. Bir nechta plitka devordan to‘kilib tushdi (rasmga qarang). To‘kilib tushgan plitkalardan nechtasi kulrang bo‘lgan?



A) 9 B) 8 C) 7 D) 6 E) 5

Loyiha asosida tashkil etiladigan darslar o‘qituvchidan darsni tashkiliy jihatidan puxta o‘ylangan, sifatli, ishchanlik muhitida, o‘quvchilarni jarayonga qiziqтира oladigan tarzda loyihalay olishni talab etadi. O‘quv jarayonini loyiha asosida tashkil etishda o‘qituvchi faollikda ish yurituvchi emas, balki keng qamrovli ijodkor pedagog rolini o‘tashi talab etiladi. O‘qituvchi loyiha rahbari sifatida yuqori madaniyatli, ijodkor, izlanuvchan, tashkilotchi bo‘lmog‘i kerak. Loyihalar shunday tuzilishi kerakki, u o‘quvchi shaxsiga qaralib, uning shaxsiy rivojlanishiga xizmat qilishi lozim. Loyihalar asosida o‘quv jarayonini tashkil etishda o‘qituvchi fidoyilik ko‘rsatishi, o‘quvchini ruhlantirishi, ularni qiziqtirish orqali pirovard maqsadga erishishi talab etiladi

**Абдурахманова Хилола Рахматуллаевна (Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали ўқитувчиси)  
ҲОЗИРГИ ЗАМОН РУС АДАБИЁТИ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақола адабиёт дарсида ўқув жараёнини ташкил этишининг энг самарали ёндашувларини излаш зарурлигини асослайди. Адабиёт дарсинг баъзи муаммоларини анъанавий равишда шакллантиришига мурожаат қилиб, замонавий ижтимоий-маданий ва маърифий вазиятга нисбатан янги ечим таклиф қилади. Мактабнинг “Адабиёт” фани бошқаларга қараганда кўпроқ ўқувчини борлиқ ва ундаги шахс ҳақидаги универсал билим билан таништиради.

**Аннотация.** В данной статье аргументируется необходимость поиска наиболее эффективных подходов к организации учебного процесса на уроке литературы. Литература предлагает новое решение современной социокультурной и просветительской ситуации, обращаясь к традиционной постановке некоторых проблем курса. Школьный предмет «Литература» знакомит больше учеников, чем кто-либо другой, с универсальным знанием бытия и человека в нем.

**Annotation.** This article argues for the need to look for the most effective approaches to organizing the learning process in a literature class. The literature offers a new solution to the modern socio-cultural and enlightenment situation, addressing the traditional formulation of some of the problems of the

course. The school's "Literature" subject introduces more students than anyone else to a universal knowledge of being and the person in it.

**Калим сўзлар:** адабиётнинг вазибалари, дарснинг когнитив жиҳати, ривожланиш салоҳияти дарс, мақсадни белгилаш, дарс тузилиши, тизимни ўйлаш.

**Ключевые слова:** задания по литературе, познавательный аспект урока, потенциал развития урока, постановка цели, структура урока, системное мышление.

**Key words:** tasks of literature, cognitive aspect of lesson, development potential lesson, goal setting, lesson structure, system thinking.

Маълумки, ҳар қандай дарс вақтнинг барча жиҳатларга жавоб берадиган мураккаб, динамик, жонли, ноёб ходисадир. Бугунги адабиёт дарслари том маънода бутун бир қаторга сиқиб қўйилди. Қарама-қаршиликлар, бир томондан, тамойиллар, ғояларнинг ўзаро таъсири жараёнларини кучайтириш, турли фанларда фаолият юритадиган ҳақиқатнинг турли хил суръатлари, таълимдаги мета билимларнинг устуворлиги, турли хил таълим стратегияларининг ҳужуми, иккинчидан, адабиёт мавзусини ажратиш ҳавфи, бир томондан, идрок тури ва дунёни англаш усуллари ўзгарган замонавий мактаб ўқувчиси, бошқа томондан, эскирган моделлар доирасида қулфланган таълимнинг эски усуллари ва усуллари, таълим тизими ва бошқа омиллар шулар жумласидандир.

Ҳеч шубҳа йўқки, ўспирин мактаб ўқувчисининг кадриятлар йўналишлари тизими, кўплаб хатти-ҳаракатлар меъёрлари ва тамойиллари, унинг эҳтиёж-мотивацион ва эмоционал-иродавий доираси ва ёш табақаланиши ўзгарган. Замонавий мактаб ўқувчиси объектив равишда 20 йил олдинги каби эмас. У сўзга ишонмайди, лекин уни текширади, пассив маълумот истеъмол қилмайди, лекин шубҳаланади, баҳслашади, ўзи кўп саволларига жавоб излайди.

Янги таълим стандартларининг асосий ғояси – бу маълум билимларни эмас, балки самарали ва мустақил ўзлаштириш усулларини, билим билан ҳаракат қилиш усулларини, турли билим чегараларидаги ҳаракатларни, ностандарт вазиятларда ўргатиш ғояси, очиқ муаммоларни ҳал қилиш, башорат қилиш, тезда ҳаракат қилиш, ташаббусни қабул қилиш, вариантлар майдонида ҳаракат қилиш қобилияти. Ушбу қарама-қарши, айни пайтда, диалогик маконда мактабда Адабиёт фанининг предмети ҳам мазмуни, ҳам услубий жиҳатдан ўзгариши кераклиги аён бўлади. Адабиёт дарси, бир томондан, урф-одатларга бўйсунди ва ўзига хос қонуният ва қонуниятларга эга, бошқа томондан, тарихий вақтга боғлиқ бўлиб, ҳар қандай янги таълим шароитида у янги адабий ва услубий таркиб билан тўлдирилади.

Адабиёт дарсининг когнитив жиҳати деярли учта таркибий қисмдан иборат: филологик (маҳсус) билим, маданият ва инсон (мета субъект билимлари). Маҳсус билимларга, авваломбор, бадиий адабиёт, яъни матнлар йиғиндиси ёки уларнинг билимлари қиради. Бизда адабиёт ривожланишининг ҳар бир босқичидан олинган парчалар мавжуд. Филологик билимларга назарий ва адабий маълумотлар ҳамда тарихий ва адабий билимлар (ёзувчилар, шоирларнинг таржимаи холи, адабий ходисалар) қиради. Шунингдек, уларга тил ҳақидаги лингвистик маълумотлар, агар бадиий матн зарур бўлса, мифологик ва фольклористик билимлар қўшилади. Шунга қарамай, маданият бу адабиёт учлигининг етакчисидир. Адабий таълимнинг мазмуни маданиятдир, чунки “матн маданий хотиранинг конденсаторидир”.<sup>1</sup>

Бадиий адабиёт маданий маълумотларнинг энг муҳим манбаи бўлиб, масалан, урф-одатлар, турли халқларнинг турмуш тарзи, тарихий фактлар ва воқеликлар, тушунчалар, маданий мерослар, рамзлар ва ҳ.к. Бу маълум маънавий кадриятлар тизимидир. Улар орасида бутун инсониятга хос бўлган кадриятлар, шунингдек, миллий кадриятлар мавжуд, масалан, рус одамлари учун булар Масленница, креп, Василиса Гўзал, Иван Аҳмоқ, қайин дарахти ва бошқа белгилар билан. Айнан маданият аломатлари инсоннинг экзистенциал макони ва адабиётнинг бадиий маконини тўлдиради, унинг шахсиятини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги адабиёт дарсининг билим жиҳатининг кўлами жуда катта. Маданият ва адабиётда тўпланган билимлар массиви шу қадар каттаки, у мактаб ўқувчилари учун шунчаки қизиқарсиз бўлиб чиқади.

“Агар инсон ўз “маданий маконини” маданий белгилар билан тўлдирилган маконда қуриш во ситасига эга бўлмаса, у ҳолда у чексиз маданий ахлатга айланади...”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Y.M.Lotman. Semiosfera [Semiosphere]. St. Petersburg, Iskustvo – SPB, 2000, 704 p.

<sup>2</sup> Т.Бабушкина. Одушевляющая связь. СПб., 2009, 160 с.

Билим ўз натижасини бермайди. Биз талабани ўтган асрлар адабиёти дунёсига таништириш учун кўлимиздан келганича ҳаракат қилмоқдамиз, аммо натижа кутилгандай бўлиб чиқмаяпти. Бола жуда кўп маълумот олганда, ортиқча маълумот юкланади, бу унинг билимларни идрок этиш ва ўзлаштириш қобилиятига салбий таъсир қилади. Ахборотнинг ҳаддан ташқари юкланиши мотивация даражасини пасайтиради. Бундан ташқари, замонавий мактаб ўқувчиси “рақамли” бўлиб, маълумотни бутунлай бошқача тарзда танлайди ва қайта ишлайди. Бугунги кунда у муаллиф ёки ўқитувчидан кейин сатрма-сатр ёзув олиб боролмайди ёки чекланган маълумотдан фойдаланган ота-онаси сингари, китобни бошидан охиригача аста-секин ўқий олмайди. Интернетнинг ривожланиши “тармоқ онгидаги болалар”нинг тизимли бўлмаган тасаввурга эга бўлишига олиб келди. Р. Гросснинг фикрига кўра, “...фақат ҳозир, бизнинг давримизда, инсониятнинг бутун тарихида тўп-ланган улкан билим, донолик ва гўзаллик захираси ҳар биримиз учун мавжуд бўлиб, амалда талабга биноан фойдаланилади”.<sup>1</sup>

Ўқувчи билим олишни исташи учун қандай қилиб билим бериш керак? Бугунги кунда филолог шуни тушуниши керакки, улкан адабиётларни етказиб беришдан кўра муҳимроқ нарса бу етказиш ёки тақдим этиш усули бўлиб, у орқали бола шу чуқурликка кириб, ўзи учун ундан нимадир олиши мумкин. Биз ҳажмни таъқиб қилишни, адабий материални ўрганишда хронологияга қатъий риоя қилишни фойдасиз деб биламиз. Яхшиси, сезилмай, лекин мулоҳаза билан болага турли даврлар, замонлар, жанрлар, исмлар, ҳодисалардан бирон-бир нарсани “тушунтириш”, буларнинг ҳаммасини матн билан ва ҳаётнинг ўзи билан моҳирлик билан боғлаш ва уни бирлаштириш иборат. Бундай ҳолда билим занжирларда, турли хил ва кутилмаган тарзда, ўзаро боғлиқ оқимлар натижасида ҳосил бўлган бир қатор ўзаро боғлиқликлар билан боғланиши мумкин.<sup>2</sup> Шуниси эътиборга лойиқки, Л.Сурова 90-йилларда ёзилган “Православ мактаби бугунги кунда” китобида ушбу ҳодисага ишора қилиб, 7 ёшдан 10 ёшгача боланинг руҳи билимларнинг тизимли тўлиқлигига эҳтиёж сезмайди.<sup>3</sup> Бу ёшдаги болалар учун қатъий хронологик кетма-кетлик керак эмас. У билимларни асоциатив равишда ўзлаштириши мумкин.

Ўқувчиларда адабиётга доимий қизиқиш уйғотиш, ўқишга бўлган ижобий ҳиссий муносабатни доимо кўзгатиш, талабанинг интеллектуал ва эстетик эҳтиёжларини рағбатлантириш зарурдир.

Мактабда ўқув жараёнини такомиллаштириш учун муваффақиятли ўрганиш учун қулай замин яратиш керак. Дарс на ўқувчи, на ўқитувчи учун оғир бўлмаслиги керак. Талаба ва ўқитувчи бир-бирига боғланган иккита куч бўлиб, улар бир йўналишда ҳаракат қилишлари керак.

Қизиқмаган иш охир-оқибат одам учун нафратга айланади. Мактаб шароитида бу энг ёмон нарса. Ўқишга қизиқишнинг етишмаслиги болаларда интеллектуал бефарқликни келтириб чиқаради. Дарс қанчалик яхши ташкил этилган бўлмасин, унга муҳим илмий ва бадиий маълумотлар берилмас эди, аммо агар болаларда ушбу мавзуга доимий қизиқиш шаклланмаган бўлса, ўқитувчи кўзланган мақсадга эриша олмайди. Зеро, тренинг ўқувчининг ишлашга тайёрлигини, яъни ҳар хил иш турларини бажариш учун зарур бўлган иродавий ва интеллектуал саъй-ҳаракатларини сафарбар қилишни, мустақиллик ва ташаббускорликни белгилайди. Ҳақиқатан ҳам, адабиётга қизиқиш бўлмаган жойда талабаларнинг самарали ривожланиши, уларни бадиий сўз ёрдамида тарбиялаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Қизиқиш – бу шахснинг билим эҳтиёжларининг намоён бўлишининг бир тури, унинг фаолиятининг ички стимулятори. Таълим қизиқиши, унинг ўрни ва тузилишини ўрганган С.Л.Рубинштейн, И.Шчукин, Л.И.Божович, М.Ф.Беляев ва бошқа таниқли олимларнинг асарларида таълим қизиқишлари барча психологик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиши, таълимни идрок этишни осонлаштириши ишончли исботланган. Талабанинг қизиқиши, диққат, хотираси, тафаккури туфайли фаоллашади. Агар ўқувчилар, масалан, адабиётни яхши кўрсалар, улар синфда турли хил ўқув машғулотлари билан осонликча шуғулланишади, фаол ишлашади, ўқув жараёнида озроқ чарчайдилар, қизиқиш билдирадилар, уй вазифаларини бажонидил бажарадилар ва бадиий асарларни ўқишдан завқланишади. Яхши ўқиш истаги – бу бола учун табиий эҳтиёж. Келинг, болалар би-

<sup>1</sup> Драйден Г. Вос. Революция в обучении. Научить мир учиться по-новому. М., ПАРВИНЭ, 2003, 649 с.

<sup>2</sup> И.В.Сосновская, Островская В.В. Активизация работы с «нелинейным знанием» как мотивационный аспект современного урока. CredeExperto: междунар. электрон. науч.-пед. журнал, 2014, № 2, с. 277–287 (электронный ресурс). URL: <http://ce.ipkro-38.ru/wp-content/uploads/2014/03/sosnovskaya.pdf>

<sup>3</sup> Л.Сурова. Методика православной педагогики. Ч. 1, Педагогика. Школа. Человек. Клин, 2000, 63 с.

ринчи маротаба мактабга қандай қизиқиш билан боришини эслайлик. Шахс билимга чанқоқлиги билан ажралиб туради. Аммо унинг доимий бўлиши учун уни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, мустаҳкамлаш, йўл-йўриқ кўрсатишингиз керак.

Адабиёт – бу кўп асрлик тарихи жараёнида тўпланган ижтимоий онг шаклларида бири, халқнинг ахлоқий тажрибасининг аккумулятори. Тил мутахассиси вазифаси ҳар бир дарсни ҳаётда дарсга айлантириш, талабани ғоявий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан шахс сифатида шакллантиришидир. “Адабиёт дарси, – таъкидлайди Сухомлинский, – ўспирин ўз ҳаёт йўли, унинг бугунги ва келажги ҳақида ўйлайдиган асари бўлиши керак. Адабиёт дарси тарбияланаётган кишига тўғридан-тўғри мурожаат қила олади”.

Адабиёт дарсларини тўғри қуриш учун унинг сўз санъати сифатида қандай функционал роли ва қайси вазифалари мактаб шароитида энг муҳим эканлигини ҳисобга олиш керак. Бадиий адабиёт кўп функционалдир. Энг муҳими, унинг бундай функциялари: таълим, когнитив, коммуникатив ва ҳедонистик (юнонча – завқ). Ушбу функцияларнинг ҳар бири маълум даражада ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Бадиий асарнинг ўқувчиларга таъсири уларнинг қайси бири афзал бўлишига боғлиқдир. Мактабда адабиётнинг тарбиявий функциясига алоҳида эътибор берилиши керак. Қачонки, агар асарларни ўрганиш жараёнида болалар инсон феъл-атворини, ҳаракатларини, одамлар ўртасидаги муносабатларни, ҳаётнинг мазмунини англай олсалар, асар моҳиятини тушунган бўладилар. Бироқ ҳозирги кунда адабиётнинг когнитив функцияси, кўпинча, универсал бўлиб келмоқда. Шу сабабли бадиий адабиётни ўрганиш, кўпинча, ўқувчининг ҳис-туйғулари ва қалбидан кўра кўпроқ хотира ва онгга йўналтирилади. Кўпгина филологлар ўзларининг саъй-ҳаракатларини, асосан, талабалар бошларини фактлар, саналар, қаҳрамонларнинг хусусиятлари, назарий ва адабий тушунчалар билан “тўлдиришга” йўналтиришади. Бундан ташқари, концепция, асосан, мактаб ўқувчилари томонидан ўрганилади ва баъзи бир асарларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳолда аста-секин тушунилмайди.

Филолог учун энг қийин нарса–болани асар муаллифи билан бир хил тўлқин узунлигида созилаш, дарсда мулоқотни “ҳамжиҳатликда” ташкил этиш йўлини топишидир. Ўқитувчи режиссиёр бўлиб, агар у дарс майдонини тўғри ташкил этса, у ҳолда резонанс пайдо бўлиши ва ўқувчи ҳаётида муҳим кашфиётга айланади.

### **Абзоиров Тохир Йўлдошев (Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали ўқитувчиси) ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация.** Ушбу мақола ўқувчиларга билим беришда мустақил таълимнинг ўрни ва аҳамияти, таълимни ташкил этиш борасидаги фикр мулоҳазалар, маълумотлар, мустақил таълимнинг турлари, ташкил этиш усуллари, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришда таъсир қилувчи омиллар келтирилган.

**Аннотация.** В статье представлены роль и значение самостоятельного обучения в обучении студентов, мнения об организации обучения, информация, виды самостоятельного обучения, методы организации, факторы, влияющие на усвоение знаний студентами.

**Annotation.** This article presents the role and importance of independent learning in educating students, feedback on the organization of education, information, types of independent learning, methods of organization, factors influencing the acquisition of knowledge by students.

**Калим сўзлар:** мустақил таълим, мустақил билим, мустақил ўқиш, таълим, мотив, ўзлаштириш, ўқув кўникмалар, мустақил фикрлаш, сифат, самардорлик.

**Ключевые слова:** самостоятельное обучение, независимые знания, самостоятельное чтение, обучение, мотивация, овладение, навыки обучения, независимое мышление, качество, эффективность

**Key words:** independent learning, independent knowledge, independent reading, learning, motivation, mastery, learning skills, independent thinking, quality, efficiency.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидори, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга

оширилди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Талабларга юқори даражадаги билимни ўқув аудиториясидаги машғулотлар тўлиқ бера олмайди. Буни амалга оширишда мустақил ўқув фаолияти тўлдирувчи, ривожлантирувчи вазифасини бажаради.

Хусусан, таълим тизимининг энг юқори қатлами бўлмиш умумий ўрта таъли тизимида ўқувчиларда мустақил таълимни ташкил этиш жуда муҳим масалалардан биридир. Шу ўринда мустақил таълим тушунчасига изоҳ бериб ўтсак.

Мустақил таълим – олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, кўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шаклидир.<sup>1</sup>

Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади

Мустақил таълим концепцияциялар бўйича кўплаб таклиф қилинган таърифларидан В.И. Андреевнинг таърифи аниқ ва тўғри қабул қилинади ва мустақил таълим шаклини белгилайди.

Ўқитувчининг бевосита ёки билвосита раҳбарлиги остида олиб бориладиган ўқувчиларнинг ўқув фаолияти, бу даврда ўқувчилар, асосан, билим, кўникма, малакаларни ва шахсий фазилатларни ривожлантириш мақсадида ҳар хил турдаги вазизаларни ёки тўлиқ мустақил равишда бажардилар.<sup>2</sup>

Мустақил таълим бажаришнинг куйидаги турлари ва шакллари мавжуд:

– мустақил таълим (ўқитиш шаклига қараб) бўлиши мумкин: индивидуал, гуруҳ, жуфтлик, фронтал;

– мустақил таълим (мақсадга қараб) бўлиши мумкин: таълим бериш, ўқитиш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш, ижодий, назорат;

– мустақил таълим (иштирокчилар сонига қараб) бўлиши мумкин: жамоавий (бутун жамоа қамраб олинган), гуруҳ (2 кишилик гуруҳлар) ва ундан кўп ўқувчилар), индивидуал (бир киши).

Мустақил таълим (ижро этиш) бўлиши мумкин: синф, синфдан ташқари. Шунингдек, бу мустақил ишларнинг барча турлари ва шаклларида қўлланилмайди. Аммо, ҳеч бўлмаганда, буларни билиб, хулоса қилишимиз мумкинки, мустақил таълим концепцияси фақат назорат вазифаларининг бажарилишини англамайди. Мустақил таълим концепциясининг асосий вазифаси, талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш нимадан иборатлигини ва унинг қандай олиб борилишини аниқлаб олиш керак. Мустақил таълимни ташкил этиш – бу ўқитувчининг талабалар томонидан муайян вазифаларни ўз вақтида ва муваффақиятли бажариши учун зарур бўлган педагогик шaroитларни яратишга қаратилган ҳаракатларидир.

Мустақил ишларни бажариш ва мустақил таълимнинг ижобий хусусиятлари олимлардан В.И. Андриянованинг ўзбек мактабларининг 5–6-синфларида рус тили дарсида мустақил иш бажаришни ўргатиш, О.Б. Бердиеванинг геометрия таълимида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси, Э.И. Закиновнинг 6–8-синфларда мустақил ишларни ташкил қилишнинг педагогик асослари, Ў.Н. Султонованинг физикадан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси, Ш.Юнусованинг ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини шакллантириш, З.Нишонава, Ж.Толипова ва Н.Халиловларнинг мустақил таълим шакллари ҳақидаги тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Педагог олим С.Матжоновнинг тадқиқот иши ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишга бағишланган бўлиб, унда дарсларда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма ижодий ишларини ташкил этиш масалалари тадқиқ қилинган. Зеро, маънавий баркамол авлодни шакллантиришда ижодий ишлар ва мустақил фаолият юритиш ўз-ўзидан эркин тафаккурни талаб қилади. Мустақил тафаккур, ўз нуқтаи назарига эга бўлмаган ўқувчи ижодкор бўла олмайди, мустақил фаолият юритолмайди.

<sup>1</sup> Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўракулов. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т., «Фан ва технологиялар», 2009, 355-бет.

<sup>2</sup>Формирование универсальных учебных действий в основной школе: от действия к мысли. Система заданий: пособие для учителя. Под ред. А.Г. Асмолова. М., “Просвещение”, 2010, 159 с.

Ҳар бир ўқитувчи ўзининг тематик режалаштиришларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари-ни ташкил этишнинг асосий турлари ва шакллари белгилаши керак, бу материални ўрганишда мантқан далолат беради. Дарсни режалаштиришда ўқитувчи талабалар мустақил ишининг дарс таркибидаги ўрни, топшириқлари, топшириқларни бажариш учун ажратилган вақтни, дарс давомида талабаларнинг мустақил таълим қандай қўлланиши ва нимага туртки беришини белгилаши, шунингдек, барча услубий ва дарсда ишлатиладиган дидактик ўқув қўлланмалари инобатга олиши керак. Ўқитувчи доимо ёдда тутиши керак бўлган асосий нарса мустақил ишларни бажариш вақтини тўғри ҳисоблашдир. Бу эрда аниқлик киритиш керак бўлган нарса – бу мустақил таълим шаклидир, яъни назорат, синов ва бошқалар.

Биз, шартли равишда, тажрибамиздан келиб чиқиб, мустақил ишларни уч турга ажратишни тавсия қиламиз:

1. Ёзма мустақил топшириқларга қуйидагилар қиради: ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва тақрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш, турли организаёрлар асосида талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқалар.

2. График мустақил топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: турли лойиҳаларни тайёрлаш, чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва ҳоказо), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, қузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

3. Амалий характердаги мустақил топшириқларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин: талабалар ўқитувчининг топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширадидлар.

Мустақил ишлар индивидуал-дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга бўлинади:

- билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда ўқувчилар мақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар – ахборотлар, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади;

- ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш, қайта иш-лашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади;

- аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиладиган вазифалар берилади;

- ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар. Бунда янги ёки олдиндан маълум бўлса-да, ун-гача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади. Бу-гунги кунда малакали мутахассис тайёрлаш жараёнини мустақил ишларсиз тасаввур қилиб бўл-майди. Чунки айнан мустақил ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларда танкидий, ижодий фикр-лаш рефлекслари ривожлантирилади.

Умумий ўрта мактаб таълим тизимида таълим беришнинг асосий вазифаси ўқувчига билим беришдан иборатдир. Яъни, таълим тизимини ташкил этишда узокни кўзлаган ҳолда самарали дарс жараёнини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Бола мактабга борганида, одатда, унинг иккита асосий истаги бор бўлади, яъни ўсиш ва аъло баҳога ўқишдан иборат. Бироқ турли хил муаммолар туфайли бола мактабда олган билимла-рини олишга тайёр бўлмаслиги, бу мактабгача тайёргарлик ёки унинг ўзига хос хусусиятлари би-лан боғлиқ бўлиши мумкин. Боланинг миясида кўп миқдордаги асаб толалари бор, шунинг учун у ҳамма нарсани осонликча ўрганади ва ўзлаштиради. Боланинг ёши каттароқ бўлган сайин, унда асаб толалари камаёди ва уни ўрганиши шунчалик қийинлашади.

6–7 ёшли бола қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:

1) диққатни жамлаш;

2) 1–5 дақиқагача бошқа фаолиятга чалғимаслик;

- 3) бегона огохлантиришларга эътибор бермаслик;
- 4) вазифаларни бирин-кетин бажариш;
- 5) бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тезда ўтиш қобилияти .

Мақтабгача ёшда бола губка бўлиб, у ҳамма нарсани ва катта тезликда сўрилади, шунинг учун болалар тарбияси ва таълимида ушбу ажойиб ва ривожланишга қулай вақтни ўтказиб юбормаслик жуда муҳимдир. Бундан келиб чиқадики, агар мақтабгача ёшда болада ушбу кўникмалар ривожланган бўлса ёки ҳеч бўлмаганда, уларнинг пойдевори кўйилган бўлса, уни мустақил равишда ўқитишга ўргатиш осонроқ бўлади.

Хулоса қилинганда, ўқувчига мустақил равишда ўқишга қуйидагилар тўсқинлик қилади: мотивациянинг етишмаслиги, ўрганишга қизиқишнинг йўқлиги, билим олишдаги бўшлиқлар (ўқитувчилар ва ота-оналарнинг эътиборсизлиги), мактабдан ташқари қизиқишлар (глобал интернет, ижтимоий тармоқлар, дўстлар билан узок вақт юриш ва бошланғич дангасалик ва бошқалар), мустақил таълимнинг адолатли кўникмаларининг етишмаслиги кабилардир. Шунга кўра, бола яхши ва завқ билан ўрганишни бошлаши учун, бунга халақит берадиган нарсани тузатиш керак.

Албатта, агар бола мустақил ишлаш кўникмаларига эга бўлса, дарсларни қолдирмаса, масъулият, интизом каби фазилатларга эга бўлса, яхши ривожланган тасаввурга эга ва муваффақиятли таълим фаолияти учун мотивация қилинган, у билан унинг ёши ва ақлий ривожланишига мос келадиган ҳар қандай мустақил фаолиятни ташкил қилиш жуда осон. Аммо, кўпинча, ҳаётда ва амалда бу камдан-кам ҳолларда рўй беради, бу эрда инсон омили асосий роль ўйнайди.

**Zokirov Ulug'bek Murodjon o'g'li (Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Jismoniy madaniyat kafedrasida o'qituvchisi; [goldman.ulugbek@gmail.com](mailto:goldman.ulugbek@gmail.com))**

### **OLIIY PEDAGOGIK TA'LIM TIZIMIDA AXBOROT-KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARNING O'RNI**

***Annotatsiya.** Maqolada oliy pedagogik ta'lim tizimida kompyuter texnologiyalari yordamida axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish bo'yicha o'tkazilgan tadqiqot natijalari ko'rsatilgan. Axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirishda axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish metodlari batafsil yoritib berilgan.*

***Аннотация.** В статье представлены результаты исследования по развитию информационно-коммуникативной компетентности с помощью компьютерных технологий в системе высшего педагогического образования. Подробно рассмотрены методы эффективного использования информационных технологий в развитии информационно-коммуникативной компетентности.*

***Annotation.** The article shows the results of research on the development of information and communicative competence in the higher pedagogical education system using computer technologies. Methods of effective use of information technologies in the development of information and communicative competence, detailed coverage is given.*

***Kalit so'zlar:** axborot texnologiya, internet, kompetentlik, kompyuter.*

***Ключевые слова:** информационные технологии, интернет, компетентность, компьютер.*

***Key words:** information technology, internet, competency, computer.*

Hozirgi axborot texnologiyalari davrida kompyuter dasturlaridan foydalanmasdan turib, ta'lim sohalarini isloh qilib bolmaydi. Umumiy o'rta ta'lim maskanlarida, akademik litsey va kasb-hunar kollejlarida hamda oliy ta'lim muassasalarida axborot texnologiyalaridan foydalanish davr talabi bo'lib kelmoqda. Ta'limning har bir sohasida tizimli ravishda axborot texnologiyalaridan foydalanish ta'lim sohalarini vaqtdan unumli foydalanish, aniqlik bilan hujjatlarda ishlash, osonlilik, qulaylik kabi imkoniyatlarni yaratib beradi. Oliy pedagogik ta'limda axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish har bir professor-o'qituvchi va talabalarning vazifalaridan biri bo'lib kelmoqda. Binobarin, oliy ta'limning pedagogika institutlari hamda universitetlarida axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish uning o'ziga mos xususiyatlaridan biridir. Oliy pedagogika ta'limida internet tarmog'idan foydalanish ko'plab ma'lumotlar bazasi bilan ishlash imkonini beradi.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Лебедева М.Б., Шилова О.Н. Что такое ИКТ, компетентность студентов педагогического университета и как ее формировать? "Информатика и образование", 2004, № 3, с. 95 – 100.

Oliy pedagogik ta'lim magistrilarida ham axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish ta'lim sohasining rivojlantirishning asosi desa, aniqroq bo'ladi. Chunki oliy pedagogik ta'limda asosiy sifat ko'rsatkichlarini magistratura mutaxassisligi ta'minlab keladi. Ilmiy tadqiqot ishlari va ilmiy-pedagogik ishlarini bajarilish ko'rsatkichlari bakalavr mutaxassisligiga nisbatan 60% yuqori ko'rsatkichda bo'ladi. Bakalavriat ta'lim yo'nalishi mutaxassislarida axborot-kommunikativ kompetentlik shakllangan darajada bo'lib rivojlanish bosqichiga o'tishga tayyor bo'lishi kerak, ya'ni 3 yoki 4 yil o'qish mobaynida. Magistratura mutaxassislarining axborot-kommunikativ kompetentligi shakllanganlikdan rivojlanganlik bosqichida umumiy tarzda tayyor bo'lishi kerakdir.

Ta'lim sohalarida axborot-kommunikativ kompetentlik professor-o'qituvchilarining kompyuter dasturlaridan, android telefonlardan, elektron doskalardan, zamonaviy proektorlardan unumli foydalana olishlari oliy ta'lim sohasining talablaridan biri hisoblanadi. Lekin axborot texnologiyalaridan shunchaki oddiylik bilan darsning ma'ruza, seminar, amaliy, laboratoriya mashg'ulotlarida foydalanish axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirmaydi.<sup>1</sup> Dars mashg'ulotlarida aniqlik bilan axborot texnologiyalaridan foydalanib, ta'lim oluvchiga bilimlarni aniqlik va tushunarlilik bilan yetkazib berish talab qilinadi.

Oliy pedagogik ta'lim tizimida axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika instituti, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti va Farg'ona davlat universitetlarida tadqiqotlar o'tkazildi. Tadqiqotlar, asosan, bakalavr mutaxassislari, magistratura mutaxassislari va oliy ta'lim bilim yurtining professor-o'qituvchilaridan olindi. Olingan tadqiqotlar ilmiy tadqiqot metodlarining nazariy tahlil va umumlashtirish, pedagogik kuzatish, matematik statistik, eksperiment va so'rovnomadan foydalanish metodlari asosida tashkil etildi. Tadqiqot mobaynida 116 ta bakalavriat, 101 ta magistrant hamda 56 ta professor-o'qituvchilar ishtirok etishdi. Jami o'tkazilgan tadqiqotga jalb qilingan sinaluvchilar soni 273 tani tashkil etdi. Matematik statistik metodlar yordamida oliy pedagogik ta'lim tizimida axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirishda, asosan, kompyuter dasturlari bilan sinaluvchilarni qanchalik samarali foydalanishlari hisobga olindi. Oliy pedagogik ta'lim tizimida axborot texnologiyalardan samarali foydalanish hozirgi davrning dolzarb masalalaridan biri bo'lib kelmoqda.

Tadqiqotda sinaluvchilarning matematik statistik ko'rsatkichlariga binoan, bakalavriat ta'limi yo'nalishlari talabalar kompyuter dasturlarining MS Office Word, MS Office Excel, MS Office Power Point, MS Office Publisher dasturlarida ishlashi 100% dan 46%ni tashkil etdi. Magistratura mutaxassisligi talabalarining kompyuter dasturlaridan MS Office Word, MS Office Excel, MS Office Power Point, MS Office Publisher foydalanishlari umumiy sinaluvchi hisobidan 100%dan 67%ni ko'rsatdi. Oliy pedagogik ta'limi, ya'ni Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika instituti, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti va Farg'ona davlat universitetlari professor-o'qituvchilarining kompyuter dasturlaridan MS Office Word, MS Office Excel, MS Office Power Point, MS Office Publisherdan foydalanish ko'rsatkichlari 100% dan 71%ni tashkil etdi. Bu ko'rsatkichlar oliy pedagogik ta'lim institutlari hamda universitetlarida qoniqarli, deb topildi.

Axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirishda kompyuter dasturlaridan mukammal tarzda foydalanmasdan turib natijaga erishib bo'lmaydi. Tadqiqotlar mobaynida so'rovnoma metodidan ham foydalanildi. So'rovnomada Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika instituti, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti va Farg'ona davlat universitetidan jami 150 nafar sinaluvchilar ishtirok etishdi. Tadqiqot mobaynida sinaluvchilarning yoshi, jinsi, ta'lim sohasida erishgan natijalari hisobga olinmadi. Tadqiqotda barcha sinaluvchilar bir xil nuqtayi nazar bilan hisobga olindi. So'rovnoma tuzishda, asosan, hozirgi zamonaviy kompyuter texnologiyalarni ishlata olish hamda internet saytlari kesimida axborotlarni samarali qabul qilish va ularni uzatish bo'yicha ilmiy-nazariy savollar tuzildi. So'rovnomadan foydalanishda ishtirokchilar ongillik va faollilik bilan chuqur o'ylanib, mushohada qilib savollarni belgiladi. Savollarga javob bergan sinaluvchilarning ismi, familiyasi ko'rsatilmagan turib tadqiqot tashkil etildi.

So'rovnomadan foydalanish metodi yordamida 10 ta so'rovnoma savollari tadqiqotda sinaluvchilarga taqdim etildi. Quyidagi 1-jadvalda so'rovnoma turlari, soni, hamda ko'rsatkichlarini ko'rishingiz mumkin.

---

<sup>1</sup> Zokirov U.M. Individual Features Of Development Of Information And Communicative Competence In Masters Of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations. № 3 (3), 486-491 (2021).



## Axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirishda olingan so'rovnomalar savollari

№	So'rovnomalar savollari	Javoblar	Ko'rsatkichi (%) da
1.	Axborot texnologiyalarini oliy pedagogik ta'limda kerak deb hisoblaysizmi?	Ha	69 %
		Yo'q	31 %
2.	Kompyuter dasturlarida yozishni va taqdimotlarni tuza olasizmi?	Ha	61 %
		Yo'q	39 %
3.	Kompyuter dasturlarida to'liq ishlash axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirishga yordam beradi deb hisoblaysizmi?	Ha	53 %
		Yo'q	47 %
4.	Hozirgi vaqtda oliy pedagogika ta'limida axborot texnologiyalarining ta'sirini tahlil qila olasizmi?	Ha	57 %
		Yo'q	43 %
5.	Pedagogikada axborot texnologiyalari yordamida darsdagi murakkab muammolar hal qilinadi deb o'ylaysizmi?	Ha	52 %
		Yo'q	48 %
6.	Kompyuter texnologiyalaridan foydalanishda axloqiy, huquqiy, ijtimoiy masalalarga ahamiyat berish zarurumi?	Ha	81 %
		Yo'q	19 %
7.	Axborot texnologiyalari yordamida axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish kasbga yo'naltirishda muhim rol o'ynaydimi?	Ha	56 %
		Yo'q	44 %
8.	Axborot-kommunikativ kompetentlikni rivojlantirish orqali o'zingizni kelajakda mohir pedagog bo'laman deb hisoblaysizmi?	Ha	77 %
		Yo'q	23 %
9.	Axborot texnologiyalariga mos keladigan matematika va hisoblash bo'yicha bilimlarni qo'llay olasizmi?	Ha	45 %
		Yo'q	55 %
10.	Internet tarmog'ida axborotlarni qabul qilib qayta jo'nata olasizmi?	Ha	85 %
		Yo'q	15 %

**Izoh:** ko'rsatkich foizlari sinaluvchilarning umumiy sonidan kelib chiqib jadvalga kiritildi.

Sanoq olishning bunday ketma-ketligida kam vaqt sarflanadi va uni qo'llashda kuzatuvchi o'z o'rin holatini nivelirga nisbatan uch marta o'zgartiradi. O'ng va chap chiziqlar bo'yicha olingan nivelirlash natijalar teng bo'ladi, chunki har bir chiziqda reykarlar bo'yicha sanoq olish navbat bilan amalga oshiriladi.

Reykadan olingan sanoqlarda subyektiv xatolar yo'qligini hisobga olsak, asbob gorizontini o'zgartirmasdan ham o'lchovlar amalga oshirilishi mumkin. Bu holda, o'ng chiziq orqa reyka bo'yicha (toq bekat) va o'ng chiziq old reyka bo'yicha (juft bekat) takroriy sanoqlar gorizont yopilishining bir turi bo'ladi. Agar o'lchovlarning bajarilishi vaqtida shtativ holati o'zgartirilmasa, u holda toq va juft bekatlarda OrO' va OIO'dan olingan takroriy sanoqlar o'lchovlarning aniqligi chegarasida bo'lishi kerak. Bu, ayniqsa, beqaror tuproqlarda, bekatda yuqori aniqlikdagi nivelirlash sifatini qo'shimcha nazorati bo'ladi.



3-shakl

**Poligonlar usulida I sinfni nivelirlash sxemalari:**

- 1, 2, 3, ..., n – umumiy o'tish nuqtalari;
- A, B, ..., n – o'ng va chap chiziqlar bo'ylab reykaning o'rnatish nuqtalari;
- a, b, c, ..., n – nivelirlash bekatlari.

Ushbu o'lchov dasturidan foydalanish, o'ng va chap chiziqlarda I sinf nivelirlash sxemasiga o'zgartirish kiritish imkonini beradi. Bu o'zgarishlar bevosita dalada o'lchov sifatini nazorat qilish va kerak bo'lganda kichik maydonda takroriy o'lchovlarni bajarish imkonini beradi. Ushbu o'zgarishning mohiyati shundan iboratki, har bir 2–5 nivelirlash bekatlardan keyin ikkita chiziq uchun umumiy bo'lgan o'tish nuqtasining o'rnatilishidir, bu nivelirlash jarayonida kichik poligonlarni hosil qilish imkonini beradi (3-shakl). Misol uchun, agar ikkita nivelirlash bekatidan keyin umumiy lashtirish orqali o'tish nuqtasi mahkamlangan bo'lsa, to'rtta nisbiy balandlikdan iborat poligon hosil bo'ladi (3 a-shakl), agar uchta bekatdan keyin bo'lsa, oltitadan nisbiy balandlikdan iborat poligon hosil bo'ladi (3 b-shakl) va hokazo.

Natijada Rp1 va Rp2 reperlar orasidagi nivelir yo'li kichik poligonlardan iborat bo'ladi (3 d-shakl). Misol uchun, agar 1–2 o'tish nuqtalari orasidagi poligondagi bog'lanmaslik qabul qilingan chekli xatolikdan yuqori bo'lsa, u holda Rp1 reperiga qaytmasdan ushbu 1–2 nuqtalar orasidagi o'lchovlari takrorlanadi. O'tish nuqtalarini mix qoqilgan 40–50 sm uzunlikdagi yog'och qoziqlar bilan mahkamlash qulay. Teskari yo'nalishda bu o'tish nuqtalaridagi qoziqlarni holatini o'zgartirmagan holda yana ulardan foydalaniladi. O'tish nuqtalarini bu usul bilan mahkamlash qumli hududlar uchun eng maqbulidir. Eng maqbul poligon to'rt yoki besh nivelirlash bekatlaridan iborat poligon bo'ladi (3 c-shakl). Bu holda, bunday poligonlar 1 km nivelirlash yo'lida hududning rel'efiga bog'liq holda 3–5 bo'ladi. O'ng va chap chiziqlar

bo'yicha nivelirlash natijalari mustaqil bo'ladi, o'tish nuqtalarida reykarlar nabbati bilan qoziqlar o'rnatiladi va sanoqlar soni bir xil.

Nivelirlash yollarining ushbu sxemasi mavjud ko'rsatmalar talablarini buzmasdan hozirgi kunda geodinamik poligonlarda qo'llanilishi mumkin, bu yerda davriy o'lchovlar olib boriladi va o'tish nuqtalari odatda uzoq vaqt saqlanadi.

**Ermanov Davron Raxmataliyevich (Alisher Navoiy nomidagi O'zbek tili va adabiyoti universiteti**

**Madaniyatlararo muloqot va turizm kafedrasini o'qituvchisi; davron.ermanov@gmail.com)**

## **IKKINCHI TILNI O'RGANISHDA HOSIL BO'LGAN MIYA HUDUDLARIDAGI KULRANG VA OQ MODDALAR HAQIQATDA IKKINCHI TILGA BOG'LIQMI?**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada miyadagi ikkinchi til bilan hamohang paydo bo'ladigan kulrang va oq moddalar ularning tarkibiy qismi, ikkinchi til erta yoshda o'rganilganda miyaning chap burchakli girusida zihroq hosil bo'lishi, ikkinchi til o'rganilishi chap oldingi singulat korteksi va o'ng o'rta temporal girusda kortikal qalinlik o'sishi va chap old singulat korteksidagi kortikal qalinlikning ortishiga olib keladi. Tilni 3 hil uslubda virtual, rasmlar va so'zlar yordamida til lug'at boyligi oshirilganda hosil bo'lgan kulrang moddalar aynan shu hususiyatlarga bog'liqligi miya tomografiyasi apparati yordamida tekshirildi. Shuningdek, maqolada subyekt guruhlari orasida kulrang moddalar va ularning zichligi orasida farqlar tekshirildi.

**Аннотация.** В статье речь идёт о сером и белом веществе мозга, которые появляются синхронно со вторым языком в мозгу, являются их частью. Это приводит к увеличению толщины коры в средней височной извилине и увеличению толщины коры в левой передней поясной коре. Зависимость серого вещества, образующегося при обогащении языка с помощью виртуальных, изображений и слов в 3-х разных стилях, проверялась с помощью аппарата томографии мозга. В статье также были рассмотрены различия между серым веществом и его плотностью между группами субъектов.

**Annotation.** In this paper, gray matter and white matter, which appear in sync with the second language in the brain, are part of them. It leads to an increase in cortical thickness in the middle temporal gyrus and an increase in cortical thickness in the left anterior cingulate cortex. The dependence of the gray matter formed when the language is enriched with the help of virtual, pictures and words in 3 different styles was checked with the help of brain tomography apparatus. The article also examined differences between gray matter and their densities between subject groups.

**Kalit so'zlar:** kulrang modda, oq modda, kortikal qalinlik, nevroplastiklik, serebrospinal suyuqlik, chap burchak girus, virtual muhitda o'rganish, singulat mintaqalar, putamenlar, pastki frontal girus, o'ng pastki parietal lobul, kognitiv nazorat qilish mintaqasi-o'ng dorsolateral prefrontal korteks, funktsional magnit resonans tomografiyasi.


**Ключевые слова:** серое вещество, белое вещество, толщина коры, нейропластичность, спинномозговая жидкость, левая угловая извилина, исследование виртуальной среды, поясная извилина, скорлупа, нижняя лобная извилина, правая нижняя теменная доля, область когнитивного контроля – правая правая дорсолатеральная префронтальная кора, функциональная магнитная резонансная томография.

**Key words:** gray matter, white matter, cortical thickness, neuroplasticity, cerebrospinal fluid, left corner gyrus, virtual environmental study, cingulate regions, putamen, lower frontal gyrus, right lower parietal lobe, cognitive control region-right dorsolateral prefrontal cortex, functional magnetic resonance imaging.


Xorijiy til va miya munosabatlarini o'rganish o'zbek tadqiqotchilari uchun yangi fanlardan biridir. Chet el nashrlarida bu soha tilning nevrobiologiyasi yoki nevrolingvistika deb nomlanadi. Hozirgi kunda tilshunoslar uchun nafaqat til va inson munosabatlari balki tilni o'rganish jarayonidagi miya qismlaridagi o'zgarishlarni o'rganish ham muhim bo'lib bormoqda. Bu izlanishlar xorijiy tilni miya uchun qulay tarzda o'rganish usullarini ochib berishi mumkin. Bu esa qaysi uslubda xorijiy tilni o'qitish muhimligini miya rezonans tomografiyasi (MRT), miyadagi oq va kulrang moddalar hajmini aniqlovchi jihozlar bilan olingan natijalar orqali belgilab olishda ahamiyatlidir.

Kulrang moddaning tuzilishidagi farqlarni to'g'ri tushunish va talqin qilish uchun miya anatomiyasi haqida ma'lumotga ega bo'lish va miyaning plastiklik prinsipini tushunish kerak.

Miya uchta asosiy to'qima sinfidan iborat: kulrang moddalar, oq moddalar va miya serebrospinal suyuqligi. Kulrang modda hujayralar tanasi va asab hujayralarining dendritlaridan iborat, oq modda esa ularning miyelinli va miyelinsiz aksonlaridan iborat.



Mechelli va boshqalarning asari asosida. bizga allaqachon ma'lumki, ikkinchi tilni o'rganish chap burchak girusidagi kulrang moddalarning zichligini o'zgartiradi.<sup>1</sup> Mechellining tadqiqot guruhi til o'rganishga yosh va malakaning ta'sirini aniqladilar: ikkinchi til qanchalik tezroq qo'lga kiritilsa va ularning ikkinchi tilni bilish darajasi qanchalik baland bo'lsa, kulrang moddalar chap burchak girusida shunchalik zichroq bo'lib chiqdi.



Chap burchakli girusning funksiyasini funksional magnit-rezonans tomografiyasi aparati yordamida funksional tasvirlash ishlaridan aniqlash mumkin. Masalan, Mechelli o'zining ikki tillilarni o'rganish bo'yicha tizimli magnit-rezonans tomografiyasi tadqiqotida topgan mintaqa og'zaki ravonlik paytida faollashadigan maydonga to'g'ri kelgan.<sup>2</sup>

Ikki til o'rtasida tarjima qilish ishlarini olib borish jarayonida miyada haqiqiy til elementlari ishga tushadi. Agar kortikal maydonlarni faollashtirish ushbu sohada kulrang moddalarning zichligini oshirsa, ya'ni mushak ishlatilganda zichlashsa, u holda biz tillar o'rtasida tarjima qilish funksional tasvirlash tad-

<sup>1</sup> Mechelli A., Crinion, J.T., Noppeney U., O'Doherty J., Ashburner, J., Frackowiak R.S., Price C.J. (2004). Neuro-linguistics: structural plasticity in the bilingual brain. *Nature*, 437(7010), 757. doi: 10.1038/431757a

<sup>2</sup> Warburton E., Wise R.J., Price C.J., Weiller C., Hadar U., Ramsay S., Frackowiak R.S. (1996). Noun and verb retrieval by normal subjects. Studies with PET. *Brain*, 119 ( Pt 1), 159–179.

qiqotlari bilan bog‘liq bo‘lgan joylarda kulrang modda zichligini o‘zgartirishi mumkinligini taxmin qilamiz. Masalan, Price va boshqa (1999) tarjima paytida singulat mintaqalari va oldingi miyaning pastki qismida joylashgan yumaloq tuzilishli putamenlarni ularning dam olish paytidagi holatlari bilan taqqoslaganda faolroq bo‘lishini aniqladilar.<sup>1</sup>

Xususan, ikkinchi tilni o‘zbek sinfida ikki semestrda o‘rganish kortikal qalinlik (KQ) va kulrang moddalar hajmi o‘zgarishini tekshirdi. Bizning topilmalarimiz shuni ko‘rsatdiki, ikkinchi tilni o‘rganishidan so‘ng chap oldingi singulat korteksi va o‘ng o‘rta temporal girusda kortikal qalinlik (KQ) o‘sdi va chap old singulat kortekstidagi kortikal qalinlikning ortishi, uning o‘rta temporal girusi bilan bo‘lgan funksional aloqasi bilan bog‘liq edi. Ushbu topilmalar ikkinchi tilning o‘rta darajadagi leksik rivojlanishi kognitiv kontrol va semantik ishlov berish uchun muhim bo‘lgan miya mintaqalarida ham funksional, ham tarkibiy o‘zgarishlar bilan bog‘liqligini ko‘rsatadi.

Qisqa muddatli ikkinchi til so‘z boyligini o‘rganish uchun turli xil o‘quv sharoitlariga javoban kortikal qalinlik va kulrang moddalar hajmidagi o‘zgarishlarni tekshirildi. Biz o‘rganish uchun tizimli o‘zgarishlarni rasm va so‘zlar assotsiatsiyasi bilan virtual muhitda o‘rganish va o‘qimagan nazorat guruhi bilan taqqoslanadi. Bizning natijalarimiz shuni ko‘rsatadiki, ikkala ikkinchi tilni o‘qitish guruhleri uchun tilni boshqarish tarmog‘iga aloqador bo‘lgan hududlarda kortikal qalinlik va kulrang materiya hajmi ko‘paygan va o‘ng pastki frontal girusdagi kortikal qalinlik ko‘rgazmali qurol sifatida ishlatilgan rasm-so‘z guruhi uchun ikkinchi tilni o‘qitish ko‘rsatkichlari bilan bog‘liq edi, o‘ng pastki parietal lobuladagi kortikal qalinlik esa virtual muhit guruhi uchun ikkinchi tilni o‘qitish ko‘rsatkichlari bilan ijobiy bog‘liqlikni ko‘rsatdi. Bizning topilmalarimiz shuni ko‘rsatadiki, qisqa muddatli ikkinchi tilni o‘qitish miya tuzilishidagi o‘zgarishlarga olib keladi, bu ikkinchi tilni o‘rganish kontekstlari va bilish qobiliyatidagi individual farqlar asosida o‘zgarib turadi.

Bizning xulq-atvorimiz natijalari ikkinchi tilni o‘rganish kontekstining funksiyasi sifatida ikkinchi tilni o‘rganish aniqligi uchun, umuman, ta’sir ko‘rsatmaydi. Tizimli magnit-rezonans tomografiya topilmalarimiz shuni ko‘rsatadiki, faqat virtual reallik guruhi so‘z-so‘z guruhiga nisbatan chap pastki parietal lob va oldingi singulat kortekstida kulrang materiya hajmining sezilarli darajada oshganligini ko‘rsatdi. So‘z-so‘z guruhi uchun ikkinchi til ko‘rsatkichi chap pastki frontal girusda kortikal qalinlik bilan, virtual reallik guruhida ikkinchi til ko‘rsatkichi o‘ngdagi oldingi singulat korteksda kulrang materiya hajmi bilan bog‘liq edi.

Umuman olganda, hozirgi maqola xulosalari ikkinchi tilni o‘rganish konteksti ikkinchi tilni o‘rganish samaradorligi va ikkinchi til tajribasiga bog‘liq neyropastiklikda muhim rol o‘ynaydi degan tushunchani qo‘llab-quvvatlaydi. Virtual muhitlar o‘rganish platformalari sifatida ko‘rgazmali qurollarsiz so‘z+so‘zga asoslangan ta’lim sharoitlariga nisbatan samaraliroq ekanligi ko‘rsatildi. Strukturaviy ravishda, chap oldingi singulat korteksi va pastki frontal girusda tajribaga bog‘liq bo‘lgan kulrang moddalar ko‘payishi dars faoliyatiga asoslangan, immersiv virtual reallik va so‘z-rasm ikkinchi til o‘quv sharoitlarida yuzaga keldi. Boshqa tomondan, virtual muhitda o‘rganish ikkinchi tilni samarali o‘rganishda funksional jihatdan bog‘liq bo‘lgan mintaqa pastki parietal lobdagi tarkibiy o‘zgarishlar bilan bog‘liq bo‘ldi. Ushbu maqola ikkinchi til o‘quv kontekstining beheyvorat ko‘rsatkichlariga va kulrang moddalar tarkibiga ta’siri bo‘yicha birinchi muntazam tekshiruvni taqdim etadi.

Kortikal qalinlik o‘lchovlari, shuningdek, ikki til o‘rtasida sinov asosida tillarni almashtirishni talab qiladigan rasmlarni nomlash topshirig‘i davomida funktsional faoliyat funktsional Magnit Resonans Imaging skaneri yordamida olindi. Natijalar shuni ko‘rsatadiki, ikkinchi tilni o‘zlashtirish yoshi (ammo til malakasi emas) kognitiv nazorat qilish mintaqa-o‘ng dorsolateral prefrontal korteksdagi kulrang moddalar tuzilishi bilan bog‘liq va kulrang moddaning kortikal qalinligi rasmlarni ikki til o‘rtasida nomlashda tilni almashtirishni talab qiladigan holatdagi funktsional faoliyat bilan bog‘liqdir. Ushbu natijalar til tajribasi ikki tilli miyaning funksional va asab bilan bog‘liqliklarni qanday shakllantirganligini tushunishga ta’sir qiladi.

Tasviriy tadqiqotlar natijalariga qo‘shimcha ravishda Mechelli va boshqa (2004) chap va burchakli girusda erta yoshli, yuqori malakali ikki tillarda kulrang moddalarning zichligini aniqladi. O‘zlashtirish yoshi, malaka darajasi va hududiy kulrang moddalar zichligi o‘rtasida ijobiy korrelatsiya aniqlandi.

Subyektlarning sog‘lom populatsiyasida miya hajmidagi jinslar farqi kuzatilishi mumkin. O‘rtacha erkaklarda miya miqdori, serebros spinal suyuqligi, kulrang va oq moddalar miqdori katta.

---

<sup>1</sup> Price C.J., Green D.W., von Studnitz R. (1999). A functional imaging study of translation and language switching. *Brain*, 122 ( P t 12),2221-2235.



Ushbu tadqiqotda subyekt guruhlari orasidagi kulrang moddalar tuzilishi va zichlikdagi farqlar aniqlanadi. Shuningdek, turli xil tadqiqot guruhlari tomonidan topilgan natijalar erkaklar oq materiyaning umumiy nisbati ayollarga nisbatan yuqori. Ba'zi guruhlar ayol subyektlar uchun ko'proq kulrang moddalar nisbatini topadilar, boshqalari erkaklar uchun. Shuni ta'kidlash kerakki, kulrang moddalar nisbati, shuningdek, miyaning nisbiy hajmi kabi boshqa omillar ta'sirida bo'ladi va shuning uchun faqatgina jinsga bog'liq emas. Ushbu o'zaro bog'liqlikni kulrang moddalar tahlilida hisobga olish kerak.

Jinsiy effektiga qo'shimcha ravishda miyada qarish effekti ham mavjud. Gud va boshq. global kulrang moddalar miqdori yuqori yoshga qarab kamayganligini kuzatdi. Insula uchun yuqori parietal giri, markaziy va singularli giri hududiy kulrang moddalarni yo'qotish tezlashdi. Natijada yoshni guruhlar ichida yoki ikki guruh o'rtasida doimiy ravishda ushlab turish yoki u ma'lumotlarni tahlil qilishda alohida omil sifatida birlashtirilishi kerak.

Shunday qilib, miyadagi kulrang va oq moddalar va ularning tarkibiy qismlari ikkinchi tilni o'zlashtirish bilan birgalikda paydo bo'ladi. Ikkinchi til o'rganilishi chap oldingi singular korteksi, chap burchakli girusi va o'ng o'rta temporal girusda kortikal qalinlik o'sishi va chap old singular korteksidagi kortikal qalinlikning ortishiga olib keladi. Tilni 3 xil uslubda virtual, rasmlar va so'zlar yordamida til lug'at boyligi oshirilganda hosil bo'lgan kulrang moddalar aynan shu xususiyatlarga bog'liqligi miya tomografiyasi apparati yordamida ham olib borilgan tadqiqotlarda o'z aksini topdi. Shuningdek, tadqiqot turli xil jinsli va yoshli subyekt guruhlari orasida kulrang moddalar va ularning zichligi bo'yicha farqlar tekshirildi. Bu topilmalar bo'lajak tadqiqotlarda qatnashuvchilarni saralashda muhim ahamiyatga ega bo'lishi mumkin.

**Хожанова Ўрингул Смайиловна (ЎзДЖТУ ўқитувчиси; Hojanovauringul01@gmail.com)  
БАДИИЙ МАТНДАГИ ЎХШАТИШНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАБИАТИ**

***Аннотация.** Ушбу мақола тилдаги ўхшатиш воситасининг стилистик ва когнитив жиҳатларини моделлаштириши муаммосининг муҳокамасига бағишланган. Хусусан, турли тизимли тиллар – инглиз, ўзбек ва қozoқ тиллари материалларининг таҳлили асосида янги фикрлар ва хулосаларни баён қилади ва келгуси лингвокогнитив изланишларга замин яратади.*

***Аннотация.** В статье раскрываются стилистические и когнитивные аспекты путем моделирования. Также содержится изложение новых идей и выводов, основанных на материалах, собранных на трех языках: английском, узбекском и казахском, и закладывается основа для будущих лингвокогнитивных исследований.*

***Annotation.** This article explores the problem of modelling of stylistic and cognitive aspects of similes. In particular, it presents new ideas and conclusions based on careful analysis of the materials in three different systematic languages – English, Uzbek and Kazakh and lays the foundation for future lingua-cognitive research.*

***Калим сўзлар:** тил воситаси, ўхшатиш элементи, константа таққослаш, идрок каналлари, когнитив, эмоционал-экспрессивлик, генетик алоқа, классификациялаш.*

***Ключевые слова:** языковой инструмент, элемент моделирования, постоянное сравнение, каналы восприятия, когнитивный, эмоциональная выразительность, генетическая коммуникация, классификация.*

***Key words:** language means, simulation element, constant comparison, channels of perception, cognitive, emotiveness, expressiveness, genetic communication, classification.*

Маълумки, оламни билишнинг энг қадимги усулларида бири таққослаш бўлиб, тушунган, ҳис қилган, кўрган, билган нарсаларни ўхшатиш ва маълум бир предметнинг хоссаларини бир-бирига йўналтириш орқали янги маъно ифодаланади. Тасвирий ўхшатиш (кейинги қаторларда ўхшатиш) муаммоси тилшунослар томонидан турли хил позицияларда кўриб чиқилган. Агар бадиий асарга мўъжизавий яхлитлик сифатида ёндашилмаса, унинг сиру жозибаси бир зумда йўққа чиқади ва адабий асар ўзига хос таъсир ва кудратидан маҳрум бўлади. Дастлаб, тадқиқотчилар томонидан таъсирий ўхшатиш нотиклик ва нотикликнинг риторик фигураси сифатида ўрганилган бўлса, кейинчалик бадиий адабиётдаги мажозий ўхшатиш образ яратувчиси сифатида тадқиқ этилди. Энг қадимги психологик ёндашув ўхшатишда психологик асосларнинг умумийлиги ёки улар яратадиган таъсирнинг табиатини ўрганган. Худди шу тушунчага асосланиб, Аристотель образ кўчимини

синфларга ажратган ва унинг ижодий даври, яъни XV асрдан буён ўхшатиш илмий жиҳатдан ўрганилиб келмоқда.

И.А.Шефнинг фикрича, кўп йиллар мобайнида ўхшатиш риторикада нутқ воситаси сифатида ўрганилган, ўхшатишнинг грамматик жиҳатлари бирмунча орқада эътиборсиз қолган. Ўхшатишни ҳар хил йўналишлар тизимида ўрганиш ва фанлараро изланишлар бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигининг гувоҳи бўламиз, яъни фақат грамматик жиҳатдангина эмас, балки унинг нутқ воситаси замирида тил воситаси сифатида ўрганилишини тақозо этади. Лисоний ва психологик жараёнлар бир-бирига узвий боғлиқдир. Қайд этиш жоизки, И.А.Шефнинг фикрига жавобни юртимизнинг замондош олими Н.М.Джусупов образлилик ва унинг турлари борасидаги асосли таърифидан топдик: “Замонавий тилшуносликнинг ривожланиши тил ва нутқнинг кўплаб ҳодисаларини ўрганишда фанлараро ва хилма-хил йўналишлар тизимида изланишлар олиб боришни талаб қилади”.<sup>1</sup>

И.А.Шефнинг эътироф этишича, Аристотель ўхшатишни, яъни инглизча “simile” терминини “imago”, деб номлаган. Унинг тасвирлашича, *imago* бирор-бир предметни ёки ҳодисани бошқа бир предметнинг ўхшашлиги билан таққословчи тил услубидир. XVIII асрда М.В.Ломоносовнинг ўхшатишга бағишланган илмий ишлари пайдо бўлган ва у ерда кенг маънода ўхшатишнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтади, ҳар бир ўхшатиш элементини ўзига мос предмет билан таққослайди ва ўз шеърларида усталик билан фойдаланади. М.В.Ломоносов биринчилардан бўлиб мазкур муаммони нафақат риторик қатламда, балки грамматик жиҳатдан ҳам ўрганади ва XIX аср бошларигача бу йўналиш давом этиб келади.<sup>2</sup> XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларига келиб, тадқиқотчилар ўхшатишнинг мақсад ва вазифасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Кейинчалик, олимларнинг асосий мақсадлари ўхшатишнинг сабаблари ва турли халқлардаги турлича талқинларга қаратилди. Мана шу давр тасвирий ўхшатишга янги ёндашувни бошлаб берди. Янги ёндашув жараёни Ф.И.Буслаева, А.Н.Веселовский, А.А.Потебня каби қатор таниқли олимлар номлари билан боғлиқдир. “Ҳозирги замон олимлари олдида тил ва тафаккурнинг ривожланишида ўхшатиш шакллариининг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш вазифаси турибди”, дейди Потебня ва ўхшатишни тил ва фикрлашнинг бошланғич нуқтаси деб билади.<sup>3</sup>

И.Р.Галперин ўхшатишга қуйидагича таъриф беради: “бир-бирига мутлақо бегона бўлишидан қатъий назар, бир объектни бошқасига қарама-қарши қўйган ва биз билмаган ҳолда, таққослаш объектини тавсифлаш билан бир қаторда, тавсифловчи объект ҳақида ҳам янги тушунча туғдиради. Объектнинг хусусиятларини ҳар хил томондан кўриб чиқиш мумкин, масалан, унинг ҳолати, ҳаракатлари, одоб-ахлоқи ва ҳоказо”.<sup>4</sup> Милтонян ўхшатишни бир хил соҳага қаратилганлигини эътироф этса, таққослаш икки хил соҳадаги субъектлар ўртасидаги мураккаб аналогик концепцияларни ифодалашини таъкидлайди.<sup>5</sup>

Н.А.Гоголина ва Ю.Цинлар ушбу тушунчага қуйидагича таъриф бериб ўтади: “Бошқа троплардан фарқли ўлароқ, ўхшатишлар расмий белгиланган воситадир ва ёзувчига катта ҳажмли ахборотни сиғимли, қисқа кўринишда тил воситаси орқали объектни тасвирлашга ёрдам беради. Ўхшатиш асосида предмет ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ётади ва у константа таққослаш дейилади”.<sup>6</sup> В.М.Огольцевнинг фикрича, ўхшатиш мантикий тақлид элементларини ўз ичига олувчи компонентлардан ташкил топган ва унда сўзлар ўз маъносида ишлатилса-да, икки маълум тушунчага ишора қилаётганлигини билдиради.<sup>7</sup>

Гарганининг фикрига кўра, бир-бирига ўхшаш тушунчалар синтактик параллел конструкцияси билан бирлаштирилган бир нечта таққослаш воситаларини ўз ичига олган тақлидларга, яъни

<sup>1</sup> Джусупов Нурсултан Маханбет улы тюркский символ в художественном тексте (лингвокогнитивный аспект) Монография. Астана, 2011, 33-бет.

<sup>2</sup> Григорьева О.Н. Стилистика русского языка. Учебное пособие для иностранцев. М., 2000, 133 с.

<sup>3</sup> Потебня А.А. Теоретическая поэтика. Москва, “Высшая школа”, 1990, с. 213.

<sup>4</sup> Galperin. “Stylistics”. Second edition, Revised. Moscow. “Higher school”, 1977, с. 167.

<sup>5</sup> Zemina Miltonyan. The use of Simile in Emily Bronte’s Wuthering Heights. Yerevan State University Yerevan Branch. 2012, p. 39.

<sup>6</sup> Гоголина Н.А., Цин Ю. Сравнение как выразительное средство в художественном тексте. (на материале романов М. Булгакова). Екатеринбург. Материалы ежегодной международной конференции. 1–2 июня 2015 г., с. 16.

<sup>7</sup> Огольцев В.М. Словарь. Пособие для учащихся нац.шк. Устойчивые сравнения русского языка. 1992, “Просвещение”.

тасвирий ўхшатишга айтилади. И.Ю.Юдинанинг такидлашича, ўхшатиш мажозий фикрнинг элементар модели бўлиб, нутқ тасвирий воситасининг энг оддий шаклига айтилади. О.Н.Черноусованинг таърифича, “Мажозий ўхшатиш инсон томонидан дунёни идрок этиш воситаларидан бири бўлиб, нотаниш нарсани таниш предметлар орқали тушунтириш, ҳам оғзаки ҳам адабий тилда ахборот ташувчи ролини ижро этувчи тил воситасидир”.<sup>1</sup> “Инсоннинг органик таққослаш қобилияти дунёни билиш жараёнига киради ва унинг акси тилда намоён бўлади. Интуитив ўхшашлик ҳисси амалий фикрлашда катта роль ўйнайди ва инсоннинг хатти-ҳаракатини аниқлаб беради натижада одатий нутқига таъсир этмай қолмайди”, дейилади Артюнова бошчилигидаги лингвистик энциклопедия луғатида. Шилин ўхшатишни бадий нутқ тропларидан бири сифатида талқин этади ва икки нарса ёки ҳодисанинг бирини таърифлашда бошқа бири билан таққослаш орқали эришишини таъкидлайди.

Яна бир тилшунос олим – Бредин ўхшатишни техник жиҳатдан таққослаш маҳсули деб билди ва иккита объектни бир-бирига қиёслаш маҳсули сифатида таърифлайди ва метафора каби ўхшатиш ҳам, ақлий жараён бўлиб, борлик ҳақида тушунчамиз ва фикрлашимизга асосий таъсир этувчи ва турли соҳаларни бирлаштирувчи семантик воситадир, деб таърифлайди. Ф.В.Даутиянинг фикрича, тасвирий ўхшатиш бу ўхшаш хусусиятлар ёки хусусиятлар таркибига асосланган таққослашни ўз ичига олган структуравий константа таққослашдир.

Ўзбек тилшунослари С.Султонсаидова, Ў.Шарипова такидлашларича, ўхшатишда икки нарса ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгиси, моҳияти тўлароқ бўрттириброк кўрсатилади.<sup>2</sup> Ғ.Абдурахмонов, С.Мамажоновларнинг эътирофича, ўхшатиш тенг тушунчалар орасида бўлади ва баъзан мувозанатнинг бузилиши ҳолати ҳам учрайди. Ўхшатиш бевосита сўз, қўшимча, ёрдамчи сўз, гап шаклида бўлиши мумкин.

О.САХманова бошчилигидаги лингвистик терминлар луғатида ўхшатиш қуйидагича таърифланади: “Ўхшатиш (таққослаш обороти) – нутқ воситасидир ва тахмин қилинган битта объектни бошқасига ассимиляция қилишдан иборат бўлиб, биринчиси билан умумий бўлган ўхшашликнинг мавжудлиги билан ифодаланади”.

Ўхшатишнинг яна бир қанча таърифлари мавжуд бўлиб, луғатларда ўз таъриф ва тавсифини топган. Жумладан, Cambridge Dictionary луғатида шундай таъриф берилади: “бир предметни бошқаси билан таққослайдиган ва ҳар доим “like” ёки “as” сўзларини ўз ичига олувчи ифодаларга ўхшатиш дейилади”. Merriam Webster луғатида “ўхшатиш бу иккита бир-бирига ўхшаш бўлмаган нарсаларни таққослайдиган нутқ воситаси”, деб таъриф берилган. Dictionary.com луғатида: “ўхшатиш нутқ воситаси бўлиб, икки ўхшаш бўлмаган нарсаларни таққослаш билан аниқ мисол ёки маъно беради”.

Ўхшатишнинг семантик майдонларини назарий талқин қилиниши асосан турли тиллар ва лаҳжалар луғат материалларига асосланган. Бундай уринишлар А.В.Кунин, А.С.Аксамитова, Л.А.Лебедева, В.М.Мокиенко, Е.К.Николаева, Н.М.Кабанова, Р.И.Яранцев ва бошқа фразеологлар асарларида ўз аксини топган.

Аввало, мантикий ва тасвирий таққослаш (ўхшатиш) тушунчаларини фарқлаб олиш керак, чунки кўплаб бадий усталар томонидан таққослаш турли жанрларда турлича қўлланилган. Инглиз, немис, польша, украин, француз, рус, қозоқ, ўзбек тилларида икки тил ўртасида чоғиштириш орқали тасвирий ўхшатишнинг таркибий жиҳатлари, функцияларининг ўзига ҳослиги ўрганилган аммо уч тил, яъни инглиз, ўзбек ва қозоқ тиллари мисолида таққослаш мавжуд эмас. Рус тили ва инглиз тилларида чоғиштира таҳлил ва хитой тиллари ишларида намоёиш этилган. “Ҳозирги замон тилшунослигида ўхшатиш ҳақида маҳсус изланишлар жуда кам ёзилган”, дейди К.Аддисон. Аддисон Милтоннинг “Spectator” шеърий асаридан илҳомланиб, “Милтон ўхшатишни ҳеч тинч қўймайди, у шундай моҳирона фойдаланганки, эпик ўхшатишни энг буюк босқичга олиб борди, гўёки қайта дунёга келтирди. Узундан-узун тасвирий ўхшатишлари салкам ҳар қаторда ёки ҳар икки қаторда учрайди, шу тариқа, ўхшатишнинг Милтонча шакллари пайдо бўлди”. Харш мэк Коллнинг “Ancient Rhetorical Theories of Simile and Comparison” ва Жекулин Вот Брөганинг “Stevens and simile” китоблари эпик ўхшатишга бағишланган бўлиб, айнан ўхшатишнинг ўзига бир неча бўлимларда тўхталган, холос. Салкам барча баҳс-музокаралар метафора билан боғланган ҳолда ёзил-


<sup>1</sup> О.Н.Черноусова. Функционирование образных сравнений в художественном тексте и речи диалектносителей. 2012:219, Вестн. Волгоград. гос. ун.-та., с. 219.

<sup>2</sup>Saodat Sultonsaidova, O‘lmas Sharipova. O‘zbek tili stilistikasi (o‘quv qo‘llanma). Toshkent, 2009, 70-бет.

ган. Дэвидсон ўхшатиш ва метафора ўртасидаги алоқаларни мантикий жихатдан ўрганган. Мисол учун, у “Aristotel’s Rhetoric” китобида метафора ва ўхшатиш ўртасидаги алоқаларга алоҳида тўхталари ва метафора умумий термин бўлса, ўхшатишни бирозгина махсус, озгина эътибордан қолган метафоранинг бир тури деб таърифлайди. Замонавий назариячи олимлардан А.Ричардс, В.Ж. Онг, М.Блейк ва П.Риквер Арисотел назариясига таянган ҳолда изланишлар олиб борганлар. Кювинтилиан Сисеронинг назариясига ёндашган ҳолда, Арисотелчилар мактабидагиларнинг фикрига мутлақ зид ғояни илгари суради ва ўхшатиш умумий, метафора махсус маънога эга деган фикрни беради. XX асрга келиб, Сисеронинг назарияси оммавийлигини йўқотади. Ҳозиргача кўп ҳолларда физиклардан тортиб антропологларгача ўхшатиш метафора билан боғлаган ҳолда ўрганилиб келади. 80-йиллар охири ва 90-йилларнинг бошидан Ж.Балдвин “The Book of Similes. Futura”, Л.Бэслехим “Simile and Figurative Language”, Ж.Хансон “Similes: As Gentle as a Lamb, Spin Like a Top, & Other “Like” or “As” Comparisons Between Unlike Things (Lerner)” каби китобларида ўхшатишни метафорадан алоҳида ўрганишган ва тадқиқот натижаларини ёритишган.

Тасвирий ўхшатиш жараён сифатида билиш объекти ҳақидаги маълумот учта асосий идрок каналлари орқали субъектнинг онгига киради (визуал, эштиш, кинессетик) ва кейинги босқичда юзлаб билимлар объекти онгимизда қайта ишловдан ўтади, мавжуд прототип муҳим хусусиятларга асосланган ҳолда, инсон хотирасида объект ёки ҳодиса ҳақида когнитив маълумотлар ёзилиб борилади. График жихатдан бундай когнитив фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича (1-расм) тасвирланиши мумкин:

1-расм



Таққослаш билиш жараёнининг асоси бўлганлиги сабабли, у турли илмий соҳаларда, яъни мантиқ, математика ва турли бошқа соҳаларда икки предметнинг ўхшашлик ёки фарқини аниқлаш ва тавсифлаш учун фойдаланмоқда. Аслида, инсоннинг мавжудлиги реал ҳаётни узлуксиз англаш ва уни бошқариш қобилиятига асосланади. Бундай фаолиятда таққослаш дунёни англашда муҳим роль ўйнайди. Натижада таққослаш тузилиши учта компонентдан иборат бўлади: таркиб, ифода ва асос. Тасвир таққосланиши ва ўхшатилиши билан бир вақтнинг ўзида, янги тушунчалар пайдо қилади. Субъектга йўналтирилган когнитив фаолият дунё сувратини шакллантиришига олиб келади. Натижада тасвирий ўхшатиш бадиий адабиётда нафақат маънодорлик, аниқлик, балки образнинг бадиий кўринишини, яъни ижодий субъект ва объектнинг кўринишини очиб беради. Таққослашнинг адабиётдаги маҳсули бу ўхшатишдир деб айта оламиз. Ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам улар нутқда ҳамини бадиий-эстетик қимматга эга бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўхшатишларнинг икки тури, яъни: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар; 2) умумхалқ ёки турғун ўхшатишларга фарқланади.

Н.Некрасованинг фикрига кўра, турғун ўхшатишлар идиомаларга яқин туради ва кўп асрлар мобайнида кишилар нутқида қўлланилиши натижасида турғунлашиб, сўзловчилар онгида муайян моделлар шаклида мустаҳкамланиб қолади, ўхшатиш эталонининг маълум бир предмет билан мунтазам ва қатъий боғлиқлиги сақланиб қолади. “Ёзувчи ўзининг бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар қутилмаганлиги, оҳорлиги билан ўқувчини ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат, хусусият предметларни ўқув-

чи кўз ўнгида яққол гавдалантиради” дейилади Н.Махмудова ва Д.Худойберганодаларнинг изоҳли луғатида.

С.М.Владимировна ўхшатишни унинг функциясига кўра, икки турга ажратади: “Ўхшатиш: 1) кўринишни тасвирловчи; 2) образ ҳосил қилувчи хусусиятга эгадир”. Шундай экан, мақолада у образ яратувчи, яъни стилистик услубият сифатида тадқиқ этилган, яъни бадиий матндаги мажозий ўхшатиш ўрганилади. “Образлиликнинг лингвистик ва адабий хусусиятларининг фарқи шундаки, лингвистик нуқтаи назардан образ, асосан, тил ва нутқ бирлигининг (сўз, сўз бирикмаси, жумла, хат боши, матн), семантик хусусиятлари (мазмун) сифатида қаралади; адабиётшуносликда образ, асосан, бадиий асар образлари тизимида кўриб чиқилади, муаллифнинг эстетик мақсадининг ифодаси бўлиб хизмат қилади. Адабий нуқтаи назардан образ тушунчаси бироз кенгайтирилган, у бутун асарнинг ғоявий мазмунига бўйсундирилгандир”. Стилистик жиҳатдан таққослаш анъанавий равишда матнда экспрессивликни яратиш учун ишлатиладиган лисоний воситалар сифатида тушунилади. Бадиий адабиётда, айниқса, шеърятда маънодорликни оширишда ишлатилиб, ёзувчи хаёлларини янаям ёркин тушунчаларга бойитади. Баъзан хаёлга келмаган предметлар билан таққосланади. Масалан:

And now 'twas **like all instruments**,  
Now **like a lonely flute** (S.T.Coleridge. The Rime Of The Ancient Mariner).

**Гўдак уҳича** ҳам шамол топилмас,  
Бутанинг тагида бўзтўрғай хайрон (А.Орипов. Сайланма. Саратов).


Даптер жатыр парағы аударылмай,  
Аударылмай шынымен қалғанымай!

Өйлар жатыр әңсемды быр көтертпей,

Тонна-тонна көрғасын салмағындай (Макатаев М. (2002) Аманат. Өлеңдер жинағы . Алматы: Атамура).

Ўхшатиш кўп тадқиқотлар маркази бўлиб келмоқда ва олимларимиз уни ўзига хос калассификациялар (синфлар)га ажратишган. Изланишларимиз натижасига кўра, ўхшатишнинг таснифланиши куйидагича акс этиши мумкин (2-расм).

2-расм



Дарҳақиқат, даврлар ўзгариши билан ўхшатишнинг ишоралари ҳам ўзига хос замонавий таққослаш образлар билан бойиб бораверади. Инглиз тилидаги баъзи янги пайдо бўлган тасвирий воситалар бунга мисол бўла олади. Уларнинг пайдо бўлишига бир нечта факторлар таъсир қилади. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

**А) янгича ҳаёт тарзи:** *They had planned for everything but rain and its consequences and now the water, like liquid ice, rolled down their hunched and shivering backs* (The anger of Fear. Jeffrey Ashford). *I suppose it's a form of entertainment, like a show or a circus* (The handmaid's Tale. M. Atwood);

**В) техника, илм-фан, спорт соҳалари ривожланиши:** *Her movements were robotlike, the emotions of the last few days repressed* (Montana skies. Ann Bell). *He's balding and squarely built and looks like an aging football coach* (The handmaid's Tale. M. Atwood);

**Д) диний, сиёсий қарашлар, янги қаҳрамонлар, истеъмол маҳсулотлари, касалликлар пайдо бўлиши:** *Fernando Orlando had just fallen asleep on top of the baby grand piano when he heard Potter bellowing his name from above like God on Judgment Day* (Where is Joe Merchant? J. Buffett). *«Nay, nay!» he shouted. «You walk in darkness, little children. The whole shebang of you are inflicted with blindness like the Syrian army, Saul of Tarsus, the men of Sodom»* (When morning comes again. J. Masters Bacher). *One would have preferred a father more like Mr Darling, less like Peter Pan* (Friends and relations. Elizabeth Bowen). *He had eaten half the pills as if they were M&M's, and now he floundered in the euphoria between comfort and discomfort.* (Where is Joe Merchant? J. Buffett). *After a while it passes, like an epileptic fit, Here I am in the closet* (The handmaid's Tale. M. Atwood);

**Е) шаҳар ва қишлоқлар ривожланиши:** *The booking and general area was large and almost as litter-strewn as the car-park; there were newsagent and florist stalls, shut and guttered, a bar and a snack-bar, shut and in darkness, and a row of vending machines, several of which had 'Out of order' signs* (A tour on the Prairies. W. Irving). *Today this surely was the wettest village in the world: the poor late lilac was sodden; its leaves ran like gutters* (Friends and relations. Elizabeth Bowen).

Таъкидлаш жоизки, замонавий тилшуносликда ўхшатишга турлича ёндашув бўлган даврда тилларни бир-бирига таққослаш орқали бадиий адабиётдаги тасвирий ўхшатишга ҳам олимларимиз томонидан катта эътибор бериб келинмоқда. Бундай ёндашув икки ёки ундан ортиқ тил бирликлари уларнинг миллийлигини аниқлашга имкон беради. Халқларнинг тарихи, ҳаёти, маданияти, психологиясининг умумийлиги ва тилнинг генетик алоқаси туфайли ажралиб турувчи ўзига хос жиҳатлари ва ўхшашликларини аниқлаш лингвистик ва маданий тадқиқотларнинг долзарб вазифаларидандир.

Тилларнинг келиб чиқиши ҳар хил бўлса-да, ўхшатишнинг ишлатилишида ишоралар бир хил образ яратганлигининг гувоҳи бўламан. Масалан: Балиққа ишора қилиш орқали “ўзини яхши ҳис қилмоқ, эркин ҳаракат қилмоқ” маънолари талқин қилинади: *He was famous for running and leaping. He swam like a fish, and even had some skill as a musician* (Dolf Heyliger. W. Irving).

*У кўзларининг тошиқинида балиқ каби сузган мен, айрилиқни ўйлайми?*

*Бошқа дунё, бошқа ўйдан боғланишни узган мен, сенга қараб тўяйми?* (Чўлпон. Сендан йироқда).

“Тинч, беозорлик” образини яратишда мушук ёки мушукчага ишора қилинади: *It's merely a smile, a formal kind of smile, friendly but a little distant, as if I'm a kitten in a window* (The handmaid's Tale/M. Atwood).

*Ҳовли бетида юрган Абдушукур маҳдум кўча эшик тагидаги оёқ шарпасини сезиб, маҳси – калишда мушукдай товушсиз қадам босиб келиб, эшикни очди* (Й. Сулаймон. Армон). Чақалоқ ишораси “ёқимтойлик, бегуноҳлик”ни англатади: *Lurel's manner went quite to pieces; she absented herself like a child that has asked, 'May I get down?' her chin dropped, her eye wandered, once or twice she looked up at the brim of her hat* (Friends and relations. Elizabeth Bowen).

*Кўзлари чўлпондай чарақлаб турадиган, юзлари сутга чайилгандек тиниқ, гўдакдай ёқимтой бу маъсума фақат ҳуснда эмас, илм ва назм бобида ҳам беназир эди* (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Инглиз, ўзбек ва козоқ ёзувчилари ўхшатишдан битта гапда бир неча маротаба фойдаланишлари унинг образ яратишда қулай ва муҳим восита эканлигидан далолатдир. Масалан: *She was hidden like a corncrake, distant like a cuckoo, close like a nesting swallow under the roof* (Friends and relations/Elizabeth Bowen). *Кучала еган каби тиришиб, бузоғи тескари келган сизирдек тўлғанади ва ихрайди...* (Обид Кетмон. А. Қодирий).

*Мурты оқтаудай, сақалы күйектей* (Шақан – шері. М.Мағауин).

Тадқиқотимиз натижасида куйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

а) ёзувчи нотаниш тушунчани тасвирий ўхшатиш орқали таништиради ёки аксинча, таниш тушунчани нотаниш ва сирли қилиб тасвирлайди;

б) бадий адабиётдаги тасвирий ўхшатишга когнитив ёндашув тилларнинг экспрессив қобилиятларини очиб беради ва бу борада келгуси илмий изланишларда ўхшатишнинг классификациялаш имконини беради;

в) нутқ фигуралари адабиётда ноодатий ижодий ғояларни яратади.

**Хамраева Махзуна Гайратовна (Қарши Давлат университети Хорижий тиллар факультети ўқитувчиси; [makhzuna.khamraeva@gmail.com](mailto:makhzuna.khamraeva@gmail.com))**

### **ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ “SEE” СЕЗГИ ФЕЪЛИНИНГ ЭВИДЕНЦИАЛ ИФОДАСИ**

**Аннотация.** Мақолада инглиз тилидаги *to see*–сезги феълнинг эвиденциал ифодаси лексик-семантик майдон нуқтаи назаридан таҳлилга олинган. Унда мазкур феълнинг ўзига хос система ҳосил қилишини аниқлаш ҳамда ушбу тизим ичидаги парадигматик ва синтагматик муносабатларни белгилаш, *to see* феъли билан турли маъновий муносабатга кириша оладиган бошқа элемент ва бирликларнинг иерархиясини ўрганиш каби вазифалар амалга оширилган. Шунингдек, ишда “кўрмоқ” умумий семасига эга бўлган феълларнинг когнитив, концептуал ҳамда таксономик хусусиятлари ҳам тилга олинган.

**Аннотация.** В статье анализируется эвиденциальное выражение английского глагола *to see* с точки зрения лексико-семантического поля. В ней осуществлены такие задачи, как исследование своеобразной системы глагола *to see*, определение парадигматических и синтагматических отношений в данной системе, изучение иерархии других элементов и единиц, организующих различные семантические взаимоотношения с данным глаголом. В работе также рассмотрены когнитивные, концептуальные и таксономические особенности глаголов с общей семой “видеть”.

**Annotation.** The author of the article analyzes the evidential expression of the English verb *to see* from the point of view of the lexical-semantic field. The article carried out such tasks as the study of a peculiar system of the verb *to see*, the definition of paradigmatic and syntagmatic relations in the system, the study of the hierarchy of other elements and units that organize various semantic relationships with the verb. Furthermore, cognitive, conceptual and taxonomic features of this verb with a common seme to see are researched.

**Калим сўзлар:** семантика, концептуаллик, эвиденциаллик, синтаксема, грамматик, лексик, когнитив концепция, таксономия, денотация, авторизация, коммуникатив просодик шаклланиш.

**Ключевые слова:** семантика, концептуальность, эвиденциальность, синтаксема, грамматическая, лексическая, когнитивная концепция, таксономия, денотация, авторизация, коммуникативно-просодическое формирование.

**Key words:** semantics, conceptuality, evidentiality, syntaxeme, grammatical, lexical, cognitive concept, taxonomy, denotation, authorization, communicative-prosodic formation.

Тилшуносликка оид илмий манбаларда эвиденциаллик тушунчасига куйидагича таъриф берилади: «Эвиденциаллик – бу ўзига хос лингвистик категория бўлиб, унинг ёрдамида сўзловчи воқеани тавсифлашда бевосита иштирокчи ёки ўзганинг сўзларини етказувчи сифатида ўз ролини белгилайди. Тилда эвиденциалликни ифодалашнинг лексик, грамматик ва бошқа усуллари ишлаб чиқилган. Эвиденциаллик бирламчи нейтрал категория бўлиб, у нутқда гап ёхуд матн даражасида муайянлашади».<sup>1</sup>

Ушбу мақоланинг мақсади инглиз тилидаги *to see* (кўрмоқ) сезги феълнинг эвиденциал ифодасини гаплар ҳамда матнлар таркибида семантик майдон нуқтаи назаридан таҳлил қилишга қаратилган.

Маълумки, феъл лексемалари тилда мавжуд бўлган барча воситалар билан синтактик-семантик муносабатга кириша олиш имконияти билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Феълни қуршаб турган барча тил бирликлари ва синтактик воситалар феъл лексемасининг реал-

<sup>1</sup> Макарец М.М. Эвиденциальность в пространстве балканского текста. М., Нестор-История, 2014, 28 с.

ликдаги маъноларини очиб беради. Инглиз олими Т.Лайфринк таъкидлаганидек, ҳеч бир сўз жонли, табиий тилда изоляцияланган, яъни бошқа тил бирликларидан айро ҳолда келмайди.<sup>1</sup> Албатта, ҳар бир лексик бирликнинг синтактик сатҳда категориал маънолари ўзгариб туради, лексик-семантик маънолари эса кенгайиб, бойиб боради.

Феълнинг лексик-семантик майдони хилма-хил синтактик воситалар ёрдамида фаоллашади ҳамда гап семантикасининг маъно кўламига таъсир этади. Демак, феъл маънолари таҳлили, хусусан, лексик-грамматик микросистемада, контекст муносабатида таҳлил қилиниши нафақат гапнинг функционал хусусиятларини, балки объектив реаллик маънолари, нутқнинг маъно ва мазмун ўзгаришидаги фарқларини ҳам ёритиб беради.

Феъл тизими лексик-семантикасининг таҳлили кўп маънолилик масалаларини очиб беришда, семантик-синтактик майдондаги структуравий компонентлар ўртасидаги алоқаларни аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этганлиги учун у ҳар қандай тилдаги ифода мазмунида муҳим ўрин тутади. Чунки феъл лексик-семантик жиҳатдан бошқа сўз туркумларига нисбатан бойроқ ва эгилувчанроқ ҳисобланади. Эгилувчан деганда, маълум вазиятда бир шаклга эга компонентнинг лексик маъноси феъл семантикаси ўзгаришига сабаб бўлиши мумкинлиги назарда тутилади.

Аксарият ҳолатларда феъл лексемалар бошқа туркумлар билан бирикиб, комплекс маъно ҳосил қилиши мумкин. Бу маъно турли тилларда турфа бирикмаларда намоён бўлади. Янги ҳосил бўладиган маънолар синтактик бирликларнинг вазифасидаги компонентлари бўлган ҳаракат, ҳолат ва бошқа белгилари мазмуни, хусусан, субъект билан боғлиқ бўлган вазиятларда ифода этилади, деб изохлашимиз мумкин.

Турли гуруҳларга тегишли бўлган феъл тадқиқотлари асосида юзага келган ишларга таянган ҳолда *to see* феъли ифодаладиган маънолар кўламини уч йўналишга ажратганча қуйидаги таҳлилларни амалга оширишни таклиф этишимиз мумкин:

1) феълнинг лексик маънолари лексиканинг систем таҳлили доирасида семантик компонентлар жамланмаси сифатида ўрганилади;

2) феъл маънолари функционал-семантик майдонда концептуал таҳлил методи ёрдамида ўрганилади ва унинг категориал белгилари аниқланади;

3) феъл нутқнинг прагматик воқеланишини белгиладиган асосий лисоний бирликлар каторида таҳлил қилинади.

Мазкур тематика бўйича таҳлиллар натижаси қуйидаги асосий йўналишларда аниқланади:

1. Феъл семалари аргумент (эга, тўлдирувчи) таъсирида лексик маъно қўллаши аниқланади.

2. Сизги феълларининг категориал семантикасини концептуал таҳлил этиш орқали уларни функционал хусусиятлари аниқланади.

3. Нутқ вазиятида сизги феъллари асосий прагматик мазмунни шакллантирувчи ҳодиса сифатида баҳоланади.

Маълум лексик бирлик англатадиган маънолар мажмуи фрейм асосида шаклланади. Шундай экан, таҳлилимизнинг мақсади *to see* феълнинг ўзига хос система ёки “evidence” фрейми ҳосил қилиш имкониятини аниқлаш ва ўша фрейми шакллантирувчи бирликлар ва мазкур сўз билан муносабатга кириша оладиган бошқа элементлар иерархиясини ўрнатишдан иборат бўлади. Бунинг учун ўша элементлар таъсирида *to see* феълнинг лексик ва семантик маънолари маълум бир системага солинади, прагматик ифодаси аниқланади ва концептуал асоси белгиланади. Умуман олганда, концептуаллик ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмаси ҳисобланади.<sup>2</sup> Концептлар инсон онгида шаклландиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилгани ҳолда, улар учун таянч нуқта вазифасини ўтайди. Чунки концептлар инсон тажрибалари ҳамда тўпланган маълумотлари маҳсули саналади. Зеро, концепт тушунчаси операцион фикр бирлиги бўлиб, у билимларни категоризациялаш ва квантификациялаш усусли ҳисобланади. Унинг объекти ментал борлиқнинг белгиси бўлиб, маълум бир маънода абстракциялаш орқали юзага келади ва ўз объектини тасвирлаш билан бирга уни яратади ҳам.<sup>3</sup>

Одатда, концептнинг умумий хусусиятлари сифатида унинг ички тузилиш жиҳатидан аниқ кўринишга эга эмаслиги қайд қилинади, бироқ бу эътироф ҳақиқатга у қадар яқин эмас. Зеро, кон-

<sup>1</sup> Laifrink T. Semantiko-syntax. London, 1972, 8 p.

<sup>2</sup> Воркачев С.Г. Наполнение концептосферы. Лингвокультурный концепт: типология и области бытования. Монография, Волгоград, изд-во ВолГУ, 2007, с. 8 – 90.

<sup>3</sup> Шу манба. 236-бет.



цептнинг асосини ташқил қилувчи предмет образи етарлича аниқ ва иккиламчи эгаллаган бўлақлари мавхумликка эга бўлиш билан биргаликда, улар ягона негиз (ядровий асос) атрофида ўзаро муносабатга киришиб бирикади. Шу сабабли концепт таркибининг тизимий характерга эга эканлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур тизимнинг шаклланиши инсон идрок, атроф-муҳитни, оламни ўрганиш орқали шаклланади. Бунда сезги феъллари муҳим аҳамият касб этади. Кўриб чиқиладиган вазиятларда асосий концептуал хусусиятларни аниқлаш типик ёки типик бўлмаганлиги тарзда амалга оширилади. Ушбу ҳолатларда субъект ва объектнинг ўрни вазият билан боғлиқ ҳолда аниқланади.<sup>1</sup>

Феъл семантикаси тадқиқотларига янгича ёндашув орқали ундаги маъно махсус когнитив операция, яъни концептуализациялаш ёрдамида аниқланади. Бунда бир фрагментдаги концептнинг, ҳақиқатда, турли эканлиги кўзга ташланади. Бирор семантикани аниқлаш илгари синтактик сатҳда олиб борилган, яъни маълум бир бирикмалар доирасида тадқиқ этилган бўлса, ҳозирда концептуаллаштириш орқали амалга оширилмоқда.

Г.А.Золотова ўзининг китобида авторизациялашнинг бир неча турларини мисол тариқасида келтиради: 1) авторизация *ҳиссий қабул* қилувчи субъект ўрнида (авторизациялаштирилладиган модель мазмуни *кўрмоқ, эшитмоқ, кузатмоқ, ҳис этмоқ* ва шу каби ҳиссий қабул қилишни англатадиган феъллар ёрдамида ифодаланади). Авторизацияни квалификациялайдиган иккита тип кўрсатилади: авторлашадиган модель бўлиб, у ўз ичига авторлашишни ҳосил қиладиган моделни камраб олади. Масалан, *She saw the mountains from the window*. Бунда авторлашишни ҳосил қиладиган модел авторлашадиган моделни ўз ичига олган ҳолда, *The mountains were seen to her from the window* маъносини англатади;<sup>2</sup> 2) авторлаштириш орқали маълумот олиш (авторлашадиган моделни ҳиссий қабул қилиш ва авторлаштирадиган квалификациялашадиган модел ўртасидаги муносабатидир). Мазкур моделда *find, see, search, consider* ва шу каби феъллар қатнашади. Мисол учун, *Everybody found him to be a kind boy*.<sup>3</sup>

Баъзан, феъл семантикаси феълли вазиятда қатнашадиган иштирокчиларга маълум бир маънода чегараловчи вазифасини ҳам ўтайди. Шунинг учун ҳам феъл семантикасини тасвирланиши, одатда, отнинг семантик хусусиятини, яъни феълнинг валентлиги таъсирида юзага келадиган маъноларни камраб олади. Агарда феъл маъноси бирор-бир таксономик синф аъзосини талаб қилса, у ҳолда таксономик синф аъзоси феъл семантикасининг ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин. Мисол учун, *видеть* феълида перцепт материал объектга *вижу на горизонте корабль*, шунингдек, вазиятга *видел, как он вышел из зала* тегишли бўлиши мумкин.<sup>4</sup>

Бироқ, барча луғатлар мазкур контекст учун бир хил маънони беради. Контекстдаги бирор компонентнинг ўзгариши ёки қўшилиши янгича маънони юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун, *again* равишининг қўшилиши “ҳаракатга қайта кириш” маъносини юзага келтирса, ушбу феълнинг *often* равиши билан бирга қўлланилиши ҳолатнинг такрорланишини, яъни итеративликни ҳосил қилади.

*“See you soon again”, she said at the end of their conversation. What we often see ourselves is the best evidence.*<sup>5</sup>

Е.Падучева томонидан киритилган таксономик синфлар (объект, субстанция, ҳодиса, жараён, фаолият, ҳолат) онтологик категория атамаси билан юритилади. Мазкур таксономик синфлар ва концептлар бир объектнинг бошқасига метафорик ўзгартирилишига асосланган бўлади.<sup>6</sup> Бунинг натижасида вазиятнинг концептуаллашуви тушунчаси ҳам юзага келди. А.Вежицкаянинг “семан-тическая структура” (высказывания, предложения, текста) атамаси билан бир қаторда, “концепт-уал структура” атамаси ҳам пайдо бўлди.<sup>7</sup> Концептуал структура реалликдаги тил

<sup>1</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М., 1996, с. 28 – 34.

<sup>2</sup> Золотова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М., 2005, 182 с.

<sup>3</sup> Воркачев С.Г. 56 с.

<sup>4</sup> Апресян Ю.Д. Системообразующие смыслы “знать” и “считать” в русском языке. Русский язык в научном освещении, Москва, 2001, №1, с. 46.

<sup>5</sup> Hornby A.S. Oxford Student’s dictionary of current English. Oxford University Press, 1984, 584–585 p.

<sup>6</sup> Падучева Е.В. О параметрах лексического значения глагола: таксономический класс участника. Русский язык в научном освещении, № 1(3), 2001, с. 112.

<sup>7</sup> Вежицкая А. Дескрипция или цитация. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 13. Логика и лингвистика. Проблемы референции, М., 1982, с. 232–262.

концептуалла-шувининг бир фрагменти ҳисобланади. Концептуал структура атамаси реаллик ва унинг тилда акс этишини таъкидловчи маънони ифодалайди.

Ҳиссий сезиш гуруҳи феъллари ўзининг актант структурасида фарқланади. Жумладан, *to see* феъллини оладиган бўлсак, мазкур феъл гапдаги стимул ва образ ўртасида юзага келадиган муносабатни боғлайди. Ушбу феълнинг бош, денотатив маъноси воситасиз тўлдирувчини олганда, ўша тўлдирувчини олиш билан баҳоланади. Бунда тўлдирувчи гапда стимул ва образни ифодалайди. Масалан: *I see Kate*. Аммо кўчма, ясама маъноларда *to see* феълли шахс, яъни кузатувчи нарраторнинг фикри сифатида қаралади. Мазкур ҳолда стимул ва образ тарқалиши мумкин, яъни ушбу аъзоларнинг ҳар бирида ўз синтактик позицияси мавжуд бўлиши юзага келади:

1) *всегда видел во мне* (стимул) своего соперника (рақибни) (образ);

2) *он увидел в этом* (стимул) оскорбление (ҳақоратни) (образ);

3) *в эту минуту она в нем видела* (стимул) мученика, героя (қаҳрамонни) (образ).<sup>1</sup> *He had seen enough of him at Lucy's House to know what he was.*<sup>2</sup> Бу ерда *him* субъект *house* эса объект вази-фасида келган.

Ҳар қандай лексик бирлик бўлишидан қатъий назар, улар бир хил ёки бир-бирига ўхшаш синтактик бирликка, лексик-семантик бирикмага ёки грамматик шакллар ва уларнинг маънолари, шунингдек, фикрнинг коммуникатив-просодик шаклланишига ҳам боғлиқ бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, система ҳосил қилувчи фикрлар турли лексик бирликларнинг семантик хусусиятини аниқлайди.

Рус тилидаги *видеть* феъллининг валентлиги таъсирида юзага келадиган семантикаси борасида Ю.Д.Апресян куйидагича фикр юритади: “Глагол *видеть* в контексте отрицания управляют придаточным предложением, вводимым либо союзом *что*, либо союзом *чтобы*; ср. *Я не видел, что он целовал Лену, Я не видел, чтобы он целовал Лену*. При этом управление вида *что+р* вводит представление о факте, т.е. знание того, что описываемое событие действительно имело место. Поэтому *что* – предложения допускают усиление фактивности за счёт введения безусловно фактивной частицы *и*: *Я и не видел, что он целовал Лену*. Управление вида *чтобы+р* вводит представление о гипотетическом положении дел. Об этом свидетельствует, в частности, невозможность введения в соответствующие предложения безусловно фактивной частицы *и*. Ср. неправильность *Я и не видел, чтобы он целовал Лену*. Ю.Д.Апресян рус тили мисолидаги *кўрмоқ* (видеть) феъллининг контекстдаги турини таҳлил қилар экан (*он видит во мне конкурента*), муаллиф куйидаги *изоҳни келтиради*: *А видит в У-е Х = «Человек А имеет в сознании образ У-а, наделенный свойством Х»*.<sup>3</sup>

Инглиз тилшуноси Б.Левин тарифига кўра, феъл семантикаси вазиятда иштирок этувчи бошқа компонентлар билан синтактик муносабатга киришиши натижасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам феъл семантикаси воқеланишида унинг валентлигини тўлдирадиган гапдаги бошқа тил бирликларининг маънолари таъсири ҳам эътиборга олинади. Шунинг учун феъл вазиятни тасвирлашда асосий концептуал вазифани бажаради. Бу эса феълнинг концептуаллашуви натижасида шахс, предмет, воқеа-ҳодиса, вазият каби бошқа кўплаб таксокомик синфлар билан муносабатга кириша олишини таъминлайди.<sup>4</sup> Бунга кўшимча қилиб, олим яратувчи ва тасвирловчи феълларнинг инглиз тилидаги учта гуруҳини мисол қилиб келтиради. Ушбу гуруҳлар ўртасидаги фарқ тасвир ва объектнинг позицияси, ўрни, феъл билан муносабатга киришиш имкониятларида акс этади.<sup>5</sup> Мисол учун, *кўрмоқ* феъллини когнитив позиция томонидан талкин қиладиган бўлсак, у информатор вазифасини бажаради. Ўша кўриш орқали инсон онгида кўрилган объект (ёки шахс, воқеа, ҳодиса) тўғрисидаги тасаввур пайдо бўлади. Масалан: “*Have you ever seen such legs, and such a neck, and such a head, and such hindquarters.... She's such a beauty; its little wonder the marquis bought her the moment he laid eyes on her*”.<sup>6</sup> Ушбу гапда *such legs, such a neck, such a head, such hindquarters* лексик бирликлари стимул вазифасида қўлланилган бўлса, *beauty* образни ифодаламоқда.

<sup>1</sup> Падучева Е.В. 29–39-бетлар.

<sup>2</sup> Bellow S. *Humboldt's Gift*. The Viking Press, New-York. 1975, 16 p.

<sup>3</sup> Апресян Ю.Д. 5 – 51 с.

<sup>4</sup> Levin B. *English Verb Classes and Alternations: A Preliminary Investigation*. Chicago, Chicago UP, 1993, 87 p.

<sup>5</sup> Шу манба. 152 p.

<sup>6</sup> Rendell R. *Shake hands for ever*. Hutchinson Publishing Group, Sydney. 1979, 47 p.

Шахс ёки субъект онгида ҳаракат йўналтирилган объект тўғрисида бирор тасаввурга эга бўлиш семантикаси юзага келади. Масалан: “*You’ll just ride her to Forres market next week and see what you can get for her*”.<sup>1</sup> *Mr. Crathie’s feelings overcame him, and he was a wrathful man to see as he strode up to the youth with clenched fist.*<sup>2</sup>

Кўриш орқали билимга эга бўлиш. Олдинги тасавурни ҳақиқий жонлантириш маъноси кўзга ташланади. Масалан: “*If I see you about the place after sunset, I’ll horsewhip you*”, said the factor and walked away.<sup>3</sup> Бунда *I’ll horsewhip you* эргаш гап нореал ҳодиса сифатида баҳоланади.

Субъект тўғрисидаги биринчи ёки бошланғич маълумотга эга бўлиш семантикаси ҳосил бўлади. Масалан: *For to fear as the marquis of Lossie was not merely to take from Florimel the title she supposed her own but to declare her illegitimate, seeing that the marquis’ first wife... (10); So when I saw you coming up the dune, I just felt I had to tell you.*<sup>4</sup> Субъект тасавуридаги маълумотнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги билимнинг информацияси кўзга ташланади. Масалан: *...it’s doubtful Malcolm would have ever seen the need the identity himself as the marquis.*<sup>5</sup>

Келтирилган мисолларда субъект онгида пайдо бўладиган билимнинг (яъни нореал маълумотнинг) ёки фикрнинг бош информатори сифатида *to see* феъли ёрдамида амалга оширилган. Мазкур феъл томонидан ифодаланадиган ҳаракатлар, жараёнлар, объект тўғрисидаги маълумотларнинг инсон онгида шаклланиши, тасаввурнинг пайдо бўлиши бевосита ушбу феълнинг когнитив тилшуносликдаги ўрнини белгилаш имконини беради. Кўриб чиқилган таҳлил ва изоҳлар орқали *to see* феълнинг қуйидаги когнитив белгиларини келтиришимиз мумкин:

- 1) субъект онгида “кўриш” орқали тўпланадиган билим;
- 2) субъектнинг кўриш орқали бошланғич маълумотга эга бўлиши;
- 3) мақсад натижасида эришиладиган дастлабки маълумот;
- 4) субъектга нисбатан негатив стимулнинг пайдо бўлиши;
- 5) субъект онгида ҳосил бўлган образнинг юзага келиши.

Шахс онгида шаклланадиган билим ва тасаввур, одатда, кўриш орқали юзага келади. Мазкур билим ва тасаввур когнитив ҳодисанинг асосий қисмини ташкил этади. Бу маънолар *to see* феълнинг бевосита когнитив жиҳатдан воқеаланиш имкониятининг кенглигидан далолат беради. Натижада *to see* феъли фикр, билим, дунёқараш кабиларни шакллантирувчи муҳим воситалардан бири бўлиб қолади.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, эвиденциаллик нуктаи назаридан, инглиз тилидаги *to see* феъли ранг-баранг маъновий ифодаларга эга бўлади. Умуман олганда, кўриш ҳам ўзига хос когнитив жараён бўлиб, уни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: фаол кўриш, бевосита объектга эътибор билан қараш орқали кўриш; пассив кўриш, тасодифан юзага келган вазият; мақсадли кўриш, объект ёки воқеа-ҳодиса тўғрисида маълумот тўплаш учун кўриш; хулосали кўриш, кўриш орқали юзага келган тасаввурдаги шахс фаолияти ҳамда хатти-ҳаракатига таъсир этиши ва ҳоказо. Мазкур кўриш усуллари когнитивлик маҳсули сифатида фаоллашади. Бу эса *to see* феълнинг алоҳида концептуал ҳодиса сифатида талқин этилиши мумкинлигини кўрсатади.

Аъзамов Сайфулбот Мухаммадиевич

(Наманган Мухандислик-технология институти Чет тиллар кафедраси ўқитувчиси)  
**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ  
ТЕРМИНЛАРИНИНГ ДИАХРОН ТАДҚИҚИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳозирги замон тўқимачилик ва енгил саноат технологиясига оид терминларнинг диахрон тадқиқи юзасидан муҳим маълумотлар келтирилган. Ҳар бир терминологик тизимнинг шаклланиши, ривожланиши айтиш шунинг таркиб топиб, тараққий эта бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, соҳавий жиҳатдан ўзига хослик касб этади. Мақолада инглиз ва ўзбек тили тўқимачилик ва енгил саноат терминологиясининг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланиши ўз тараққиёт йўли, генетик асослари, мазмун-моҳияти, ўтмишида қандай лексик

<sup>1</sup> Bellow S. Humboldt’s Gift. The Viking Press, New-York. 1975, 58 p.

<sup>2</sup> Rendell R. 9 p.

<sup>3</sup> Bellow S. 60 p.

<sup>4</sup> Шу манба. 15 p.

<sup>5</sup> Rendell R. 11 p.

бирликлар билан номланганлигини илмий манбалар асосида ўрганиб, илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

**Аннотация.** В статье представлена важная информация по диахроническому исследованию современных терминов в технологиях текстильной и легкой промышленности. Становление и развитие каждой терминологической системы, являясь неразрывно связанной с развитием одной и той же сферы, представляет собой своеобразие. В статье на основе научных источников исследуется образование, формирование, развитие английской и узбекской терминологии текстильной и легкой промышленности, их путь развития, генетические основы, содержания, какими лексическими единицами назывались в прошлом.

**Annotation.** The article provides important information on the diachronic study of modern terms in the technologies of the textile and light industry. The formation and development of each terminological system, being inextricably linked with the development of one and the same area, is a peculiarity. Based on scientific sources, the article examines the formation, formation, development of English and Uzbek terminology of the textile and light industry, their path of development, genetic foundations, and content, what lexical units were called in the past.

**Калим сўзлар:** махсус газламалар, йўл-йўл газламалар, мовут, енгил шаффоф газламаси, тўқув дастгоҳи, йигирув чархи, шойи газмол, жун матолари, сунъий ипак, тўқув ҳунармандчилиги, зигир газламалари, юнг газламалари.

**Ключевые слова:** специальные ткани, полосатые ткани, сукно, легкая прозрачная ткань, ткацкий станок, прялка, шелковая ткань, шерстяные ткани, искусственный шелк, ткацкое ремесло, льняные ткани, ворсистые ткани.

**Key words:** special fabrics, striped fabric, cloth, light transparent fabric, weaving loom, spinning wheel, silk fabric, woolen fabrics, artificial silk, weaving, linen fabrics, fleecy fabrics.

Бугунги кунга қадар терминологияга оид тадқиқотларни амалга ошириш мамлакатимиз ва хорижий тилшуносликда ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда. Бу фан ва техниканинг жадаллик билан ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ахборот ҳажмининг ортиши натижа-сида терминологик лексиканинг тобора кенгайиб бориш жараёни билан изоҳланади. Мазкур жараён турли соҳага оид терминларни илмий жиҳатдан ўрганиш эҳтиёжини юзага келтирди.

Ҳаммага маълумки, она заминимизда дунё фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар етишиб чиққан. VIII–IX асрлардаёқ бизнинг юртимизда “Байту ал-ҳикма” (Донишмандлар уйи) деб аталмиш Фанлар академияси, орадан бирмунча вақт ўтиб, 1010 йилда Маъмун академияси ташкил этилган. Мазкур академияда бутун дунё аҳлини лол қолдирган буюк кашфиётлар қилинган. Лекин аждодларимиздан қолган бой маънавий ва маданий меросни, аёвсиз босқинлар сабабли ҳамма вақт ҳам тўлиқ ва асл ҳолда сақлаб қолишнинг имкони бўлмаган. Натижада барча соҳалар сингари, тилшунослик ва терминология соҳасининг ривожига ҳам ўзига хос пасайишлар кузатилди. Аксарият соҳаларнинг илмий-назарий билимлари Европа олимлари номлари билан боғлаб келинди. Бугунги кунга келиб, тўқимачилик турларининг шаклланиши ва таркиб топиш тарихини, уларнинг мазмун-моҳияти, ўтмишда қандай лексик бирликлар билан номланганлигини илмий манбалар асосида ўрганиб, илмий жиҳатдан тадқиқ этишнинг муҳимлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ҳар бир терминологик тизимнинг шаклланиши, ривожланиши айти шу соҳанинг таркиб топиб, тараққий эта бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, соҳавий жиҳатдан ўзига хослик касб этади. Шу маънода, инглиз ва ўзбек тили тўқимачилик ва енгил саноат терминологиясининг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланиши ўз тараққиёт йўли, генетик асосларига эга.

Халқ турмишининг бошқа соҳалари сингари, миллий либосларни ўрганиш ҳар бир элатнинг этник тарихи ва маданиятини, унинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқаларини татбиқ этиш билан чамбарчас боғлиқдир. У моддий ва маънавий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи ва этник белгиларини кўрсатувчи мезон ҳам ҳисобланади. Кийим инсоннинг илк ривожланиш давридан бошлаб, доимо инсон билан бирга ривожланиб келди. Кийимнинг дастлабки кўринишлари ибтидоий давр одамларининг қабила бўлиб яшаган вақтига тўғри келган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, тўқимачилик ҳақидаги муайян тушунчанинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги биринчи минг йилликка бориб тақалади. Ўтмиш ва келажакнинг ўзаро боғлиқлиги бадиий маданият яратишнинг асосидир. Табиатни объектив акс эттириш учун тўқимачилик санъати кўп имкониятларга эга. Тўқимачилик ва енгил саноат буюмлари инсоннинг битмас-туганмас манбасидир.

Ҳозирги замон тўқимачилик ва енгил саноат техникаси аста-секин ташкил топган. Археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, йигириш ва тўқиш эраиздан 2–3 минг йил авваллардан маълум бўлган. Ўша вақтларда одамлар ип тайёрлаш учун тош, суяк ва лойдан ясалган ғилдиракчалар кийдирилган қўл урчуқларидан фойдаланганлар. Ипни ўзлари яшаб турган жойлардаги мавжуд толалардан йигиришган. Кўпинча, бундай толалар жун ва луб толалари бўлган.

Миср тўқимачилик санъати тўғрисида сақланиб қолган тасвирий ва ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ва газмол намуналаридан батафсил маълумот олишимиз мумкин. Миср – зиғир толасининг ватани. Нил водийсининг табиий шароити ушбу ўсимликни ўстиришга имкон берган. Фиръавн ва кулдор ерларида зиғир кўп миқдорда экилган. Миср тўқимачиларининг маҳорати юқори даражага етганди. Қадимий Миср зиғир газламаларининг хусусиятлари борасида ҳозиргача сақланиб қолган мато намуналарига қараб тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Ҳашаматли нақшли газламалар қаторига қадим замонда Мисрда ишлаб чиқарилган донғи кетган “*виссон*”ни киритиш мумкин. Бу жуда юпқа мато Мисрда ўстирилган зиғирни махсус навидан тўқиларди. Кейинроқ виссонни зиғир ва пахтани махсус аралаштирмасидан тўқишадиган бўлди.

Ўрта Осиёда тўқимачилик ривожлангани тўғрисидаги маълумотлар араб ва форс жуғроф ва тарихчилари Ал-Муқаддасий, Наршахий, Ибн-Хавкал асарларида учрайди. Уларнинг маълумотлари аллақачон аниқ ҳақиқат бўлиб, ягона эди. Улар қуйидагиларни баён этишган. Бухоро, Марв, Самарқанд ва бошқа Ўрта Осиё шаҳарларида юнг, ип, шойи, ва зиғир газламалари фақат ички бозорга эмас, экспортга ҳам ишлаб чиқариларди. Ташқи бозор учун курама ёки араблар сўзи бўйича, аралашма газламалар ва кимхобни ишлашган.

Ал-Муқаддасийнинг маълумотларига кўра, Ўрта Осиё шаҳарларидан олиб чиқилган моллар рўйхатида қуйидагилар айtilган: “табаристонлик”, “синизи”, “ушманайлик қизил”.

Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухорода махсус газламаларни экспортга ишлашган: ок, қизил, яшиллари, ҳатто Рим ва Мисрда қўлланилар эди. Кейинроқ уларнинг ўрнига занданачи кенг тарқалди.

Марв ва Бухорода халифа хазинасида сақланадиган тўқима буюмларини ишлаш учун махсус устахоналар “бейт ат-тираз” бўлган. Бу устахоналарнинг маҳсулоти халифалик тўқимачилари учун типик бўлган: гилам...шолча, меҳмонхона полига солинадиган газламалар, гулли пардалар, декоратив ёстиқ учун жилд ва жойнамошлар бўлган. Бейт ат-Тираздаги усталарнинг маҳорати жуда юқори даражада бўлганлигини қуйидаги маълумотлар исботлайди: “битта пардага Бухоронинг ер солиғини бутунлай бериш мумкин эди”. Бухоро устахоналарининг кейинги тақдири тўғрисида Наршахий қуйидагини айтган: “Аммо вақт келиб, бу устахона беркилди, газлама ишлаб чиқарилмайдиган бўлди ва ушбу газламани ишлаган усталар ҳар томонга тарқаб кетди... Шуниси ажойибки, Бухоро усталари Хуросонга кетиб, шу газламани тўқиш учун барча тўқув асбоб-ускуналарини ўзи билан олиб кетишган ва шу ерда тўқув устахоналарини барпо этишган, аммо тури ва сифати бўйича Бухорода ишланган газламаларга тенг кела олмаган”. Марвдан ипак қурти уруғидан ўзида ишланган маҳкам шойи ип – “абришим” ва “мулҳам”, “шоҳижаҳон” газламаларини етказиб берган.

Савдо доирасига кирган қишлоқлар маълум: Зандана, Вардана, Искажкент, Дабусия, Дарзенги ва бошқалар. Зардана ва Варданада “занданачи” ва “вадорий” номли ип газламалари ишлаб чиқариларди. Бу иккита газлама дунёга машҳур бўлиб, кимхоб баҳосига сотилар эди. Уларни бошқа жойларда ҳам ишлашарди. Ўрта Осиёдан тайёр кийимлар (йўл-йўл газламалар ва мовутдан), аёллар кийими учун енгил шаффоф газламаси, рўмоллар ва бўёқлар (руён) олиб чиқиларди.

Болаликтепа, Варахша, Панжикент ва Афросиёб газламаларидан топилган деморий тасвирий ёдгорликлар жиддий янги маълумотларни кўшди. Зиёфат, қабул маросими ва саёҳатларда иштирок этувчиларнинг бой тантанали либосларини ва бошқа тўқима буюмларини (гилам, от ёпиғи, ёғлоғи) илк ўрта аср манзаралари тасвирланган. Шу тарихи, Сўғд аслзодалари либосларида қўлланилган газламаларни таҳлил этиш имконияти туғилди.

Белгиядаги Юи шаҳри соборидаги газламанинг (<ҳаёт дараҳти>ни икки томонида икки қўй тасвирланган) тескарисидаги ёзувни ўқилиши жуда муҳим маълумот берганди. Америка олимлари – қадимий газламалар бўйича тарихчи Д.Шепред ва эроншунос Б.Хеннинг сўғд тилида туш билан қилинган ёзувни ўқийган. Дешифровка натижасида газламанинг номи “занданачи” бўлгани маълум бўлди. Ўрилиш усули ва бўёқлари таҳлили туфайли дунё музейларидаги бир қатор газлама-

ларни аввал Сосоний ёки Византия газламаси ҳисобланганлари энди занданачи эканлиги тасдиқланди.

А.М.Беленитский ва И.Б.Бентович тарихий ёдгорликлар (ёзма ва археологик) асосида араб истилосидан XVII асргача занданачининг тарихини тадқиқ этишди (Беленитский, Бентович. 1961) Бир неча йил кейинроқ (1967, 1972) А.А.Иерусалимская Д.Шепрединг маълумотларига кўра, Шимолий Кавказ қабристонида топилган газлама намуналарининг бир қатори (200 шойи намунадан асосий кўплиги) сўғд нақшли газлама эканлиги аниқланди. А.А.Иерусалимская бир қатор мақолаларида сўғд шойилари билан боғлиқ саволларни кўтариб (тарихий, иқтисодий, тарихий-маданий, техникавий ва бадиий), Сўғдда ипакчиликни пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи батафсил ёритилганди. Аммо Наршахийни маълумотлари ва кейинги маълумотларига кўра, торилган занданачилар шойи эмас, ип газлама бўлган. С.М.Маҳкамованинг фикри бўйича, бу, аслида, занданачи шойи ва ип газлама бўлган.

Кушон даврида пайдо бўлган Буюк ипак йўли Ўрта Осиёдан ўтиб, Марказий Осиёни Византия билан боғларди. Хитой ва Ғарб мамлакатлари билан савдода Ўрта Осиё фақат даллол бўлмасдан, кўп маҳаллий газламаларни шу қаторда шойи газламаларни ҳам олиб чиқишарди.

XI–XIII асрга оид Ўрта Осиё тўқимачилик газмоллари тўғрисида маълумот йиғиш учун С.М.Маҳкамова шу давр турк манбаларидан фойдаланган: Маҳмуд Кошғарий “Девону луғати турк” – (1072–1074), Юсуф Достони “Қутадғу билиг” – Саодатга элтувчи билим (1069–1070), Аҳмад Югнакий достони “Ҳибат ул-ҳақойиқ” – Ҳақиқат совғаси (XIII асрнинг биринчи ярми), Ўрта Осиё тарихи, луғат маълумотлари ва бошқа ёзув манбалари атамаларни аниқлашга ёрдам берганди. Ўрта Осиёда тўқимачилик ва енгил саноат газламаларини ишлаб чиқариш учун юнг, зиғир, пахта ва ипак хом ашёси қўлланилган.

Ҳар хил асбоблар, тўқув дастгоҳларининг қисмлари, жараёнлар атамаларига кўра газламани ишлаб чиқаришни тасаввур этиш мумкин.

Пахта ва юнгни махсус ускуна «этанг» ёрдамида бир неча марта тарашарди (иска). Кейинги жараён – хомашёни йиғда егириш. Хом ипни эшиб, улашарди (таврат). Бу хизматни табақасидан қатъий назар, барча аёллар бажаришарди. Егириш жараёнида ишланган хом ипни (эдриқ) танда (ариш) ва арқоқ ипига қўллашарди. Бўйра (бутарн)ни тўқиш учун қўлланган қалин танда ипи ишлатилган.

«Эсри» атамасини М.Кошғарий «доғли» ёки «ола чипор», «эсри йишиг» олачипор ип деб тунтиради. Олачипор ип икки хил рангли ипларни эшиш натижасида қилинарди ёки ҳар рангли ип қўлланилган. «Эсри» сўзини маъноси – нақш солиш. Бу маълумот XI асрда Мовароуннаҳрда «икат» усули бўлганлигини билдиради.

Танда ип қўшимча ишлов беришни талаб қиларди: уни нимталашарди, *бутат* дастгоҳида ўтказишарди, навоӣ (чегга)га ўрашарди (каттур) ва тортишарди (югур). Ва туфон ёзувларида айтилган: «Бу дунёда барча нарсалар каби танда ва арқоқ ўзаро ўрилганда шойи, кимхоб, бўз ва бошқа газламалар келиб чиқади».

Кўзак асбобини кўллаб, тўқувчилик (токи) билан эркаклар шуғилланар эди. М.Кошғарий яшаган муҳитда, эҳтимол, шойи газмоллар бўлмаган. Маълумки, оддий ип ва юнг газламалари уй шароитида ишланган. Аммо Мовароуннаҳрда шойи газлама ишланганини этишимиз мумкин эмас, чунки араб манбаларида берилган маълумотларда шойи газламаларининг кўп номлари келтирилган, чет эл газламалари эса луғатда алоҳида белгиланган.

Уй ҳунармандлигида тўқув дастгоҳи оддий бўлган: танда ипи тепага кўтарилиб ва блокдан ўтказилиб, қармоқтош ёрдамида тортиларди. 1811 йилда Вутих таърифлаган Бухоро дастгоҳларида шифтга фақат танда ипи тортилмасдан, бердо, ром ва шодалари билан осиларди. Этнографлар маълумотига кўра, ўтроқ турк халқларида горизонтал дастгоҳ *урмак* бўлган. У йиғма бўлган ва унда юнг газламалари тўқилган. Дастгоҳда битта шода бўлган, тандада хомуза тахтача ёрдамида ҳосил қилинган.

XI асрда суруп навлар бўйича фарқланарди: этаклик бўз – кийимнинг этаги учун, сердак бўз – юпка тўқилган бўз, асосан, енгил ва ички кийим учун қўлланиларди. Бўзни кичкина бўлаги *эгин* дейиларди.

Этнографик маълумотларга кўра, XIX аср сурупи – оддий, бўялмаган сал эшилган ипдан оддий полатно ўрилишида тўқилган газлама.

М.Кошғарийнинг луғатида «чит» газламаси тўғрисида қуйидагилар айтилган: «Турли рангли гуллар босма қилинган ип газлама». Ғулжа минтақасини таърифлаган хитойлик Чан-чун (1221) оқ

газламада босма қилингани тўғрисида айтиб ўтган. Кейинги манбалардан маълумки, читни Самарқандда XV асрда махсус усталар – читгарлар ишлаб чиқаришган, улар нақшни тайёр газламага қилишган.

Луғатда ир газламанинг яна атамаси бор: камак – кўйлак учун ола чипор газлама, кипчокларда эса сув ўтказмайдиган ёпинчиқлар учун ва чек – ундан устки кийим тикилар эди.

М.Кошғарийнинг маълумотига кўра, ип газламаларининг ассортименти уч-тўрт турдан иборат. Улар бир-биридан қалинлиги, зичлиги ва нақши борлиги билан фарқланади. Араб тарихчилари Ал-Муқаддасий, Наршахий ва Хитой саёҳатчилари учун ип газламалари ҳар хил туюлган; улар барча атамаларини келтиришган. Газламаларнинг номи ишлаб чиқарилган жойига биноан («вадорийлик», «занданачи», ду-лу-ма, мо-си, «туркистонлик» ва «самарқандлик»); уларни хусусиятларига кўра («юмшоқ», «қалин», «тиғиз ва нафис», «пишиқ», «жуда соф, гўзал ва нафис»); ранги бўйича («сарғич», «қизил», «яшил») берилган. «Хуросонда вадорий газламасидан устки кийим киймаган на амир, на вазир, на қози, на бой, на оддий халқ, на жангчийўқ; уларда у гўзаллик ва башанглик тимсоли бўлган», деб айтишган.

Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида деҳқончилик ривожланиши билан пахта экила бошлаган. Чигит экиб, пахтадан ип ва газлама олиш Ўрта Осиёда эрамиз бошидаёқ тарқалган эди. Йигириш унумдорлигини оширишга интилиб, кишилар ипни қўл ёрдамида йигирувчи чарх ясадилар, унинг урчуғи шунур орқали ғилдирак ёрдамида ҳаракатга келтирилган.

Бир неча вақтдан кейин бу чарх такомиллаштирилиб, урчуғи оёқ билан айлантириладиган чарх яратилди. Рогулькали урчуғ ихтиро қилингандан кейин меҳнат унуми бироз ошди. X–XIII асрларда горизонтал қўл дастгоҳи ихтиро қилинди. Қўлда йигириш ва тўқишдан машиналашган йигириш ва тўқишга XVIII асрнинг иккинчи ярмида ўтилди: ўша вақтлар йирик машина индустриясининг туғилиш даври ҳисобланди.

Ўрта Осиёда биринчи тўқимачилик корхоналари XVIII асрда пайдо бўлди. Булар мануфактуралар эди. Бу корхоналарда толали материаллар ҳар хил оддий мосламалар (тароклар, қўл урчуқлари ва х.к.лар) ёрдамида қўлда ишланар эди. Шу даврдан бошлаб, йигириш ва тўқиш жараёнлари аста-секин механизациялаштира бошланди. 1738 йилда инглиз ихтирочиси Уайт ўзи йигирувчи узлуксиз чархга уч цилиндрли чўзиш асбобини бирлаштирди. 1756 йилда рус ихтирочиси Раддион Глишков зиғир тола учун биринчи қайта тараш ва кўп урчуқли йигирув машиналарини ихтиро қилди.

Илмий тил термин ва фақат терминдан иборат. Хусусан, нафақат объектлар, балки уларнинг муносабатлари ҳам терминлар билан ифодаланади. Агар маълум бир фаннинг терминологиясида объектлар ўртасидаги баъзи бир муносабатлар аниқланмаган бўлса, унда улар мавжуд эмас. 1828 йилда Санкт-Петербургда Амалий технологик институт ташкил этилган. Ўрта Осиё республикаларида Ўзбекистондаги Тошкент Тўқимачилик институти ушбу минтақанинг тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлашда алоҳида катта ёрдам кўрсатди.

Миллий техник зиёлиларни тайёрлаш бошланди, тўқимачилик саноатига оид илмий ва техник нашрлар пайдо бўлди, ҳунармандчилик давлати давридан бери сақланиб қолган тўқимачилик терминини тўплаш ва тизимлаштиришга уринишлар қилинди, чунки қадимги Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари “Буюк Ипак йўлида” жойлашганлиги тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишига олиб келган. Бироқ бу шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиши учун етарли эмас эди. Қўл ҳунармандчилиги билан бир қаторда, илғор технологияларга эга бўлган кенг қўламли саноатни яратиш керак эди. Фақат йирик саноат корхоналарини фойдаланишга топшириш асосида маҳаллий ишчиларни шакллантириш ва аҳолининг маданий савиясини кўтариш билан орқада қолишдан тараққиётга сакраш мумкин эди.

Ушбу қоидаларга асосланиб, хом ипакнинг мавжудлигини, кўмир конларининг, нефть конларининг яқинлиги ва тарихан шаклланган ипакни қайта ишлайдиган кўплаб ҳунармандларнинг мавжудлиги, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик режасида (1928–1932) 192 ўраш машинаси учун иккита ўраш корпуслари мавжуд бўлган Хўжанд ипакни қайта ишлаш фабрикасини қуришни кўзда тутилди.

Ипак саноати корхонасини қуриш учун ўтмишда Фарғонада бўлган Марғилон шаҳрининг танланиши бежиз эмас эди. Бу эрда қадим замонлардан бери ипак етиштириш ва ипак тўқиш ривожланган. Милoddан аввалги I–II асрларда Фарғона водийси ипак етиштириш ва ипак ҳунармандчилигининг энг қадимий маркази ҳисобланган. Сўғднинг тўқимачилик ҳунармандчилигига ипакнинг кириб бориши тарихда машҳур бўлган Буюк Ипак йўли бўлиб, у Хитойдан ғарбга Сўғ-

диёна шаҳарлари оркали ўтган. Кейинги тарихий даврларда, айниқса, ўрта асрларда пиллачилик яна ривожланди. Лекин пиллачилик XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида яна-да ривожланди. Баъзи маълумотларга кўра, ўтган асрнинг олтинчи йилларида Фарғонада ипак етиштириш деҳқон хўжаликларида устувор бўлган.

Умуман олганда, тўқувчиликка келсак, бу ҳунармандчилик Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги касбларидан биридир. Тарихий манбаларда Буюк Искандар Зулқарнайн истилоси даврида қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо маркази сифатида тилга олинди. Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида олиб борилган археологик қазишмаларда топилган матолардан тайёрланган намуналар ушбу ҳудудларнинг ҳунармандлари, хусусан, Сўғд тўқувчиларининг маҳоратини тасдиқлайди. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ипак савдосининг кенгайиши натижасида ва ипакнинг хомашё сифатида мавжудлиги Сўғдда тўқув тармоғинининг – янги ипак (шойи) тўқиш тармоғини яратишга йўл очди. У Сўғдда IV–V асрларда пайдо бўлган. Ривожланаётган ипакчилик ва ипак тўқиш уйғунлиги туфайли янги санъат пайдо бўлди – ипакни бўйаш, ичига коплаш ва пардозлаш.

Ўзбекистон ва унинг вилояти ипак тўқиш билан нафақат Ўрта Осиёда, балки унинг ташқарисида ҳам машҳур эди. Катта ипак тўқиш маркази сифатида Самарқанд, Бухоро шаҳарлари араб истилоси даврида ҳам машҳур бўлган. Кўплаб муаллифлар XIX ва XX аср бошларида Тошкентда ва унга туташ ҳудудда хилма-хил тўқув ҳунармандчилигининг ҳолати тўғрисида гапиришган. Ўша пайтларда ушбу шаҳарнинг тўқувчилик маҳсулотлари ички ва ташқи ипак бозорида алоҳида ўрин тутган. Ипак матолар шу ердан Марказий Осиёнинг барча шаҳарларига, Россия ва Сибирга олиб чиқилган.

Буюк Британиянинг тўқимачилик саноати унинг енгил саноати тизимида алоҳида ўрин тутди. Айнан иктисодиётнинг ушбу соҳаси, бир вақтнинг ўзида, нафақат Британия иктисодиётининг, балки бутун мамлакатнинг ривожланишида алоҳида роль ўйнаган. Англияда тўқимачилик саноати туфайли машинасозлик саноатининг бошқа барча соҳаларда тарқалиши бошланди, бу дунё учун ривожланишнинг идеал моделига айланди.

Ҳозирда ҳам Ғарбий Йоркширда инглиз жун матолари ишлаб чиқарилиши давом этмоқда. Сунъий ипак Силсден шаҳрида ишлаб чиқарилади. Пахта матолари бугунги кунда ҳам Ланкширда ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тўқимачилик ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кўплаб кичик шаҳарлар мавжуд. Ушбу тўқимачилик соҳаларининг барчаси Британия енгил саноатининг энг қадимги соҳаларидир. Инглиз жун матолари ва бошқа жун маҳсулотлари мамлакатда ва бутун дунёда алоҳида машҳурликка эга. Бундай маҳсулотларнинг сифати бир неча асрлардан кўпроқ вақт давомида энг юқорида қолишда давом этмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд-во 3-е стереотипное, М., 2005.
2. Даниленко В.П. Терминология и норма. Одесса, ОГУ, 1988.
3. Очиллов Т.А. Тўқимачилик материалларини синаш. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2004.
4. Ревзин И.И. Современная структурная лингвистика. Проблемы и методы. М., “Наука”, 1977.
5. Реформатский А.А. Термин и терминология. М., “Высшая школа”, 1959.
6. Ҳасанбоева Г. Тўқимачилик дизайнини тарихи. Тошкент, 2006.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2000.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006–2008.
9. Sven Jacobson. Three types of Terminologies, 1984, Euralex.org <http://www.euralex.org/elx>
10. Орлова М.В. Теоретические обоснования термина как языкового явления, 2010 <http://www.scientific-notes>

**Қурбанов Мухтарбай Даулетбаевич (Нукус Давлат Педагогика институти, филология фанлари номзоди; [muxtar\\_kurbanov@mail.ru](mailto:muxtar_kurbanov@mail.ru))**  
**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТОПОЙКОНИМЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАСИГА**  
**ДОИР**

*Аннотация. Мақолада бир географик объект номининг иккинчи бир объектга ном сифатида кўчиши, яъни топонимдан топоним ҳосил қилиш ҳодисаси ўрганилган. Аҳоли жой номларининг*



шаклланишида бу ҳодиса топооиконим термини остида таҳлил қилинган. Назарий қарашлар Қорақалпоғистон ойконимлари мисолида исботланган. Ҳудуд топооиконимлари қандай географик объект номидан келиб чиққанига кўра, орооиконимлар ва гидрооиконимлар деб гуруҳларга бўлиб ўрганган. Шунингдек, олимларнинг бу борада билдирган фикрлари баён қилинган.

**Аннотация.** В статье изучено явление переноса названия одного географического объекта в качестве названия другого объекта, т.е. образования топонима от топонима. В формировании названий населенных пунктов это явление анализировалось под термином топооиконим. Теоретические воззрения доказаны на примере каракалпакских ойконимов. Топонимы территории изучались группами как орооиконимы и гидрооиконимы в зависимости от того, от какого географического объекта произошло их название. Также изложены мнения, высказанные учеными по этому поводу.

**Annotation.** The article studies the phenomenon of transferring the name of one geographical object as the name of another object, i.e., the formation of a toponym from a toponym. In the formation of the names of localities, this phenomenon was analyzed under the term topoikonim. Theoretical views are proved on the example of Karakalpak oikonims. The toponyms of the territory were studied in groups as oroikonims and hydroikonims, depending on the geographical object from which their name was derived. The opinions expressed by scientists on this issue are also presented.

**Калим сўзлар:** топоним, ойконим, топооиконим, ороним, орооиконим, гидроним, гидрооиконим.

**Ключевые слова:** топоним, ойконим, топооиконим, ороним, орооиконим, гидроним, гидрооиконим.

**Key words:** toponym, oikonim, topoikonim, oronym, oroikonim, gidronym, hydroikonim.

Топонимикага оид тадқиқотлардан маълумки, сўнгги пайтлари географик номлар – топонимларни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки топонимларнинг лисоний ва нолисоний омилларга боғлиқ пайдо бўлиши бир қатор илм соҳалари учун қимматли маълумотлар олиш имконини бермоқда.

Жой номлари тил луғат таркибининг маълум бир қисмини ташкил қилади. Топонимлар қадимий ва узоқ даврнинг маҳсулидир. Улар ҳудуд табиати, тарихи, у ерда яшаган халқлар ҳақида бой маълумот берувчи даракчилардир. Ҳар бир давр ва жамият ўз топонимлар тизимини шакллантиради. Машҳур топонимист Э.М.Мурзаев таъкидлаганидек, топонимлар у ёки бу мамлакатларда, вилоятларда ёки ўлкаларда юзага келганлиги, таркиб топганлиги ва тарқалганлиги даврнинг, тарихий шароитнинг гувоҳи ҳисобланади.<sup>1</sup>

Топонимларнинг кенг тарқалган тури – ойконимлар. Ойконимларга шаҳар, аҳоли пункти, қишлоқ, овул каби яшаш манзилларининг атоқли отлари киради. Улар топонимнинг бошқа турлари, жумладан, ороним ёки гидронимларга нисбатан қўлланилиши, ижтимоийлиги жиҳатдан айрим хусусиятларга эга. Айтилик, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, воқеалар, энг аввало, ҳудуд ойконимлар тизимига таъсир қилади. Тарихдан маълум, кўпгина кўрғон, шаҳар номлари ижтимоий-сиёсий таъсирлар натижасида йўқ қилинган ёки маълум вақтдан сўнг қайта тикланган. С. Қораев шундай ёзади: «Аҳоли пунктлари ижтимоий-иқтисодий категориядир. Шунинг учун ҳам шаҳар-қишлоқларнинг таркиб топиши, жойлашиши, аталиш қонуниятларини конкрет табиий-тарихий ва сиёсий шароит билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга».<sup>2</sup>

Ойконимлар тил бирлиги сифатида халқнинг моддий ва маънавий бойликларини, этник таркиби ҳақида бой маълумотлар берувчи манба ҳисобланади. Шу боис ойконимлар топонимик материаллар орасида ҳам тарихий, ҳам лисоний жиҳатдан энг қимматли ёдгорликлар саналади.

Топонимлар номинациясидан маълумки, географик объектларга ном беришда, кўпинча, у ернинг табиий-географик хусусиятлари, иқлими, ҳайвонотлар ва ўсимликлар олами мотив қилиб олинади. Масалан, тоғ, тепаликларни номлашда уларнинг ташқи кўриниши эътиборга олинади: *Оқтоғ, Қоратоғ, Баландтепа, Қўштепа*; дарё, кўл ёки ўзанлар ҳажми, сувнинг ҳаракати, ранги, таъмига боғлиқ номланиши мумкин: *Камтадарё, Кўкдарё, Аччикўл* ва ҳ.к. Бу каби мисоллар ҳар бир ҳудудда бор.

<sup>1</sup> Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. М., “Мысль”, 1974, 361-бет.

<sup>2</sup> Qorayev S. Toponimika. Toshkent, O‘zbekiston faylasufbri milliy jamiyati nashriyoti, 2006, 52-bet.

Аҳоли яшаш манзилларни номлашда, кўпинча, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий омиллар мотив қилиб олинади: *Маңғит қишлоғи*, *Кенагас қишлоғи* – этник белги, *Абдулла овули* – шахс номи, *Туйачи қишлоғи* – касбга оид, *Дўстлик шаҳарчаси* – мафкуравий, ва бошқа шу каби.

Топонимикада бир объектнинг номи билан бошқа бир объектни аташ, яъни объект номининг биридан иккинчисига кўчиши кенг тарқалган ҳодиса. Чунончи, аҳоли яшаш масканлари яқин атрофдаги географик объект номи билан номланиши кўп учрайди. Бу, биринчидан, халқнинг ном танлаш ишини осонлаштиради, иккинчидан, географик объект ва унинг номи яшаш жойига мўлжал (ориентир) вазифасини бажаради. Машҳур топонимист А.И.Попов ҳам топографик объектлар орасида кўпроқ аҳоли яшаш жойлари у ерга яқин жойлашган табиий объект номлари билан аталишини таъкидлаган эди.<sup>1</sup>

Ономастикага оид луғатларда бир номнинг иккинчисига кўчиши *трансонимизация*, топонимларнинг кўчиши – *транстопонимизация* деб аталган.<sup>2</sup> Топонимикада оид сўнги тадқиқотларда бу ҳодиса топоним яшашнинг бир тури сифатида ўрганилмоқда.

Қорақалпоғистон топонимлари, унинг бир тури ойконимларининг юзага келишида ҳам ном кўчиш ҳодисаси кузатилади. Маҳаллий топонимлар тадқиқига бағишланган айрим ишларда бу ҳақида факр юритилган. Г.Мамбетова республиканинг шимолий ҳудудлари гидронимлари таркибида топоним асосли номларни топогидронимлар термини остида таҳлил қилган.<sup>3</sup> Г.Абишов бундай жой номларини топотопонимлар деб атайди.<sup>4</sup> Мазкур гуруҳга маҳаллий ойконимлар ҳам киритилган.

Қорақалпоғистон ойконимлари таркибида топоним асосли қишлоқ, овул, аҳоли пункти номлари анчагина. Бу типдаги номларнинг хусусиятларини топоойконим термини мукамалроқ ифода қилади. Шу боис биз ишимизда топоойконим терминини қўлладик.

Топоойконимлар таҳлилидан ҳудуднинг табиий-географик, рельеф хусусиятлари ҳақида бой маълумотлар олса бўлади. Масалан, Қорақалпоғистон ҳудудида тоғ, тепаликларга нисбатан сув объектлари (кўл, арик, ёб, дарё ўзанлари) кўп. Бу ҳол ороним ва гидронимларнинг ойконимга кўчишида сезиларли фарқларни келтириб чиқаради. Шуни ҳисобга олиб, топоойконимларни қандай географик объект номидан келиб чиққанлигига кўра, *ороойконимлар* ва *гидроойконимлар* деб бўлди.

*1. Ороойконимлар.* Ер юзаси ҳар хил: текислик, тоғлик, қиялик, ўй, чуқур, кумлик ва ҳоказо. Буларга берилган отокли номлар оронимлар деб юритилади. Топонимик тадқиқотларда ер тузилиши, сатҳи билан боғлиқ пайдо бўлган аҳоли номлар айрим ишларда *геоморфологик ойконимлар*,<sup>5</sup> бошқасида *ороойконимлар*<sup>6</sup> термини остида таҳлил қилиниб келмоқда. Бу типдаги жой номлари оронимларга боғлиқ келиб чиққан. Шу боис биз *ороойконимлар* терминини қўлладик.

Қорақалпоғистон ороойконимлари рельефти билдирувчи қуйидаги сўзлар воситасида шаклланди:

1) *таў* (тоғ) сўзи ёрдамида: *Белтаў*, *Бөршилтаў* (Тахтақўпир туманида қишлоқлар), *Қаратаў* (Қораўзак туманида қишлоқ), *Порлытаў* (Мўйноқ туманида қишлоқ), *Қырантаў* (Нукус туманида қишлоқ) в.б. Республиканинг шимолий ҳудудларида тоғ, тоғ тизмалари кўп бўлмагани боис *таў* таркибли номлар ҳам оз;

2) *атаў* (атов) сўзи билан: *Ержанатаў* (Кегайли туманида қишлоқ), *Сарыатаў* (Хўжайли туманида қишлоқ), *Бозатаў*, *Қусханатаў* (Бўзатов туманида қишлоқлар), *Қуматаў* (Чимбой туманида қишлоқ);

3) *жар* сўзи ишироқида: *Қаражар*, *Қызылжар* (Мўйноқ туманида қишлоқлар). Ҳудудда *жар* сўзи иштирок этган ойконимлар оз;

4) *ой* (ўй) сўзи воситасида: *Тэженой*, *Нэдирой* (Шўманой туманида қишлоқлар);

<sup>1</sup> Попов А.И. Географические названия (Введение в топонимику). М., “Наука”, 1965, с. 22.

<sup>2</sup> Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. М., “Наука”, 1978, с. 152–153.

<sup>3</sup> Мамбетова Г. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимлари. Филол.фан.фалсафа докт. (PhD) дисс. автореферати, Нукус, 2018, 18-бет.

<sup>4</sup> Абишов Г. Чимбой тумани топонимларининг тарихий-лингвистик таҳлили. Филол.фан.фалсафа докт. (PhD) дисс.автореферати, Нукус, 2019, 16-бет.

<sup>5</sup> Нетьматова Ю. Наманган вилояти ойконимларининг тарихий-лингвистик тадқиқи. Филол.фан.фалсафа докт. (PhD) дисс.автореферати, Фарғона, 2018, 17-бет.

<sup>6</sup> Охунов Н., Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари. Фарғона, 2010, 41-бет.

5) қум сўзи ёрдамида ясалган жой номлари: Аҳоли пункти ёки қишлоқ номлари таркибида қум сўздан атрофда қумликлар борлигини билса бўлади. Масалан, *Аққум*, *Жиллиқум* (Хўжайли тумани), *Жупайқум*, *Сапақум* (Кегайли тумани), *Арзымбетқум* (Қонликўл тумани) каби ўнлаб қишлоқ номлари шулар жумласидандир.

Таҳлиллардан кўринадики, ороойконимлар бошқа тип номларга нисбатан аталган жойнинг рельеф хусусиятини, табиатини ўзида акс эттиради. Топонимист К.С.Горбачевич ороойконимлар ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: «Вақт ўтиши билан номланган объектнинг рельефи ўзгариши мумкин, лекин аввалги рельефни ифода қилган ном сақланиб қолади».<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам ороойконимлар аталган жойнинг ўтмишидан «эсдалик» бўлиб қолади. Демак, аҳоли номларининг вужудга келишида жойнинг рельеф хусусиятлари, оронимлар тизими муҳим аҳамият касб этади.

*II. Гидроойконимлар.* Топонимикага оид тадқиқотларда сув объектлари номлари – гидронимлардан ҳосил бўлган ойконимлар *гидроойконимлар* деб аталган. Гидроойконимлар нафақат туркий, балки дунё тиллари топонимиясида ҳам кўп учрайди. Одамлар қадим замонлардан буён сув бор жойларда ёки сув иншоотларига яқин яшашни одат қилган. Сув объектлари инсон ҳаётида ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. Гидронимларнинг топонимлар, шу жумладан, ойконимларга кўчиши узоқ даврларга бориб тақалади. Бу ҳақида Н.Улуқов шундай ёзади: «Ном кўчиши, номлардан номларнинг туғилиш жараёни лисоний ва нолисоний омиллар маҳсулидир. Гидронимларнинг юзага келишида ҳам бу ҳол яққол сезилади».<sup>2</sup>

Қорақалпоғистон ҳудуди географик жиҳатдан Орол денгизига яқин жойлашган. Шунинг учун ҳам Амударё дельтасида катта-кичик сув иншоотлари (дарё ўзанлари, канал, кўл, ёб, арик, сув хавзалари) жуда кўп. Ҳар бир қишлоқ ҳудудида дехқончилик, чорвачилик учун арик, ёб, канал ёки сув сақлагич бўлиши мумкин. Бу ҳол, ўз навбатида, гидроойконимларнинг вужудга келишига асос яратади.

Биз тўпланган материалларни қандай ва қайси типдаги сув объекти номи асосида ҳосил бўлганига кўра, қуйидагича гуруҳларга ажратдик:

1) *жап* (ёб) номлари билан аталган қишлоқлар: *Абатжап* (Кегайли, Шўманой тумани), *Ақжап* (Хўжайли, Шўманой туманлари), *Бозжап*, *Жалпақжап*, *Соржап* (Кегайли тумани), *Бегжап* (Қонликўл тумани), *Айланбажап*, *Қалқанжап*, *Қойбақжап*, *Сейтекжап*, *Тэжетжап* (Қораўзак туманида қишлоқлар), *Байжап*, *Жаңжап*, *Машынжап*, *Иванжап*, *Тағатаслыжап* (Хўжайли тумани), *Бозжап*, *Сазанжап*, *Таллыжап* (Шўманой тумани), *Жамбасжап*, *Оржап*, *Отаўжап*, *Тағжап*, *Шўйтжап* (Чимбой тумани), *Қазақжап* (Қўнғирот тумани), *Майжап* (Қонликўл, Чимбой туманлари), *Ханжап* (Хўжайли, Қўнғирот туманлари) каби. Ҳудудда *жап* сўзи иштирок этган ойконимлар талайгина;

2) *көл* (кўл) сўзи иштирокида шаклланган гидроойконимлар ҳам сон жиҳатдан анчагина: *Арпакөл*, *Қопақкөл*, *Мойынкөл*, *Табанкөл*, *Уйғыркөл* (Кегайли туманида қишлоқлар), *Алтынкөл*, *Қанлыкөл*, *Табанкөл* (Қонликўл туманида қишлоқлар), *Ақкөл*, *Атакөл*, *Мақпалкөл*, *Маржанкөл*, *Теппекөл* (Тахтакўпир туманида қишлоқлар), *Ақшакөл*, *Қаракөл*, *Сарайкөл*, *Тўбиркөл*, *Шағалакөл*, *Шаханкөл* (Хўжайли туманида қишлоқлар), *Бирқазанкөл*, *Машанкөл*, *Сарыкөл*, *Хожакөл*, *Шыйықкөл* (Қўнғирот туманида қишлоқлар), *Гўжимликкөл*, *Қаттыкөл*, *Сарманбайкөл*, *Шомақкөл* (Шўманой туманида қишлоқлар), *Қаракөл*, *Нөкеркөл* (Чимбой туманида қишлоқлар), *Қаракөл* (Қораўзак туманида қишлоқ), *Қуўлыкөл* (Қонликўл, Тахтакўпир туманларида қишлоқ), *Қоңыраткөл* (Тахтакўпир, Қўнғирот туманларида қишлоқ), *Найманкөл*, *Сарайкөл* (Тахиатош туманида қишлоқлар), *Сарыкөл* (Тахтакўпир, Хўжайли туманларида қишлоқ), *Узынкөл*, *Тақыркөл*, *Шоркөл* (Нукус туманида қишлоқлар) каби. Профессор С.Қораевнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистон ҳудудида майда-чуйдаларини ҳисобга олмаганда, 150 дан ортиқ кўл бўлган. Республика Амударёнинг этак қисмида бўлгани боис дарё суви тошиб сон-саноксиз кўлларни ҳосил қилган.<sup>3</sup>

3) *өзек* («ўзак») сўзи иштирокида ҳосил бўлган қишлоқ номлари: *Бекниязөзек* (Кегайли тумани), *Есимөзек*, *Қораўзак* (Қораўзак тумани), *Майлыөзек* (Шўманой тумани), *Киндикөзек* (Қонликўл тумани), *Қызылөзек* (Чимбой тумани);

<sup>1</sup> Горбачевич К.С. Русские географические названия. М.–Л., 1965, 32-бет.

<sup>2</sup> Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. Тошкент, “Фан”, 2008, 168-бет.

<sup>3</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005, 194-бет.

4) *Дарё* номлари билан аталган қишлоқлар: *Дарьялық* (Шўманой тумани), *Жаңадарья* (Тахтакўпир тумани), *Еркиндарья* (Бозатаў тумани), *Көкдарья* (Кўнғирот тумани), *Қазақдарья* (Мўйнок тумани);

5) *Шўңгил* (сув тўпланадиган чуқурлик, ўй) сўзи иштирокида ҳосил бўлган номлар ҳам учрайди. Баъзан қишлоқлар сув тўпланиб қолган чуқур, ўйдим ерларнинг номлари билан аталиши ҳам мумкин. Бундай чуқурларда, асосан, ёмғир сувлари тўпланиб ётади. Худуддаги *Ақшўңгил*, *Сарышўңгил* (Хўжайли туманида қишлоқлар), *Ахымбетшўңгил*, *Қумшўңгил* (Кегайли туманида қишлоқлар), *Майшўңгил* (Тахтакўпир туманидаги қишлоқ) номлари фикримиз далилидир;

6) *туба* сўзи иштирокида шаклланган гидроойконимлар: *Ақтуба* (Кегайли туманида қишлоқ), *Туба* (Хўжайли туманида қишлоқ), *Наймантуба* (Тахياتош туманида қишлоқ). Қорақалпоқ тилида *туба* деб дарё ёки ўзан сувининг олди куйикланишидан пайдо бўлган кўлга айтилади;

7) *сай* (сой) сўзи иштирокида: *Тереңсай* (Хўжайли туманида қишлоқ), *Даўйтсай* (Тахтакўпир туманида қишлоқ);

8) *арық* (ариқ) сўзи ёрдамида шаклланган ойконимлар: *Шоқарық*, *Қамысарық* (Чимбой туманида қишлоқлар);

9) *көпир* (кўпир) номлари билан аталган қишлоқлар: *Ақкөпир*, *Хожакөпир* (Шўманой тумани), *Бескөпир* (Қонликўл тумани), *Қоскөпир*, *Шагалкөпир* (Кегайли тумани), *Отаркөпир* (Қораўзак тумани).

Қорақалпоғистон гидронимлари, уларнинг пайдо бўлиши, турлари Г.Мамбетова томонидан кенг ўрганилган.<sup>1</sup> Шу боис биз худуд гидроойконимларининг семантик хусусияларига кенг тўхталмадик.

Материаллар таҳлилидан кўринадики, худудда сув объектлари турининг оз ёки кўплиги гидроойконимлар сонига маълум даражада таъсир қилади.

Хулоса қилганда, аҳоли яшаш масканларининг номланиши (номинацияси)да географик, шу жумладан, орфографик ва гидрографик объект номлари ҳам иштирок этади. Топоойконимлар жойнинг табиати, рельефи ҳақида бой маълумотлар беради. Шуни ҳисобга олиб, келгусида бундай «сўзловчи» номларини тўплаш, таҳлил қилиш регионал топонимика учун катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Эшмуродова Зарифа Рахмонбердиевна (“Ипак йўли” халқаро туризм университети таянч докторанти; [zarifa.eshmurodova@univ-silkroad.uz](mailto:zarifa.eshmurodova@univ-silkroad.uz))

#### ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОГРАФИЗМЛАР ТАДҚИҚИГА ДОИР

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўзбек халқ достони «Алпомииш» ва француз халқ достони «Роланд ҳақида кўшиқ» матнларининг этнографик лексикаси ўрганилган. Халқларнинг моддий ва маънавий маданият оид этнографизмлари, уларнинг, ўз навбатида, лексик ва семантик кичик гуруҳларга бўлинганлигини аниқланган. Мақолада икки халқ достонида учраган хўжалик ишлари билан боғлиқ этнографизмлар ва уларнинг маънолари хусусида сўз боради.

**Аннотация.** В статье исследуется этнографическая лексика узбекского народного эпоса «Алпомииш» и французского народного эпоса «Песнь о Роланде». Выявлена этнография материальной и духовной культуры народов, и разделяются лексические и семантические подгруппы. В статье рассматриваются этнографии и их значения, связанные с экономической деятельностью, встречающиеся в двух народных эпосах.

**Annotation.** The article examines the ethnographic vocabulary of the Uzbek folk epic “Alpomish” and the French folk epic “Chanson de Roland” (“Song of Roland”). The ethnography of the material and spiritual culture of peoples is revealed, and lexical and semantic subgroups are divided. The article examines ethnographies and their meanings related to economic activity, found in two folk epics.

**Калим сўзлар:** фольклор, этнография, моддий маданият, закот, ботмон, жузья, феодал, арпан, ўлпон.

**Ключевые слова:** фольклор, этнография, материальная культура, закят(подать), феодал, джузья, арпан, дань.

**Key words:** folklore, ethnography, material culture, zakat, feod, juzya, arpan, tribute.

<sup>1</sup>Мамбетова Г. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимлари. Филол.фан.фалсафа докт. (PhD) дисс. автореферати, Нукус, 2018.

Дарҳақиқат, урф-одатлар турли халқларни бир-биридан ажратиб турувчи муҳим белгилар сирасига киради. Жаҳон тилшунослигида миллий урф-одат ва қадриятлари, халқларнинг моддий ва маънавий маданияти, турмуш тарзи хусусида лингвомаданий ахборотни ўзида жамловчи этнографик лексикани кенг ўрганиш ва тилларнинг ноёб хазинаси бўлган этнографизмларни келажак авлодларга етказиб бериш долзарблик касб этмоқда. Зеро, этнографизмлар умуммиллий этнографик лексика билан тарихий-генетик жиҳатдан муштарақлик касб этган ҳолда ўзида моддий ва маънавий маданиятни акс эттирувчи алоҳида этномаданий мазмун ташийти.

Шу нуқтаи назардан, этнографизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини систем тарзда ўрганиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилларидаги этнографизмларни тарихий-ижтимоий ва лингвистик асосларини тадқиқ этиш орқали муайян халқнинг фани, миллий тили, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, маданий мероси ва ҳаётий қадриятлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, қадимги дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги ёзма ва оғзаки ёдгорликлари фольклоршунослик учун ҳам, этнография учун ҳам муҳим манба саналади.

Фольклорни халқ маданиятининг бир қисми сифатида ўрганилганда, этнография ҳам назарда тутилган. Халқ маданиятини ўрганувчи соҳа этнография тан олинганда, фольклор унинг таркибига киритилган эди.<sup>1</sup> Илк бор рус фольклоршунослигида фольклорни тадқиқот объекти сифатида қараган А.Н.Пыпин «История русской этнографии» (1890–1892) асарини нашр эттирди.<sup>2</sup> Мазкур асарда «фольклор» термини остида «этнография» термини тушунилди. Бу ҳақда К.В.Чистов «Фольклор ва этнография» тўпламида куйидагича ёзади: «Биз фольклорнинг мустақил, эркин соҳа эканлигига шубҳа қилмоқчи эмасмиз. У жуда кенг ва аниқ мавзуга эга, аммо бу унга яқин бўлган «қўшнис» ва «қардоши» – этнография ва филологияга бўлган асосий муносабатини ўзгартирмай-ди.<...>фольклорнинг асосий хусусияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам филология, ҳам этно-графия соҳаси сифатида қолаверади, чунки ҳар бир халқ ходисаси, бир вақтнинг ўзида, халқ ҳаё-тининг, шу билан бирга, оғзаки санъатнинг ҳақиқати бўлиши муқаррардир».<sup>3</sup> Шу сабабдан фольклор асарлари ранг-баранглиги, яратилиш жиҳатдан қадимийлиги, ғоявий-бадий юксақлиги жиҳатдан алоҳида ажралиб туради, унинг тил бирликлари, шу жумладан, лексик бирликлари ҳам сис-тема, структура ва меъёрнинг диалектик муносабати асосида шаклланади. Фольклор система эле-ментларининг яхлит мажмуи сифатида ўзида этнографик лексикани ташийти. Миллат тафаккури-нинг ўзига хос жиҳатларини белгилашда муҳим мезон вазифасини бажарадиган этнографик лексика замирида аждоқларимиз иқтидорининг тарихий илдиэлари ва тадрижий ривожини мужассамлашган.

Таҳлил объекти сифатида танланган ўзбек халқ достони «Алпомиш» ва француз халқ достони «Роланд ҳақида қўшиқ» матнларининг этнографик лексикасини ўрганганда, халқларнинг моддий ва маънавий маданият оид этнографизмлари, уларнинг, ўз навбатида, лексик ва семантик кичик гуруҳларга бўлинганлигини аниқладик: 1. Моддий маданиятга оид этнографизмлар: а) кийим-кечаклар билан боғлиқ этнографизмлар; б) хўжалик ишлари билан боғлиқ этнографизмлар; в) қурол-аслаҳа номлари билан боғлиқ этнографизмлар; г) ўсимлик номи билан боғлиқ этнографизмлар. 2. Маънавий маданиятга оид этнографизмлар: а) маросимлар ва урф-одатлар билан боғлиқ этнографизмлар; б) халқ мусиқа асбоблари билан боғлиқ этнографизмлар; в) мифология билан боғлиқ этнографизмлар.

Мазкур мақолада хўжалик ишлари билан боғлиқ этнографизмлар хусусида фикр юритмоқчимиз.

Халқларнинг қадимий аждоқлари ибтидоий жамият даврларидан бошлаб табиий шароитга мослашиб ҳар бири ўзига хос хўжалик-маданий типларини яратганлар. Бу ҳолат маҳаллий этнос-ларнинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган. Чунки табиий шароитнинг таъсири белгиларини этник маданиятнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқариш воситаларидан, айниқса, меҳнат қуролларидан бошлаб маиший турмуш буюмлари, ҳатто элатларнинг номларигача сезиш мумкин.

<sup>1</sup> Шор Р.О., Ярхо Б.И. Песнь о Роланде. Под общей редакцией. Москва–Ленинград, “Academia”, 1934, 332 с.

<sup>2</sup> Пыпин А.Н. История русской этнографии. СПб., 1890–1892, Т. 1 – 4.

<sup>3</sup> Гуревич А.Я. Проблемы генезиса феодализма в Западной Европе. Москва, 1979; Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. Москва, 1984.

Масалан, маҳаллий тупрок ва сув ресурсларига, табиий ўсимликлар, бошқа ер усти ва ер ости бойликларига қараб турмуш тарзи ва маданияти характери, миллий ҳис-туйғулари ҳам шаклланади. Хўжалик-маданий типларнинг йўналишлари, ўз навбатида, теварак-атрофдаги табиий муҳит билангина эмас, балки муайян этносларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига даражаси билан ҳам белгиланади.<sup>1</sup>

«Алпомиш» достонида *закот*, *ботмон*, *жузья*, «Роланд» достонида *феод*, *арпан* каби хўжалик ишлари билан боғлиқ ЭЛлар қўлланилган.

Кишининг моли *закотга* етса, *закот* берса, бул ҳам, сахий экан. Агар *закот* бермаса, бул ҳам бахил экан (А.17). Ўз акама ўзим *закот* бергунча. Бошқа юртда *жузья* бериб юраин (А.18). Жабр қилсангб ўн *ботмонни* тортади. Бежаб қўйган нори-норчанг кимники? (А.390). *Ботмон* – ўн пудга тенг келган оғирлик ўлчови. *Жузья* – гайридин, четдан келганлардан олинадиган солиқ. *Закот* – мусулмонлик шартларидан бири.<sup>2</sup>

Олим О.Мадаев ёзади: «Ҳақимбек Қўнғирот юртининг тақдирида давлат ташкил қилувчи арбоб сифатида намоён бўлади. У илмли бўлгани учун *закот* тушунчасини топади. *Закот* эса профессор М.Саидовнинг фикрича, давлат вужудга келишидаги дастлабки белги эди...».<sup>3</sup> Минглаб қўйларини бировга бахшида этишдан қизганмайдиган, ўзга юртда бегоналарга «жузья тўлаб» юришга ҳам ҳозир Бойсарини ўз юртида, ўз акасига «бир чичқоқ улокни» *закот* учун бергиси келмайди. Ўзбек қонунни, тартибни эмас, ўзи хаёл қилган, ўзи ясаб олган маънавий мезонларни ҳақ деб билади. Ўзига яқин кишини тан олишдан, унга бўйсунушдан кўра, бегонага сиғинди бўлишни афзал билади. Ўзбекка хос руҳият – бу.<sup>4</sup>

V. 75. Si par adresse vous pouvez trouver pour moi un accord, je vous donnerai de l'or et de l'argent en masse, des terres et des **fiefs** tant que vous en voudrez». Les païens disent: «C'est nous combler!» Агар сиз манзил бўйича мен учун келишув қила олсангиз, Мен сизга хоҳлаганингизча ўлпон, ер, бир олам олтин ва кумуш бераман. Маъжусийлар деди: «Яшасин, қирол» (р.29). *Ўлпон* (fief) – Ўрта асрларда феодал томонидан ўз вассалига берилган ер-сув, мулк ва ундан олинадиган солиқ; отамерос мулк (XII – XVIII асрларда Россияда). Хўжайин билан вассал ўртасида феодал ва феодал атрофида муносабат қурилган. Вассал хизмати учун ер-сув, мулкка эгаллик ҳуқуқи айирбош қилинган. XII асрларда феодал (ўлпон) таркибига кўчмас мулклар: феодал-узумзор, феодал-черков, феодал-тегирмон, феодал-чорва ҳам киритилган. Бундай тухфалар қўлдан-қўлга бериладиган буюм сифатида эмас, балки инсоннинг ички руҳий ва маънавий муносабати орқали амалга оширилган.<sup>5</sup>

CLXV.2228. Il n'en a pas la force, il a perdu trop de sang; en moins de temps qu'il n'en faut pour traverser un seul **arpent**, le cœur lui manque, il tombe, la tête en avant. Унинг кучи қолмади, кўп қон йўқотди; Бир арпангина юра олди, холос, Юраги секин ура бошлади, шилқ этиб, ерга йиқилди (р.43).

*Арпан* – ярим гектарга яқин ер, ўлчов бирлиги, қадимги француз ер ўлчови (0,3–0,5 га). Оғзаки тилда *арпант* сўзи ҳам муҳим бўлиб, номаълум узунликнинг синоними сифатида ишлатилган.

Ҳар бир халқнинг хўжалик машғулоти энг қадимий ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат тури саналган. Халқларнинг турмуш тарзи ва уларнинг хўжалик машғулоти турлари билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар этнографик материаллар асосида маълум даражада ўрганилган.

Ўзбек ва француз достонларидаги хўжаликка оид этнографизмларни тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, бу этнографизмлар халқ вакилларининг иқтисодий ва тарихий ҳаётини, табиат, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари, қисқаси, ўзи ва ўзлиги тўла кўрсатиб беришда муҳим аҳамият касб этган. Улар халқларнинг узок ўтмишини ўз ичига олади. Яъни, этнографик лексемалар ўз таркибида тарихий воқеаларни акс эттиради. Албатта, ҳеч бир халқ ўзи алоҳида яшай олмайди ва миллатларнинг орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ҳар доим мавжуд бўлган. Этнографизмларни тари-

<sup>1</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994, 89-бет.

<sup>2</sup> Олевская М.И. Функционирование терминов феодальной иерархии во французском героическом эпосе. АҚД, Москва, 2002, с. 21.

<sup>3</sup> Йўлдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари. Тошкент, 2002, 18-бет.

<sup>4</sup> Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. «Алпомиш» достонининг изоҳли луғати. Т., 2007, 19, 40, 42-бетлар.

<sup>5</sup> Гуревич А.Я. Проблемы генезиса феодализма в Западной Европе. Москва, 1979; Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. Москва, 1984.

хий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар негизда тадқиқ этиш орқали уларнинг этимологиясини ўрганиш каби муҳим вазифаларни ҳам юзага келтиради. Этнографизмлар халқ достонларининг луғавий бойлигининг таркибий қисми бўлса-да, бу халқларга оид этнографик материалларнинг аксарияти адабий сўзлашув нутқига ўхшаш тарзда ифодаланган. Бу ҳодиса шевадарда яна-да ёркинрок акс этади.

**Najimova Gulyaim (Qoraqalpoq davlat universiteti Ingliz til ta'limi kafedrasasi assistenti),  
Kartbaeva Navbahar (Qoraqalpoq davlat universiteti Filologiya va tillarni o'qitish yo'nalishi  
3-bosqich talabasi)**  
**NOVERBAL MULOQOTIDA KINETIK VOSIYATLARNING XUSUSIYATLARI VA  
AHAMIYATI**

**Аннотация.** *Maqolada o'zbek xalqi og'zaki muloqotida nolisoniy vositalarning qo'llanilishi va uning ahamiyati adabiy asarlar yordamida muhokama qilindi. Har bir millatning milliy-etnik xususiyatlariga ega ekanligi va og'zaki bo'lmagan harakatlarning foydalanilishida o'ziga xosliklar bilan namoyon bo'lishi, ijtimoiy va nazariy farqlari ko'rib chiqildi.*

**Аннотация.** *В статье рассматривается использование неязыковых средств в устном общении узбекского народа и его значение с помощью литературных произведений. Учитывался тот факт, что каждая нация имеет национально-этнические особенности и отличается особенностями в использовании невербальных действий, социальные и теоретические различия.*

**Annotation.** *The article deals with the common use of non-verbal behavior in the oral communication of Uzbek people on the examples of literary works. The fact that, each nation has its national-ethnic characteristics and is intangible with its own peculiarities in the use of non-verbal acts. The social and theoretical differences in non-verbal communication were discussed.*

**Kalit so'zlar:** *noverbal muloqot, paradigma vositalari, vizual kontakt, imo-ishoralar, adabiy asarlar, qo'l harakatlari, mimika, bosh harakatlari.*

**Ключевые слова:** *невербальная коммуникация, парадигматические особенности, визуальный контакт, язык тела, литературные произведения, жесты рук, мимика, жесты головы.*

**Key words:** *non-verbal communication, paradigmatic features, visual contact, body language, literary works, hand gestures, mimes, head gestures.*

Til – ijtimoiy hodisa. Bir tomondan, til jamiyatni yaratadi va rivojlantiradi, boshqa tomondan, tilsiz jamiyat bo'lmaydi. Ilm-fan, texnika, din, mafkura va madaniyat tilsiz imkonsizdir, chunki til inson hayoti va faoliyatining barcha jarayonlarini istisnosiz ta'minlaydi. Til va jamiyat o'rtasidagi munosabatlar til va odamlar, nutq va shaxs, til va sinflar va odamlarning ijtimoiy guruhlari kabi darajalarda ham ko'rib chiqiladi. U aloqa funksiyasi, lekin imo-ishoralar va yuz ifodalari kabi boshqa aloqa vositalari ham mavjud. Muloqot – bu ma'lumotlar, fikrlar almashinuvidir. Muloqot paytida bir ma'lumot yetkazuvchi va qabul qiluvchi bo'ladi.<sup>1</sup>Inson ma'lumotlarni nafaqat so'zlar yordamida (verbal usulda) boshqalarga uzatadi, balki imo-ishoralar, mimika, tana holati tashqi ko'riinishi, suhbat paytidagi oraliq masofa, kabi noverbal usullar yordamida ham oshkora qilishi mumkin. Eng asosiysi, muloqot paytida verbal va noverbal signal-lar bir-biridan ayro tahlil qilinmaydi, chunki ma'lumotlarni tushunishda bu ikki usul ham ahamiyatlidir.<sup>2</sup> Statistika ma'lumotlarga suyanganda holda, biz inson haqidagi ma'lumotlarning katta qismini (80% atrofida) aynan noverbal manbalardan olishimiz isbotlanganligini, so'zlardan esa umumiy ma'lumotning faqatgina 20% qismini olishimiz mumkin ekanligini aytishimiz mumkin.<sup>3</sup> Vaziyatga mos ravishda, biz og'zaki muloqotdan insonlarga ma'lum bo'lgan voqealar, narsalar haqida foydalanishimiz mumkin, noverbal usulda esa biz tinglovchiga qo'shimcha ma'no ifoda etish, his-tuyguni ifoda qilishda qo'llaymiz.

Yurtimiz mustaqillikka erishganidan so'ng, eski urf-odatlarimiz, madaniyatimiz, bobolarimiz xotiralar va merosiga katta e'tibor qaratilayotgani singari, davlat tilimizda ham yangi tilshunoslikga oid ijtimoiy taraqqiyot sharoyitini o'rganish, ilimiy-ijtimoiy yashash haqida ilimiy izlanishlar olib borilmoqda. Natijada sotsiolingvistika, etnolingvistika va psixolingvistika kabi yangi soha va yo'nalishlar yuzaga kel-

<sup>1</sup>Richards J.C., Schmidt R. Longman dictionary of language teaching and applied linguistics (4rd ed) Harrow, UK, Pearson Education Limited, 2010.

<sup>2</sup> Kruger F. The use of non-verbal communication in the foreign language classroom: A pilot study. Tesol Review, 2009.

<sup>3</sup> Mamarasulov D. Imo-ishoralar sirlari. "Yangi asr avlodi", Toshkent, 2016, 4-bet.

di. Inson nutqini va muloqot paytida noverbal tarzda harakatlar qilishiga aynan, mana shunday tutash nuqtasida tadqiq etish o'ta murakkab jarayon bo'lgan muloqotning asl mohiyatini, uning o'ziga xos qonuniyatlari ma'nosini atroflicha o'rganish imkoniyati paydo bo'ldi. Yevsikova N.I., Stanislavskiy K.S. Knapp M.L., Katsnelson S. kabi rus va G'arb olimlari verbal va noverbal muloqot haqidagi ilmiy asosli fikrlarni ifoda etuvchi tadqiqot ishlari olib bordilar. O'zbek tilshunosligida Ne'matov H., Qilichev E., Bozorov O., Toirova G., Safarov Sh., Muminov S. kabi olimlar nutqiy muloqot haqida o'z ilmiy qarashlarini bayon etganlar.<sup>1</sup>

Shuningdek, Amsterdam (Niderlandiya) universiteti professori, nufuzli lingvist, Tayn A Van Deyn muloqot xulqiga doir keng qamrovli tadqiqotlar bilan muhim ishlar qilgan va uning tushintirishicha, har qanday muloqot xulqini, milliy xarakter, millat aholisining o'ziga xos urf-odatlarini, qadriyat va an'analarini hisobga olmasdan turib o'rganish mutlaqo mumkin emas. Chunki nolisoniy vositalarni qo'llashda ham milliy o'ziga xosliklar kuzatiladi. Jumladan, shunday imo-ishoralar borki, ular shartli xarakterga ega bo'lib, milliy xususiyatlarni kasb etishi mumkin. Sabab shundaki, u bir jamoa tomonidan ma'lum ma'noni ifodalaydi, boshqa bir etnik guruhda esa bu ishora yo hech qanday ma'no ifodalamaydi. Masalan, Amerika, Angliya, Yangi Zelandiyada bosh barmoqni tepaga qilish, asosan, o'tkinchi mashinani to'xtatish, to'sih uchun qo'llanilsa, Gretsiyada bu ishora "ovozingni o'chir", "bas qil" ma'nolarini anglatadi. Ko'pgina insonlar orasida bosh barmoq va ko'rsatkich barmoq qo'shilganda, "hammasi yaxshi" ishorasi ifodalanadi, lekin Tunisda bu "sizga yomonlik qilmoqchiman", Fransiyada esa "hech narsa" ma'nolarini anglatadi.<sup>2</sup> O'zbek xalqida esa bu ishora, kimningdir qilgan ishida yaxshi natijaga erishgani, omadli bajar-ganligini aytish uchun qo'llaniladi. Noverbal belgilar nutqni to'ldirishini, ular yordamida emotsional ho-latni aks ettirishini aytib o'tsak, uning tizimlarini ham ta'kidlab o'tishimiz mumkin. Kinetik belgilar tizi-mi, ya'ni imo-ishoralar, mimika va pantomimikadan iborat, proksemik belgilar kommunikativ jarayonda ishtirokchilarning fazodagi joylashuvi (ya'ni kishilar orasidagi masofa, vizual kontakt-ko'zlar orqali amalga oshiriladigan aloqlardir).<sup>3</sup>

Nutqiy muloqot deganda muloqot jarayonida lisoniy va nolisoniy vositalarning birgalikda, hamkorlikda ishlatilishi tushuniladi. Bu nutqiy muloqotning eng birinchi o'ziga xosligidir. Chunonchi, «Assalomu alaykum va rahmatullohi va barakotuhu» verbal iborasini qo'llagan shaxs, albatta, shu verbal formula-ga mos ma'naviy-madaniy saviyaga tegishli yoshga, nasl-nasabga, kiyim-boshga ega bo'lishi bilan birga, bu iborani maxsus imo-ishoralar bilan hamkorlikda va maxsus tinglovchilarga nisbatangina qo'llay oladi.<sup>4</sup>

Masalan: *Shayx so'riga chiqib, mehmonlarni ikki yoniga o'tqazgach, boshlanglar, deb ishorat etdi. Jarchilar yugurishib, axiylar oqsoqoli yoniga kelishdi: birining qo'lida bir kosa suv, birining qo'lida charm tuzdon bor edi. Oqsoqol suvga tuz solib, kosani baland ko'tardi:*

–Assalomu alaykum va rahmatullohi va barakotuhu!

–Vaaleykum assalom! –javob berdi shayx”.

Bu nutqiy faoliyat lisoniy, etik-estetik, milliy, ma'naviy-madaniy, ijtimoiy, kauzal (sabab, oqibat, maqsad) va hokazo omillar majmuasi bilan uzviy bog'liq. Lekin nutqiy muloqotning xususiy pragmatik atamasini talab qiladigan asos faqat shugina emas, nutqiy muloqot semiotik tizimlardan foydalanishning o'ziga xos turi bo'lganligi bilan ajralib turganligi bu xususiyat, belgining (ishora, ramz va h.k.) lisoniy tizimda va nutqiy faoliyatda o'ziga xosligi bilan bog'liqdir.<sup>5</sup> Bir tilda muloqot qiluvchi insonlar orasidagi kommunikatsiya vositalarining kinetikasiga kiruvchi imo-ishoralar, yurish-turish, vizual kontakt, masofa saqlash kabi xatti-harakatlar katta ahamiyatga ega. Asosan, ikki kishi o'rtasidagi real muloqot ko'z, mimika, qo'l harakatlar bilan foydalanganda paydo bo'ladi.<sup>6</sup> Ko'zdan foydalanish, mimika va imo-ishoralar ham rapport o'rnatishga yordam berish uchun ishlatiladi.<sup>7</sup> Inson yuzidagi ishoralar esa hamma ma'lumot-ma'lumot-lar yetkazib berishda katta ahamiyatga egadir.<sup>8</sup>

<sup>1</sup> Jo'rayeva S. Verbal va noverbal muloqot. Qarshi, 2012.

<sup>2</sup> Morris D. Body talk. A world guide to gestures. London, UK, Jonathan Cape, 1994.

<sup>3</sup> Jo'rayeva S. Verbal va noverbal muloqot. Qarshi, 2012.

<sup>4</sup> Shu manba. 7-bet.

<sup>5</sup> Jo'rayeva S. Verbal va noverbal muloqot. Qarshi, 2012, 8-bet.

<sup>6</sup> Ergin A. Birol. Communication in Education. Am Yoyincilik. Ankara, 2005.

<sup>7</sup> Canan P., Zeku. The importance of non-verbal communication in class management. World conference on educational sciences, 2009.

<sup>8</sup> Santrock J. Educational Psychology. New York, McGraw Hil, 2001.



Tilshunoslikda noverbal muloqot vositalari, harakatlari haqidagi soha kinesika deb nomlanadi. Ba'zi olimlar kinesikadan noverbal bositalar, qo'l harakatlari bilan sezish tartibini boshqa bir ilimiy soha ta'kididan ajratgan holda o'rganishadi.

Shuningdek, noverbal muloqot madaniyati har bir millat va xalqda bir qancha farqlarni ko'rsatishi mumkin. Shuning uchun ham Braun keltirib o'tgani kabi, qandaydir chet tilini o'rganishda muloqot paytida verbal va noverbal usullardan foydalanish zarur, ularning birini foydalanib, ikkinchisini e'tibordan chetda qoldirsa, ma'llumotni yetkazish muommoga aylanishi mumkin.<sup>1</sup> Ma'lumotlarga suyangan holda aytsak, yangi tilda har xil iboralarni o'rganishda imo-ishoralardan til o'rganuvchilar tezroq o'rganishlari mumkin.<sup>2</sup> Imo-ishoralarni ongli ravishda ishlatish uchun ulardan bema'lol foydalanishni boshlash muhimdir va ularni amalda qo'luchunlash mumkin bo'lgan vaziyatlarda, suhbatlar davomida erkin his qilmoq kerak.<sup>3</sup>

Chunki har bir millat o'zl imo-ishora va madaniyatiga ega va ular xilma-xildir. Misol tariqasida, bolgarlarda bosh irg'itish "yo'q", "inkor" ma'nolarini anglatadi, o'zbek xalqida bu ishora tasdiqlash, rozilik bildirish ma'nosi anglatadi.<sup>4</sup>

*"Rixsiyevning yuzlari yorishdi.*

*–Aha, aytganday, bizning qo'ylar yaxshi yuribdimi, o'rtoq Qurbonov,– dedi*

*Ko'nglimda umid uchqun berdi. Qo'limni ko'ksimga qo'yib, bosh irg'adim".<sup>5</sup>*

Bundan ko'rshimiz mumkin, madaniyat va millatlararo bog'liqliklarda noverbal harakatlar etnik-xulq-atvorda milliy qarashlarga egadir. O'zbek xalqida xonadonga yangi kelgan, yosh kelinlar; "kelin salom" qilishi, kattalarga boshlarida ro'mol bilan egilib salomlashish odati mavjud. Bu, eng avvalo, yillar mobaynida mustahkamlanib kelayotgan urf-odatlarimizdan biri bo'libgina qolmasdan, kelinning yangi oilasidagilarga hurmati va ehtiromini ko'rsatishi hisoblanadi. Biz eski o'zbek adabiy asarlarida ham shunday sahnalarga guvoh bo'lishimiz mumkin: "Tanobiyning to'rdagi, ipak joynomoz ustida, qiblaga qarab o'turg'an oyim tizzasiga yaslang'an shahzodani erkalab, yoniga qayrildi. Eshikdan kirib, qo'l qovushtirib to'xtagan Gulshan ikki bukilib salom berdi".<sup>6</sup>

Verbal simvollar (so'zlar) bizning g'oyalarimizni kodlash uchun ishlatiladigan asosiy vositamiz bo'lsa-da, biz noverbal simvollarini ma'lumotlarni translatsiya qilish uchun ishlatamiz. Noverbal kommunikatsiyada so'zdan tashqari, istalgan simbolni qo'llashimiz mumkin. Muloqotning og'zaki va og'zaki bo'lmagan jihatlari kombinatsiyasini o'qitish, umuman, til o'rganish jarayoniga va o'quvchilarning, ayniqsa, muloqotga tayyorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.<sup>7</sup>

Ko'pincha, noverbal muloqot bir vaqtda verbal muloqot bilan birga bo'lishi va bu so'zning ma'nosi kuchaytirishi yoki o'zgartirishi mumkin. Samovar fikricha, dunyo xalqlari teginmoq yoki qo'l bilan salomlashmoq va teginmaslik tarafdin aniqlanishi mumkin.<sup>8</sup> Shuningdek, muloqot paytida oraliq masofa ham e'tiborga olinishi lozim, Lotin Amerika yoki Italiyada insonlar Yevropa yoki Xitoydagilarga nisbatan oraliq masofada yaqinroq bo'ladi. Nigohlar orqali ishora, yuz ifodasi, masalan, tirjayish va norozilik, hayronlikdan qoshlarning ko'tarilishi, jonli yoki qotib qolgan nigoh, rozilik va norozilikni ifodalagan qarash – bularning barchasi noverbal kommunikatsiya. Qo'l barmoqlarining ko'rsatishni ifodalashi, og'zni qo'l bilan yopish 153 (hayrat, qo'rqish, tasodifiy mumkin bo'lmagan gapni aytib yuborganda, sirni oshkor qilib qo'yganda), bo'shahib turish, qo'llarni belga, boshga, orqaga, ko'krak ustiga qo'yib turish ham fikrni noverbal uzatishdir.<sup>9</sup>

Osiyo, Yevropa va Amerika davlatlari muloqot qoidalarida ham ko'pgina farqlarni ko'rishimiz mumkin. Misol uchun, o'zbek xalqida erkak va ayol kishi quchoqlashib, qo'l berib salomlashmaydilar,

<sup>1</sup> Brown H.D. Principles of Language Learning and Teaching Englewood Cliffs, NJ, Prentice Hall, 1987.

<sup>2</sup> Allen L.Q. The effects of emblematic gestures on the development and access of mental representations of French expressions. Modern Language Journal, 1995.

<sup>3</sup> Angelika Kaluska. The role of non-verbal communication in second language learner and native speaker discourse. PLEJ 2 czyli PsychoLingwistyczne Eksploracje Językowe University of Łódź (PLEJ 2 psychoLinguistic language language explanations), 2013.

<sup>4</sup> <https://online.pointpark.edu/business/cultural-differences-in-nonverbal-co>

<sup>5</sup> Tog'ay Murod. Ot kishnagan oqshom. "Ziyo nashr", Toshkent, 2019, 14-bet.

<sup>6</sup> Abdulla Qodiriy. Mehrobdan Chayon. "Adaboyot va sa'nat", 1994, 64-bet.

<sup>7</sup> <https://journals.ucc.ie/index.php/scenario/article/view/scenario-8-2-3>

<sup>8</sup> Samovar L.A., Porter R.E.&Mc Daniel E.R. Communication between cultures (7th ed.), Wadsworth CA: Cengage Learning, 2007.

<sup>9</sup> Jo'rayeva S. Verbal va noverbal muloqot. Qarshi, 2012.

Amerikada esa bu holatni biz bir-biriga begona kishilar yoki ish borasida hamkorlar kontaktga kirishish vaqtida qo‘l berib ko‘rishishini ko‘riishimiz mumkin.

Muloqotning ichki omili bo‘lmish nolisoniy vositalarga milliy-etnik vositalar, madaniy-etnik vositalarni kiritishimiz mumkin. Nolisoniy omillarning kinetik ko‘rinishi (madaniy-etnik vositalar) bir necha paradigmalarni o‘z ichiga qamrab olishi mumkin. Ulardan biri vizual aloqa munosabatlaridir. To‘g‘ridan to‘g‘di vizual aloqa, K.S.Stanislavskiy yozganidek, “Men sen bilanman, tinglamoqchiman. Nigoh-qalbdan qalbgga, to‘g‘ridan to‘g‘ri, bevosita, sof holda aloqa”. Ko‘z bilan muloqot boshqa tana harakatlaridan ko‘ra kontaktda ahamiyatliroqdir.<sup>1</sup> Vizual aloqa bu suhbatning ozaro regular jarayonidir. Kundalik hayotimizda guvohi bo‘lishimiz mumkin, ko‘z bilan muloqot qilish yoqimli mavzular haqida suhbat bo‘lganida onsonroq, lekin suhbatdosh ko‘ngliga yoqmaydigan, unga noqulaylik tug‘dirishi mumkin bo‘lgan holdalarda undan o‘zini olib qochishi mumkin.<sup>2</sup> Osiyo davlatlarida vizual aloqa, ya‘ni ko‘z bilan kontakt qilish-dan qochish hurmat ma‘nosini anglatadi. Lekin Lotin va Shimoliy Amerika davlatlarida ko‘z bilan muloqot, dialogda ishtirok etayotgan shaxslarning tengligini ifodalash uchun muhimdir. Hindiston, Buyuk Bri-taniya va Yaponiyada esa bu beandihalikni anglatadi.<sup>3</sup> O‘zbek yozuvchilari asarlarida berilgan satrlar esa ko‘zni olib qochish “uyalish” ozini noqulay sezganda ishlatiladigan imo-ishora sifatida korishimiz mumkin: “Og‘acha oyim Gulshanning ko‘ziga ancha tikilib qoldi. Lekin Gulshan ko‘ziini undan olib qo-chib yerga boqdi”.<sup>4</sup>

Ko‘z bilan bildiriladigan ishoralar har xil ma‘nolarni anglatishi mumkin, suhbat davomida qo‘rquv, ishonchsizlik, himoyalanih, sir saqlash, qo‘rqitish kabi sezgilarni ham vizual tarzda yetkazish mumkin: “Bir ozdan keyin mehmondan bir mullanamo chiqib keldi. Mahdum chiquvchini yoqtirmagandek yer ostidan ko‘zini g‘illaytirib qaragach, birdan vaziyatni o‘zgarturdi”.<sup>5</sup>

Bu kabi milliy etnik muloqot qoidalarida verbal, malumotlarni toldirish, his-hayajonni ko‘rsatsih uchun qo‘llaniladigan qator “qolini koksiga qoyish”, “boshni irg‘itish”, “qaddini g‘oz tutish”, “oyoqqa yiqilish”, “yelkaga qoqish” harakatlari ham bor. Shunday noverbal harakatlarni ozbek adabiyoti durdonalari asarlarida ham uchratishimiz mumkin: “Esa-chi, muxbir aka, esa-chi. Raisimiz har ko‘rganda to‘xtab, korishib, sorashadi. Rahmat, uka, rahmat, deydi. Elning xizmatini qilyapsan, deydi. Yelkamga qoqib-qoqib qo‘yadi”.<sup>6</sup>

Suhbatdoshning yelkasiga qoqib qo‘yish, bu misolda, unga maqtoov va hurmat ma‘nosini anglatadi va ma‘lum harakatlarini qo‘llab-quvvatlashda qo‘llaniladi. Suhbatdoshning qanday ruhiy holatda va qanday ma‘lumot yetkazmoqchiligini bosh harakatlari bilan ham aniqlash mumkin. Bosh harakatlari ma‘lumotni yo‘naltirish, fikrga o‘ylanib qolish, norozilik va rozilik bildirish, ajablanish sezgilarni muloqotga qo‘shish paytida insonlar tomonidan har doim qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan ishoradir. Kinetik harakatlarda “boshni yuqori ko‘tarish”, “yuqoriga qarash” suhbatdoshning o‘yga cho‘mganligi, fikrlarini jamlash uchun sukut saqlayotganini ham anglatadi: “Anvar pochchasining keyingi kunlardagi dag‘al muomalalari sababini o‘ylab, xafalanib yurar edi. Mohlar oyimning haligi so‘zi bilan masalaga tushindi va yatimona boshini quyi soldi”.<sup>7</sup> Misolda ko‘rishimiz mumkin bo‘lgan voqea yoki yangilikga insonning kuyinishi, boshini quyi tushirib, ichidan qiynalayotgan tuyg‘ularini ham anglashimiz mumkin. Xalqimizda bosh bilan bog‘liq bir qancha ma‘noga ega nolisoniy harakatlarni ko‘ramiz, ulardan biri esa “bosh qashimoq”, suhbatda, agar inson nimadandir hijolat bo‘lsa, qandaydir ma‘lumotni yetkazishda noqulaylik sezsa, ushbu ishorani ham qo‘llashi va verbal muloqotni to‘ldirishi mumkin.

“Samandar xatni o‘qib, boshini qashidi. Malla kipriklari pirpiradi. – Matlubaxonim... Men bilmadim-u, ammo Nafisadan bekor gumonsirayapsiz. Xohlasangiz, Tursunalining oldiga o‘zim borib kelaman. Agar yangilishsam, bu xatni o‘z xohishi bilman yozmagan. Aniqlash kerak. Turmalarda har xil voqealar bo‘lib turadi”.<sup>8</sup>

<sup>1</sup> Gregersen T.M. Language learning beyond words. Incorporating body language into classroom activities. Perfections on English Language Teaching, 2007.

<sup>2</sup> Jo‘rayeva S. Verbal va noverbal muloqot. Qarshi, 2012, 39-bet.

<sup>3</sup> Dresser N. Multicultural manners; essential rules of etiquette for the 21st century (revised ed) Hoboken,NJ:John Wiley & sons, 2005.

<sup>4</sup> Abdulla Qodiriy. Mehrobdan Chayon. “Adabiyot va sa‘nat”, 1994, 66-bet.

<sup>5</sup> Shu manba. 77-bet.

<sup>6</sup> Tog‘ay Murod. Ot kishnagan oqshom. “Ziyo”, Toshkent, 2019, 13-bet.

<sup>7</sup> Abdulla Qodiriy. Mehrobdan Chayon. Adabiyot va sa‘nat, 1994, 45-bet.

<sup>8</sup> Shu manba. 25-bet.

Biz yuqoridagi no verbal muloqot vositalarini taqqoslash, asosan, o'zbek xalqida ularning yillar davomida yetib kelayotgani, ular xalqimiz hayotining bir bo'lagi, madaniyatlarimizdan misol sifatida asarlardan namunalar keltirishimiz maqsadi, muloqot turlaridan biri bolmish nolisoniy turni o'rganishda milliy-etnik qarashlarni, millatning turmush tarzi va urf-odatlarini ham inobatga olinishi muhim ekanligini ko'rsatishga harakat qildik.

Сулаймонова Дилафруз Акмаловна (Teacher of Uzbek State World Languages University;  
e-mail: awesome-ds@mail.ru)

## ОИЛАВИЙ МУЛОҚОТДА МУРОЖААТНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАСНИФИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада мурожаат тушунчасига изоҳ берилиб, тилишунос олимларнинг бу термин доирасида олиб борган бир қатор ишлари кўриб чиқилади. Шунингдек, оила дискурсида мурожаатнинг ўрни икки ноқардош тил вакиллари муносабати орқали ўрганилиб, маданиятлараро тафовут ва ўхшашликлар лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилинади.

**Аннотация.** В данной статье объясняется концепция обращения и рассматривается ряд исследований лингвистов, посвященных этому термину. Также исследуется роль обращения в семейном дискурсе через отношения представителей двух неродственных языков, осуществляется лексико-семантический анализ межкультурных различий и сходств.

**Annotation.** This article explains the concept of address and discusses a number of studies conducted by linguists under this term. The role of communication in family discourse is also explored through the relationship between representatives of two incompatible languages, and intercultural differences and similarities are analyzed lexically and semantically.

**Калим сўзлар:** мурожаат, мурожаат терминлари, оилавий мулоқот, оила дискурси, семантик таснифлаш.

**Ключевые слова:** обращение, термины обращения, семейное общение, семейный дискурс, семантическая классификация.

**Key words:** address, address terms, family communication, family discourse, semantic classification.

Ҳаммамизга маълумки, тил ва жамият тушунчалари ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, бирини бирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятда инсонлар мулоқот қилишларида тил асосий восита бўлиб ҳисобланади. Айнан кишилик жамиятида муносабатлар ўрнатишда мазкур тилдаги лисоний қолиплар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мулоқот самадорлигини оширишдаги тил воситаларидан бири сифатида мурожаатнинг лингвистика соҳасида ўзига хос ўринга эгаллиги сўнгги ўн йилликларда унга бўлган қизиқишлар ва тадқиқот ишлари сони тобора ортиб бораётганлигидан ҳам аёндыр. Мурожаат термини бир неча тиллар доирасида социолингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этила бошланди.

Эътиборимизни “мурожаат” тушунчасига қаратадиган бўлсак, у, аслида, нутқимизда тез-тез учраб турадиган ва кенг тарқалган лингвистик бирликдир, бироқ хануз у борада олиб борилган тадқиқотлар амалиётига таянган ҳолда мазкур тушунчага хос тугал бир фикр мавжуд, деган тўхтамга келиш қийин. Инглиз тили луғатларида келтирилган маълумотларда “мурожаат” бизнинг кимгадир йўллаган ёзма ёки оғзаки нутқимиздаги фойдаланилган исм ёки унвон, дея англашилади.

Лонгмен луғатида таъриф берилишича, инсонларнинг бир-бирларига мурожаат қилишлари, одатда, уларнинг ёши, жинси, ижтимоий гуруҳ ва шахсий муносабатларига боғлиқ бўлади.

Браун таълимотига кўра, мурожаат терминлари булар “мурожаат учун қўлланиладиган сўз ва иборалардир”. Улар суҳбатдошга йўналган бўлади ва шу учун дейкиснинг (тилишуносликда дейкис – бу умумий сўзлар ва иборалардан контекстда маълум бир вақт, жой ёки шахсга мурожаат қилиш учун фойдаланиш сўзлари – *улар, ертага, у ерда* каби...) кучли элементини ўз ичига олади.<sup>1</sup>

Бундан ташқари, Делл Хаймс таъкидлаганидек, мурожаат терминлари мулоқотда суҳбатдош эътиборини жалб қилиш ва инсоннинг ижтимоий мавқеини рамзийлаштириш учун ишлатилиниб, айнан ўша мавқега хос мурожаатлар орқали унинг кимлигини тез англаб олиш имконини беради.

<sup>1</sup> Braun F. (1988). Terms of Address. Problems of patterns and usage in various languages and cultures. Berlin, Mouton de Gruyter. Retrieved July 20, 2011. From <http://www.books.google.com>.

Мисол тариқасида инглизлардаги *Sir/Madam*, ўзбек тилидаги *Жаноб/Хоним*, шунингдек, *онахон, отахон* каби мурожаат турлари суҳбатдошимизнинг мавқеи юқорилиги ёки ёши улуғлигидан хабардор қилади.<sup>1</sup>

О'Киф, Б.Клэнси, С.Адольф каби инглиз олимлари ўз кузатувларидан келиб чиқиб, мурожаатга хос терминларни етти семантик категорияга бўлади (1-жадвал. Бу каби бўлинишлар, албатта, маданиятлараро, ҳатто замон ва макон кесимида ҳам тафовутли ёки бўлмаса, ўхшашлик хусусиятларини намоён этиши мумкин.<sup>2</sup>

1-жадвал

Мурожаат терминларининг семантик таснифланиши

Расмийлик даражаси	Категориялар	Мисоллар
Норасмий	меҳр-муҳаббатни ифодалашга хизмат қилувчи сўз ва иборалар	<i>love, darling, life</i> <i>севгилим-, ҳаётим, жоним</i>
	оилавий мурожаатлар	<i>Mummy, Daddy, son</i> <i>онажоним, ўғлим, ота</i>
	танишлик даражаси	<i>mate, man, folks</i> <i>ўртоқ, дўстим</i>
	танишлари исмини қисқартириб айтиш орқали	<i>Brad, Jen</i> <i>Гули, Назо, Бек</i>
	исмларни тўлиқ айтиш орқали	<i>Bradley, Jennifer</i> <i>Севара, Достон, Асал</i>
	унвони ва фамилияси орқали	<i>Mr Holmes, Dr Watson,</i> <i>Professor Moriarty</i> <i>Профессор Акбаров</i>
Расмий	эҳтиром кўрсатиш орқали	<i>sir, ma'am, your honour</i> <i>жаноб, хоним,</i>

Самарали мулоқот муҳитини яратишда суҳбатдошга нисбатан мурожаатга хос сўзларнинг тўғри танлови ҳам муҳимдир. Суҳбатнинг қай йўсинда тус ва ривож олиши адресантнинг адресатга мурожаат қилиши биланоқ бошланиб кетади. Бу борада Жакер ва Лендерт тил фойдаланувчиси кимга гапираётганлигини, қайси мавзу доирасида муҳокама олиб борилаётгани ва у қай тилда амалга оширилаётганини инobatга олиши кераклигини айтиб ўтадилар.<sup>3</sup> Дарҳақиқат, мурожаат термини юқоридаги ҳолатларга таяниб танланса ва йўлланиш оҳанги ҳам, ҳатто назардан четда қолмаса, биз бу каби мулоқотлар оқимини мақсадли ва муваффақиятли яқун топади, дея хулосалай оламиз.

Мурожаат терминлари ҳам турли тил ва маданиятларда уларнинг ахлоқ меъёрларидан келиб чиқиб, ўзига хосликка эга. Биргина мурожаат таснифлари ичидан оилавий мурожаатларга доир икки нокардош маданият вакиллари дискурсидаги ҳолатларга эътибор қаратилса ҳам, унда етарлича шарқ ва ғарб маданий тафовутлари ва баъзи оила вакиллари ўзаро алоқасида ўхшашликларни ҳам англаш мумкин.

Оилавий мулоқотда эр-хотин муносабатларидаги мурожаат турларида ҳар икки маданиятда ҳам антропонимлар қўлланилиши одатий ва кенг тарқалган мурожаат тури ҳисобланади:

ўзб. т.: *Жаннат. Жаннат, сенга нима бўлди?*<sup>4</sup>

ингл. т.: *Mary, could you go with me?*

Ўзбек оилавий мурожаатларига келадиган бўлсак, эр-хотин муносабатларида турмуш ўртоғининг исми орқали мурожаат қилиш ўзбек халқи менталитетида ноодатий ҳолатдир. Ань-анага кўра, бу каби мурожаатларда турмуш ўртоғи исми олдига “ака” сўзи қўшилади; оилада илк фарзанд дунёга келиши билан эса бу мурожаат аксар ҳолларда “дадаси” сўзи билан алмашинилади: ўзб. т.: *Энди, дадаси, фалокатда!*<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Hymes D. (1964). Culture and society. A Reader in Linguistics and anthropology. New York: University of Pennsylvania.

<sup>2</sup> O'Keefe A., Clancy B., Adolph's S. (2011). Introducing Pragmatics in use. New York: Routledge, p. 78.

<sup>3</sup> Jucker A.H., Landert D. (2017). Variation and change: historical pragmatics. In A.Barron, Y.Gu & G. Steen (Eds), The routledge handbook of pragmatics (pp. 79–87). New York:Routledge.

<sup>4</sup> С.Аҳмад. Уфқ (трилогия). Т., Ғ.Фуллом..., 1976, 8-бет.

<sup>5</sup> Шу манба.

Мурожаатнинг экспрессив нутқий функцияси антропонимларни қисқартирилган шаклини қўллаш ҳолатида ҳам намоён бўлиб, фикр қаратилган шахсга яна-да яқинлик, эркалаш каби нутқий ифодаларни қўшади:

ўзб. т.: *Гули, ўзинг, барибир, бошқачасан-да!* (Гулчеҳра, Гулираъно...).

ингл. т.: *Bessie, I want to ask your advice* (Elizabeth).

Жуфтликлар суҳбати чоғида уларнинг бир-бирига жинси орқали мурожаати ҳам нутқимизда учраб туради. Бу каби мурожаат терминлари асосан контекст мазмунига боғлиқ ҳолда нутқий бадиий бўёқдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилади:

ўзб. т.: *Кейин айтиб бераман, хотин. Гап кўп. Зўр ишлар бўладиганга ўхшайди. Борай-чи, отанинг ўзлари айтиб қоларлар. Ўз оғзиларидан эшитмай;*<sup>1</sup>

*Хой, эр, сиз ҳам бундоқ бошингизни кўтариб, атрофга боқинг, одамлар нималар билан банд.*

ингл. т.: *Oh, my wife, you are the most beautiful woman in the world.*

Мазкур мурожаат шакллари қўшимча қўшилиши (-*жон*; -*ie/y*) мулоқот оқимининг моҳиятан ўзгаришига, яъни нутққа киноя, истехзо, нозиклик каби лисоний ифодаларни киритилиши билан шарҳланади:

ўзб. т.: *Хотинжон, бир аччиқ қилиб кўк чой дамланг.*

ингл. т.: *Hubby, would you like to eat turkey tonight?*

Коллинс луғатида келтирилган таърифда норасмий мулоқот жараёнида инглиз оилавий дискурсида уй бекасига нисбатан *missus* (*from Mrs.*) –*хоним* сўзи ҳам истеъмол доирасида эканлиги кайд этилган.

Ўзбек ёзувчиси Ш.Холмирзаевнинг “Озодлик” ҳикоясида берилган қуйидаги жумлалар ўзбек маданиятининг ҳам серкирра, юксак ва узоқ тарихий миллий кадриятларига эгалигини очиб беради:<sup>2</sup>

–*Сен чий тўқишини биласан-а? Эй, кампир, какликка қара. Кўзини юмибгина қопти. Ана, очди ... Ҳе, Қаламқош . . . Шуям туш кўрса керак-а?*

Юқоридаги асардан олинган парчани Ш.Дониёрова ўз монографиясида шундай шарҳлайди: “ҳикояда Мансур ўз хотинига *кампир* дея мурожаат этмоқда. *Кампир* сўзи бу ўринда унинг қарилгини билдириш учун хизмат қилган эмас, албатта. Турли жойларда эркалар ўз хотинларига нисбатан турлича ном билан мурожаат этадилар. Баъзилар тўғридан-тўғри хотиннинг исмини айтиб, баъзилар бирор фарзандининг номи билан, бошқалар эса *эй, хотин, хоним, онаси* каби сўзлар билан мурожаат этишади. Мансурнинг ўз хотинига *кампир* деб мурожаат этишида ҳам маҳаллий шароит тасвирига оид белгилар мавжуддир”.<sup>3</sup>

Оила дискурсида эр-хотин муносабатларида мурожаатнинг меҳр-муҳаббатни ифодалашга хизмат қилувчи сўз ва иборалар туркумига кирувчи шакллари, айниқса, ёш оилалар суҳбати чоғида кўп кузатиладиган ҳодисадир.

Ажабланарлиси шундаки, инглиз нутқида учрайдиган биргина *darling* сўзининг Глазго университети тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда, 130 га яқин синоними мавжудлиги борасида фикр юритилади. Демак, ҳатто мурожаат чоғида бўлса-да, инсон тили барча ҳис-туйғуларни етказиш қудратига эга. Айниқса, мулоқот меҳр-муҳаббатга бориб тақалганда, жуфтликларнинг ўзаро бир-бирига ифода этишни истаган мурожаати серқамров:

ўзб.т.: *Рўймол тугиш билан машғул латиф қўлларни чет қўл келиб сиқди: –Жоним!*

ингл. т.: *My love, would you like a cup of tea?*

Ҳиссий жиҳатдан баҳоловчи мурожаатнинг мазкур шакллари оғзаки нутқда эллиптик (те-жамкор) ҳолатда ҳам ўз аксини топади:

ўзб.т.: *Жон, сизни хафа қилган бўлсам, узр сўрайман. (жоним).*

ингл. т.: *Luv, let us watch a comic movie! (Love).*

Кўриниб турибдики, ҳар бир тилда ҳам суҳбатдошига мурожаат йўллашнинг ўзига хос лексик-семантик усуллари мавжуд бўлиб, улар мазкур тилда сўзлашувчи инсонларнинг миллати, дини, ирқи, келиб чиқиш этногенези доирасида ёки бир-бирига ўхшаш бўлади, ёки бир-бирининг бутунлай аксини ифодалайди.

<sup>1</sup> Шу манба.

<sup>2</sup> Холмирзаев Ш. Озодлик. Ҳикоя. Ватан. 1994, 8 – 16-бетлар.

<sup>3</sup> Дониёрова Ш. Ижодкор ва услуб. Т., “Турон замин зиё”, 2014, 51-бет.

**Maxmudov Raufjon Baxodirovich (Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),  
Xorazm Ma'mun akademiyasi katta ilmiy xodimi, UrDU o'qituvchisi; [raufjon.m@mail.ru](mailto:raufjon.m@mail.ru))  
OGAHIY TARIXIY ASARLARIDA MANSAB VA UNVONNI ANGLATUVCHI  
O'ZLASHMALAR**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Ogahiy tarixiy asarlaridagi mansab va unvonni anglatuvchi o'zlashma qatlam tahlil qilingan. Ushbu leksik qatlamga oid bir necha so'zlarning genezisi, tarqalish areali, ma'no kengayishi va torayishi kabi lingvistik hodisalar aniqlangan.

**Аннотация.** В статье анализируется стратификация карьеры и титула в исторических произведениях Огахи. Были идентифицированы такие языковые явления, как генезис, распространение, расширение значения и сокращение нескольких слов, принадлежащих к этому лексическому слою.

**Annotation.** This article analyzes the stratification of career and title in Ogahi's historical works. Linguistic phenomena such as the genesis, distribution, meaning expansion and contraction of several words belonging to this lexical layer have been identified.

**Kalit so'zlar:** o'zlashma, tarixiy asar, substrat qatlam, o'z qatlam, o'zlashma qatlam, genetik tahlil, tarkibiy tahlil.

**Ключевые слова:** заимствование, историческая работа, слой субстрата, собственный слой, ассимиляционный слой, генетический анализ, структурный анализ.

**Key words:** borrowing, historical work, substrate layer, own layer, assimilation layer, genetic analysis, structural analysis.

Ogahiy tarixiy asarlaridagi ijtimoiy-siyosiy leksika doirasida A.O'rozboyev ogahiyshunoslik uchun o'ta muhim faktlarni taqdim qilgan.<sup>1</sup> Ijtimoiy-siyosiy qatlamga oid o'zlashmalar Ogahiy tarixiy asarlarida juda faol qo'llanadi. Shu sababli ijtimoiy-siyosiy leksikaga oid o'zlashmalar Ogahiy tarixiy asarlari lug'aviy qatlamining eng muhim qismlaridan biri hisoblanadi. Ushbu sohaga oid o'zlashmalarning eski o'zbek adabiy tilida ko'p uchrashiga quyidagi bir qancha omillar sabab bo'lganligini alohida ta'kidlash joiz: 1) shu davrda o'zbek yurtidagi xonlar, podshohlar arab va fors mamlakatlari xalifa, xon va sultonlari bilan kuchli ijtimoiy-siyosiy aloqalar o'rnatganligi; 2) qadimdan arab, fors tillari bilan turkiy, xususan, o'zbek tilining chuqur aloqasi; 3) arab va fors tarixnavisligining ta'siri; 4) tarixiy asarga shohona salobat va shu-kuh berish uchun arabiy va forsiy so'zlarning ko'p qo'llanishi; 5) musajja' usulida bitish an'anasi; 6) so'nggi davrlarda rus imperiyasi bilan aloqalar va rus tilining ta'siri kabi omillar shular jumlasidan.

Ogahiy tarixiy asarlaridagi ijtimoiy-siyosiy o'zlashmalarni quyidagi mavuiy guruhlariga ajratish mumkin.

Ogahiy tarixiy asarlaridagi mansab va unvonni anglatuvchi so'zlar tilshunos olimlar,<sup>2</sup> etnograf va tarixchi olimlar<sup>3</sup> tomonidan maxsus o'rganilgan bo'lsa-da, mansab va unvonni anglatuvchi o'zlashmalar qatlami alohida tadqiq qilinmagan. Ogahiy tarixiy asarlaridagi mansab va unvonni anglatuvchi o'zlashmalar qatorida *shoh, shahanshoh, shahriyor, sulton, podshoh, amir, voliy, hukmdor, imperatur, kadxudo, hokim, xusrav, qaysar, tojdor, vazir, mahram, navvob, marzbon, shayx, murid* kabi so'zlarni sanashimiz mumkin. Quyida ushbu mavzuga doir bir qancha o'zlashmalar tahlil qilinadi.

**Qaysar.** Podshoh, imperator. Mumtoz adabiyotimiz vakillari asarlarida, asosan, Rim va Vizantiya mamlakatlari imperatorlariga nisbatan qo'llangan xon, xoqon, podshoh, imperator so'zlarining sinonimi. Rim imperatori Gay Yuliy Sezar nomi asosida paydo bo'lgan<sup>4</sup> Rum podshohlariga nisbatan qo'llanuvchi so'z. Ushbu so'z yunon tilidan oromiy tiliga va u orqali arab tiliga hamda arab tili vositasida eski o'zbek adabiy tiliga o'zlashgan o'zlashma. Ogahiy tarixiy asarlarida ham xon, xoqon so'zlariga sinonim so'z si-

<sup>1</sup>O'rozboyev A. Ogahiy tarixiy asarlari leksikasi. Filologiya fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss., T., 2018, 30 – 68-betlar.

<sup>2</sup>Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства. “Советская тюркология”, 1989, №1, с. 63 – 71; O'rozboyev A. Ogahiy tarixiy asarlari leksikasi. Filologiya fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss., T., 2018.

<sup>3</sup>Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. Исследование документов с введением, с предисловием мак. И.Ю. Крачковского. Л., 1940; Muhammad Alixon G'ofur. Xiva safari. Fors tilidan I.Bekchon tarjimasini. Toshkent, Xalq merosi. 2005; Ismoil Mirpanjiy. Asirlikdagi xotiralar. Fors tilidan N.Hasanov tarjimasini. Urganch, “Xorazm”, 1997.

<sup>4</sup>O'zbek tilining izohli lug'ati. III tom. T., O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006, 218-bet.

fatida qo‘llangan. Chunonchi, “Riyozi ud-davla”da o‘qiymiz: *Chun Sulton Hoji Ahmadxon baxt irshodi va qaysar imdodi bila davlati benazir va iqboli rivojpozirga dast topti.*<sup>1</sup>

So‘zning genezisi lotin tilidagi *coedere – kesmoq, qirqmoq* so‘ziga bog‘lanadi. U asosida *Caesar* oti paydo bo‘lgan. Lotin tili ta‘sirida va Sezar shuhrati natijasida butun Yevropa tillariga ushbu so‘zning tarqalganini kuzatish mumkin. Chunonchi, fransuz tilida *césar*, ingliz tilida *Caesar*, olmoniyda *Kaiser* tarzida ushbu so‘zning istifoda etilganini kuzatdik. Keyinchalik, tovush o‘zgarishi asosida rus tiliga *Caesar* so‘zi *царь* tarzida kirib kelgan. Litva va latish va boshqa tillarda ham ushbu so‘z *czar, tzar* shaklida qo‘llanadi. Demak, o‘zbek tiliga rus tili ta‘sirida kirib kelgan *chor* so‘zining asosi lotin tilidagi *Caesar* bilan bog‘lanadi.

**Shoh.** Eski o‘zbek adabiy tilidagi fonetik varianti shah. Podshoh. Eski o‘zbek adabiy tiliga fors tildan o‘zlashgan o‘zlashma. Asli podshoh.<sup>2</sup> Shu asosda o‘zbekda *shohanshoh, shohbayt, shohiy, shohona, shohboz, shohin, shohvor, shahriyor* kabi so‘zlar hosil qilingan. Ogahiy tarixiy asarlarida ushbu so‘z juda faol qo‘llanadi. Xususan, “Zubdat ut-tavorix”da o‘qiymiz:

*Shoheki kelibdur ongo zot,  
Shahlar aro mujibi mubohot.*<sup>3</sup>

*Shohning* asosi pahlaviydagi *shah* bilan bog‘lanadi. Qadimgi fors tilida u *xshäyathiya*,<sup>4</sup> janubiy g‘arbiy eron shevalarida *shathr*, pozandda *shah*<sup>5</sup> tarzida qo‘llanadi. Ushbu so‘z Yevropa tillariga ham kirib borgan. Xususan, fransuz tilida *chah, schah*, ingliz tilida *shah*, rus tilida *uax* tarzida qo‘llanadi. *Shoh shahar* so‘zi bilan bir o‘zakdan hosil bo‘lgan.

**Xusrav.** *Shoh, tojkor, podshoh* so‘zlariga sinonim tarzida eski o‘zbek adabiy tilida keng qo‘llangan. Xususan, badiiy adabiyotda *xusrav* podshoh so‘ziga sinonim tarzda hamda Eron podshohi *Xusrav Parviz kabi hukmdor, badavlat shoh* ma‘nosida qo‘llangan. Eski o‘zbek adabiy tiliga fors tili orqali kirib kelgan o‘zlashma so‘z. Navoiy asarlarida va Navoiydan keyingi davr turkiy adabiyotda Navoiy ta‘sirida *mutakabbir, mol dunyoga berilgan, xudbin, ishq-muhabbatda soxta* ma‘nosini ifodalagan holda qo‘llangan. Ogahiy tarixiy asarlarida *xusrav* so‘zi, asosan, *shoh, badavlat shoh* ma‘nolarida qo‘llangan hamda *xusravona, xusravoniy, xusraviy* kabi so‘zlarning, *xusravi zarrinkuloh, xusravi anjumsipoh, xusravi mag‘fur* kabi o‘nlab izofiy birikmalar hosil bo‘lishida ishtirok etgan. Xususan, “Firdavs ul-iqbol”da o‘qiymiz:

*Shohi qaviy toel’u feruzbaxt,  
Xusravi la’lafsaru feruztaxt.*<sup>6</sup>

So‘zning asosi “Avesto”dagi *hu\_sravah – mashhur nom, shuhrat* so‘zi bilan bog‘lanadi. Pahlaviyda bu so‘z *husrûv*, sanskritda *súshravas*, pozandda *xosrau* shaklida qo‘llangan. Muarrab shakli *Kisro*.<sup>7</sup> Ushbu nom haqida Abu Abdulloh Xorazmiy alohida to‘xtalib, *husravning* arablashgan shakli (muarrab) *kisro* ekanligini aytadi.<sup>8</sup> Qolaversa, payg‘ambarimiz (s.a.v.) o‘z nubuvvati avvalida Eron shohi Kisroga maktub yo‘llagan deyiladi. Keyinchalik, fors tilida ham, eski o‘zbek tilida ham bu so‘z *Eron shohi* ma‘nosidan *yakka hukmdor, davlati bepoyon shoh* tushunchasini ifodalashga xoslangan. Ogahiy tarixiy asarlarida qo‘llangan *xusrav* podshoh so‘ziga sinonim tarzda qo‘llansa-da, bu so‘zda *ta‘zim, ulug‘lash, kuchli madh etish* ma‘no ottenkalari mavjud.<sup>9</sup> Chunonchi, “Riyozi ud-davla”da o‘qiymiz:

*Dedilarkim: “Ey xusravi komron,  
Na amr aylasang jonimizg‘a ravon.”*<sup>10</sup>

<sup>1</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyozi ud-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O‘rozboyev. Toshkent, 2020, 227-bet.

<sup>2</sup>O‘zbek tilining izohli lug‘ati. V tom. T., O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008, 599-bet.

<sup>3</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. III jild. Zubdat ut-tavorix. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi N.Jabborov. Toshkent, 2019, 35–36-betlar.

<sup>4</sup>Bartholomae Chr. Altiranisches Werterbuch. Strassburg, 1904 (repr.: Berlin-New York, 1979), p. 553.

<sup>5</sup>شمس الدين محمد بن خلف تبریزی. برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران. امیر کبیر. ۱۳۸۶. در جلد سوم. ص. ۱۲۳۱.

<sup>6</sup>Shermuhammad Avazbiy mirob o‘g‘li Munis, Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. II jild. 1-kitob. Firdavs ul-iqbol. Nashrga tayyorlovchi I.Bekchonov, N.Polvonov. Toshkent, 2019, 52-bet.

<sup>7</sup>شمس الدين محمد بن خلف تبریزی. برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران. امیر کبیر. ۱۳۸۶. در جلد دوم. ص. ۷۴۸.

<sup>8</sup>ابو عبدالله محمد احمد بن يوسف خوارزمی. مفاتیح العلوم. الناشر کمال الدين الادهمی. مصر. ۱۳۴۹. ص. ۷۷.

<sup>9</sup>O‘rozboyev A. Ogahiy tarixiy asarlari leksikasi. Filologiya fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan yozil-gan diss., T., 2018, 36-bet.

<sup>10</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyozi ud-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O‘rozboyev. Toshkent, 2020, 54-bet.

**Sulton.** Eski o‘zbek tiliga arab tili orqali kirib kelgan o‘zlashma so‘z. Muarrab. Arabiy siniq ko‘pligi *salotin*. Demak, ushbu so‘zni arab tili qonun-qoidalariga bo‘ysundirilgan muarrablar qatorida sanashimiz mumkin. Oliy hukmdor, podshoh, musulmon davlatlarida amir, xon, shohlar unvoni. Ko‘chma ma’noda o‘zgalari ichida eng oldingisi, sarasi, shohi.<sup>1</sup> Ushbu so‘z hozirgi o‘zbek adabiy tilida, asosan, arab mamlakatlari boshqaruvchisi ma’nosida qo‘llanmoqda, xususan, Ummon sultoni, Maskat sultoni, Bruney sultoni kabi. Eski o‘zbek adabiy tilida juda faol qo‘llangan. Chunki X asrda musulmon mamlakatlari boshqaruvchisi *sulton* deyilgan. Keyinchalik, saljuqiylar hukmdorlardan boshlab arab xalifaligidan mustaqil davlatlar hukmdorlari ushbu unvonni olgan. Mo‘g‘ul imperiyasi inqirozidan so‘ng podshohlik qilmagan chingiziylar *sulton* deb yuritilgan.<sup>2</sup> Xususan, Ogahiy tarixiy asarlarida *sulton* quyidagi ma’nolarda istifoda etilgan:

1) muayyan istilohiy mazmun – o‘zini chingiziylardan hisoblovchi ko‘chmanchi xonlar ma’nosida: “*chingziya xonadonining podshohi pafe’ul-makoni shavkatu izzatnishopon sulton Temurxon...*”;<sup>3</sup>

2) xon so‘zining ma’nodoshi sifatida: “*Ul hazratning valodati lozimu-sh-sharofati jaddi buzurg-vari sultoni firdavsmakon Muhammad Rahim Bahodirxonning...*”;<sup>4</sup>

3) valiahdga nisbatan ham qo‘llanish holatlari kuzatiladi:<sup>5</sup>

*Shahzodai Rahmonquli sulton*

*Nomi maymuni o‘st dar xotam*<sup>6</sup>.

*Sulton* so‘zi arab tiliga efiop tilidagi **ሥላሙ** *kuchli bo‘lmoq*<sup>7</sup> so‘zi orqali kirib kelgan. **سلط** – *kuch-kuch-li, qattiq bo‘lmoq* fe’li islomdan oldingi arab she’riyatida ko‘p uchraydi. Lekin Qur’oni karimda *sulton* tez-tez qo‘llanib tursa-da, bu ma’noda qo‘llanmagan, deyarli barcha o‘rinlarda *hukmron* ma’nosida kelgan. Efiop tilidan shimoliy semit tillariga o‘zlashgan ushbu so‘z, keyinchalik, ma’no kengayishi tufayli *hukm yuritish, nimanidir ustidan hukmronlik qilish* ma’nolarini kasb qilgan. Ushbu ma’nosi orqali uning negizi qaysi tilga borib taqalishi ma’lum bo‘ladi. Chunonchi, akkad tilida *šalātu* fe’li mavjud bo‘lib, u *kuchli bo‘lmoq* ma’nosini anglatadi.<sup>8</sup> Ibroniya tilidagi **שָׁלַט** – *yetakchilik qilmoq, nimanidir xo‘jayini bo‘lmoq*, oromiydagi **שָׁלַט**, suryoniydagi **ሥላሙ** – *nimagadir egalik qilmoq* fe’llari ham akkad tilidagi *šalātu* fe’li bilan bog‘lanishi, shubhasiz. Ushbu so‘z oromiy tili orqali efiop tiliga kirib borgan.

**Xalifa** **خليفة**. O‘rinbosar, noib. Hozirgi o‘zbek adabiy tilida ushbu so‘zning quyidagi ma’nolari mavjud: 1) musulmonlar jamoasi va musulmon davlatining diniy, ayni paytda, dunyoviy boshlig‘i; ruhoniy hukmdor; payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v.)ning vorisi, Allohning yerdagi noibi; 2) Buxoro amir-gida: shariat aqidalarining bajarilishini tekshirib turuvchi mansabdor shaxs.<sup>9</sup> Ogahiy tarixiy asarlarida ushbu so‘z: a) Allohning yerdagi noibi ma’nosida: *Hakimekim, hikmati komilasi bila maloyikayi muqar-rabinning xalifayi sohibizzatin ibo-u nafaronlig‘ jihatidin*;<sup>10</sup> b) mamlakat, imperiya boshqaruvchisi, hukm-dori ma’nosida: *...ittifoq bila mashvarat qilib, andoq maslahat ko‘rdilarkim, bir kishini saforati rasmiy bila yiborib, Xorazm podshohi va Rum xalifasidin madad va ko‘mak tilagaylar*;<sup>11</sup> d) shariat hukmlariga qat’iy rioya qiluvchi hukmdor (xon ta’rifida) ma’nosida: *...xalifat uz-zamon, sultoni sohibqiron al-mu-ayad, bi inoyat al-malik al-mannon Abu-l-muzaffar va-l-mansur Muhammad Rahim*

<sup>1</sup>O‘zbek tilining izohli lug‘ati. IV tom. T., O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008, 585-bet.

<sup>2</sup>Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача луғати. Тошкент, “Шарк”, 1999, 54-bet.

<sup>3</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyoz ud-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O‘rozboyev. Toshkent, 2020, 48-bet.

<sup>4</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. III jild. Zubtat ut-tavorix. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi N.Jabborov. Toshkent, 2019, 38-bet.

<sup>5</sup>O‘rozboyev A. Ogahiy tarixiy asarlari leksikasi. Filologiya fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yo-zilgan diss., T., 2018, 38-bet.

<sup>6</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. III jild. Zubtat ut-tavorix. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi N.Jabborov. Toshkent, 2019, 61-bet.

<sup>7</sup>Nöldeke Th. Neue Beiträge zur semitischen Sprachwissenschaft. Strassburg, 1910, p. 39.

<sup>8</sup>Zimmern H. Akkadische Fremdwörter als Beweis für babylonischen Kultureinfluss. Leipzig, 1917, p. 7.

<sup>9</sup>O‘zbek tilining izohli lug‘ati. IV tom. T., O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2008, 379-bet.

<sup>10</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyoz ud-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O‘rozboyev. Toshkent, 2020, 17-bet.

<sup>11</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. VII jild. Shohid ul-iqbol. Nashrga tayyorlovchi N.Shod-monov. Toshkent, 2019, 38–39-bet.



Bahodirxon...;<sup>1</sup> e) xon tomonidan maxsus topshiriq olgan vakil, elchi ma'nosida: *Va hamul kun qadimiy xizmatkorlardin ix-losnishon Mirzoxon xalifani Hirot viloyatining voliyi voloshoni shoh Komrong'akim...;*<sup>2</sup> f) yordamchi ma'nosida: *Abdurrahmon eshonkim, hazrati shayx ul-islomi shahidning xalifa va noyibi manobi erdi*<sup>3</sup> qo'llanishini kuzatdik. Ushbu so'z eski o'zbek tiliga arab tilidan o'zlashgan o'zlashgan o'zlashma. Arab tilida ushbu so'z *kimningdir orqasida bo'lmoq, kimningdir izidan yurmoq, ergashmoq* ma'nosidagi **خلف** uch o'zakli fe'li asosida hosil qilingan. Biz ushbu o'zak asosida hosil qilingan so'zlarni Qur'oni karimda, islomgacha bo'lgan arab she'riyatida ham uchratishimiz mumkin. Xususan, ushbu o'zak asosida hosil qilingan *xalifa* Qur'oni karimning bir necha o'rinlarida *Allohning yerdagi noibi* (Odam a.s. haqida) ma'nosida tilga olingan. Ushbu o'zak semit tilida *háylaf* (*yəhlōf*) shaklida, qadimiy arab toshbitiklarida *hēlf* shaklida *izidan kelmoq, kimning ortidan joy olmoq* ma'nosini ifodalagan holda qo'llangan. *hōlaf* esa *kimdandir so'ng kelmoq* ma'nosini ifodalagan holda qadimiy arab bitiklarida istifoda etilgan. Ibroniya *hālāf*<sup>4</sup> – *ergash-moq, kechroq yurmoq* ma'nosida qo'llanadi. Efiosemitda *halafa* (*yəhlāf*) – *yo'lni bo'shatmoq, chetga chiqmoq*, tigreda *hālfa*, harsusiyda *huluf*, argobbada *hallāfā* – *yo'l bermoq* ma'nosida qo'llanadi. Ushbu so'zlarni biz akkad tilidagi *halāp-u* – *ichkariga siljimoq* asosi bilan bog'lashimiz mumkin.<sup>5</sup> Finikiydagi *hlp* – *yo'lga tushib ketmoq, kimnidir izidan tushmoq*,<sup>6</sup> oromiydagi *halap* – *yonidan o'tmoq, o'rnini egal-lamoq*, suryoniydagi *halap* – *o'zgartirmoq, aralashtirmoq* so'zlarini ham akkad tilidagi ayni o'zak bilan bog'lashimiz mumkin.<sup>7</sup>

**Marzbon.** Chegarachi, soqchi. Qadimda chegara viloyatlari hokimlariga *marzbon* unvoni berilgan va *chegarani qo'riqlovchi hokim* ma'nosida ushbu so'z keng iste'molda bo'lgan. Lug'atshunoslikda e'tiborli manbalardan biri bo'lgan "Burxone qote"da ushbu so'zga: *hokim yoki chegara qo'riqchisi, hudud va mulk, yer sohibi, zamindor. Nigohdor yoki nigohbon*<sup>8</sup> deya izoh berilgan. Hozirgi o'zbek adabiy tilida ushbu so'z uchramasa-da, eski o'zbek adabiy tilida anchayin faol iste'molda bo'lgan. Xususan, Ogahiy tarixiy asarlarida ushbu so'z chegara podshoh, boshqaruvchi, viloyat hokimi ma'nosida ham bir necha o'rinlarda qo'llanadi. Chunonchi, *Ul jumladan biri ulkim, Daragiz qo'rg'onining hokimi oliyshoni Beklarxonkim, ul havoliyning marzbonidur*.<sup>9</sup> "Riyoz ud-davla"dagi ushbu satrlarda *marzbonni* hokim ma'nosida qo'llangan bo'lsa,

*Qani ul amiri falaktumtaroq –  
Jahon marzboni Avazbiy inoq.*<sup>10</sup>

misrasida *podshoh, hukmdor* ma'nosida qo'llangan. Ushbu so'z eski o'zbek adabiy tili davrida fors tilidan o'zlashgan. U pahlaviyda *marzəpān, marzipan, marjpān* shaklida, armaniyda *marzpan* tarzida qo'llangan va *chegarachi, hokim* ma'nolarini ifodalagan. Arab tiliga ham suryoniydagi *marzbano, marzabono* – *qo'riqchi hukmdor* asosida *marzbon* shaklida o'zlashgan. Ushbu so'zning fors tilida *marzdor* shakli ham mavjud. So'z ikki qismdan iborat bo'lib, avvalgi qism *marz* – *chegaradir*. Uning negizi "Avesto"dagi *me-rezu* – *o'lka chegarasi* ma'nosidagi so'z bilan bog'lanadi. Ushbu o'zak hozirgi o'zbek tilida *marza* so'zida saqlanib qolgan. *Marza* – *chegara, sarhad*, qishloq xo'jaligi terminologiyasida *egat* ma'nosini ifodalaydi va ekinzor yoki uning bir bo'lagini boshqa bo'lakdan ajratish uchun ma'lum balandlikda tuproq uyib hosil qilingan chegara, yo'lni anglatadi.<sup>11</sup> Avestoviy merezuning tarqalish areali birmuncha kengdir. Chunonchi, chot tilidagi *marka* – *chegara belgisi*, qadimgi irland tilidagi *mruig* hamda uning foentik varianti hisoblangan *bruig*, ingliz tilidagi *border* so'zlarini ham ayni asos bilan bog'liq holda paydo bo'lganligi haqida fikr yuritish mumkin. Ikkinchi qism *bon* qo'shimchasi bo'lib, uning negizi "Avesto"dagi

<sup>1</sup>Shermuhammad Avazbiy mirob o'g'li Munis, Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. II jild. 1-kitob. Firdavs ul-iqbol. Nashrga tayyorlovchi I.Bekchonov, N.Polvonov. Toshkent, 2019, 195-bet.

<sup>2</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. III jild. Zubtat ut-tavorix. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi N.Jabborov. Toshkent, 2019, 66–67-betlar.

<sup>3</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyoz ud-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O'rozboyev. Toshkent, 2020, 149-bet.

<sup>4</sup>Johnston T.M. Mehri Lexicon. London, 1987, p. 439 – 440.

<sup>5</sup>The Assyrian Dictionary of the Oriental Institute of the University of Chicago. Chicago, 1956, p. 35.

<sup>6</sup>Zammit M.R. Comparative Lexical Study of Qur'anic Arabic. Leiden – Boston – Köln, Brill, 2002, p. 165.

<sup>7</sup>Leslau W. Comparative Dictionary of Ge'ez. Weisbaden, 1987, p. 260.

<sup>8</sup>شمس الدين محمد بن خلف تبریزی. برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران. امیر کبیر. ۱۳۸۶. در جلد چهارم. ص. ۱۹۸۷.

<sup>9</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyoz ud-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O'rozboyev. Toshkent, 2020, 66-bet.

<sup>10</sup>Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Ko'rsatilgan asar. 355-bet.

<sup>11</sup>O'zbek tilining izohli lug'ati. II tom. T., O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006, 544-bet.

*pana* – *saqlovchi*, *qo'riqlovchi* bilan bog'lanadi. Sanskritdagi *pana* hamda pahlaviydagi *pân* qo'shimchalarini ham *pana* bilan bir asosdan deyish mumkin. Ushbu qo'shimcha o'zbek tiliga fors tilidan o'zlashgan va so'zlarga qo'shilib, *biror nimani qo'riqlovchi*, *himoya qiluvchi*, *muhofaza qiluvchi* ma'nosidagi shaxs otini yasaydi: *bog'bon*, *darvozabon*, *posbon*, *soyabon* va boshqa yasama so'zlar shular jumlasidan. Demak, yuqoridagilardan xulosa qilib qaytish mumkinki, *marzbon* quyidagi ma'nolarni ifodalagan: 1) chegara qal'asi; 2) chegara viloyat hokimi; 3) hukmdor, hokim; 4) chegarachi, soqchi.

Demak, uning *hukmdor* ma'nosi *chegara viloyati boshqaruvchisining* ma'no kengayishi natijasida yuzaga kelgan.

Файзуллаева Мухайё Рахматиллаевна (ўқитувчи, Лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси,  
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети; [muhayyo.fayzullayeva.93@mail.ru](mailto:muhayyo.fayzullayeva.93@mail.ru))  
ДИНИЙ МАРКЕРЛАНГАН АЛЛЮЗИВ ЗООНИМ ВА РАҚАМЛАРНИНГ СИМВОЛИК  
АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада диний маркерланган аллюзияларнинг символик аҳамияти ҳамда ушбу тил бирликларининг инсон диний дунёқарашида маълум бир диний тушунчанинг рамзий ифодаси бўлиб акс этиши инглиз адабий матнлари таҳлили асосида тадқиқ этилган.

**Аннотация.** В статье исследуется символическое значение религиозно-маркированных аллюзий и роль этих языковых единиц в отражении религиозной картины мира на основе анализа англоязычных художественных текстов.

**Annotation.** The research was carried out to investigate the symbolic meaning of religiously marked allusions. The reflection of these linguistic units in the religious worldview of a person as a symbolic expression of a certain religious concept was studied on the basis of the analysis of English literary texts.

**Калим сўзлар:** диний маркерланган аллюзия, прецедент матн, реципиент матн, диний маркерланган аллюзив зооним ва рақамлар.

**Ключевые слова:** религиозно маркированная аллюзия, прецедентный текст, текст-реципиент, религиозно-маркированный аллюзивный зооним и числительные.

**Key words:** religiously marked allusion, precedent text, recipient text, religiously marked allusive zoonyms and numbers.

Диний маркерланган аллюзияларнинг символик хусусияти диний маркерланган аллюзив антропоним, топоним, зооним, фитоним, рақамлар, ранглар ва бошқа тил воситалари орқали юзага келади.<sup>1</sup> Куйида диний матнларга референтлик асосида бадий матнда тез-тез қўлланилувчи ҳайвон номлари ва рақамларнинг символик аҳамияти тадқиқ этилади.

Муқаддас диний китобларда кўплаб ёввойи ҳамда уй ҳайвонлари билан боғлиқ воқеалар келтирилган бўлиб, ушбу ҳайвонларнинг кўпчилиги ҳозирги кунга қадар у ёки бу тушунчанинг рамзий ифодаси ҳисобланади.<sup>2</sup>

Тадқиқот давомида кабутар билан боғлиқ рамзий маъноларни таҳлил қилинади. Инжилга кўра, кабутар умид ва янги ҳаёт рамзи ҳисобланади. Инжилда келтирилишича, ер юзини сув босганида, Нух пайғамбар кабутарни куруқлик излагани юборади, кабутар кўкка парвоз қилиб, куруқлик излайди, аммо топа олмагач, ортига қайтади, 7 кундан кейин Нух пайғамбар яна кабутарни куруқлик топиши учун осмонга учиради, ниҳоят, бу сафар у янги узилган зайтун дарахти баргини тумшугида кўтарганча ортига қайтади.<sup>3</sup> Бу ер юзидан сувнинг чекинганини англатади. Шунинг учун ҳам кабутар умид ва янги ҳаёт рамзини билдиради. Кабутар адабий асарлар, хусусан, шеърларда тез-тез ишлатиладиган диний маркерланган аллюзив зоонимга айланган бўлиб, унинг диний манбаларда умид рамзи эканлиги ҳолати бадий асарларга ҳам кўчган. Масалан, Жон Китснинг “I had a dove” (Кабутарим бор эди) шеърида кабутар лексемаси умид симболи бўлиб келган:

<sup>1</sup> Ashurova D.U., Galieva M.R. Stylistics of Literary Text. Tashkent, “Turon-Iqbol”, 2016, 272 p.

<sup>2</sup> Galieva M.R. Teolingvistika: istoki, napravleniya, perspektivy. Tashkent, 2018, 221 p.

<sup>3</sup> Библия. Нью-Йорк, Библейское общество. The Chaucer Press Ltd., 1986, “Старый Завет”, 863 с., Новый Завет, 338 с.

*I had a dove and the sweet dove died;  
And I have thought it died of grieving:  
O, what could it grieve for? Its feet were tied,  
With a silken thread of my own hand's weaving;  
Sweet little red feet! why should you die –  
I kiss'd you oft and gave you white peas;  
Why not live sweetly, as in the green trees.*

Шоир ушбу шеъри орқали ўз нодонлиги (And I have thought it died of grieving: O, what could it grieve for? Its feet were tied, With a silken thread of my own hand's weaving;) туфайли севгисидан айрилганини, бу билан эса умиди сўнганини таърифлаган (Sweet little red feet! why should you die, Why should you leave me, sweet bird! why?). Шоир яшашдан умиди сифатида кўрган кабутарига, гарчи бу у томонидан худбинлик бўлса-да, ниҳоятда меҳрибон бўлади. Шунга қарамасдан, кабутар ўз эгасини тарк этиб, ўлим орқали озодликка етишишни афзал кўради. Бу эса шоирни хаёллар домига тортади: шоир нима учун кучли меҳр-муҳаббати кабутарни ўз ёнида олиб қолишга етарли бўлмаганлигини англашга уринаётгандек гўё (I kiss'd you oft and gave you white peas; Why not live sweetly, as in the green trees?). Инжилда Нуҳ пайғамбар ва кабутар воқеасида ушбу куш янги ҳаёт вужудга келишига умид уйғотиш рамзи бўлган бўлса, шоир Жон Китс шеърида кабутар вафоти сўнган умидни ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, диний маркерланган аллюзив зоонимларнинг адабий матнда келтирилиши орқали ўқувчида диний дунёқараш ва диний билим тузилмаларини активация қилади. Бунда ҳайвон номини билдирувчи лексема прецедент матнда ўзига юклатилган бирламчи маънони интертекстга референтлик асосида кўчиради. Натижада ўқувчи мазкур тил бирлигини икки матн (прецедент ва реципиент) интеграцияси асосида реинтерпретация қила олсагини референтда (аллюзив зооним) имплицит ёки эксплицитлик асосида акс этирилган символик маънони англай олади.

Мазкур тадқиқотнинг иккинчи қисмида диний манбаларда келтирилган айрим рақамларнинг адабий матнда символик маъно касб этиши ҳолатлари ўрганилади. Рақамлар турли дин вакиллари учун алоҳида аҳамиятга эга феноменлардан бири бўлиб, уларнинг айримлари, ҳатто ҳаётий зарур ирим-сиримларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлган. Диний маркерланган аллюзив рақамларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар диний концептуал ахборот англаштирдан ташқари, уларнинг семантик қатлами символик бир бутунликни ҳам ташкил этади. Тадқиқот доирасида 40 сони билан боғлиқ рамзий маъноларга тўхталиб ўтамиз.

Қирқ сони диний манбалар, хусусан, Инжилда бир неча ўринларда тилга олинган бўлиб, у синов, синов муддати, синалиш ва мукамалликка эришиш каби рамзий маъноларни билдиради ва ушбу символик маънолар бежиз бўлмай, қуйидаги ҳолатлар билан таърифланади: 1. Нуҳ пайғамбар билан боғлиқ воқеаликда Худо ўзи яратган мавжудотлардан қаттиқ ғазабланади ва натижада ер юзига 40 кечаю 40 кундуз давомида ёғган ёмғир сабабли кучли сув тошқини бўлади: “*For in seven days I will cause it to rain on the earth for **forty days and forty nights**, and I will wipe from the face of the ground every living thing that I have made*”; 2. Исо парғамбар 40 кун давомида Худога садоқатини чўлда сатанлар (жинлар) қийноқларига чидаш билан исбот қилишга уринади: “*And he was there in the wilderness **forty days**, tempted of Satan; and was with the wild beasts; and the angels ministered to him*”; 3. Исроил халқи Худо томонидан ваъда қилинган ўлкани (The Promised Land) излаш учун йўлга чиқадилар, ammo Худога шак келтирганлар жазоланиши учун улар саҳрода 40 йил давомида сарсон бўлиб юришга маҳкум қилинадилар: *For **forty years** the Israelites wandered through the desert until all their soldiers who left Egypt died. They died because they disobeyed the Lord*”.

Ислом дини муқаддас китоби Қуръонда ҳам қирқ сони 3 мартаба келтирилган: 1. Мусо алайҳиссалом Синаи тоғида қирқ кун Худо томонидан юбориладиган буйруқларни кутиб, емайичмай яшайди. 2. Мусо пайғамбар ва унинг яқин кишилари саҳрода адашиб қолиб, 40 йил давомида умр кечирганлар. 3. Қуръонга кўра, инсон ёши қирққа етганда, Худо фаришталарга бундан кейин қилиниши мумкин бўлган ҳар бир кичик ва катта, яхши ва ёмон қилмишларини ёзиб боришни буюрар экан. Яъни, айна шу ёшга етганда, киши тўлиқ ақл-идрок ва зеҳн эгаси бўлиб етишиши ўқдирилади. Зеро, Муҳаммад (с.а.в) айнан қирқ ёшларида пайғамбар бўлганлар.

Демак, диний манбаларда қирқ сони билан боғлиқ воқеалардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, ушбу сон билан боғлиқ ҳолда берилган муддат давомида (кун, йил) инсонлар маълум синовларга учрайдилар: бундай синовли вақтларда уларнинг эътиқоди синовдан ўтказилади. Си-

новдан сабр, матонат билан ўтиб, киши эътиқодини мустаҳкамлайди, рухий баркамолликка етишади. Қисқа қилиб айтганда, қирқ сони қийинчиликлар, синовларга тўла муддат рамзи сифатида инсон диний дунёқарашида ассоциатив диний билим тузилмалар бирлигини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, диний маркерланган аллюзиялар семантик қатлами кўламдор бўлиб, улар адабий матнда символик маъно касб этиши алоҳида аҳамиятга эга жараён ҳисобланади. Тадқиқот доирасида олинган таҳлил натижалари умумлаштирилганда, диний маркерланган аллюзив символларнинг куйидаги хусусиятларини қисқача баён қилиш мумкин:

- диний маркерланган аллюзив символ интертекстда прецедент матндаги воқеаларни қайта жонлантиришидан ташқари, унга реципиент матн томонидан қўшимча маъно юкланади;
- диний маркерланган аллюзив символлар катта ҳажмдаги энциклопедик диний билим тузилмаларини сиқик (кичик) кўринишда акс эттиради;
- айрим диний маркерланган аллюзив символлар қарама-қарши маъно кучига эга бўлиб, турли диний ва мифологик қарашларга, диний ва концептуал дунёқарашга эга кишилар учун, бир вақтнинг ўзида, ҳам ижобий, ҳам салбий рамзий маъно касб этиши мумкин;
- диний маркерланган аллюзив символлар адабий матн асосига концептуал маъно юклайди.

**Сабирова Насиба Эргашевна (Урганч Давлат университети мустақил тадқиқотчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD); [sabnas1@yandex.ru](mailto:sabnas1@yandex.ru))**  
**ХОРАЗМ ДОСТОН ИЖРОЧИЛАРИ РЕПЕРТУАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразмда достон ижросида соз, муסיқага асосий эътибор қаратилиши, ҳар бир нағма-куй махсус номланган бўлганлигидан куйларни эсда сақлаш бахши зиммасига яна-да кўпроқ масъулият юклаши, бахшилар репертуари ва ижрочилик маҳорати ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, бахшида ўз касбига эътиқод, куч-ғайрат бўлиши шарт эканлиги, хоразмлик Суяв бахши Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз даргоҳида “Эрўгли” достонини 21 кеча мунтазам куйлагани, ҳатто пойариқлик Амин бахши “Алпомиш” достонини уч ой мобайнида куйлагани ва бундай реал маълумотлар ҳозирда афсонадай бўлиб туюлиши, бахши маҳорати кўп нарсага боглиқ эканлиги, энг аввало, анъанадан боиланиши лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, достон куйлаш анъанаси асрлар бўйи авлоддан-авлодга ўтиб келганлиги, иқтидорли бахшилар уни мунтазам такомиллаштириб келишгани, аммо ижрочининг шахсий маҳорати фақат анъана доирасидагина рўёбга чиқиши мақолада мисоллар асосида келтириб ўтилган. Достончиликнинг сир-асрорини пухта билмаган ижрочи ўз маҳоратини намоён қила олмаслиги, бу сир-асрор, асосан, достон композициясида намоён бўлиши, фольклоршуносликда бу ҳодисани эпик қолип деб юритилиши юзасидан қизиқарли маълумотлар берилган.

**Аннотация.** В статье акцентуруется внимание на словах и музыке в исполнении былин в Хорезме и на том факте, что каждая мелодия имеет особое название, поэтому исполнение мелодий былин по памяти накладывает большую ответственность на бахши, репертуар и исполнительское мастерство бахши. Кроме того, Бахши должен верить в свою профессию: Суяв Бахши Мухаммад Рахимхан из Хорезма исполнял эпос «Эрогли» в Соний-Феруз в течение 21 ночи, бахши Амин Бахши из Пояра исполнял эпос «Алпомиш» три месяца. Мастерство бахши зависит от многих факторов, начиная с традиции. В статье также приведены примеры того, что традиция пения былин передавалась из поколения в поколение на протяжении веков, а талантливые бахши постоянно совершенствовались ее, ведь личные умения исполнителя реализуются только в рамках традиции. Приводится интересная информация о неспособности исполнителя, не знавшего секретов эпической поэзии, проявить свое мастерство, эта загадка в основном отражается в композиции эпоса. В фольклоре это явление называется эпическим узором.

**Annotation.** This article discusses the emphasis on words and music in the performance of epics in Khorezm, the fact that each melody has a special name, so the memorization of melodies puts more responsibility on the bakhshi, the repertoire of bakhshis and performance skills. Besides, Bakhshi must have faith and energy in his profession. Suyav Bakhshi from Khorezm Muhammad Rahimkhan sang the epic “Erogli” for 21 nights at Soniy-Feruz. It has been suggested that the skill of the bakhsh depends on many things, starting with tradition. The article also cites examples of the fact that the tradition of singing epics has been passed down from generation to generation for centuries, and talented bakhshis have constantly improved it, but the personal skills of the performer are realized only within the tradition. Interesting information is given about the inability of the performer, who did not know the secrets of epic poetry, to

*demonstrate his skills, the fact that this mystery is mainly reflected in the composition of the epic, and in folklore this phenomenon is called an epic pattern.*

**Калим сўзлар:** бахшичилик, бахшичилик репертуари, ижрочилик маҳорати, бахшичилик мактаби, дoston ижроси, соз, мусиқа, дostonчилик, дoston куйлаш анъаналари.

**Ключевые слова:** бахши-сказитель, репертуар бахши-сказителей, исполнительское мастерство, школа бахши-сказителей, эпическое исполнение, соз, музыка, дастаны, традиции эпического пения.

**Key words:** bakhshi activity, baxshi repertoire, performance skills, baxshi school, epic performance, melody, music, singing dastans, dastan singing traditions.

Дoston халқимиз бисотидаги буюк обидадир. Унинг асрлар оша сақланиб, аждоддан-авдодга ўтиб келишида кўплаб бахшилар шажарасининг ҳиссаси бор. Шу боисдан ҳам "...кенг мундарижали, чуқур мазмунли, хилма-хил образларга, ранг-баранг бадий воситаларга, архаик ва барҳаёт лугатга, тадқиқотчилар ҳали пайқаб ололмаган грамматик хусусиятларга жуда бой халқ дostonларининг асрлар оша сақланиб келишида зўр қобилият эгаси бўлган халқ шоирларининг хизмати ғоят катта ва таҳсинга сазовордир", деб ёзганида талантли фольклоршунос Ҳоди Зариф мутлақо ҳақдир.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат дoston ўз ижрочиси билан тирикдир. Бахши ёки халфа, қолаверса, қиссахон матндаги тафилотга жон бағишлайди. Бироқ бу ижрочилар орасида бахшига тенглашадигани йўқ.<sup>2</sup> Чунки бахши куй, кўшиқ ва бадий нутқни жозибали қилиб бирлаштирган ҳолда аудиторияга етказилади. "Бахши ижросида унинг бетакрор ижрочилик иқтидори, таланти ва мусиқий маҳорати намоён бўлади."<sup>3</sup> Шу нуқтаи назардан қараганда, профессионал бахши даражасига эришиш ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди. "Ўзбек халқи ва барча бахшичилик мактабларининг эстетик принципага кўра, чинакам халқ бахшиси, биринчи навбатда, табиий талантга эга, яъни халқона таъбир билан айтганда, "Худо берган" бўлиши керак".<sup>4</sup> Шу боисдан ҳам профессор М.Саидов: "Дoston мураккаб санъат асари бўлиб, унинг дoston бўлиши учун адабий текст, мусиқа бўлиши, куйловчи ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган ва соз черта билиши зарур", деб ёзади.<sup>5</sup>

Албатта, дoston ижрочиси юксак хотира эгаси бўлиши ҳам шарт ва зарурдир. Айниқса, Хоразмда дoston ижросида соз, мусиқага асосий эътибор қаратилиб, ҳар бир нағма-куй махсус номланган бўлганлигидан, куйларни эса сақлаш бахши зиммасига яна-да кўпроқ масъулият юклайди. Бундан ташқари, бахшида ўз касбига эътиқод, куч-ғайрат бўлиши шарт. Акс ҳолда, хоразмлик Суяв бахши Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз даргоҳида "Эрўғли" дostonини 21 кеча мунтазам куйламаган бўлар эди. Ҳатто пойариқлик Амин бахши "Алпомиш" дostonини уч ой мобайнида куйлаган.<sup>6</sup> Бундай реал маълумотлар ҳозирда афсонадай бўлиб туюлади. Бахши маҳорати кўп нарсага боғлиқ бўлиб, аввало, анъанадан бошланади. Дoston куйлаш анъанаси асрлар бўйи авлоддан-авлодга ўтиб келган. Иқтидорли бахшилар уни мунтазам такомиллаштириб келишган. Аммо ижрочининг шахсий маҳорати фақат анъана доирасидагина рўёбга чиқади. Дostonчиликнинг сир-асрорини пухта билмаган ижрочи ўз маҳоратини намоён қила олмайди. Бу сир-асрор, асосан, дoston композициясида намоён бўлади. Фольклоршуносликда бу ҳодисани эпик қолип деб юритишади. Профессор М.Саидовнинг таъкидлашича, эпик қолип ва анъанавий формулалар от таърифи, пойга тавсифи, сафарга отланган қахрамонга ота, она ёки бирор ёши улуғ кишининг насиҳати, йўл бўлсин ва унга жавоб, жанг олдидаги фахрия ёки мақтаниш-манманлик кабилар доимий ўринларда ишлатилиб, дostonчиликда муҳим ўрин тутади.<sup>7</sup>

Эпик қолип бахши учун тайёр андоза бўлиб хизмат этади. Агар иқтидорли ижрочи бўлса, ўзи томонидан янги лавҳаларни ҳам қўшиб, сюжетни яна-да бойитади. Эпик қолип дoston компо-

<sup>1</sup> Ҳоди Зариф. Улкан халқ санъаткори. Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. Т., "Фан", 1971, 8-бет.

<sup>2</sup> Рўзимбоев С.Р. Эпос ҳақида қайдлар. Сайланма. Урганч, "Хоразм", 2012, 222-бет.

<sup>3</sup> Бозоров А. Вопросы авторства и творческой индивидуальности бахши в узбекском народном дастанном сказительстве. АКД, Т., 1991, с. 15.

<sup>4</sup> Қаҳҳорова Ш. Бахши эстетик идеали ҳақида. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. V том, Т., 2015, 41-бет.

<sup>5</sup> Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат. Т., "Фан", 1969, 21-бет.

<sup>6</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказитель. С. 47 – 48.

<sup>7</sup> Саидов М. Халқ дostonларида эпик қолип ва анъанавий формулалар. Ўзбек филологияси масалалари. Научные труды ТашГУ, вып. 362, Т., 1970, с. 52.

зицияси билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Стилистик формулалар эса дostonдан дostonга кўчиб юради. Шу жараёнда тобора сайқаллашиб боради. Хоразм дostonлари романик характерда бўлганлиги сабабли уларда от таърифи, пойга тавсифи кам учрайди. Ушбу лавҳаларни фақат “Гўрўғли” туркуми дostonларидоғина учратиш мумкин. “Ошиқ” туркумида эса эпик от образи йўқлиги учун от таърифи ва пойга тавсифи, умуман, тушириб қолдирилган. “Гўрўғли” эпосида ғиротнинг таърифи жуда кўтаринки руҳда мадҳ этилган Гўрўғли мўъжизали ғиротга эга бўлиб, эранлардан фотиҳа олгандан сўнг жўшиб кетиб, бедовининг таърифини бошлайди:

*Бедов отнинг таърифини бошласам,  
Шунқорлиги уч ёшиннан баллидир.  
Ҳоримас оёқли, тошдан тўёқли,  
Кўзи тоғ бошинда, бўйни ёллидир.*

*Уч ёшиннан қадам қўйса бешина,  
Қашилаганда қўллар етмас бошина,  
Олазарақ боқар дегра-дешина,  
Кишинаганда чиққан саси баллидир.*

*Нор туядай масдир етти ёшинда,  
Ғанимлари қалтирайди қошинда.  
Баланд-баланд тоғ гўринар тушинда,  
Бургут сифатлидур овда баллидур.*

*Бедов отнинг орзу-жони тандадур,  
Пирим Шоҳимардон, дастим сандадур,  
Гўрўғлибек бир Ҳудога бандадур,  
Таблада бош бедов ёвда баллидур.<sup>1</sup>*

Бола бахши ижросидаги ушбу дostonда Гўрўғли томонидан от таърифи икки-уч ўринда берилган бўлиб, унда эпик қаҳрамоннинг эпик отга бўлган садоқати, муҳаббати мадҳ этилади. Ўз навбатида, эпик қолип таркибидаги фахриялар, мақтанишлар ҳам кўзга ташланади. Бахши ўз ижросида фахрияларни гўё ўзи ҳақида айтаётгандек иштиёқ билан куйлайди. Фахрия – мақтаниш-манманликнинг ёрқин кўриниши “Гўрўғли” эпосининг “Бозиргон” шохобчасида келтирилган. Унда Гўрўғли ўзини жуда улуғлаган ҳолда таърифлаб, манманликкача бориб етади:

*Ўн саккиз арчин от миндим,  
Миндим, армоним қолмади.  
Зардан тўшаклар устинда,  
Ётдим, армоним қолмади.*

*Саваш гуни қуйруқ эшдим,  
Ғаним билан кўп ташлашдим.  
Душман билан қиличлашдим,  
Чопдим армоним қолмади.*

*Ман сурдим ажаб давронни,  
Танда қўймадим армонни.  
Урушганда ёв қонини,  
Дукдим армоним қолмади.*

*Умрим ўтар қолмас боқи,  
Ман газдим яқин-йироқи,  
Гўрдим Ширвону Ироқи,  
Юрдим армоним қолмади.*

*Доғлардан жайрон қочирдим,*

<sup>1</sup> “Гўрўғли”. Урганч, “Хоразм”, 2004, 41-бет.

*Дарёдан отни оширдим,  
Эрамнан пари гатирдим,  
Сурдим армоним қолмади.*

*Гўрўғли дер: от чопдирдим,  
Едди филдан ўқ ўтирдим,  
Дўстлара шароб ичирдим,  
Ичдим армоним қолмади.*

Ўн тўрт банддан иборат ушбу фахрияда Гўрўғли барча фаолиятини бир-бир мактаб ўтади. Бахши улардаги мактаниш ифодасини алоҳида урғу билан ифодалашга ҳаракат қилади. Чунки достоннинг ушбу жойи сюжет тугуни бўлиб, воқеалар ривожини бошлаб беради. Шу сабабли ижрочи фахриянинг, ўзича мактанишнинг оқибати нималарга олиб келишини кўрсатиш учун Гўрўғлининг фахриясига Оға Юнус парининг муносабатини сўз орқали ифодалашга ўтади:

Гўрўғли бу сўзни айтиб, тамом қилгоннан кейин, Оға Юнус пари, қараса, Гўрўғли сувчисинача мактади, лекин паризодни дила олмади, Гўрўғли бу сўзни айтиб дурғонда, паризод долонинг у ёқиннан, бу ёқина ўтиб, ашулани эшитиб, томоша қилиб дурғон ади.

Паризод Гўрўғлини сўзларини эшитганнан кейин, қописини гумбурдатиб очиб юборди: эй, Гўрўғли султон, сан на даб мактаниб ўтирибсан, деди. Ўн икки минг уйли такали туркманам бор, йигирма тўрт минг уйли али илим бор, мани на армоним бор, даб айтасан, дади. Қирқ йигитим ёнимда бўлса, олғон ерни олдим, чопғон ерни чопдим, даб айтасан, зўрдан-зўр кўп, дади. Магарам, бир ера борсанг, қазонг етиб ўлсанг, изингда оғадан ининг, отадан зурёдинг йўқ, бу санго бир армон амасми, дади.

Гўрўғли лол бўлиб ўтирвади, зурёд сўзини эшитиб, мазаси қочиб гетаварди. Саистон вилоятинда Салсолни ўғли Бозиргон даган дўраган акан, дади, сани талаб қилиб, галиб, қалъангни бир ҳафта камал қилиб гетди, бу санго бир армон амасми, деди. Агарда мани сўзима ишонмидўвин бўлсанг, дарвозога бир хат диқиб гетди, чиқиб олиб гўр, на даган акан, дади. Гўрўғли шатта ўрниннан туриб, хатни гўриб, Бозиргонни галганлигини билиб, йигитларини чақириб ёнина олди. Йигитларина маслаҳат бариб, йигитларини уруша тайёрлаб отларни зардан забардан эгарлаб, ўқ-ёйларини бўйнина осиб, қалқона чўланиб, Гўрўғли Бозиргонни изиннан шарпилдаб отланди.<sup>1</sup> Бола бахши насрий баёнда эшитувчиларнинг руҳиятига кириб, бош қахрамоннинг ички кечинмаларини тасвирлаш орқали уларга таъсир ўтказди.

Оға Юнус пари эрининг мактанишига кулоқ солиб, ўзининг номига бир оғиз хушомад сўз айтилмаганидан жаҳли чиқиб, Гўрўғлига Бозиргон ракиби ҳақида хабар беради. Айниқса, Оға Юнус парининг бефарзандлик ҳақидаги сўзи Гўрўғлига жиддий таъсир ўтказди.

Бахшининг ушбу баёни тингловчиларда жиддий эътибор уйғотади. Воқеанинг энди қайси томонга йўналишини бахшидан орзиқиб кутишади. Шу тарика, дoston воқеалари ўз ривожига чиқа бошлайди. Бахшининг бадий нутқдаги маҳорати аудиторияни тўла дoston воқеалари ичига олиб киради. Барча дoston ижрочилари ҳам асар воқеаларига аудиторияни тўла ром қила олмайди. Бунинг учун бахши соз ва сўз қудратини ўзида жамлаган бўлиши, юксак талант ва маҳорат эгаси сифатида шаклланиши зарур.

Бола бахши-Қурбонназар Абдуллаев оғзаки бадий нутқда турли стилистик усулларга мурожаат қилади. Айниқса, “Гўрўғли” туркуми дostonлари ижросида бадий нутққа кўпроқ эътибор қаратади.

Диалог персонаж характерини, ички туйғусини очиб беришда асосий омил бўлиб хизмат этади.

“Гўрўғлининг уйланиши” дostonида Оға Юнус пари билан Гўрўғлининг учрашуви эпизоди бўлиб, унда Оға Юнус пари Гўрўғли билан Чамлибелга йўл олмоқчи бўлади. Ўшанда унинг энага кампир билан ўзаро сўзлашув саҳнаси бахши тилидан диалог шаклида жуда таъсирчан ифодаланган. Парча келтираммиз:

“Дарров хизматкор кампирни чақирдилар. Хизматкор кампир дешона чиқиб, Гўрўғлига бир қаради-дон, ортина қайтаварди. Галиб, паризода айтдики, эй Оға Юнус паризод, душингда гўрган одамзод шуми, дади.

–Топ ўзи, шу, –дади паризод.

<sup>1</sup> Шу манба. 358 – 359-бетлар.

–Агар шу бўладовин бўлса, сан мани сўзима кулоқ сол, –дади кампир.–Аммо-лекин сўзимни қабул қилсанг ҳам, ихтиёринг қилмасанг ҳам, ихтиёринг ўзингда, дади кампир.

–Қани, на гапинг бўлса, айтавар, –дади паризод.

–Агар айтсам, –дади кампир, – бу галган одамзоддур, сан паризодсан. Одамзод тупроқдан, паризод нурдан яралган, сизлар бир-биринга ҳеч дўғри галмисан, –деди кампир.

–Йўқ, –деди паризод, ман рост душимда шунго ал бардимми, тупроқми, дошми шунго ўз та-нимни бахш этаман, дади паризод. Шунда кампир айтдики, одамзоднинг бошқа хунарлари ҳам бор. Сан одамзода борсанг, харос қўшасан, ер ағдарасан, нон ёпасан, майдоннан тазак йиғнисан, ўжоқа ўт ёқасан, бу ишлар санинг алингнан галавўлармакин, –дади кампир.

–Розиман – дади паризод.

–Агар сан мунга рози бўлсанг, одамзоднинг яна бир хунари бор, мунго рози бўлмассан, –да-ди кампир.

–На хунар акан, дади паризод.

–Бу одамзод дагани бир-икки хотина қанот атмиди, устинга ўйланади, ёр сўвади, –дади кам-пир. Ҳамма гапа рози бўлиб дурган паризод шу ера галганда сал ўйланиб қолди.

Гўрўғли қопида дурип, бу гапларни эшитиб дурвади. Охирги гапдан сўнг паризоднинг икки-ланганини кўриб, сал мазаси қочди. Кампирни бу гапина ишониб, ишни бузжоқ-ов, бу дап, пари-зода қараб, кўнглини гўтариб”.

Икки аёлнинг ички кечинмаси диалог шаклида жуда таъсирчан ифодага тортилган. Унда аёлларга хос бўлган андиша, хавотир, эҳтиёткорлик, ташвиш, рашк, севги, изтироб каби турли туйғулар аралашиб, оилавий-маиший ҳаётга оид картина юзага келган. Аммо охир-оқибат севги-муҳаббат буларнинг барчасидан устун келади. Бу лавҳани бахши табиий, равон бадиий нутқ ор-қали баён қилади. Энг асосийси, аёл туйғусига жиддий таъсир этадиган нуқтани ижрочи аниқ топа олган. Оға Юнус пари энаганинг айтган барча эътирозларига бефарқ қарайди. Бироқ “Одамзоти бир-икки хотинга қаноат қилмайди, устинга хотин олади”, деган сўзини эшитгач, иккиланиб қо-лади. Ушбу эпизод аёлнинг руҳий ҳолатига алоқадор бўлиб, бахши уни қахрамон ички туйғусини ёритиш учун киритган ва реал картинани намоён қилиб, тингловчиларда ҳаётий туйғу уйғота ол-ган. Чунки аудитория аҳли Оға Юнус парининг қайси томонга ризолик билдиришига қизиқиб, унинг Гўрўғли билан бош кўшишига хайрихоҳ сифатида қарашади. Бола бахшининг бадиий нут-қида киноя, қочирим, шама, кесатиқ каби лексик усуллар ҳам кўп учрайди. Унинг репертуарида “Гўрўғли” туркуми дostonлари асосий ўринни эгаллайди. Оғзаки нутқ негизида намоён бўладиган бадиий тасвир ижрочи маҳорати орқали ўзининг рангин қирраларига эга бўлган. Унда Хоразм хал-қининг оғзаки сўзлашув нутқидаги миллий кесатиқ ва киноялар фақат ўғуз лаҳжаси вакиллари лексикаси билан алоқадордир. “Авазхон” дostonидаги бадиий нутқда тилнинг лексик маънодор-лиги бахши маҳорати орқали оригинал тарзда намоён бўлган.

**Асланова Ҳафиза Абдурахимовна (Самарқанд Давлат университети; [Hafi85@mail.ru](mailto:Hafi85@mail.ru))**  
**ГАДОИЙ МЕРОСИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАР КЎЛАМИ**

**Аннотация.** Мақолада XV аср туркий ижодкорларидан Гадоий лирикаси ҳақида сўз боради. Шоирнинг ягона девони – «Девони Гадо» Париждаги 981-рақамли инвентарь остида сақланиб келмоқда ва унинг фотонусхаси эса 1968 йилда профессор Ҳ.Сулаймон томонидан Ўзбекистонга келтирилиб, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи фондига топширилган. Мақолада Гадоий ижодий мероси ва унинг поэтикаси таҳлил этилади. Унинг бадиий санъатлардан фойдаланиш ма-ҳорати ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация.** Статья рассматривает лирику Гадаи, творца тюркской поэзии XV века. Единственный диван писателя – «Девони Гадо» находится в Парижской библиотеке под инвента-ризационным номером 981, его фотокопия в 1968 году была привезена профессором Х.Сулайма-новым в Узбекистан и предоставлена в фонд литературного музея Алишера Навои. В статье анализируется творческое наследие Гадои и его поэтика. Речь идёт о навыках использования ху-дожественных средств.

**Annotation.** The article deals with the lyrics of Gadoi, one of the Turkic authors of 15th century. The only divan of the poet – “Devoni Gado” in Paris under the inventory number 981 and its photocopy was brought by the professor H.Sulaymon in 1968 and delivered to the fund Alisher Navoiy Literature



*museum. The article analyzes the creative heritage of Gadoi and his poetics. It is said about his mastery in the use of artistic skills.*

**Калим сўзлар:** бадий санъатлар, поэтика, девон, газал, туюқ, қитъа, рубоий, қасида, жанр, достон.

**Ключевые слова:** художественное искусство, поэтика, диван, газели, туюк, китъа, рубои, қасида, жанр, поэма.

**Key words:** figurative language, poetics, divan, gazelle, tuyugh, qit'a, (classical forms of poetry found in classical Turkic poetry) and rubai (quatrain), ode, genre, poem.

Мавлоно Гадоий айни туркий шеърятнинг гуллаб-яшнаган пайтида ижодий баркамоллик касб этди. Манбаларда асосли таъкидланганидек, «Классик адабиётимиз тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган XV асрга келиб, ўзбек шеърятининг юқори поғонасига кўтарилди. Шу даврда шухрати ҳамма ёқни эгаллаган форс-тожик поэзияси билан бемалол мусобақалаша оладиган кудратли туркий шеърят яратилди. Бу шеърятнинг камолотини Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий каби ўнлаб санъаткорларнинг шеърятисиз тасаввур этиш қийин».<sup>1</sup> Шу даврда шухрати ҳамма ёқни эгаллаган форс-тожик поэзияси билан бемалол мусобақалаша оладиган кудратли туркий шеърят яратилди. Қолаверса, анъанавий илми бадеънинг Гадоий ижодида ифодаланиши ва унинг индивидуаллик касб этиши шоир маҳоратини белгиловчи омилдир. Гадоий газаллари композицион жиҳатдан 4 байтдан 9 байтгача бўлган доирада ёзилган бўлиб, шоир, асосан, ўз шеърларининг ихчам бўлишига эътибор қилган. Гадоий образ яратишда мурожаат этган тимсол ва рамзлар тасаввуфий мазмунга эга. Чунончи, *соч* тасаввуфда Оллоҳ ва инсон ўртасидаги ришта, маънавий комиллик йўлидаги боғлиқликни англатиб келади. Шунингдек, шоир ижодида *соч* ўрнида зулф, сунбул, хиндувий зулф каби сўз ва иборалар ҳам қўлланган. Жумладан, Гадоий ижодида кўз, лаб, кош каби образлар бадий жиҳатдан мукамал ифода этилади. Гадоий ижодида тасвир объектига нисбатан ўхшатиш санъати етакчи ўринда туради. Уларнинг ҳам ўзига хос истиора, ташбиҳ турлари борки, сўз санъати воситасида бетакрор жилоланади. Жумладан, кўз ҳақидаги ташбиҳни таҳлил этайлик:

*Нух тўфонидин ошди кўзларимнинг сели оҳ;*

*То не ёрга еткусидур оқибат бу можаро.*<sup>2</sup>

Байтда Гадоий кўз ёшларини Нўх тўфонидан ҳам устун бўлганлигини муболағали чизгиларда акс эттирган. Шунинг билан бир қаторда, хитойи кўз ҳақидаги ўхшатишни куйидаги байтда ўқишимиз мумкин:

*Хитойи кўзларинг чин кофири бедод эмиш билдук,  
Басе сеҳр ичра кашмир элидин устоз эшим билдук.*<sup>3</sup>

Яна бир ўринда:

*Ой юзунинг ҳасратидин ҳар кеча тонгга дегин,*

*Кўзларимнинг ёшидин ер узра ахтар сочилур.*<sup>4</sup>

Байтда ошиқ маъшуканинг «ой юзи ҳасрати» учун ерга юлдузларнинг сочилиши сингари кўз ёшларининг сочилишига ишора қилинган.

Бу каби муболағавий ифодаланган бадий санъат намунасини «бел» тасвири келтирилган байтда ҳам кўришимиз мумкин:

*Қилча белингдин камар айтурки, тарфе боғлайин,*

*Кўрки, йўқ ерда не (бе) маъни хаёл айлар камар.*<sup>5</sup>

Мазмуни: «Сенинг қилча белингни кўриб, камар шундай дейди: «Қаерни боғлайин?» Боғлаб бўлмайдиган йўқликка қараб хаёл қилиш бемаънилиқдир».

*Бул ажаб устоди комидур қароқинг жодуси,*

*Ким, кўзимга фитнайи охир замоне кўрнадур.*<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Ахмадхужаев Э. Гадоий (хаёти ва ижодий мероси). Т., «Фан», 1978, 50-бет.

<sup>2</sup> Девони Гадо (нашрга тайёрловчи Асланова Х). Тошкент, 2020, 78-бет.

<sup>3</sup> Шу манба. 123-бет.

<sup>4</sup> Шу манба. 59-бет.

<sup>5</sup> Рустамов М. Гадоий девонининг луғати ва матни. ЎзФА Алишер Навоий номидаги давлат музейи таҳрир бўлими. Т., 2007, 92-бет.

<sup>6</sup> Девони Гадо. 186-бет.

Бу байтда кўзга охирзамоннинг кўриниши ифодаланган бўлиб, бундай таъриф XV аср ижодкорлари орасида учрамайди.

Айни пайтда, қош ҳақида кўздан айро танҳо таърифларини ҳам учратамиз:

*Ғамзанг қачонки, қош ёсидин новак отар,  
Хокийларинг ичинда мени ўқ нишон қилур.*<sup>1</sup>

Байт таркибида киприкни ўқ отар камонга менгзалганлигини англаш мумкин. Ноз этишларинг гўё қош-камонида жойланган киприкларинг ўқлари мени нишон этди. Шу каби киприк таърифи бошқа ғазалда шундай келтирилган:

*Киприкларингни кўргали ошиқ ниёз ила,  
Жонга тизу новаку ханжар, ҳавас қилур.*<sup>2</sup>

(Мен сенга ошиқ бўлиб, киприкларингни кўриш учун ёнингга бордим. Сенинг ўқ мисоли киприкларинг ханжар бўлиб, жонимга озор беришни исташди).

Сочнинг сунбулга ўхшатишлиги Гадоийнинг бир байтида ниҳоятда нафис санъат билан келтирилган:

*Сунбулу гул бутқусидур тупроғимдин бегумон,  
Зулфу юзунг ҳасратинда чунки қилғумдур вафот.*<sup>3</sup>

Мазмуни: Менинг қабр тупроғи узра сунбул ва гуллар ўсиб чиқади. Боиси: сунбулдек зулфинг ва гул каби юзинг ҳасрати туфайли вафот этишим.

Ёхуд сочининг шамолда тўзиб кетиши ошиқнинг рашкини келтириши ҳам васф қилингандир:

*Насим сунбули зулфунгни элтади ҳар ён,  
Гадо жонига баса зулм этар сабо, нетайин?*<sup>4</sup>

Мумтоз адабиётимизда сочининг муаттар бўлиши қора соч, мушк деган номланиш билан боғлиқ бўлиб, мушукнинг қора эканлиги ва у ўзидан хушбўй ҳид таратишига ишорадир.

Айни шу ўринда лабга ҳам урғу бериб ўтсак. Маълумки, мумтоз адабиётда лаб маъшуқанинг энг кўп сифатларда акс этган нукта. Айни дамда ҳам, оғизнинг кичиклиги, лабнинг нукта каби бўлиши литота санъатининг гўзал намунасидир. Қолаверса, тасаввуфий ғояларда оғизнинг кичиклиги нафсни енгувчи восита деб баҳоланади. Гадоийнинг ғазалларида келган «тор оғиз», «зарратек оғиз», «ғунчадек лаъл» таърифларини кўриб ўтсак:

*Дамодам йиғлаганимни кулар гулғунчадек лаълинг,  
Менинг қайғурганимдин кўнглунг асру шод эмиш билдук.*<sup>5</sup>

Мазмуни: Ботиним ва зоҳиримнинг кўз ёшларини кўрган ғунчадек лабинг, менинг ҳолатимдан ниҳоятда хурсанддир.

Гадоий ижодида илми бадеънинг нафис намуналарини учратамиз. Айниқса, маънавий санъат намуналарида шоирнинг ижодий-поэтик истеъдоди тўлақонли очилади. Биргина лаффу нашр ифодаланишида ижодкор ошиқ қалб туйғуларини образли баён этишини кўрсатади. Ўз ўрнида маҳбубанинг ташқи портрети ички олами билан уйғунлигини таърифлайди. Қолаверса, лингвистик нуқтаи назардан, семантик синонимия, тасвирий ифоданинг индивидуаллигини шакл ва мазмун бирлиги баркамоллигида кўришимиз мумкин.

Гадоий ғазалларида Шарқ мумтоз поэтикасининг фикрни равон ва нафис ифодалаш йўллари ва воситалари, қофия ва радиф бадиий санъатларининг гўзал намуналари ифода топганлиги маълум бўлади. Гадоий шеъриятида анъанавийликка хусусий ёндашиш маҳорати илмий асосни талаб этади. Унинг ҳар бир ғазалида илми бадеънинг кўплаб намуналари даврий анъанага мос, шу билан бир қаторда, хослик услуб касб этган. Шу боис ҳам, Гадоий ўз шеъриятида ижодий ўзига хослик хусусиятлари, ижтимоий масалалар талқини, бадиий санъатлар ва тимсол яратиш маҳоратлари, вазн, қофия, бадиий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланган. Мажозий ва ҳақиқий ишқнинг бадииятда қўлланилиши, унинг учун эса қофия ва вазн тизимининг мувофиқлиги, шеърини санъатларнинг қўлланилиш доираси чуқур таҳлилларни келтириб чиқаради. Гадоий ўз лирикасида ишқ ва ошиқ-маъшуқаларнинг қалб изтироблари, ҳижрон аламлари, висол қувончларини куйлаш

<sup>1</sup> Рустамов М. 143-бет.

<sup>2</sup> Девони Гадо. 74-бет.

<sup>3</sup> Девони Гадо. 135-бет.

<sup>4</sup> Рустамов М. 68-бет.

<sup>5</sup> Девони Гадо. 80-бет.

билан бирга, муҳаббатга ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлишга тўсиқ бўлган *ичи қора, ёвуз, худбин, агёр, рақиб, зоҳид, ўзини доно, энг ақлли одам деб ҳисобловчи, аслида эса энг ақли паст но-сир, ҳосид, фосиқ (бузук)* образларини яратган. Бу каби худбин, нодон, фирибгар табиатли салбий кишилар образининг ўзаро муносабатини баён этиш орқали шоир ўз даврининг ижтимоий шаклини акс эттирган. Шоир Гадоий ҳам ўз ғазалларида рақиб образига нисбатан ана шундай муносабатда бўлган.

У рақибни жонга битган офат, ошиққа овораю сарсонлик келтирувчи «балое бар бало» дейди:

*Бир бало эрди бурун худ жонга дийдори рақиб,  
Ёна бу оворалиг бўлди балое бар бало.*<sup>1</sup>

Рақиб ошиққа озор бериб, уни азоб-уқубатга солувчи ярамас, ёмон ниятли шахсдир. Шоир унинг пасткаш махлуқ эканлигини бузук нияти билан узоққа бора олмаслигини айтиб, уни фош этади:

*Эй рақиб, охир сени овора қилгумдур, дединг,  
То не ерга етгасен сен наҳс бу ният била.*<sup>2</sup>

Гадоий девонида салбий образлардан бўлмиш рақиб образига ҳам маълум даражада ўрин берилган. Шоир ғазалларида рақиб нияти бузук, ошиқ севгисига раҳна солувчи, ошиқнинг орзу-истагига ғов бўлувчи сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Гадоий рақибни *шум, юзи қаро, лоф урувчи, заррача жигари йўқ, олам ичра у каби шум бўлмагай, рўсиёҳ, ит каби жорловчи (акилловчи), ёмон ниятли, наҳс* каби сўз ва иборалар билан атайди ва ундан наф-ратланади.

Гадоийнинг ижодий маҳсуллари бадий санъатларнинг серкирралиги билан ҳам ўқувчининг дилидан жой олади. Айниқса, инток, ташхис санъатларидан фойдаланар экан, маъшуканинг юзи, кўзи, қоши, лаби нутқ сўзлайдики, беихтиёр унга ишонасан. Қолаверса, сўз қўллаш маҳорати билан муаллиф ўзининг ички ҳиссиётларини ошкор этади. Гадоий шундай ғазалларида поэтик санъатларни ниҳоятда нозик сўз сеҳри билан яратганки, улар орқали Гадоийнинг нақадар нозиктаъб ижодкор эканлигини англаш мумкин. Лирик маҳорат шоирнинг «мен»и орқали намоён бўлади. Бу каби шарҳлар мумтоз адабиёт вакиллари ҳақида маълумот берибгина қолмай, унинг ижодий меросини чуқур англашга ва китобхон ва муаллифнинг автобиографияси ўртасидаги риштани ҳосил қилишга хизмат қилади.

**Muminova Dilorom Davronovna (Samarqand davlat universiteti o'qituvchisi; [muminova-d@list.ru](mailto:muminova-d@list.ru))  
NOMA JANRINING BADIY ASAR TARKIBIDAGI KO'RINISHI**

**Аннотация.** *Ushbu maqolada o'zbek adabiyoti tarixining asrlar mobaynida xalqimiz ma'naviy barkamollik va estetik go'zalligini shakllantirish uchun xizmat qilgan nomanavis ijodkorlarning nomalari hamda sharq adbiyotining ijobiy, ishqi, tarixiy va namunali qahramonlari haqida va zamonaviy asarlarda noma janrining qay holatda badiiy asar tarkibida qo'llanilganligi haqida so'z boradi.*

**Аннотация.** *В статье рассказывается о писателях, веками служивших в истории узбекской литературы духовному совершенствованию и формированию эстетической красоты нашего народа, а также об именах положительных, романтических, исторических и образцовых героев восточной литературы. Также речь идет о приемах использования в современной литературе жанра «послания».*

**Annotation.** *The article tells about the names of amateur writers who for centuries served in the history of Uzbek literature for the spiritual perfection and aesthetic beauty of our people, as well as about the names of positive, romantic, historical and exemplary heroes of the eastern peoples. Literature. It is said to have been used.*

**Kalit so'zi:** *noma, uzviy, janr, oshiq, ma'shuqa, obraz, timsol, badiiy asar, asar, sujet, usul.*

**Ключевые слова:** *письмо(жанр послания), органическая связь, жанр, влюблённый, любовник, образ, символ, художественное произведение, произведение, сюжет, метод.*

**Key words:** *letter, participant, genre, lover, image, emblem, work of art, work, plot, method.*

<sup>1</sup> Девони Гадо. 96-бет.

<sup>2</sup> Девони Гадо. 153-бет.

O'zbek adabiyoti tarixi o'zining juda boy adabiy merosiga ega. Bu adabiy meros uzoq asrlar mobaynida xalqimizning ma'naviy dunyosini shakllantirishga xizmat qiladi. Bunga misol tariqasida Xorazmiyning "Muhabbatnoma",<sup>1</sup> Xo'jandiyning "Latofatnoma",<sup>2</sup> Sayid Ahmadning "Taashshuqnoma"<sup>3</sup> va Amiriyning "Dahnoma"si<sup>4</sup> kabi nomanavis ijodkorlarning asarlarini keltirish mumkin. Nomalar faqat asar shaklida emas, balki badiiy asarlar tarkibida ham kelishi, ularning sujet tarmog'idagi uzviy bir qismga aylantirishi mumkin. Muallif nomani qahramon tilidan ham shaxsiy fikr-mulohazalarni, ham insoniy tuyg'ularni badiiy bayon etadi. Shu bilan birga, asar yaratilayotgan davr manzaralarini chizishga ham muvaffaq bo'ladi.

Bunda Alisher Navoiyning go'zal tarzda badiiy asar tarkibida nomalar keltirilgan ruhiy holat va tahlil ufoqlarini kashf etishda Sharq adabiyotida keng tarqalgan usullardan mazmunli foydalangan deyish mumkin. Shuningdek, "Farhod va Shirin" dostonidagi noma-maktublar ham asar mazmun-mohiyatini kengroq yoritishda, qahramonlarning ma'naviy-ruhiy holatlarini tasvirlashda muallifga juda qo'l kelgan. Xususan, biri Chin hoqonining o'g'li, ikkinchisi Arman o'lkasining malikasi bo'lishiga qaramasdan, davr, muhit ta'sirida o'z xohish-irodasi bilan yashay olmagan oshiq va mashuqlarning ahvoli-ruhiyati nomalar orqali, ularning o'z tillaridan batafsil ifoda etiladi. Ayniqsa, Shirinning noma-maktubida go'zal va oqila qizning o'z taqdiridan o'kinishi, sevgilisidan yiroqda, hijronda yashashdan shikoyati, o'zini har qancha baxtsiz his qilmasin, aziz kishisiga umr va saodat tilashi kishini kuchli hayajonga soladi. Muallif noma janrining talablariga ko'ra, xat bituvchining xatni oluvchidan hol-ahvol so'rashi bilan boshlanadi:

*Nedur ahvoling, ey zori g'aribim,  
Visolim davlatidin benasibim?  
Chekardin g'am tog'in holing nechukdur,  
Bu yukdin jismi chun noling nechukdur?  
Qatiq g'urbat aro holing ne erkin,  
Achiq furqatda ahvoling ne erkin?*

Ma'lumki, mumtoz adabiyot namunalarida Farhodni "Ko'hkan", ya'ni tog' qazuvchi nomi bilan ham ataydilar. Shirin "g'am tog'i" iborasini qo'llash orqali nozik so'z o'yini qilish bilan birga, o'z oshiqning g'am tog'i ostida qolganligiga ham ishora qiladi. Alisher Navoiyning poetik mahorati yana shunda ko'rinadiki:

*Sochim fikrida tunlay aylasang kech,  
Qarorurmu jahoning tun kibi hech?  
Qoshim mehrobini yod aylagan dam,  
Yangi oydek bo'lurmi qomating xam?  
Chu mijgonim g'amidin chiqsa xo'yung,  
Bo'lurmu bir tikon har tora mo'yung?*<sup>5</sup>

Shirin tilidan uning go'zalligidan dalolat beruvchi tunde qora sochlari, mehrobni eslatuvchi qoshlari, tikandek kipriklari va boshqalarni ham sanab o'tadi. Ammo bu bizga erish tuyulmaydi. Chunki Shirinning qora sochlari g'amida oshiqning jonu jahoni qorayadi, mehrobdek qoshlarini eslaganida Farhodning qaddi yangi oydek egiladi, kipriklarini ko'z oldiga keltirganida esa sog'inch iztirobidan har bir tuki tikondek badaniga sanchiladi

Shirin, garchi o'zi ham hijron iztirobida yashayotgan bo'lsa-da, sadoqatli va vafodor yor sifatida Farhodning holiga achinadi. Tog' yoki sahroda sargardon yurgan oshiqning yostig'i toshlar bo'lmayabdimikin, deya xavotirlanadi. Hamrohlari yovvoyi hayvonlar ekanligidan afsuslanadi. Shu bilan birga, o'zini unutmashligini iltijo qiladi:

*Sharafdin bo'lg'on ermishsen Sulaymon,  
Mening birla unutma ahdu paymon!  
...Ne bo'lg'ay erdi charxi zulm pasha,  
Meni sendin judo qilmay hamisha  
Xirooming chog'i yo'ldosh o'lsam erdi,*

<sup>1</sup> Самайлович А.Н. "Муҳаббатнома" ва "Таашшуқнома", "Маориф ва ўқитувчи", 1927, № 3–4, 42–44-бетлар.

<sup>2</sup> Ходжанди. Латофат – наме. Фозилов Э. Тошкент, 1976.

<sup>3</sup> Самайлович А.Н. Шу манба.

<sup>4</sup> Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. T., O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti. Toshkent, 2006.

<sup>5</sup> Навоий А. МАТ (Мукаммал асарлар тўплами), 20 томлик, Тошкент, "Фан", 2001.

*Sukuning vaqti qo'ldosh o'lsam erdi.<sup>1</sup>*

Noma so'ngida Shirin Farhod bilan ahyon-ahyon bo'lsa ham, uchrashib turganida, g'am va kulfatlarni yenga olishi mumkinligini aytadi. Sevgilisiga salomatlik tilab, undan javob nomasi yo'llashni so'raydi. Ko'rinadiki, Alisher Navoiy birgina Shirinning nomasi orqali ham insoniy tuyg'ularni tarannum etadi, ham o'sha davr ijtimoiy hayotining realistik lavhalarini yaratishga muvaffaq bo'ladi.

Layli va Majnunning noma-maktublari haqida to'xtaladigan bo'lsak, har ikki ishq sohibining qalb sirlarini, ko'ngil kechinmalarini, ruhiy iztiroblarini to'laqonli ochib beradi. Masalan, Layli har qancha fi-doyi mahbuba, sadoqatli va oqila ma'shuqa bo'lmasin, oddiy bir qiz sifatida Qaysning Navfal qiziga unashtirilishi voqeasiga befarq qarab tura olmaydi, zimdan rashk qilayotganini sezdirib qo'yadi. U Majnunga gina qilib, quyidagilarni yozadi:

*...Mundog' dag'i dedilar fasona  
Kim Navfal ila bo'lub yagona  
Chun hujlasi sori ko'z solibsen,  
Qo'lmoqqa qizini so'z solibsen.  
Bo'lsun sanga baxt yoru yovar,  
Billah manga tushmadi bu bovar.<sup>2</sup>*

Shunday bo'lsa-da, Layli oliyjanob inson sifatida Majnunga baxt va iqbol tilaydi. Navfalning qizi haqida yaxshi fikrlar bildiradi. Majnun Laylining maktub-nomasini o'qir ekan, xijolatda qolib, javob maktubida Navfalning qizi bilan bo'lgan voqealarda hushi o'zida emasligini uqtiradi. Buning uchun yoridan uzr so'raydi. Shu bilan birga, u ham Layliga ginaxonlik qilib, Ibn Salomni eslatadi: Meni uylanibsan, deb xijolatga qo'yasan-u, sen o'zing Ibn Salom bilan nikohdan o'tmoqchi bo'lasan, deydi maktubida Majnun:

*Uylanmak ishiki nisbat etting,  
Bizga o'z ishingni tuhmat etting.  
Kim Ibn Salom etib xayoling,  
Balkim tamah aylabon visoling.  
Ko'nglini otang qilib tarozi,  
Bo'lmish ne ul istaganga rozi.  
Sen rozi erur, emasni bilmon,  
Bilmas nima tuhmatini qilmon.<sup>3</sup>...*

Ko'rinadiki, har ikki qahramon ham insoniy his-tuyg'ulardan begona emas. Bular faqatgina adabiy obraz emas, balki jonli timsol sifatida yodimizda qolishiga ana shu ruhiy tahlillar aks etgan misralar yaqindan yordam beradi. Laylining ota-ona qarshiligi, muhit noroziligiga qaramay, Qaysga sadoqat bilan, muhabbat bilan bog'lanishi uning o'z davridan birmuncha yuqori ko'tarila olganligidan dalolat beradi. Chunki u o'z muhitida Qayschalik ham huquq va imkoniyatlarga ega emas. Qaysga yozgan maktubida bu holni quyidagicha ifodalaydi:

*...Sening nechakim g'amingga yo'q mahl,  
Chun er kishisen, bu sahl erur, sahl.  
Har sori uray desang taningni  
Tutquchi tikandur etagingni...  
Bo'lmoq yuz alam uyida mahbus  
Biryon, yana biryon o'ldi nomus.  
Er majlisi aro roh erur zeb,  
Xotun kishiga saloh erur zeb...*

Laylining fojiasi haq-huquqi poymol qilingan ming-minglab laylilarning fojiasi edi. Navoiy Layli fojiasini uning o'z maktubi vositasida tasvirlash bilan bu fojiaga sabab bo'lgan qonun-qoida va urf-odat-larga qarshi o'z munosabatini ham bildiradi, shaxs erkini, inson muhabbatini, xotin-qizlarning haq-huquqlarini himoya qiladi.

“Saddi Iskandariy” dostonida ham Alisher Navoiy o'zining umumlashma xulosalarini, hayotiy fal-safalarini, g'oyaviy maqsadini Iskandarning o'z onasi Bonuga yozgan nomasi orqali yorqin ifodalashga muvaffaq bo'lgan. O'z qudrati va shonu shavkati bilan tirikligidayoq afsonaga aylanib ulgur-gan Iskandar

<sup>1</sup> O'sha asar.

<sup>2</sup> O'sha asar.

<sup>3</sup> O'sha asar.

birdaniga dardga chalilib, og'ir ahvolda qoladi. So'ngi damlarda u onasini yodga oladi. Qog'oz va qalam keltirishlarini buyurib, noma-vasiyatini bayon etadi.

Iskandarning mazkur noma-vasiyatini dostonidan kelib chiqadigan umumlashma xulosalar sifatida ham qabul qilish mumkin. Shuningdek, maktub o'ziga xos kompozitsion tuzilishga ham ega bo'lib, uni asar ichidagi yana bir ixcham asar sifatida taassurot qoldiradi.<sup>1</sup>

Noma muallifi onaga murojaat qiladi. Jahonni zabt etish uchun aziz umrini sarflaganidan nadomat chekadi. Jahonga shohlik qilishdan ko'ra onaga qullik qilish afzal ekanligini anglab yetadi:

*Demon qilsam erdi o'g'ulluk sanga,*

*Qabul aylasam erdi qulluk sanga.*

*Sanga aylabon xoki dargohlik,*

*Aning otin etsam edi shohlik.*<sup>2</sup>

Badiiy asar tarkibida nomalardan foydalanish keyingi davrlarda ham davom etdi. Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romanidagi Otabek va Kumushlarning o'zaro yozishmalari ham romanning badiiyati va estetik ta'sirchanlik kuchini orttirganligi ma'lum. "Mehrobdan chayon" romanidagi Ra'noning Anvarga maktubi-nomasi mazmuni ham obrazlar munosabatidan tortib to ijtimoiy hayot manzaralarigacha badiiy idrok etishimizga katta yordam beradi. Demak, an'anaviy noma badiiy adabiyot taraqqiyotini tahlil etishda yozuvchi uslubi, mahoratini belgilashda muhim rol o'ynaydi.

#### **Tursunova Namuna (QDPI O'zbek adabiyoti kafedrası o'qituvchisi) MUQIMIY IJODIDA TASHXIS SAN'ATI**

**Аннотация.** *Мақоллада Муқимий ијодига кенг қўлланган ташхис сан'ати шoir mahoratini ko'rsatibgina qolmay, asarlari badiiyati va xalqchilligini ta'minlagan omil sifatida tadqiq qilinadi.*

**Аннотация.** *В статье исследуется художественный приём таххис, который широко используется в творчестве Муқими. Он не только демонстрирует мастерство поэта, но и обеспечивает художественность и народность его произведений.*

**Annotation.** *The article researches the art of diagnosis, which is widely used in Muqimiy's permanent work, not only as a demonstration of the poet's skill, but also as a factor in ensuring the artistic and folkloric attribute of his works.*

**Kalit so'zlar:** *badiiy san'atlar, an'ana, tashxis, intoq, o'ziga xoslik, mahorat.*

**Ключевые слова:** *искусство, традиция, художественный приём таххис, интуиция, устная традиция, мастерство.*

**Key words:** *artistic, tradition, diagnosis, intuition, oral tradition, skill.*

Jonsiz narsa-hodisalarni jonlantirishga asoslangan tashxis – shaxslantirish, ya'ni ularga insonga xos xususiyatlarni berish Sharq mumtoz she'riyatida keng tarqalgan badiiy san'atlardan hisoblanadi. Y.Is'hoqovning yozishicha: "Bunday tasvir tasodifiy bo'lmay, tasvir obyekti bo'lmish hayvon, o'simlik yoki ash-yoning biror belgisi bilan inson xususiyati yoxud fe'l-atvori o'rtasidagi qandaydir ramziy o'xshashlikka asoslanadi. Masalan, yog'in bulutning yig'isiga, momoqaldiroq osmonning ohu nolasiga nisbat berilar ekan, ularning zaminida tashbeh-y-istoraviy aloqa yotadi".<sup>3</sup>

Tashxis san'atiga Muqimiy ijodida ham ko'p duch kelamiz. Bu san'at buyuk so'z san'atkori ijodidagi "ramziy tasvirning yorqin ko'rinishlaridan bo'lib, shoirning mushohada quvvati va poetik mahoratining yuksakligini ko'rsatadi".<sup>4</sup> Masalan:

*Sayri gulshan qilding ul subheki, mastona chiqib,*

*Sabzalar bosh chekdi ta'zimingga to nargis turib,*

*Pardasiz kirgan chog'ing savsan safiga ot surib,*

*Gul yaqo chok etdi xijlatdin, dedi nogah ko'rib:*

*Tavbakim, oraz degan humro bo'lurmu muncha ham.*<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Хайитметов А. "Гулистон", 1987, 12-сон, 26 – 28-бетлар.

<sup>2</sup> O'sha asar.

<sup>3</sup> Is'hoqov Y. So'z san'ati so'zligi. Toshkent, "O'zbekiston", 2014, 239-bet.

<sup>4</sup> Shu manba. 241-bet.

<sup>5</sup> Muqimiy. Asarlar (Nashrga tayyorlovchi G'.Karimov). Toshkent, G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1974, 299-bet.

“Bir tong mahali suzilib chiqib, gulshanda sayr aylaganingda, nargisdan tortib barcha maysa-giyohlar senga ta’zim qilish maqsadida saf tortdi. Yuzingdan niqobingni olib, gulsapsar safiga ot surib kirganingda esa sening beqiyos qizil yonog’ingni ko’rib, u (bu erda gul deganda ham gulsapsar nazarda tutilmoqda) xijolat chekkanidan yoqasini chok etganicha: “Yo tavba, yuz degani shunchalik ham qizil bo’lishi mumkinki?”– dedi tong qotganicha”.

Bu yerda nargis va boshqa maysa-giyohlarning ma’shuqani ta’zim bilan qarshilashi, gulsapsarning yor yuzining qizilligi oldida o’zining qizilligi hech narsa ekanligini ko’rganida xijolat bo’lib, yoqasini yirtishi tashxis san’atining betakror namunalaridir. Gulsapsarning yoqa ushlab, yor husni oldida o’z hayratini izhor qilishi esa intoq san’atiga misol.

Agarda tashxis jonsiz narsalarga jon ato etish bo’lsa, unga yondash san’at intoq ularga til bag’ishlashdan iborat. Bu, xususan, majoziy uslubda yozilgan asarlarda uchraydi. “Intoq shoirga o’zining kechinmalari, borliqqa munosabati, hayot haqidagi falsafiy mushohadalarini bilvosita ifodalash imkonini beradi”.<sup>1</sup> Chunonchi, quyidagi baytda ma’shuqaning nafis xiromini ko’rib tovus oh urisa, kaklik azbaroyi hasratdan o’tega tushgan qilga o’xshaydi:

*Oh urar tovus bog’larda xiromini ko’rib,  
Hasratidin kabk go’yo o’tka tushgan mo’gina.*<sup>2</sup>

Tovus ham, kaklik ham chiroyli yurishi, mayda qadami bilan mashhur qushlar bo’lib, ularning ayni xususiyati go’zalning nozik harakati va nafis xiromiga qiyoslanadi hamda ular ko’pincha bir-biriga zid qo’yilib, bu tazodda hamisha mahbuba ustun qo’yiladi. Shuning uchun ham ularning yurishi o’zaro solishtirilganda ma’shuqaning noz bilan sullanib qadam tashlashi oldida o’zlarining mayin qadamlari hech narsa ekanligini ko’rganlaridan xijolat bo’ladilar, oh chekadilar, yoqa yirtadilar va hokazo.

Shoir mahorati faqat ohorli tashbehu timsollari emas, turli badiiy tasvir vositalari, jumladan, tashxis san’atidagi topqirligi bilan belgilanadi. Chunki jonsiz narsa-hodisalarni ularning o’xshashini topib jonlantirishning o’zi bo’lmaydi – bu ijod ahlida o’ziga xos botin ko’zi bo’lishini taqozo qiladi. Bu san’at haqida Fitrat shunday ta’rif bergan edi: “Jonsiz narsalarni jonli ko’rmak, qushlar, jonivorlarni kimsalar o’rnida tushunib, o(n)lar bilan gaplashmak, og’ir qayg’ular, kuchli tuyg’ular, dengiz to’lquni, qon qaynashi zamonlarida bo’laturg’an bir ruhiy holatdir. Mana shu ruhiy holatlarni tasvir etmak istagan qalamlar samimiylikdan chiqmasalar, ifodalarig’a kuli ta’sir bergan bo’ladilar”.<sup>3</sup> O’z-o’zidan, bu o’simlik va qushlarning jonlantirilishi tasodifiy bo’lmay, ulardan har birining ma’shuqaning bir a’zosiga nisbati bor. Aytaylik, nargisning – nozik jinsning xumor ko’ziga, gulsapsarning – ol yonog’iga, maysaning – sochi va xat (labi ustidagi mayin tuklar)iga, tovus va kaklikning – mavzun xiromiga o’xshashligi mavjud. Yoki yor ko’zining ohu ko’zi, yuzining esa ko’zgu bilan taqozodorlik munosabatida bo’lganligi uchun Muqimiy mana bu baytida “Ko’zingga dasht ohusi ham asir bo’ldi – bir menmi? Husningni ko’rib, oyna ham hayratda qoldi – bir menmi?”– deb lutf qiladi:

*Asiri chashming ohuyi biyobon o’ldi, bir menmu?  
Ko’rib oyina ham husningga hayron o’ldi, bir menmu?*<sup>4</sup>

G’azalda tashbehlar silsilasi shu yo’sinda davom etadi: ma’shuqa tong mahali yuzidan niqobini olib, bog’ sayriga chiqqanida gul uning beqiyos husnini ko’rib, rashku hasaddan yoqasini yirtadi; yor ishqi o’tida faqat oshiq emas, balki sahrodagi lolalar kuyadi (bu yerda lolalarning qizilligi – ularning kuyganiga nisbat berilmoqda); qizillik va porloqlik ichra mahbuba labiga, hatto eng a’lo navli Badaxshon la’li ham banda bo’ladi (qizilligi jihatidan la’l labga qiyoslanadi); bu go’zal sochlar oldida sunbul-u rayhon o’zini yo’qotib qo’yadi:

*Rux ochding pardadin ul subhidamkim, sayri bog’ aylab,  
Qolib xijlatda gul choki giribon o’ldi, bir menmu?*

*Kuyar jismim na tanho ishqing o’tindaki, sahroda  
Tushub o’t, lolalar ham jumla so’zon o’ldi, bir menmu?*

<sup>1</sup> Quronov D., Mamajonov Z., Sheralieva M. Adabiyotshunoslik lug’ati. Toshkent, “Akademnashr”, 2010, 122-bet.

<sup>2</sup> Muqimiy. Asarlar (Nashrga tayyorlovchi G’.Karimov). T., G’.G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 1974, 36-bet.

<sup>3</sup> Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. 4-jild, Toshkent, “Ma’naviyat”, 2006, 56-bet.

<sup>4</sup> Muqimiy. Asarlar (Nashrga tayyorlovchi G’.Karimov). T., G’.G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 1974, 213-bet.

*Na yolg'iz men xarobi halqayi zulf-u xat-u xoling  
Labingga banda ham la'li Badaxshon o'ldi, bir menmu?*

*Ko'yingda telba-yu devonadek yurganda ayb ermas,  
Sochingdin sunbul-u rayhon parishon o'ldi, bir menmu?*<sup>1</sup>

Keltirilgan baytlarda ham gulning go'zalligi jihatidan chiroyli yuzga, lolaning cho'g'day rangining kuygan yurakka, la'ning qizilligiga ko'ra labga, halqa-halqaligi tufayli sunbul-u rayhonning sochga nisbati bor va ular xuddi shu xususiyatlariga ishora qilingan holda jonlantirilyapti, ayni paytda, ma'shuqa a'zolari oldida ojizligiga urg'u berilyapti.

Quyidagi baytda esa mahbubaning nozik xiromiga kaklik banda-yu jonbaxsh so'zidan to'ti hayrat-dayu xumor ko'zi ko'yida ohu ovora-yu shirin labi oldida shakar sharmanda deb, yana bir tashxislar silsilasini yuzaga keltiradi:

*Xiromi bandasi kabku kalomi volasi to'ti,  
Ko'zi sargashtasi ohu, labi sharmandasi shakkar.*<sup>2</sup>

Mana bu baytda: "Yuz ming xijolat bilan bo'lsa ham, yuzingdan pardani ko'tar – to beqiyos jamolingni ko'rib, bog'dagi guli ra'no o'z husniga mag'rur bo'lishni qo'ysin", – deydi:

*Ol ruxingdin parda to yuz ming xijolatlar bilan,  
Bo'lmasun mag'rur bog'larda guli ra'no ko'rub.*<sup>3</sup>

"Gul chamanda yuz ochib, o'z husniga o'zi mag'rur – bir aylanib kel, to sening husn-u jamoling oldida o'zining ko'rk-u chiroyi hech narsaga arzimasligini ko'rib, sharmandai sharmisor bo'lsin", – deb lutf etadi boshqa bir baytida:

*Rux ochib so'yi chamandin gul o'ziga faxr etar,  
Sharmsor o'lsun ko'rubon aylanib bir bor kel.*<sup>4</sup>

Quyidagi baytda ham shoir sevgilisiga murojaat qilib aytadiki: "Gulning ochilganiga xijil bo'lib, g'unchaning bag'ri qat-qat dog' ekanligiga qaraganda ochiq yuz bilan bog'ni aylangan ko'rinasan":

*Yuzlaring ochding magarkim, sayr etibon bog'lar,  
Gul xijil ochilganiga, g'uncha qat-qat dog'lar.*<sup>5</sup>

"Bu bog'da sening dastingdan jigari qon bo'lgan birgina men emas, lola ko'ksini qat-qat dog' qilib, ko'zlaridan qonli yoshlar oqizding", – deydi yana bir baytida:

*Bog' aro yolg'iz jigarxun men emas, gullarni ham,  
Lola ko'ksin dog' qat-qat, diyda xunbor aylading.*<sup>6</sup>

Shoir she'rlarida go'zal mahbuba tufayli bulbullar fig'on tortib, qumri ohu nola chekadi, gullarning esa yoqasi chok:

*Bulbul fig'onu qumri chekib ohu nolalar,  
Gullar chamanda choki giribon qachong'acha?*<sup>7</sup>

Bu yerda ham gul go'zal yuzning, g'uncha esa mo'jaz labning timsoli bo'lib kelyapti.

Mana bu baytda esa tik va to'g'riligi jihatidan ma'shuqaning kelishgan qomati nisbat beriladigan sarv, shamshod, suman kabi daraxt-u giyohlar jonlantirilib, yor gulshanda jilva qilganini ko'rib, barchasi-ning beli bukilishi tasviri keltiriladi:

*Jilva qil gulshanda, jono, sarvu shamshod-u suman  
To ko'rub xijlat yukidin bellari bo'lsun duto.*<sup>8</sup>

Boshqa bir baytda esa halqa zulfiga sunbul asiru nafis xatiga rayhon fido, qizil lola ol yonog'ining tamg'a urilgan (bu yerda lolaning bag'ridagi qora dog'i ko'zda tutilmoqda) qulidir deb, sunbul-u, rayhon-u lolani oshiq inson darajasiga ko'taradi:

*Asiri halqayi zulf-u xatidur sunbul-u rayhon,  
G'ulomi dog'dori orazidur lolayi ahmar.*<sup>9</sup>

<sup>1</sup> Shu manba.

<sup>2</sup> Shu manba. 174-bet.

<sup>3</sup> Shu manba. 50-bet.

<sup>4</sup> Shu manba. 117-bet.

<sup>5</sup> Shu manba. 176-bet.

<sup>6</sup> Shu manba. 53-bet.

<sup>7</sup> Shu manba. 42-bet.

<sup>8</sup> Shu manba. 172-bet.

<sup>9</sup> Shu manba. 174-bet.



Muqimiy ijodida tashxis san'ati, ko'pincha, tashbeh, mubolag'a, tazod, husni ta'lil, tajohuli orifona kabi san'atlar bilan birgalikda kelishini ko'rish mumkin:

*Oy malohatda yetolmay yuz xijolatlar bilan  
Bo'ldi kam-kam kimki bu husni kamolingni ko'rub.*<sup>1</sup>

Bu yerda o'yning ko'rk-u malohat bobida mahbubaning kamolga yetgan husniga yaqin ham borolmasligini ko'rib, yuz xijolat ichra qolishi va ozib borishida tashxis, o'yning bir to'lishib, bir ozishiga uning husn-u malohatda yorga yetolmasligidan xijolat bo'lishi sabab qilib ko'rsatilishida husni ta'lil, yor jamoli va oy husnining o'zaro qiyoslanishida tashbeh, bir-biriga zid qo'yilishida esa tazod san'atlarini ko'ramiz.

Quyidagi baytda: "Sahro ohusi ikki jodu ko'zingning ko'rganidan buyon bir umr rashk-u hasaddan o'zini qayoqqa qo'yishni bilmay ovora-yu sarson kezadi", – der ekan, ohuning sahroda charx urib yurishiga uning yor ko'zini ko'rgani sabab qilib ko'rsatiladi va ilmi bade'da bu husni ta'lil deb yuritiladi.

*Lahzae orom olmas – umrlar ovoradur,  
Ikki jodu ko'zlariningni ohuyi sahro ko'rub.*<sup>2</sup>

Yoki shoirning: "Har yili bahor faslida bog'da hino yayrab o'sar ekan, bir kuni yor oyog'ining kaf-tiga etishdan umid qiladi", – degan lutfida hino jonlantirilibgina qolmay, husni ta'lil vositasida uning har yili ko'klamda shavq bilan yorning oyog'i kaftiga etish umidi sabab qilib ko'rsatiladi:

*Ummid etib yarni kafi poyingga, chiqar  
Fasli bahor shavq ila har bog'din hino.*<sup>3</sup>

"Bahor faslida dasht-u sahroga bir nazar tashladingu lola zotining bag'rini qon aylading ketding" – mazmunli baytida ham husni ta'lilni ko'ramiz:

*Bahor ayyomida nazzora aylab dasht-u sahrog'a,  
Tamomi lolalarning bag'rini qon aylading-ketding.*<sup>4</sup>

Albatta, lolalarning bag'ri go'zal mahbuba hasratidan qon bo'lmagan, lekin shoir bu giyoh ko'ksidagi tugunga mahbuba hajrini sabab qilib ko'rsatadi.

Yana bir baytida: "Chamanga bir nazaring tushmagan bo'lsa, nega nargisning ko'zi hayratdayu g'unchaning bag'ri qon?" – deya tashxis san'atiga bilib-bilmaslikka asoslangan tajohuli orifona san'atini omixta qilib yuboradi:

*Nigohing tushmagan bo'lsa chaman ichra, na boisdin  
Qolur hayratda nargis, g'uncha dilafgor aylansun.*<sup>5</sup>

Shu o'rinda Muqimiyning tashxis san'atiga asoslangan baytlarida an'anaviylik va yakranglik ustunligini ta'kidlab o'tish lozim. An'anaviylik mavjud va mashhur tashxislarning qayta-qayta qo'llanishida ko'rinsa, yakranglik bu san'atlarning barchasi, asosan, ma'shuqaning boqqa (gulshanga, bo'stonga, gulzorga) yoki sahro (dasht, biyobon)ga chiqib, husnini namoyon qilishi yul-gul va qush-u hayvonlarning uning tengsiz husni, jonbaxsh so'zi, mavzun harakati oldida hayron qolishi, gungu lol bo'lishi, oh urishi, faryod chekishi, yoqa yirtishi, sharmanda bo'lishi kabilarda ko'zga tashlanadi. Buni ustiga ayni tasvirlarda takrorlar ham oz emas.

Ma'lumki, tashxis, aslida, xalq og'zaki ijodida keng qo'llanilib, keyin yozma adabiyotga kirib kelgan. Binobarin, tashxis san'atidan haddi a'losida foydalanish Muqimiyning shoirlik mahoratini ko'rsatibgina qolmay, asarlarining badiiyati va xalqchilligini ham ta'minlagan.

**Файзуллаева Райхон Абдуллаевна (ҚарДУ, ф.ф.ф.д.)  
МУҲАММАД РАСУЛ МИРЗОНИНГ ИРФОНИЙ ШЕЪРЛАРИ ХУСУСИДА**

*Аннотация.* Мақолада Хива адабий муҳитининг фаол намояндаси Муҳаммад Расул Мирзонинг қарашлари ирфоний шеърлари таҳлили асосида ифодаланган.

*Аннотация.* В статье представлены взгляды активного представителя литературной среды Хивы Мухаммада Расула Мирзы на основе анализа мистических стихов.

*Annotation.* In the article, the views of Muhammad Rasul Mirza, an active representative of the Khiva literary environment, are expressed on the basis of analysis of mystical poems.

<sup>1</sup> Shu manba. 51-bet.

<sup>2</sup> Shu manba. 50-bet.

<sup>3</sup> Shu manba. 170-bet.

<sup>4</sup> Shu manba. 55-bet.

<sup>5</sup> Shu manba. 162-bet.

**Калим сўзлар:** девон, газал, ҳамд, наът, муножот, мухаммас, қофия, радиф.

**Ключевые слова:** диван, газель, хамд, наът, муножот, мухаммас, рифма, радиф.

**Key words:** devon, gazelle (form of a poet), praise, na't, munojot, muxammas, rhyme, radif.

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодини ислом дини ғоялари, қарашлари ва фалсафасидан айри ҳолда тадқиқ қилиб бўлмайди. Буни мусулмон Шарқида яратилган туркий адабиётнинг илк намунаси бўлган “Қутадғу билиг”дан бошлаб, бугунги адабиётга қадар турли кўринишда тасвирланаётганини кўриш мумкин. Мумтоз адабиётимизнинг улуғ сиймоси Навоий ижодининг ана шу хусусияти тўғрисида адабиётшунос А.Ҳайитметовнинг қуйидаги хулосалари эътиборли: “Шарқ ўрта асрлари муҳитида Навоий ижодини баҳолашга умуминсоний кадрятлар нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Навоийнинг ва унинг асарларининг “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга муносабати биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Далиллар шуни кўрсатадики, бу масалада Навоий юксак даражада турган. У ҳеч қачон “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга қарши борадиган йўлни тутмаган. Бу эса унинг асарларининг катта ва умумбашарий мазмун касб этишига олиб келган. Масалан, “Ҳадис”ларда “Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас”, “Ўзинга назар қил, сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки Тангридан кўрқиб ва тақво билангина фазилатларинг зиёда бўлиши мумкин”.<sup>1</sup>

Хива адабий муҳитининг фаол намояндаси Муҳаммад Расул Мирзо қаламига мансуб диний мавзудаги асарларининг маърифий характерини инобатга олган ҳолда, ирфоний мавзу сифатида талқин қилиш лозим. Шоир ижоди яратилган кам сонли тадқиқотларда, асосан, унинг ишқий мазмундаги шеърлари таҳлилга тортилади. Ирфоний ва ахлоқий характердаги шеърлари “унутилади” ёки давр мафқураси таъсири остида танқид қилинади. Шоир ижодининг мундарижасига диққат қилсак, унда мазкур мазмунда яратилган шеърларнинг салмоғи сезиларли эканини кўрамиз. Шоирнинг ирфоний мавзудаги асарларини ҳамд, муножот, наът ва ахлоқий мазмундаги шеърлар гуруҳига бўлиш мумкин.

Мирзонинг ҳамд мазмундаги “Пайдо”, “Анга” радифли ғазаллари ва бир қатор мухаммаслари, айни пайтга қадар, мутлақо ўрганилмаган ҳамда жорий имлода берилган кам сонли шеърлар орасидан ҳам ўрин олмаган. Ваҳоланки, Мирзо адабий меросида диний мавзу ҳажм ва мазмун жиҳатдан салмоқли ўрин эгаллайди. Қолаверса, шоирнинг ирфоний шеърлари ушбу мавзуда яратилган асарларнинг сара намуналари бўлиб, асосан, ҳамд ва наът мазмундаги ғазал ва мухаммаслардан иборат.

Маълумки, ислом динига эътикод қилувчи халқлар адабиётида ҳар бир йирик асар – девону тақиралар, баёз ва йирик ҳажмдаги лиро-эпик асарлар, албатта, Оллоҳ таолога ҳамд ва муножот билан бошланган. Шарқда девон тартиб беришда ҳам, аввало, ҳамд мазмунидаги ғазалларнинг берилиши асосий мезонлардан эди.

Ҳатто айрим ижодкорларда қофия ёки радифи ҳар бир ҳарф остидаги ғазалларнинг дастлабкиси ҳамд, муножот ва наът билан бошлангани маълум. Хусусан, Навоийнинг ўз девонлари тўғрисидаги эътирофи фикримизни далиллайди: “...ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалги ғазалини ё Тангри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё Расул алайҳис-салом наъти била муфаттах, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига долл бўлғай, муваззах қилинди”.<sup>2</sup>

Мирзо девони ҳам анъанага мувофиқ, “Пайдо” радифли ҳамд ғазал билан очилади:

*Зиҳи аввалки йўқдур аввалига ибтидо пайдо,*

*Анингдекдурки, эрмас охирига интиҳо пайдо.*<sup>3</sup>

Ер юзида барча нарса, жамики яратикларнинг аввали (ибтидо) ва охири (интиҳо) бор. Шу жумладан, одамнинг ҳам. Буларнинг барчаси биргина сўз билан бунёд бўлди. Азалда буларнинг ҳеч бири мавжуд эмаслигига ишорат қилади. Шоир бу ўринда Аллоҳ таолонинг “Асмой хусна” сирасидаги икки сифати – ал-Аввал (У ҳамма нарсадан аввал, яъни барча мавжудотлар йўқлигида мавжуд эди. Мавжудотларни “Аввал” сифатига эга бўлган Аллоҳ яратди. Яъни, Аллоҳ келишининг бошланиши йўқдир) ва ал-Охир (У ҳамма нарса йўқ бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолади) бадиий ният рўёби учун маҳорат билан фойдаланади.

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1993, 35-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Мукамал асарлар тўплами. 1-жилд, Т., “Фан”, 1987, 20 – 21-бетлар.

<sup>3</sup> Мирзо Муҳаммад Расул. Девон. ЎзР ФА ШИ, 911/1 рақамли қўлёзма. 1<sup>б</sup> (Кейинги ўринларда фақат саҳифалар бериб борилади).

Бу радиф билан ғазал ёзган ижодкорлар кўп бўлиб, Алишер Навоий ва Фузулийдан сўнг Огаҳий, Феруз, Комил ва Мирзога замондош шоирларнинг деярли барчасида учрайди. Эътиборлиси, бу радиф билан тугайдиган ғазалларнинг барчаси ҳамд руҳида ёзилган бўлиб, ҳар бир шоир олам ва одам Яратувчисининг салоҳиятини ўз бадиий маҳорати қадар таърифлашга интилгани аниқлашади.

**Огаҳий:**

*Зиҳи жонларга васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,  
Ғаҳи дарду фироқинг хавфидин ранжу тааб пайдо.<sup>1</sup>*

**Феруз:**

*Зиҳи бордур зуҳурингга азал бирла абад пайдо,  
Тафаккур айлабон Зотинг, қила олмас хирад пайдо.<sup>2</sup>*

**Комил:**

*Зиҳи ҳуснунг гулига йўқ баҳори ибтидо пайдо,  
Ҳам эрмас бу баҳорингга хазони интиҳо пайдо.<sup>3</sup>*

Кўринадики, Мирзо мумтоз адабиётда шаклланган девонларни ҳамд билан бошлаш анъанасига риоя қилади ва унга муносиб жавоб айта олади.

Мирзонинг Огаҳий қаламига мансуб “Пайдо” радифли (юқорида матлаъси келтирилган) ғазалига боғлаган муҳаммаси ҳам ҳамд мазмунида яратилган.

*Зиҳи, оламда йўқдур сандин ўзга ҳеч Раб пайдо,  
Бори зокирга зикринг эмнидин олий ҳасаб пайдо.  
Бўлур сандин оларга иффату ҳилму адаб пайдо,  
Зиҳи, жонларга васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,  
Ғаҳи дарди фироқинг хавфидин ранжу тааб пайдо.*

Тахмисда иймон-этиқодли банданинг Яратганга бўлган чексиз муҳаббати, шукронаси ва таъвозуъси мадҳ этилади. Мирзо устозининг илгари сурган фикрларини, диний-ирфоний қарашларини давом эттира олган. Бир қарашда, тахмис ягона қалам остидан чиққан мустақил асар каби тасаввур беради. Шу ўринда, яна бир жиҳатга диққат қаратиш лозим. Мирзо тахмис бандларида қўшилган уч мисранинг бошланиши (аниқроғи, биринчи сўзи)да ғазал байтининг илк сўзини айнан келтиради. Биринчи бандда “зиҳи” (“қандай яхши”, “қандай гўзал”) ундовининг икки ўринда қўлланиши байтга қўшилган учликлар шаклан бир бутунлик ҳосил қилиш билан бирга, моҳиятнинг мукамаллигига хизмат қилган.

Мирзо ижодида ушбу йўналишда яратилган асарлар қаторига муножотларни ҳам киритиш мумкин. Муножот Шарқ халқлари адабиётида лиро-эпик асарларнинг анъанавий кириш қисмида алоҳида боб сифатида қўлланган бўлса, девонларда, одатда, ҳамдан сўнг келадиган ғазаллар ва тартиб билан жойлаштирилган бошқа жанрларга оид “ёлвориш”, “илтижо” мазмунидаги шеърлардир. Шайх Аҳмад Тарозий таъбири билан айтганда, муножот “Тенгри ҳазратинда тазарру қилмоқдирн”.<sup>4</sup> Мирзонинг ушбу мавзудаги ғазаллари худди шу руҳда ижод этилган. “Бу хилдаги ғазалларда Оллохнинг борлигию бирлиги, буюк қудратию чексиз саховати, раҳматининг беададлигию лутфининг беқиёслиги, Унинг улуғ сифатлари мадҳ этилади”.<sup>5</sup> Масалан, шоир Оллохга муножот руҳидаги “Илоҳо” радифли ғазалида бундай ёзади:

*Илоҳо, гарчи журмимдур фаровон,  
Вале афв айласанг оллингда осон.*

Инсоннинг ўз гуноҳлари кўплигидан надомати, бунинг афви учун Яратганнинг раҳматидан умидворлиги исломий этиқоднинг асосий мезони. Бу ҳақда Куръони каримнинг “Шўро” сураси 25-оятда ўқиймиз: “Унинг Ўзи бандаларидан тавбани қабул қилур, гуноҳларини афв этур ва нима қилаётганингизни билур”. Негаки, Унинг сифатларидан бири – бўлган ва бўладиган, аввалги ва охириги, зоҳир ва ботин, умуман, ҳар бир нарсани билувчи (ал-Алийм)дир:

*Илоҳо, борча сиррим санга маълум,  
Эрур гар зоҳир ўлсун, хоҳ пинҳон.*

<sup>1</sup> Огаҳий. Девон. Асарлар. VI жилдлик. I жилд, Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1971, 51-бет.

<sup>2</sup> Феруз. Элга шоҳу ишққа кул. Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1994, 91-бет.

<sup>3</sup> Девони Комил. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инв 1949, 1<sup>б</sup>-варақ.

<sup>4</sup> Тарозий, Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2002, 1, 76-бет.

<sup>5</sup> Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2008, 184-бет.

Муножот ғазалларда, одатда, шоирнинг ўзи ягона лирик қаҳрамон вазифасини бажаради. Ушбу ғазалда ҳам худди шундай. Ўзини гуноҳкор ҳис этиш, бунинг учун тавбада бўлиб, Яратгандан маҳшар кунда шарманда қилмаслигини илтижо қилиш – мўминга хос сифат.

*Илоҳо, мунда бир инсоф тавфиқ,*

*Ато қил рўзи маҳшар нури иймон.*

Ғазалнинг мақтаёсида шоир қалб кечинмаларини хотималаб, доимо Аллоҳнинг лутфи ва марҳаматидан умидворлигини баён этади:

*Илоҳо, айлабон лутфингдин уммид*

*Эрур Мирзо ҳамиша зору гирён.*

Профессор Н.Жабборов эътироф этганидек, “Муножот – ўз моҳиятидан огоҳ инсоннинг Яратганга илтижоси. Ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳузурида айтмайдиган иқрорномаси”.<sup>1</sup> Бу фикрни Мирзо шеърятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ушбу 11 байтдан иборат ғазалнинг композициясига диққат қилинса, ундаги ҳамма байт “Илоҳо” илтижоси билан бошланади.

Шоир ижодида “Илоҳо, ғарқ ўлуб исён аро ман” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг ҳам барча байти (12) шу сўз билан бошланади. Табиийки, шоир ҳар икки ғазалда бетақрор поэтик мазмун билан мукамал шаклни уйғунлаштира олган.

Мумтоз адабиётимиз тарихида ижод қилган деярли барча адиблар ижодида Муҳаммад с.а.в.ни васф этиб яратилган асар (наът)ни учратиш мумкин. Девон тартиб бериш мезонларига мувофиқ наът, асосан, ғазалларда учрайди. Уларнинг мазмунига диққат қилинса, Муҳаммад с.а.в. энг улуғ ва комил инсон сифатида таъриф-тавсиф қилинади. Ғазалларда нафақат пайғамбар с.а.в. мадҳи, балки юксак ахлоқий ғоялар, инсоний фазилатлар ҳам тарғиб қилинганига гувоҳ бўламиз. “Ғазалларда Расули акрамнинг энг буюк пайғамбар ва энг улуғ хулқ соҳиби экани, хайру саховати, жасорат ва шижоати, етимларга шафқати, умматини севгани, меърож воқеалари ва ҳоказо мавзулар оят ва ҳадислар орқали мадҳ этилади”.<sup>2</sup> Мирзонинг наът ғазали ҳам Муҳаммад с.а.в.нинг улуғ сифатлари билан бошланади:

*Беҳад салом онгаки, эрур шоҳи анбиё,*

*Маъмури амр ўлурга русулдур онга сипоҳ.*

Барча пайғамбарлар раҳбари бўлган улуғ зотга саловот ва саломлар бўлсинки, улар (расуллар) бу зотнинг амрларига бўйсунувчи сипоҳларидир. У зотга бошқа пайғамбарларга берилмаган кароматлар насиб этди. Хусусан, “Меърож” воқеасида рўй берган ходисалар шулар сирасидандир.

*Чун айлади карам анга Ҳақ рутбаи уруж,*

*Ул тун жамоли шамъи била бўлди нурзиё.*

Ҳақ таоло пайғамбар алайҳиссаломга Ўз ҳузурига кўтарилиш мартабасини (рутбаи уруж) берди. Ўша тунда у зотнинг юзларидан таралаётган нурдан бутун олам чароғон бўлди.

Пайғамбаримиз Меърож мўъжизаси орқали тириклик пайтларидаёқ Оллоҳ васлига мушарраф бўлганлар. Шунинг учун ҳам энг комил инсон – Муҳаммад с.а.в.<sup>3</sup> Мирзо бу зотнинг рухонияти билан боғлиқ воқеа ва сифатларни ғазалда истифода этар экан, бунда ижодкорнинг мустаҳкам эътиқоди ва руҳияти ҳам намоён бўлади.

Мирзонинг юқорида мурожаат қилинган мавзулардаги шеърларини аниқлаш ва истифода этиш шоир ижодий мероси, унинг қарашлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларимизни тўлдириши билан бирга, мумтоз адабий меросимиз хазинасини ҳам бойитади.

**Ruzmetova Oydinoy Erkinboy qizi (UrDU tarix yo‘nalishi 191-tarix guruhi magistranti)  
O‘ZBEKISTON AHOLISINING FASHIZM USTIDAN QOZONILGAN G‘ALABAGA  
QO‘SHGAN HISSASINI YORITISHDA FRONT GAZETA VA JURNALLARINING ROLI**

*Annotatsiya. Ushbu maqolada matbuotning tarixiy manba sifatidagi ahamiyati, urush davridagi tarixiy vaziyatlarning front gazetalarida yoritilishi va ularni o‘zbek askarlarining jangovarligini, ruhiya-*

<sup>1</sup> Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. док-ри...дисс., Тошкент, 2004, 129-бет.

<sup>2</sup> Сайфуллоҳ С. Наът ғазаллар моҳияти. “Хазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар” китобига сўз боши. Т., “Ноширлик ёғдуси”, 2010, 3-бет.

<sup>3</sup> Олим С. Нақшбанд ва Навоий. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996, 109-бет.

tini oshirishdagi hissasini ko'rsatishda o'z aksini topgan. Shuningdek, front gazetolari faoliyati va jurnalistlari to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.

**Аннотация.** Статья отражает важность прессы как исторического источника, освещение исторических событий во время войны в фронтовых газетах и их вклад в военную способность и моральный дух узбекских солдат. Также предоставлена информация о деятельности журналистов и фронтовых газет

**Annotation.** This article reflects the importance of the press as a historical source, the coverage of historical events during the war in the front-line newspapers and their contribution to the combative and morale of Uzbek soldiers. It also provides information about the activities of front-line newspapers and their journalists.

**Kalit so'zlar:** matbuot, Qizil Armiya, front gazetolari, maqolalar, "Front haqiqati", harbiy muxbirlar va jurnalistlar, "Sovet jangchisi", shiorlar, xat-xabarlar, g'alabaga qo'shilgan hissa.

**Ключевые слова:** пресса, Красная Армия, фронтовые газеты, статьи, "Правда фронта", военные корреспонденты и журналисты, советский воин, лозунги, переписка, вклад в победу.

**Key words:** the press, the Red Army, the front-line newspapers, the articles, the Front Truth, the military correspondents and journalists, the Soviet warrior, the slogans, the correspondence, the contribution to the victory.

Har bir jamiyatning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotini o'zida yorqin aks ettiradigan ko'zgu – bu matbuot. Matbuot jamiyat hayotining turli sohalarida ro'y bergan va ro'y berayotgan voqealarni shunchaki aks ettiribgina qolmay, matbuot materiallari yordamida uzoq va yaqin tarix haqida aniq tasavvur hosil qiladi. Matbuot xalq va jamiyat tarixini o'rganishda muhim manba vazifasini bajaradi. XX asr boshlarida dunyoga kelgan milliy o'zbek matbuoti ham millatimiz, yurtimiz tarixini o'rganishda o'ziga xos manba vazifasini bajaradi.

Ikkinchi jahon urushi urushlar tarixida miqyosi jihatidan eng yirigi bo'ldi. Shu o'rinda, Ikkinchi jahon urushini boshlagan fashistlar Germaniyasi va yapon militarizmiga. qaqshatqich zarba bergan, buyuk tarixiy g'alabaga boshqa xalqlar qatori katta hissa qo'shgan o'zbek xalqining ulkan jasoratini tilga olmaslikning iloji yo'q. Urushda O'zbekistondan 1,5 million kishi janglarda bevosita ishtirok etgan.<sup>1</sup>

